


Тақиюддин Набахоний

ИСЛОМ ДАВЛАТИ



ХИЗБУТ ТАХРИР
НАШРЛАРИДАН

Тақийюддин Набаҳоний. Ислом давлати
Ўзбек тилидаги иккинчи наشري
1423ҳ - 2002м

Мундарижа

Муқаддима	5
Бошланиш нуқтаси	8
Саҳобаларнинг уюшиши	10
Даъватнинг ёйилиши	11
Даъватга қарши кураш	13
Даъватнинг таъсир кўрсатиши	18
Даъватнинг икки даври	22
Даъват доирасининг кенгайиши	25
Ақбадаги биринчи байъат	26
Мадинада даъват	27
Ақбадаги иккинчи байъат	30
Исломиё давлатнинг барпо бўлиши	36
Жамиятни бино қилиш	37
Уруш муҳитини тайёрлаш	40
Урушнинг бошланиши	42
Мадинадаги ҳаёт	45
Яҳудий ва насронийлар	47
Бадр ғазоти	50
Бану Қайнуқони сургун қилиш	52
Ички нотинчликларни бартараф этиш	53
Аҳзоб ғазоти	58
Ҳудайбия сулҳи	63
Кўшни давлатларга элчилар юбориш	71
Хайбар ғазоти	74
«Қазо» умраси	76
Мўъта ғазоти	77
Макканинг фатҳ қилиниши	80
Ҳунайн ғазоти	83
Табук ғазоти	88
Исломиё давлатнинг Арабистон ярим ороли устидан ҳукмронлиги	91
Исломиё давлат жиҳози	93
Исломиё давлат ва яҳудийлар	96
Исломиё давлатнинг давом этиши	100
Исломиё давлатнинг ички сиёсати	104
Исломиё давлатнинг ташқи сиёсати	109
Исломиё фатҳлар Иломни ёйиш учундир	113
Исломиё фатҳларни мустаҳкамлаш	115
Халқларни бирлаштириб, битта умматга айлантириш	119
Исломиё давлатнинг заифлашуви сабаблари	123
Исломиё давлатнинг инқирози	127
Миссионерлик ҳужуми	133
Салибчилар адовати	141
Миссионерлик ҳужумининг асоратлари	145
Исломиё оламга сиёсий ҳужум	150
Исломиё давлатни тугатиш	153
Исломиё давлат барпо бўлиши олдидаги тўсиқлар	162
Исломиё давлатни барпо қилиш мусулмонларга фарздир	168
Исломиё давлат барпо бўлишининг қийинчиликлари	172
Исломиё давлат қандай барпо бўлади	177
Дустур лойиҳаси	181

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Расулulloҳ ﷺ дедилар:

«تَكُونُ النَّبُوَّةُ فِيكُمْ مَا شَاءَ اللّٰهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَا جِ بِنَهَا جِ النَّبُوَّةُ فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللّٰهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ اللّٰهُ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا عَاصِيًا، فَيَكُونُ مَا شَاءَ اللّٰهُ أَنْ يَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا جَبْرِيَّةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللّٰهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَا جِ النَّبُوَّةُ»

«Сизларнинг орангизда Оллоҳ хоҳлаганича пайғамбарлик давом этади. Сўнг Оллоҳ хоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосида Халифалик бўлади ва у Оллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Оллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг раййятига зулм ва адолатсизликлар етадиган подшолик бўлади ва у Оллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Оллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг золим ва зўравон подшолик бўлади ва у Оллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Оллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради.

Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосида Халифалик бўлади».

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

МУҚАДДИМА

Ҳозирги авлод Иломни тўла татбиқ этган Исломиё Давлатни кўрмади. Фарб йўқ қилган Исломиё (Усмоний) Давлатнинг охириги даврларида яшаган одамлар фақат исломий ҳоқимият қолдиқлари ҳукм сураётган бир давлатни кўрдилар, холос. Шунинг учун ҳозирги воқелик ҳукмронлик қилаётган тасаввурга Исломиё Давлат бошқарувининг суратини келтириш мусулмонлар олдидаги гоёт мушкул нарса бўлиб қолди. Одамлар бошқарувни исломий юртларга мажбуран киритилган бузуқ демократик тузумларнинг ўлчовидагина тасаввур қила олишади. Қийинчилик фақат бундагина эмас, балки энг огири Фарб сақофати билан заҳарланган бу зеҳнларни ўзгартиришдир. Дарҳақиқат, Фарбнинг бу сақофати Исломиё Давлатга қарши қаратган қуроли бўлди. У бу қурол билан Исломиё Давлатни бутунлай йўқ қиладиган қақшатқич зарба берди ва бу давлатнинг фарзандларига ўлдирилган оналарининг қони оқиб турган қуролини кўрсатиб, фахр билан: «Мен сизларнинг гамингизни емагани учун ўлимга маҳкум бўлган оналарингизни ўлдирдим ва сизлар учун шундай бир гамхўрлик тайёрладимки, унинг соясида бахтли ҳаёт ва абадий неъмат лаззатларидан баҳраманд бўласизлар», деди. Мусулмонлар қучоқ очиб қотилга пешвоз чиқишди. Ваҳоланки, оналарининг қони Фарбнинг бу қуролидан ҳалигача аригани йўқ. Фарб уларга нисбатан йиртқич ҳайвоннинг ишини қилди - йиртқич ўлжасини ғафлатда қолдириб, чанг солади. У зарбадан ўзига келганда кеч бўлади ва йиртқич уни ўрмонга элтиб ейди.

Ушбу заҳарланган ақл эгалари Исломиё Давлатни йўқ қилган ва улар маҳкам тутган бу заҳарли қурол ҳаётларини хазон қилишини билишармикин?! Улар олиб юрган миллатчилик ва динни давлатдан ажратиш фикрлари-ю, Иломга таъна тошларини отувчи раъйлар - уларга ушбу сақофат берган заҳарларнинг бир қисми эканини билишармикин?! Ушбу «Исломиё Давлат» китобининг «Миссионерлик ҳужуми» боби (бу боб бошидан-охиригача ҳақиқатлар ва ҳаққоний рақамлардан иборат) бизга жиноятчи қотилнинг башарасини очиб беради. Уни бу жиноятга қўл уришга ундаган сабабни ва Исломиё Давлатни йўқотишга эришиш йўлида қўллаган воситаларини фош қилиб ташлайди. Сабаб Иломни ер юзидан ўчириб ташлаш бўлса, воситаларининг энг ёмони миссионерлик хуружи олиб келган ушбу сақофат эди.

Дарҳақиқат, мусулмонлар бу сақофат хатаридан ғафлатда қолдилар. Улар мустамлакачига қарши кураша бошладилар ва шу вақтнинг ўзида унинг сақофатини олар эдилар. Ҳолбуки, мана шу сақофат уларнинг мустамлака бўлишларининг сабабчиси эди, шу

сақофат ёрдамида мустамлакачилик уларнинг юртларида мустаҳкам ўрнашаётган эди. Улар ўзларининг қанчалар аянчли ва кулгили аҳволга тушиб қолганига бир қарашсин. Улар ажнабийга қарши турган ҳолда, унинг қаттол заҳарини ичиш учун қўлларини узатишади ва ҳалок бўлаётганларини ўйлашмайди. Ҳақиқий аҳволни билмаганлар уларни жангда шахид бўлди, деган хаёлга боради. Ҳолбуки, улар гафлат ва залолат қурбонларидир.

Мусулмонлар ўзи нима истамоқда? Исломдан бошқа асосга қурилган давлатни хоҳламоқдами ёки Ислом юртларида бир қанча давлатлар бўлишиними? Дарҳақиқат, Фарб уларга - иш унинг қўлига ўтгандан бери - Исломни бошқарувдан узоқлаштириш, мусулмонларнинг юртларини парчалаб ташлаш ва уларни арзимас салтанатлар билан алдашни кўзлаган режасини амалга ошириш учун жуда кўп имтиёзлар берди. Фарб уларни янада адаштириш ва парчалаб ташлаш мақсадида уларга давлат ҳуқуқини беришда давом этмоқда. Фарб мусулмонларга - модомики улар унинг мабда ва тушунчаларини олиб юришар экан - Фарбга тобе бўлиб юришлари эвазига янада қўпроқ имтиёзлар беришга тайёр.

Гап фақат давлатга эга бўлишдагина эмас, балки бутун Ислом оламида ягона давлат барпо бўлишидадир. Шунингдек, гап қандайдир давлат барпо бўлишида ҳам, Оллоҳ нозил қилмаган қонунлар билан ҳукм юритадиган фақат номи исломий давлатнинг дунёга келишида ҳам, номи исломий, ўзи шарият қонунлари билан ҳукм юритадиган, лекин Исломни фикрий етакчилик сифатида ташқарига олиб чиқмайдиган давлатнинг пайдо бўлишида ҳам эмас. Ҳа, гап бундай давлатнинг барпо бўлишида эмас, балки Исломий ҳаётни ақида асосида қайта қурадиган, дин қалбларнинг тўридан ва фикру зикридан жой олгандан кейин Исломни жамиятга татбиқ этиб, Исломий давлатни бутун оламга ёядиган **ДАВЛАТ**нинг юзага келишидадир.

Исломий Давлат эс-ҳушни чалғитадиган хаёлий нарса эмас. У ўн уч аср давомида ўзлигини тўла намоён этиб келган ҳақиқатдир. Мозийда шундай бўлган, яқин келажакда ҳам шундай бўлажак. Зеро, унинг вужудга келиш омиллари замоннинг рад этиши-ю, қарши туришини писанд этмайди. Бугун шаръий адолатга ташна исломий умматнинг орзуси бўлмиш бундай давлат ақлларга қувват бериб турибди.

Исломий давлат кимларнингдир хоҳиш-истагидан пайдо бўлиб, қалбларни забт этган рағбат эмас. Балки у Оллоҳ Таоло мусулмонлар зиммасига юклар, уни адо этишга буюрган фарзидир. Бу ишда сустлик қилинса, азоб беражагидан огоҳлантирган. Мусулмонлар юртларида азизлик Оллоҳ, Расули ва мўминлар учун бўлмагач, Раббиларини қандай рози қиладилар? Улар қўшинларни газотга тайёрлайдиган, чегараларни ҳимоя қиладиган, Оллоҳнинг

ҳадларини ижро этадиган ва Оллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм юритадиган давлатни барпо қилмасдан Раббиларининг азобидан қандай нажот топадилар?

Шунинг учун мусулмонлар Исломи Давлатни барпо этишлари лозим. Зеро, давлатсиз Ислому таъсир кучига эга бўлмайди, шунингдек, у шариату аҳкомлари асосида бошқарилмас экан, уларнинг юртлари Дорул-Ислому деб эътибор қилинмайди!

Шунга қарамасдан, Исломи Давлатни барпо қилиш шахслар ёки партиялардан вакиллар сайлаб, кейин ҳокимият уларнинг қўлига ўтиб қоладиган даражада осон иш эмас. Бу йўлга тиканлар тўшалган, хавф-хатар таҳдид солиб туради, у гов ва қийинчиликларга тўла. Ғайриисломий сақофату энг катта қийинчилик, юзаки фикрлаш жиддий тўсиқ ва Ғарбга тобе давлатлар асосий хавф-хатарни ташкил қилади.

Исломи Давлатни вужудга келтириш йўлида юрганлар Исломи юртларда исломий ҳаётни қайта бошлаш ва бутун оламга Исломи даъватни ёйиш учун ҳокимиятни қўлга киритиш мақсадида иш олиб борадилар. Мавжуд ҳокимиятга мафтун этувчи омиллар турли хил бўлмасин, улар ундан озгина бўлса ҳам рози бўлмайдилар, шунингдек, токи Ислому инқилобий татбиқ қилиш имкониятига эга бўлмас эканлар, бундай ҳокимиятни қабул ҳам қилмайдилар.

Мазкур «Исломи Давлат» китобидан Исломи Давлат тарихини ёритиш мақсад қилинмаган. Балки одамлар Расулуллоҳ ﷺ Исломи Давлатни қандай тиклаганлари, мустамлакачи кофирлар Исломи Давлатни қандай йўқ қилгани ва зулмат қоронғулигида ҳидоят йўлини ёритиб берадиган нурни қайтариш учун мусулмонлар Исломи Давлатни қандай барпо этишларини кўрсатиб бериш мақсад қилинган.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

БОШЛАНИШ НУҚТАСИ

Расулulloҳ ﷺ пайғамбар қилиб жўнатилганларида завжалари Хадичани даъват қилдилар ва у киши иймон келтирдилар. Кейин амакиларининг ўгли Алийни даъват қилдилар, у ҳам иймон келтирди. Қуллари Зайдни даъват қилдилар, у ҳам иймон келтирди. Дўстлари Абу Бакрни даъват қилдилар, у ҳам иймон келтирди. Кейин бошқа одамларни даъват қила бошладилар. Расулulloҳ ﷺнинг пайғамбарликларига ишонганлар иймон келтиришди, рад этганлар кофир бўлишди. Абу Бакр ؓ иймон келтирганидан кейин ишонган одамларига мусулмон бўлганини ошкор этиб, уларни Оллоҳга ва Расулига даъват қилди. Абу Бакр ؓ юмшоқ табиатли ҳамда қавми яхши кўрадиган ва ҳурмат қиладиган киши эди. У илми, тижоратда тадбиркор ва яхши суҳбатдош бўлгани учун қабиладошлари унинг олдига келиб кўп ишларда маслаҳат сўрашар эди. Унинг қўлида Усмон ибн Аффон, Зубайр ибн Аввом, Абудурраҳмон ибн Авф, Саъд ибн Абу Ваққос, Талҳа ибн Убайдуллоҳлар Исломга киришди. Улар Абу Бакрнинг даъватига жавоб беришгач, уларни Расулulloҳ ﷺнинг олдидарига олиб келди ва улар иймон келтиришиб, намоз ўқишди. Кейин Абу Убайда (Омир ибн Жарроҳ), Абу Салама (Абдуллоҳ ибн Абдул Асад), Арқам ибн Абу Арқам, Усмон ибн Мазъун ва бошқалар Исломга кирдилар. Кейин одамлар - эркагу аёллар - тўп-тўп бўлиб Исломга кира бошлашди ва Исломнинг зикри Маккада ошкор бўлиб, одамлар фақат шу ҳақда гапирадиган бўлишди. Аввалда Расулulloҳ ﷺ одамларнинг уйларига борар, уларга: «Оллоҳ Таоло сизларни ёлғиз Ўзига ибодат қилишга ва Унга ҳеч нарсани шерик қилмасликка буюради», дер эдилар. Оллоҳ Таолонинг буйруқларига бўйсуниб Маккада одамларни Исломга очиқ даъват қилар эдилар. Оллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الْمُدَّثِّرُ ﴿١﴾ قُمْ فَأَنْذِرْ ﴿٢﴾

– „Эй либосларига бурканиб олган зот, туринг-да, одамларни охират азобидан огоҳлантиринг!“ [74:1-2]

Одамлар билан боғланиб, уларни Ислом динига киришга ундар ва мана шу дин асосида уларни ўз афрофларига яширинча тўплар эдилар. Расулulloҳ ﷺнинг асҳоблари намозларини тоғ дараларига бориб қавмларидан яширинча ўқишар эди. Расулulloҳ ﷺ Исломга аввал кирган ва диндан хабардор кишиларни Исломга янги кирганларга Қуръон ўргатишлари учун юборар эдилар. Ҳаббоб ибн Араттни Зайнаб бинти Хаттоб ва унинг эри Саидга Қуръон ўргатиш учун юбордилар. Умар ибн Хаттоб уларнинг олдига келиб қолган пайтда улар Саиднинг уйида бўлиб, Ҳаббоб уларга Қуръон

ўқитаётган эди. Умар мана шу одамлар орасида Исломга кирди. Расулulloҳ ﷺ бу билан кифояланмадилар, балки мусулмонларга Қуръонни ўргатиш, ушбу мўмин уюшмага марказ бўлиши ва бу янги даъватга мадраса бўлиши учун бир ҳовлини танладилар. Бу ҳовли Арқам ибн Абу Арқамнинг ҳовлиси эди. Бу ерга мусулмонларни жамлаб, уларга Қуръон ўргатар, изоҳлаб берар, Қуръонни ёдлаш ва маъносини тушунишга буюрар эдилар. Қачон бирон шахс Исломга кирса, уни ҳам Дорул Арқамга қўшар эдилар. Уч йил давомида Расулulloҳ ﷺ бу мусулмонларни тарбияладилар, бирга намоз ўқидилар. Кечалари ухламасдан ибодат қилсалар, улар ҳам бирга ибодат қилди. Бу билан Расулulloҳ ﷺ намоз ўқиш ва Қуръон тиловат қилиш орқали уларда руҳонийликни пайдо қилдилар. Оллоҳнинг оятлари ва махлуқотлари ҳақида ўйлаш ва тадаббур қилиш орқали уларнинг фикрини уйғотдилар. Уларнинг ақларини Қуръон маънолари ва лафзлари, Ислом тушунчалари ва фикрлари билан бойитдилар. Озорларга сабр қилишга чақирдилар. Итоатга ва бўйсунушга ўргатдилар. Натижада улар Олий ва Қудратли Оллоҳга ҳолис бандалар бўлиб етишди. Оллоҳ Таолонинг:

﴿٩٤﴾ فَاصْدَعْ بِمَا تُؤْمَرُ وَأَعْرِضْ عَنِ الْمُشْرِكِينَ

– „Бас, сиз ўзингизга буюрилган ишни (яъни Ҳақ динга даъват қилишни) амалга оширинг ва мушриклардан юз ўгининг, уларга эътибор берманг!“ [15:94]

оятини нозил бўлгунча Расулulloҳ ﷺ ва мусулмонлар Арқам ибн Абу Арқамнинг ҳовлисида яширин ҳолда иш олиб бордилар.

САҲОБАЛАРНИНГ УЮШИШИ

Расулulloҳ ﷺ ёши, мартабаси, жинси ва аслидан қатъий назар кимларда ушбу даъватни қабул қилишга рағбатни кўрсалар, уларни даъват қилар эдилар. Бу борада одам танламас эдилар, балки ҳаммани тенг кўрар ва уларнинг даъватни қабул қилиш қобилятларига эътибор берар эдилар. Кўпчилик Исломга кирди. Исломни қабул қилган мусулмонларга дин аҳкомларини ўргатишга ва Қуръонни ёдлатишга катта эътибор берар эдилар. Шу тариқа мусулмонлар жам бўлдилар ва даъватни ёйдилар. Расулulloҳ ﷺ пайгамбар қилиб юборилганларидан то бу ишни ошкор қилишга буюрилгунларигача саҳобаларнинг сони - эркак ва аёлларни қўшиб ҳисоблаганда - қирқдан ошди. Улар турли ёшдаги ва турли муҳитлардан чиққан кишилар бўлиб, кўпчилиги ёшлар эди. Уларнинг орасида кучлиги ҳам, заифи ҳам, бойи ҳам, камбағали ҳам бор эди. Расулulloҳ ﷺ га иймон келтирган ва у зотдан ажралмасдан даъват ишларини бирга олиб борганлар қуйидаги саҳобалар эди: 1. Алий ибн Абу Толиб, иймон келтирганда ёши саккизда эди. 2. Зубайр ибн Аввом, ёши саккизда. 3. Талха ибн Убайдуллоҳ, ёши ўн бирда. 4. Арқам ибн Абу Арқам, ёши ўн иккида. 5. Абдуллоҳ ибн Масъуд, ёши ўн тўртда. 6. Саид ибн Зайд, ёши йигирмага етмаган. 7. Саъд ибн Абу Ваққос, ёши ўн еттида. 8. Масъуд ибн Рабиъа, ёши ўн еттида. 9. Жаъфар ибн Абу Толиб, ёши ўн саккизда. 10. Суҳайб Румий, ёши йигирмага етмаган. 11. Зайд ибн Ҳориса, йигирмага яқинлашиб қолган. 12. Усмон ибн Аффон, йигирмага яқинлашиб қолган. 13. Тулайб ибн Умайр, йигирмага яқинлашиб қолган. 14. Ҳаббооб ибн Аратт, йигирмага яқинлашиб қолган. 15. Омир ибн Фуҳайра, ёши йигирма учда. 16. Мусъаб ибн Умайр, ёши йигирма тўртда. 17. Миқдод ибн Асвад, ёши йигирма тўртда. 18. Абдуллоҳ ибн Жаҳш, ёши йигирма бешда. 19. Умар ибн Хаттоб, ёши йигирма олтида. 20. Абу Убайда ибн Жарроҳ, ёши йигирма еттида. 21. Утба ибн Ғазвон, ёши йигирма еттида. 22. Абу Ҳузайфа ибн Утба, ўттизга яқинлашиб қолган. 23. Билол ибн Рабоҳ, ўттизга яқинлашиб қолган. 24. Иёш ибн Рабиъа, ўттизга яқинлашиб қолган. 25. Омир ибн Рабиъа, ўттизга яқинлашиб қолган. 26. Нуъайм ибн Абдуллоҳ, ўттизга яқинлашиб қолган. 27-30. Мазъун ибн Ҳабибнинг ўғиллари: Усмон ибн Мазъун, ўттизга яқинлашиб қолган. Абдуллоҳ ибн Мазъун, ёши ўн еттида. Қудома ибн Мазъун, ёши ўн тўққизда. Соиб ибн Мазъун, йигирмага яқинлашиб қолган. 31. Абу Салама (Абдуллоҳ ибн Абдул Асад) Махзумий, ўттизга яқинлашиб қолган. 32. Абдурраҳмон ибн Авф, ўттизга яқинлашиб қолган. 33. Аммор ибн Ёсир, ёши ўттиз билан қирқ ўртасида. 34. Абу Бакр Сиддиқ, ёши ўттиз еттида. 35. Ҳамза ибн Абдулмутталиб, ёши қирқ иккида. 36. Убайда ибн Ҳорис, ёши эликда эди. Шунингдек, аёллардан ҳам кўпчилик Исломга кирган эди. Бу саҳобалар уч йил давомида сақофатда пишиб етилгач, ақллари Ислом билан шаклангач ва нафслари шариат ҳукмларига биноан қаноатга кўниккач, Расулulloҳ ﷺ хотиржам бўлдилар. Саҳобаларнинг Оллоҳ Таолога бўлган алоқаларини идрок қилишлари уларнинг амалларида очиқ намоён бўлаётганини кўрдилар. Бу ишлардан Расулulloҳ ﷺ хурсанд бўлдилар. Зеро, мусулмонлар уюшмаси кучли ва бутун жамиятга қарши туришга қодир уюшмага айланган эди. Шунинг учун Оллоҳ буюрган пайтда бу уюшмани ошкор қилдилар.

ДАЪВАТНИНГ ЁЙИЛИШИ

Исломиё даъват Расулulloҳ ﷺ пайғамбар қилиб юборилган биринчи кундан бошлаб ҳаммага маълум бўлган эди. Маккадаги одамлар Муҳаммад янги динга даъват қилаётганини, кўпчилик Исломга кирганини, Муҳаммад асҳобларини уюштириб, уларни тарбиялаётганини ҳамда мусулмонлар янги динни оммалаштириш учун яширинча ҳаракат қилишаётганини билишар эди. Одамлар янги даъватни ва унга иймон келтирганларни билишса-да, мўминларнинг қаерда тўпланишлари-ю, тўпланаётганлар кимлар эканидан беҳабар эдилар. Шунинг учун Расулulloҳ ﷺнинг Исломи Макка кофирларига эълон қилишлари янгилик бўлмади, балки ушбу мўмин уюшманинг одамларга ошкор этилиши кутилмаган ҳол эди. Ҳамза ибн Абдулмутталиб, ундан уч кун кейин эса Умар ибн Хаттоб Исломга кирди. Бунинг натижасида мусулмонлар кучли жамоага айландилар. Шунда Расулulloҳ ﷺга Оллоҳ Таолонинг ушбу:

فَاصْدَعْ بِمَا تُؤْمَرُ وَأَعْرِضْ عَنِ الْمُشْرِكِينَ ﴿٩٤﴾ إِنَّا كَفَيْنَاكَ الْمُسْتَهْزِئِينَ ﴿٩٥﴾ الَّذِينَ يَجْعَلُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ فَسَوْفَ يَعْلَمُونَ ﴿٩٦﴾

– „Бас, сиз ўзингизга буюрилган ишни (яъни Ҳақ динга даъват қилишни) амалга оширинг ва мушриклардан юз ўгиринг, уларга эътибор берманг! Албатта, Биз Ўзимиз сизни масҳара қилувчиларни ҳалок этиш учун кифоя қилурмиз. Улар Оллоҳга яна бошқа «илоҳ»ларни шерик қилувчи кимсалардир. Бас, яқинда (Қиёмат кунда) бу қилмишларининг оқибатини билиб олурлар“; [15:94-96] ояти нозил бўлди. Шундан кейин Расулulloҳ ﷺ Оллоҳнинг буйруғини амалга оширдилар ва мусулмонлар уюшмасини барчага ошкор қилдилар. Бироқ, баъзи бир мусулмонлар то Макка фатҳигача яширин ҳолатда қолишди. Расулulloҳ ﷺ бу уюшмани ошкор қилишлари қуйидаги услубда бўлган эди: Расулulloҳ ﷺ асҳоблари икки саф бўлиб чиқдилар. Сафларнинг бирига Ҳамза ибн Абдулмутталиб, иккинчисига эса Умар ибн Хаттоб бош бўлиб боришар эди. Расулulloҳ ﷺ уларни араблар ҳали кўрмаган гўзал бир тартибда Каъбага олиб бордилар ва Каъбани бирга тавоф қилдилар. Шундай қилиб, Расулulloҳ ﷺ асҳоблари билан яширин фаолият давридан очиқ фаолият даврига, рағбат билдирганларни даъват қилиш давридан барчага хитоб қилиш даврига ўтдилар. Шундан кейин жамиятда иймон билан куфр ўртасида, соғлом фикрлар билан фасод фикрлар ўртасида тўқнашув бошланди. Иккинчи босқич - таъсир кўрсатиш ва курашиш босқичи бошланди. Кофирлар даъватга қарши курашни ва Расулulloҳ ﷺга ва асҳобларига турли йўллар билан озор беришни бошлаб юборишди. Мана шу таъсир қилиш ва курашиш босқичи барча даврларда қийинчиликларга тўла бўлган. Расулulloҳ ﷺнинг уйлари тошбўрон қилинар, уйлари олдига Абу Жаҳлнинг хотини Умму Жамил нажосатлар ташлаб қўярди.

Расулulloҳ ﷺ уларни олиб қўйиш билан кифояланар эдилар. Бир куни Абу Жаҳл бутларга қурбонлик қилиб сўйилган қўйнинг ичакларини намоз ўқиб турганларида Расулulloҳ ﷺнинг устларига ташлаб қўйди. Расулulloҳ ﷺ бу озорга ҳам сабр қилиб, қизлари Фотиманинг олдига бордилар, қизлари Расулulloҳ ﷺнинг кийимларини ювиб берди. Буларнинг барчаси Расулulloҳ ﷺда сабрни ва даъватга янада қаттиқ киришиш иштиёқини кучайтирди. Мусулмонлар таҳдид ва озорларга дучор бўлар эдилар. Ҳар бир қабила ўзидаги мусулмонларга зулм қилар, динидан қайтаришга уринарди. Мушриклардан бири ҳабаший қули Билолни Исломда собит бўлгани сабабли ўлдириш учун жазирама иссиқда қумга ётқизиб, устига катта тош бостириб қўйди. Билол мана шундай ҳолатда ҳам «Аҳад, Аҳад» сўзларини такрорлаб, Раббисининг йўлида бу азобга бардош берди. Бир аёл Исломдан боболарининг динига қайтишга рози бўлмагани учун зулмга дучор қилиниб, оламдан кўз юмди. Мусулмонлар мушриклар томонидан калтакланар, турли қаттиқ ҳақоратларга дуч келар эдилар. Улар бу озорларнинг барчасига Оллоҳ Таолонинг розилигига эришиш учун сабр билан чидар эдилар.

ДАЪВАТГА ҚАРШИ КУРАШ

Расулulloҳ ﷺга Исломи дини юборилгач, одамлар у киши ва даъватлари ҳақида гапира бошладилар. Қурайш қабиласидагилар бу ҳақда кўп гапирмас эди. Чунки улар бошида бунга аҳамият беришмади ва Расулulloҳ ﷺнинг гаплари ҳам роҳиблар ва ҳақимларнинг гаплари каби қуруқ сафсата, одамлар яна ота-боболари динига қайтишади деб ўйлашган эди. Шунинг учун дастлаб унга ортиқча эътибор беришмади, қаршилик ҳам қилишмади. Расулulloҳ ﷺ улар тўпланиб ўтирган жойлардан ўтиб қолсалар: «Мана бу Абдулмутталибнинг ўғли нуқул осмондан гапиради», дейишар эди. Аҳвол шундай давом этди. Лекин Расулulloҳ ﷺнинг даъватлари бошланганига ҳеч қанча вақт ўтмай, бу даъватнинг хатарли эканини ҳис қилишгандан кейин Расулulloҳ ﷺга қаршилик кўрсатишга, пайини қирқиб, қарши курашишга келишиб олишди. Даставвал Расулulloҳ ﷺни обрўсизлантириш ва пайғамбарликлари хусусидаги гапларини ёлғонга чиқариш билан шуғулланишди. Кейин Расулulloҳ ﷺдан пайғамбарликларини исботлайдиган мўъжизалар талаб қила бошлашди. Нима учун Муҳаммад Сафо ва Марван олтинга айлантириб қўймайди? У гапираётган китоб нима учун осмондан тэйёр ёзилган ҳолда тушмайди? Муҳаммад жуда кўп гапирадиган Жаброил нима учун уларнинг кўзига кўринмайди? Нега у ўликларни тирилтирмайди? Макка тоғлар қуршовида қолмаслиги учун нимага уларни бошқа жойга кўчириб юбормайди? Нима учун Макка аҳли сувга муҳтожлигини била туриб, Замзам сувидан кўра ширинроқ сувли булоқ чиқармайди? Нима учун унга Раббиси нарсаларнинг нархларини ваҳий қилмайди? Шунда катта фойда кўришар эди. Улар Расулulloҳ ﷺга ва даъватларига қарши мана шундай масхара услуби билан хуруж қилишди. Лекин бу нарса Расулulloҳ ﷺни даъватдан чалғитмади, балки одамларни Оллоҳнинг динига ундаш, бутларни қоралаш, уларга сизгиниб, улуғловчиларнинг нодонлигини фош қилишда давом этдилар. Қурайшликларга бу нарса қаттиқ таъсир қилди. Шунинг учун улар Расулulloҳ ﷺни даъватларидан қайтариш мақсадида барча воситаларни ишга солишди, бироқ бунинг фойдаси бўлмади. Улар бу даъватга қарши кураш учун қўллаган энг асосий воситалар қуйидаги уч восита эди:

1. Азоб ва қийноқларга дучор қилиш.
2. Ички ва ташқи ташвиқот.
3. Алоқани узиш.

Расулulloҳ ﷺни қавмлари ҳимоя қилишига қарамасдан, у киши ва муслмон сафдошлари қийноқларга дучор бўлди. Мушриклар азобларнинг барча турларини ишга солишди. Ёсир оиласининг барча аъзоларини динидан қайтариш учун жуда қаттиқ қийноққа солдилар. Лекин бу азоблар уларда сабот ва иймонни зиёда қилди. Улар азобланаётган пайтда Расулulloҳ ﷺ уларнинг олдидан ўтаётиб, уларга қарата: **«Эй Ёсир оиласи, сабр қилинглар! Зеро, сизларга жаннат ваъда қилингандир. Мен сизлар учун Оллоҳ томонидан бирор нарсага эга эмасман».** Расулulloҳ ﷺ уларга **«Сизларга жаннат ваъда қилингандир»**, деганларида, Ёсирнинг хотини Сумайя: «Ё Расулаллоҳ, мен уни очиқ-

равшан кўриб турибман», деди. Қурайш Расулulloҳ ﷺ ва асҳобларига азоб беришни бир лаҳза ҳам тўхтатмади.

Қурайш бу усул фойда бермаганини кўргач, Маккада ва Ҳабашистонда бошқа қуролни - Исломга ва мусулмонларга қарши ташвиқот воситасини ишга солди. Ташвиқотнинг барча турлари - мунозара қилиш, ҳужжат келтириш, сўқиш, миш-мишлар тарқатиш кабилардан фойдаланишди. Исломий ақидага, унинг тарғиботчисига қарши туҳматлар уюштиришди. Расулulloҳ ﷺ ни ёлғончига чиқаришга уринишди. Муҳаммадга қарши Маккада ва унинг ташқарисиди, хусусан, ҳаж мавсумида ташвиқот қилиш кўзланган ҳар бир сўзни пухта тайёрлай бошлашди. Қурайшликларнинг Расулulloҳ ﷺ га қарши ташвиқот қилишга қанчалик эътибор беришганини ушбу ҳодисадан ҳам билса бўлади. Улардан бир нафари ҳаж мавсумида Маккага келганларга Муҳаммад тўғрисида нима дейишни маслаҳатлашиб олиш учун Валид ибн Муғийранинг уйига тўпланди. Баъзилари уни қоҳин дейишни таклиф қилди. Валид ибн Муғийра Муҳаммад айтаётган гаплар қоҳинларнинг ғулдираши ҳам, хиргойиси ҳам эмас, деб унинг таклифини рад этди. Баъзилари Муҳаммадни жинни деймиз, деган таклифни ўртага ташлади. Валид бу таклифни ҳам Муҳаммадда жинниликнинг бирор аломати йўқ, деб рад этди. Бошқалар Муҳаммадни сеҳргар, деймиз деган раъй билдирди. Валид бунга ҳам Муҳаммад тугунларга дам солмайди ва сеҳргарлар каби бирор иш қилмайди, деб кўнмади.

Узоқ тортишув ва мунозаралардан кейин Муҳаммадни сўз сеҳргари деб айблашга келишиб тарқашди. Кейин ҳажга келган араблар орасида юриб, Муҳаммад сўз сеҳргари, унга қулоқ солманглар, у айтаётган гаплар сеҳр бўлиб, кишини ака-укаларидан, ота-онасидан, хотини ва қариндошларидан ажратиб юборади. Ким унга қулоқ солса, Муҳаммад уни сеҳрлаб, аҳли оиласидан ажратиб юборишининг хаффи бор, деб огоҳлантиришди. Лекин бу ташвиқот ҳам фойда бермади ва Ислом даъватини тўхтата олмади. Кейин Қурайш Назр ибн Ҳориснинг олдига бориб, Расулulloҳ ﷺ га қарши ташвиқот юритишга ундади. Шундан кейин Назр Расулulloҳ ﷺ одамларни Оллоҳнинг динига даъват қилиб тўплаган ерларига Расулulloҳ ﷺ дан кейин бориб, форслар ва уларнинг дини ҳақида ҳикоя қилиб, Муҳаммаднинг гаплари нимаси билан менинг гапларимдан чиройли? У ҳам мен айтиб бераётган - ўтганларнинг афсоналарини айтиб бермаяптими, дея ташвиқот юргиза бошлади. Қурайш бу гапларни одамлар орасида тарқатар эди. Шу билан бирга Муҳаммад айтаётган гапларни унга Жабр исмли насроний бир бола ўргатяпти, улар Оллоҳдан келган ваҳий эмас, деган гапларни ҳам тарқатар эди. Бу туҳматни авж олдириб юборгач, Оллоҳ Таоло уларнинг гапини рад этиб ушбу оятни нозил қилди:

وَلَقَدْ نَعْلَمُ أَنَّهُمْ يَقُولُونَ إِنَّمَا يُعَلِّمُهُ بَشَرٌ لِّسَانُ الَّذِي يُلْحِدُونَ إِلَيْهِ أَعْجَمِيٌّ وَهَذَا لِسَانٌ عَرَبِيٌّ مُبِينٌ

– „Аниқки, биз уларнинг «Қуръонни Муҳаммадга бирон одам ўргатмоқда», дейишаётганини билурмиз. Лекин уларнинг бу даъволари пучдир, чунки улар ишора қилаётган кимсанинг тили ажамий (яъни, арабий эмас), бу Қуръон эса очиқ-равшан арабийдир“.

[16:103]

Арабистон ярим оролида Қурайшнинг фитналари мана шундай давом этди. Қурайш бу билан кифояланиб қолмади, мусулмонлар Ҳабашистонга хижрат қилишганини эшитгач, Нажошийнинг хузуридагиларни мусулмонларга қарши қайраб, уларни Ҳабашистондан чиқартириб юбориш учун икки элчи юборди. Улар Амр ибн Ос ва Абдуллоҳ ибн Рабиъа эди. Улар Ҳабашистонга етиб келиб, Нажоший саройидаги бош руҳонийларга - мусулмонларни Маккага қайтаришга ёрдам қилишларини ўтиниб - ҳадялар беришди. Кейин Нажоший хузурига кириб, шундай дейишди: «Эй подшоҳ, сизнинг юртингизга биздан аҳмоқ ёшлар келган. Улар ўз қавмлари динини тарк қилишган, бироқ, сизнинг динингизга киришмаган. Ўзлари тўқиб олган биз ҳам, сиз ҳам билмаган бир динни олиб келишган. Бизни уларнинг ота-боболари, амакилари, қариндошлари уларни ўз юртларига қайтариб юборишингиз учун ёрдам сўраб олдингизга юборишди. Зеро, қариндошлари уларнинг айблари ва қилмишларини жуда яхши биладилар». Нажоший мусулмонлардан бу хусусда нима дейишларини билиш учун уларни чақиртириб сўради: «Сизлар қавмингиздан ажралишингизга, менинг динимга ва бошқа ҳеч бир миллатнинг динига кирмаслигингизга сабаб бўлган бу дин қандай?» Унга Жаъфар ибн Абу Толиб жоҳилиятдаги аҳволлари, ўзлари қандай сифатда бўлганларини баён қилиб, жавоб берди. Кейин Ислом олиб келган ҳидоятни, мусулмон бўлганларидан сўнг аҳволлари қандай суратга ўзгарганини баён этди. Кейин Қурайшнинг уларни қандай азоб ва қийноқларга дучор қилганини сўзлаб берди ва: «Қурайш бизга зўравонлик қилиб, қийноқларга дучор қилгач, бизни танг аҳволга солиб қўйгач, динимиздан қайтаришга урингач, сизнинг юртингизга келдик, бошқалардан кўра сизнинг ҳимоянгизда бўлишни танладик ва сизнинг хузурингизда зулмга учрамасликка умид қилдик», деди. Нажоший Жаъфарга деди: «Сизларда пайғамбарларингиз келтирган бирор нарса борми, менга ўқиб берсанг?» Жаъфар «Ҳа», деди ва Қуръондан «Марям» сурасининг бошидан ушбу оятигача ўқиб берди:

فَأَشَارَتْ إِلَيْهِ قَالُوا كَيْفَ نُكَلِّمُ مَنْ كَانَ فِي الْمَهْدِ صَبِيًّا ﴿٢٠﴾ قَالَ إِنِّي عَبْدُ اللَّهِ آتَانِيَ الْكِتَابَ وَجَعَلَنِي نَبِيًّا ﴿٢١﴾ وَجَعَلَنِي مُبَارَكًا أَيْنَ مَا كُنْتُ وَأَوْصَانِي بِالصَّلَاةِ وَالزَّكَاةِ مَا دُمْتُ حَيًّا ﴿٢٢﴾ وَبَرًّا بِوَالِدَتِي وَلَمْ يَجْعَلْنِي جَبَّارًا شَقِيًّا ﴿٢٣﴾ وَالسَّلَامُ عَلَيَّ يَوْمَ وُلِدْتُ وَيَوْمَ أَمُوتُ وَيَوْمَ أُبْعَثُ حَيًّا ﴿٢٤﴾

– „Шунда Марям оғиз очмасдан боласига ишора қилди, яъни унинг ўзидан сўранглар, деди. Улар айтдилар: «Бешиқдаги чақалоқ билан қандай сўзлашурмиз?!» Шу пайт чақалоқ (яъни Йўсо) тилга кириб деди: «Мен Оллоҳнинг бандасиман. У зот менга Китоб - Инжил ато этди ва мени пайғамбар қилди. Яна мени қаерда бўлсам, хайру-баракотли қилди ва модомики ҳаёт эканман, намозни адо этишни ва закотни беришни амр қилди. Шунингдек, Оллоҳ мени онамга меҳрибон қилди ва мени ситамкор, бадбахт қилмади. Менга туғилган кунимда ҳам, вафот бўладиган кунимда ҳам, қайта тириладиган кунимда ҳам тинчлик-омонлик бўлур»“.

[19:29-33]

Рухонийлар бу сўзларни эшитгач: «Бу сўзлар билан саййидимиз Ийсонинг сўзлари битта булоқдан чиқмоқда» дейишди. Нажоший ҳам: «Дарҳақиқат, бу ва Ийсо олиб келган нарса битта жойдан чиқмоқда», деди. Кейин Қурайшнинг элчиларига қараб: «Жўнанглар, мен буларни сизларга бермайман», деди. Лекин элчилар Нажошийнинг хузуридан чиқиб, бошқа йўл қўллаш ҳақида ўйлаб қолишди. Эртаси куни Амр ибн Ос Нажошийнинг олдига бориб деди: «Мусулмонлар Ийсо ибн Марям ҳақида хунук гаплар гапиришади, сиз уларни чақиртириб, Ийсо ҳақида нима дейишларини сўранг». Нажоший уларни чақиртириб, Ийсо ҳақида нима дейишларини сўради. Жаъфар айтди: «Биз у ҳақида пайғамбаримиз келтирган гапларни айтамыз. Пайғамбаримиз айтадиларки: «Ийсо ибн Марям Оллоҳнинг бандаси ва элчиси, Унинг томонидан бўлган руҳ соҳиби ва покиза Марямга етказган сўзидир». Кейин Нажоший бир чўп билан ерга чизиб, Жаъфарга: «Сизларнинг динингиз билан бизнинг динимиз ўртасида мана шу чизиқдан бошқа нарса йўқ», деди ва Қурайш элчиларини қайтариб юборди. Элчилар ҳеч нарса қила олмасдан қуруқ қайтишди.

Шундай қилиб, ташвиқотнинг барча усуллари бефойда бўлди. Расулulloҳ ﷺнинг тилларида намоён бўлаётган очиқ даъватнинг қуввати барча ташвиқотлардан устун келди. Ислom нури таралган пайтда ҳар қандай миш-мишу ташвиқотларни тарқатиб юборар эди. Шундан кейин Қурайш учинчи восита - алоқани узиш қуролини ишга солди. Улар Расулulloҳ ﷺ ва ул зотнинг қариндошлари билан алоқани узишга қарор қилишди. Бир хат ёзиб, унда Бану Ҳошим ва Бану Абдулмутталиб билан бутунлай алоқани узиш ҳақида аҳдлашишди. Унга кўра улар билан никоҳ алоқалари қилинмайди, улардан бирон нарса олинмайди, уларга бирор нарса сотилмайди. Кейин бу аҳдлашув битилган саҳифани Каъба деворига осиб қўйишди. (Бундан мақсад ушбу хужжатнинг қатъийлигини англатиш эди). Уларнинг ушбу сиёсат - алоқани узиш сиёсати қийноқларга дучор қилиш ва ташвиқот юргизиш сиёсатидан кўра самарали бўлишига ишончлари комил эди. Бу ҳолат, яъни мусулмонларни қамал қилиш уч йил давом этди. Улар Бану Ҳошим ва Бану Абдулмутталиб Муҳаммад ﷺни тарк қилади, мусулмонлар ҳам динларидан воз кечишади, кейин Муҳаммад ﷺ ёлғизланиб қолиб, ё даъватини тўхтатади ёки даъватининг Қурайшга ва унинг динига ҳеч бир хавфи қолмайди, деб ўйлашди. Бироқ, бу нарса Расулulloҳ ﷺда Оллоҳнинг арқонини (Қуронни), Оллоҳнинг динини маҳкам ушлашни ҳамда Оллоҳга даъват қилиш йўлида шижоатни янада кучайтирди. Расулulloҳ ﷺ билан иймон келтирганлардаги сабр-тоқат ва қатъиятти зиёда қилди. Маккада ва унинг ташқарисида даъватнинг ёйилишига тўсқинлик қила олмади. Қурайш Муҳаммадни қамал қилгани хабари Макка ташқарисидаги арабларга етиб борди. Шу боис даъват ҳақидаги гаплар бошқа қабилаларга ҳам тарқалди. Арабистон ярим оролида Ислomнинг зикри оммалашди. Карвонлар ҳам Ислom ҳақидаги гапларни тарқатиб юрарди. Лекин алоқани узиш давом этар, очликка маҳкумлик тугамаган эди. Қурайш алоқани узишга келишган аҳдлашув ўз кучида

эди. Расулulloҳ ﷺ қариндошлари билан Макка ташқарисида тоғлар орасида паноҳ топдилар. Улар очлик, маҳрумлик, муҳтожлик аламларини бошларидан кечирар эдилар. Кўпинча жон сақлаб қолишга етадиган егулик тополмас эдилар. Шунингдек, уларга одамлар билан ҳаром қилинган ойлардан бошқа пайтларда аралашуш ва гаплашишга ҳам рухсат йўқ эди. Бу ойларда Расулulloҳ ﷺ Маккага тушиб, арабларни Оллоҳнинг динига даъват этар, Оллоҳнинг раҳматига эришиш хабарини етказар, азоблардан огоҳлантирар ва кейин яна тоққа қайтар эдилар. Бу ҳол мусулмонларга арабларнинг меҳрини ошириб юборди. Уларнинг баъзилари Расулulloҳ ﷺнинг даъватларига эргашган бўлса, баъзилари мусулмонларга яширинча озиқ-овқат ва сув юборар эди. Ҳишом ибн Амр туяга озиқ-овқат ва бугдой ортиб, ярим кечада тоғ орасига келиб уни мусулмонлар томонга ҳайдаб юборар эди. Мусулмонлар туяни ушлаб, унга юкланган овқатларни истеъмол қилишар, ўзини сўйиб гўштани ер эдилар. Бу ҳол узлуксиз уч йил давом этди. Уларга дунё танг-тор бўлиб қолди. Ниҳоят, Оллоҳ уларга озодликни юборди ва қамални очиб ташлади. Бу шундай бўлган эди: Қурайш йигитларидан бештаси - Зухайр ибн Абу Умайя, Ҳишом ибн Амр, Мутъим ибн Адий, Абу Бухтарий ибн Ҳишом ва Замъа ибн Асвадлар тўпланиб, аҳдлашувнинг ва алоқани узишнинг оқибатлари ҳақида сўзлашишди. Ундан нафратланишди, бир-бирларига бу ишдан газабда эканларини изҳор қилишди ҳамда бу аҳдлашувни бекор қиладиган ва у битилган саҳифани йиртиб ташлашга олиб борадиган бир иш қилишга аҳдлашишди. Эртаси куни Каъбага боришди. Зухайр келиб Каъбани етти марта тавоф қилгач, одамларга деди: «Эй аҳли Макка, ҳеч ким савдо-сотиқ қилмагани сабабли Бану Ҳошим ҳалок бўлиб кетаверадию, биз таом еб, кийим кийиб юраверамизми?! Оллоҳга қасамки, бу золим, ўртани узувчи ушбу саҳифа йиртиб ташланмагунча ўтирмайман». Бу гапларни Абу Жаҳл охиригача ҳам эшитмай, унга қараб қичқирди: «Ёлғон гапирасан, Оллоҳга қасамки у йиртилмайди». Байтуллоҳнинг турли томонларидан Замъа, Абу Бухтарий, Мутъим ва Ҳишомлар қичқириб, Абу Жаҳлни ёлғончига чиқаришди ва Зухайрни қўллаб-қувватлашди. Абу Жаҳл бу иш келишилган иш эканини, қавм бунга келишганини, унга қарши чиқиш ёмонликка олиб боришини тушунди ва қўрқиб орқага чекинди. Мутъим саҳифани йиртиб ташлаш учун турди, уни олиб қараса, бошида «Бисмикаллоҳумма» деб ёзилган қисмидан бошқа ерларини қурт еб бўлган экан. Қурайш йигитлари алоқани узиш аҳдини бекор қилишлари билан Расулulloҳ ва асҳоблари тоғ орасидаги қамалдан чиқиб, Маккага қайтишларига рухсат бўлди ва улар Маккага қайтишди. Расулulloҳ ﷺ даъватларини яна давом эттирдилар, мусулмонларнинг сони кун сайин ортаверди. Шундай қилиб, Қурайшнинг қийноққа дучор қилиш, ташвиқот ва алоқани узиш каби кураш воситалари самара бермади. Улар мусулмонларни динидан чиқара олмади, Расулulloҳ ﷺни даъватларидан қайтара олмади. Пировард натижада Оллоҳ Таоло бу даъватни барча қийинчилик ва тўсиқларга қарамасдан голиб қилди.

ДАЪВАТНИНГ ТАЪСИР КЎРСАТИШИ

Қурайшнинг Исломий даъват билан тўқнашиши табиий эди. Чунки Расулуллоҳ ﷺ даъватни ошкор этган, бутун оламга қарши туриб мусулмонларнинг қудратини намойиш этадиган уюшмани ташкил этган эдилар. Бундан ташқари, бу даъват Макка мушрикларига ва Қурайшга қарши курашни ҳам ўз ичига олган эди. Чунки у Оллоҳни яккаю ягона илоҳ деб билишга, ёлғиз Унга ибодат қилишга, бутларга сифинишни тарк этишга ҳамда ўзлари яшаётган бузуқ тузумдан воз кечишга чақирар эди. Шунинг учун у Қурайш билан тўқнаш келди. Расулуллоҳ ﷺ қурайшликларнинг ақлсиз эканларини фош этаётган, илоҳларини таҳқирлаётган, бир чақага қиммат ҳаётларини танқид қилаётган, зулм асосидаги турмуш воситаларининг оқибати ҳалокат эканини айтаётган бўлсалар-у, улар билан тўқнашмаслик мумкинмиди?! Расулуллоҳ ﷺга Қуръон нозил бўлар, Қурайш мушрикларига ҳужум қилиб, очиқ лафзлар билан шундай дер эдилар:

﴿۱۷۸﴾ **إِنَّكُمْ وَمَا تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ حَصَبُ جَهَنَّمَ أَنتُمْ لَهَا وَارِدُونَ**

– „Эй мушриклар, сизлар ҳам, Оллоҳни тарк қилиб, сифинаётган бутларингиз ҳам жаҳаннам ўтинларидирсиз“. [21:98]

Кейин Қуръон тирикчиликларининг асоси бўлган судхўрликни кескин қоралаб айтди:

﴿۱۷۹﴾ **وَمَا آتَيْتُمْ مِنْ رَبِّا لِيَرْبُؤَا فِي أَمْوَالِ النَّاسِ فَلَا يَرِثُوا عِنْدَ اللَّهِ**

– „Сизлар одамларнинг моллари ичида зиёда бўлиб қайтиши учун берган судхўрликдан иборат молларингиз, яъни менга кўпроқ бўлиб қайтади деб берган совға-саломларингиз Оллоҳнинг олдида зиёда савоб олишингизга сабаб бўлмас“. [30:39]

Тарози ва ўлчовлардан уриб қоладиган кимсаларни қаттиқ азобдан огоҳлантирди:

﴿۱۸۰﴾ **وَيْلٌ لِّلْمُطَفِّفِينَ ﴿۱﴾ الَّذِينَ إِذَا أَكْتَالُوا عَلَى النَّاسِ يَسْتَوْفُونَ ﴿۲﴾ وَإِذَا كَالُوهُمْ أَوْ وَزَنُوهُمْ يُخْسِرُونَ ﴿۳﴾**

– „Ўлчов ва тарозидан уриб қолувчи кимсаларга ҳалокат бўлгай! Улар одамлардан бирон нарсани ўлчаб олганларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берганларида эса кам қилиб берадиган кимсалардир“. [83:1-3]

Шунинг учун мушриклар Расулуллоҳ ﷺга қарши туришди, у киши ва асҳобларига бир сафар қийноқларга дучор қилиш билан, бошқа сафар алоқани узиш билан ва Расулуллоҳ ﷺга ва даъватларига қарши ташвиқот юргизиш билан озор беришди. Лекин Расулуллоҳ ﷺ уларга зарба беришда давом этдилар. Хато раъйларга қарши курашни, бузуқ ақидаларни танқид қилишни ва даъватни ёйишни тўхтатмадилар. Расулуллоҳ ﷺ Исломга турли сўз ўйинларини ишлатмасдан, одамларнинг хоҳишларига мослашмай, тилёғламалик қилмай, бирон кимсанинг тарафини олмай очиқ даъват қилар эдилар. Қурайшдан етаётган турли-туман озорларга ва ҳар қадамда дуч келаётган машаққатларга эътибор бермас эдилар. Ҳолбуки, Расулуллоҳ ﷺнинг

қўллаб-қувватловчи ёрдамчилари, тайёрлаб қўйган нарсалари ва қурол-яроқлари йўқ эди. Шундай бўлса ҳам Расулulloҳ ﷺ бутун оламга очиқчасига қарши туриб, Оллоҳнинг динига чин иймон билан даъват қилдилар. Бу борадаги даъват ишларини амалга оширишда заифликка йўл қўймадилар. Бу Қурайшнинг Расулulloҳ ﷺ билан одамлар ўртасини тўсиб қўйиш учун қўйган тўсиқларини енгиб ўтишда ўз самарасини берди. Расулulloҳ ﷺ одамлар орасига кириб, уларга даъватни етказавердилар ва одамлар Оллоҳнинг динига кирди. Ҳақнинг қуввати ботилдан баланд келди. Араблар ўртасида Ислом нурининг ёйилиши кундан-кунга ортаверди. Натижада бутларга сиғинувчиларнинг ва насронийларнинг кўпчилиги мусулмон бўлди. Қурайш бошлиқлари қалбларида ҳам Қуръонга мойиллик пайдо бўлиб, унга қулоқ сола бошлашди.

Маккага Туфайл ибн Амр Давсий келди. У шоир, фаросатли ва олижаноб киши эди. Қурайш мушриклари унга пешвоз чиқиб, Муҳаммаддан эҳтиёт бўлишга чақирди ва: «Унинг сўзлари сеҳр кабирди, кишини аҳли оиласидан ажратиб юборди, Маккада бизнинг бошимизга тушган нарсалар сенга ва қавминга ҳам етишидан кўрқамиз. Яхшиси сен у билан гаплашмагин, унинг гапларига қулоқ ҳам солмагин», дейишди. Бир куни Туфайл Каъбага борди. Расулulloҳ ﷺ ўша ерда эдилар. Туфайл Расулulloҳ ﷺнинг сўзларига қулоқ солди. Қараса чиройли гаплар. Шунда у ўзига-ўзи: «Ҳолимга вой, Оллоҳга қасамки, мен фаросатли ва шоир кишиман, менга нима яхши, нима ёмонлиги беш қўлдек аён. Шундай бўлгач, бу одамнинг гапларини эшитишдан мени нима қайтаради. Агар у келтирган нарса яхши бўлса оламан, ёмон бўлса олмайман», деди. Кейин Расулulloҳ ﷺга эргашиб уйларига борди ва кўнглидаги гапларини изҳор этди. Расулulloҳ ﷺ уни Ислом динига киришга чақирдилар ва Қуръон оятларидан ўқиб бердилар. Туфайл шаҳодат калимасини айтиб, чин дилдан гувоҳлик берди. Ўз қавмига қайтиб боргач, уларни ҳам Исломга даъват қила бошлади.

Расулulloҳ ﷺ Маккадалик пайтларида пайғамбар чиқибди деган хабарни эшитиб олдиларига насронийлардан йигирма киши келди. Улар Расулulloҳ ﷺ билан суҳбатлашишди, сўрайдиган нарсаларини сўрашди, гапларини тинглашди. Кейин Расулulloҳ ﷺнинг даъватларини қабул қилишиб, иймон келтиришди. Бу ҳол Қурайш мушрикларини газаблантирди, ҳатто уларни сўкишиб: «Оллоҳ сизларни ноумид қилсин! Ортингизда қолган диндошларингиз сизларни бу одамнинг хабарини билиб келиш учун юборган бўлишса-ю, сизлар унинг ҳузурига ҳали кирар-кирмас динларингиздан воз кечиб, унинг айтганларини тасдиқлаб ўтирибсизлар», дейишди. Қурайшнинг бу гаплари уларни пайғамбарга эргашишдан қайтара олмади. Балки Оллоҳга бўлган иймонларини янада зиёда қилди. Бу билан Расулulloҳ ﷺнинг ишлари зоҳир бўлиб, одамларнинг Қуръон эшитишга иштиёқлари кучайди. Ҳатто Расулulloҳ ﷺга ашаддий душман бўлган қурайшлиklar ҳам: «Унинг янги динга

даъват қилаётгани ҳақми, у ваъда қилаётган ва огоҳлантираётган нарсалар ростми?», деб ўзларига савол бера бошлашди. Бу саволлар уларни Қуръон эшитиш учун яширинча ҳаракат қилишга ундади. Абу Суфён, Абу Жаҳл, Амр ибн Ҳишом ва Ахнас ибн Шурайқ бир кеча Муҳаммад уйдалигида уни тинглаш учун чиқишди. Ҳар бири беркиниб эшитишга бир жой танлади. Лекин улар бир-бирларининг турган жойларини билмас эдилар. Муҳаммад ﷺ кечалари жуда оз ухлаб, Қуръон ўқиб чиқар эдилар. Улар Оллоҳнинг оятларини тинглашди ва қалблари ундан қаттиқ таъсирланди. Тонг отгунча шундай ҳолда Қуръон эшитишди. Кейин уйларига қайтишаётганида учрашиб қолишди ва бир-бирларини маломат қилишиб: «Қайтиб бундай қилманглар, қавмларингиздаги баъзи бир аҳмоқлар сизларни кўриб қолса, бу ҳол ишларингизга путур етказди ва Муҳаммаднинг сизларнинг устингиздан голиб қилади», дейишди. Эртаси куни кечаси уларнинг ҳар бири яна кеча бўлган жойларига боришга қаттиқ иштиёқ ҳис қилишди. Бу кечани ҳам аввалги кечани ўтказган жойда ўтказиш ва Муҳаммаднинг Раббиси китобини ўқишини эшитиш учун гўёки оёқларининг ўзи етаклаб боргандай бўлиб, бунга қаршилиқ қила олмадилар. Тонг палласи қайтаётган пайтларида яна учрашиб қолишди. Бир-бирларини яна маломат қилишди. Маломатлари уларни учинчи кечада ҳам боришдан қайтара олмади. Муҳаммаднинг даъвати олдида заифликларини билишгандан кейин бу ишни такрорламасликка бир-бирларига ваъда беришди. Лекин уч кеча эшитганлари уларнинг қалбларида шундай из қолдирдики, унинг таъсирида эшитган нарсалари ҳақида бир-бирларининг фикрини сўрашар, ҳаммаларининг ҳам қалби изтиробда эди. Улар қавмнинг улуглари бўла туриб, ўзлари заифлик қилишдан, кейин қавмлари ҳам заифлик қилиб Муҳаммадга эргашиб кетишидан қўрқишар эди. Шундай қилиб Қурайш ҳар қандай тўсиқлар қўймасин, даъват тинмай оммалашиб борди. Бу ҳол Қурайшни қаттиқ ташвишга солар, даъват барча араб қабилалари ўртасида ёйилиб кетишидан хавфсирашарди. Шунинг учун Расулulloҳ ﷺ га ва асҳобларига азоб беришни авж олдиришди. Расулulloҳ ﷺ га нисбатан ёмонликлари чидаб бўлмас даражага етди. Шу сабаб Расулulloҳ ﷺ Тоиф шаҳрига Сақиф қабиласидан ёрдам ва ҳимоя излаб ҳамда уларнинг Исломига киришидан умидвор бўлиб бордилар. Лекин улар Расулulloҳ ﷺ нинг даъватларига ёмон жавоб қайтаришди. Ёш бола ва аҳмоқларини гиж-гижлашиб Расулulloҳ ﷺ ни сўктиришди, тошбўрон қилдиришди. Ҳатто Расулulloҳ ﷺ нинг оёқлари қонга беланди. Расулulloҳ ﷺ улардан қочиб, Рабиъанинг икки ўғли Утба ва Шайбаларнинг узумзор боғига бориб ўз ишлари ва даъват иши тўғрисида бош қотириб ўтирдилар. Зеро, энди Расулulloҳ ﷺ Маккага Макканинг мушрик бошлиқларидан бирининг ҳимоясиз киролмайдилар, Тоифга ҳам қайтиб боролмайдилар, бу ерда ҳам - боғ икки мушрик кишининг боғи бўлгани учун - қололмайдилар. Расулulloҳ ﷺ нинг ташвишлари ортди ва бошларини осмонга кўтариб, кучли алам, буюк ишонч, Оллоҳга Унинг розилигини истаб ва ўз

аҳволларидан нолиб илтижо қила бошладилар: «Ё Оллоҳ, сенга қувватимнинг камлигининг, ночорлигимдан ва одамларга хор бўлаётганимдан шикоят қиламан. Эй раҳмдилларнинг раҳмлиси, Сен заифларнинг парвардигорисан ва Сен менинг ҳам парвардигоримсан, мени кимларга топшириб қўйдинг, менга ёвқараш қиладиган нотаниш кимсаларгами ёки менинг ишларимга эга қилиб қўйганинг душмангами? Агар Сенда менга нисбатан ғазаб бўлмаса, мен бу ишларга парво қилмайман. Лекин Сенинг мени соғ-саломат ва тинч-омон қилишинг мен учун катта неъматдир. Эй парвардигорим, менга ғазабингни туширишингдан зулматларни ёритган ва дунёю охирад ишларини ислоҳ қилган юзингнинг нури билан паноҳ сўрайман. Сенинг розилигингни тилайман. Куч қудрат фақат Сендадир». Кейин Маккага Мутъим ибн Адий ҳимоясида қайтдилар. Макка мушриклари Тоифда Муҳаммад ﷺ га нима бўлганини билгач, унга озорларини яна кучайтирди. Одамларни Расулulloҳ ﷺ ни тинглашдан қайтара бошлади. Натижада, Макка мушриклари Расулulloҳ ﷺ дан юз ўгириб, унинг сўзларини тинглашдан бош тортишди. Бироқ, бу нарса Расулulloҳ ﷺ ни Оллоҳнинг динига даъват қилишдан қайтармади. Расулulloҳ ﷺ ҳаж мавсумларида араб қабилаларини Исломга даъват қилган, ўзларининг пайғамбар эканлари хабарини берган ва пайғамбарликларини тасдиқлашни сўраган ҳолларида улар билан учрашар эдилар. Лекин амакилари Абу Лаҳаб Абдул Уззо ибн Абдулмутталиб Расулulloҳ ﷺ нинг изидан қолмасдан, қаерга борсалар ўша ерда пайдо бўлиб, одамларни унга қулоқ солмасликка ундар эди. Бу нарсанинг таъсири бўлиб, Расулulloҳ ﷺ нинг сўзларини тингламай қўйишди. Кейин Расулulloҳ ﷺ қабилалар турган жойларга бориб, уларни даъват қила бошладилар. Кинда, Калб, Бану Ҳанифа, Бану Омир ибн Саъсаъа қабилаларига бордилар. Бироқ улардан ҳеч ким Расулulloҳ ﷺ га қулоқ солмади ва хунук бир тарзда рад қилишди. Бану Ҳанифа қабиласи кишилари эса ўта қабихлик қилишди. Бану Омир кишилари агар бизнинг ёрдимимиз билан ғолиб бўлсангиз, сиздан кейин иш бизга ўтсин, дейишди. Расулulloҳ ﷺ: «Иш Оллоҳнинг қўлида, хоҳлаган ерига қўяди», деганларидан кейин улар ҳам юз ўгиришди. Шундай қилиб, Макка Исломдан юз ўгирди, Тоиф аҳолиси Расулulloҳ ﷺ га эргашишдан бош тортди, араб қабилалари эса Расулulloҳ ﷺ нинг даъватларига қулоқ солишмади. Маккага ҳаж қилиш учун келаётган қабилалар Муҳаммад ﷺ нинг яккаланиб қолганларини, Қурайш унга душманлигини ва унга ёрдам берувчи ҳар қандай одамни ўзига душман деб билаётганини кўришди. Бу ҳол уларнинг Расулulloҳ ﷺ дан юз ўгиришларини, Расулulloҳ ﷺ нинг эса одамлардан ажралиб қолишларини кучайтириб юборди. Макка ва унинг атрофида даъват ишларини олиб бориш мушкуллашди. Макка аҳли шундай куфр ва қаршилик ҳолатига ўтиб олдики, бу ерда даъват ишларини олиб боришдан умид узилди.

ДАЪВАТНИНГ ИККИ ДАВРИ

Расулulloҳ ﷺ Маккада икки даврни босиб ўтдилар. Биринчиси, таълим ва сақофат бериш, фикрий ва руҳий тайёрлаш даври, иккинчиси эса даъватни ёйиш ва кураш даври эди. Биринчи давр фикрларни тушунтириб, одамларни тайёрлаб, уларни шу фикрлар атрофига уюштириш давридир. Иккинчи давр бу фикрларни жамиятдаги ундовчи кучга айлантириш даври, токи бу фикрлар ҳаёт майдонида уларни татбиқ қилиши учун туртки бўлсин. Чунки фикрлар татбиқ қилинмас экан, қуруқ маълумот бўлиб қолаверади. Бу маълумотларнинг китобларда ёки мияларда бўлишининг фарқи йўқ, чунки бу ҳолатда улар бир жойга йиғиб қўйилгандай бўлади. Шунинг учун ҳаётга татбиқ қилишга ўтилмас экан, фикрларнинг ҳеч бир қиймати бўлмайди. Фикрлар татбиқ қилиниши учун, уларни ундовчи кучга айлантириш лозим. Шунда одамлар уларга ишонади, тушуниб етади, кўтариб чиқади ва уларни татбиқ қилиш йўлида курашади. Шундагина уларни татбиқ қилиш лозим бўлган ишга ва табиий натижага айланади. Расулulloҳ ﷺ даъватни Маккада шу икки даврда мана шундай олиб бордилар. Биринчи давр одамларни Исломга даъват қилиш, уларга Ислом фикрлари билан сақофат бериш, Ислом аҳкомларини ўргатиш ва Исломий ақида асосида уюштириш давридир. Бу даъватдаги яширин уюшиш давридир. Бунга сабаб, Расулulloҳ ﷺ даъват қилишдан ҳеч ҳам тўхтамас, Исломга кирганларни фикрлар билан сақофатли қилишга тинимсиз ҳаракат қилар, уларни Арқамнинг уйига йиғиб, ҳалқалардаги уюшмага сақофат берадиган кишиларни юборар эдилар. Мусулмонлар ҳам уйларида, тоғ ораларида, Арқамнинг уйида яширинча йиғилишар эди. Кундан-кунга уларнинг иймони ортиб, бир-бирлари билан бўлган алоқалари кучайиб борар, кўтариб чиқишаётган муҳим масаланинг ҳақиқатини чуқур англаб, даъват йўлида ўзларини фидо қилишга тайёр турар эдилар. Ҳатто даъват уларнинг қалбларига ўрнашиб, Ислом уларнинг вужудларига сингиб кетди ва улар тирик Исломга айландилар. Шу сабабли улар қанчалар яширинмасин, уюшмаларини сир тутишмасин, йиғилишларини махфий қилишга қанчалар уринишмасин, даъват пинҳон бўлиб қолмади. Мусулмонлар ўзлари ишонган, даъватни қабул қилишга тайёр деб билган одамларига Ислом ҳақида гапира бошлашди. Бу билан одамлар мусулмонларнинг даъватини ва уларнинг мавжудлигини ҳис қилди. Шу ишлар сабабли даъват бошланиш нуқтасини босиб ўтди. Шу билан биринчи давр - яширин уюшиш ва уни юзага келтирадиган сақофат бериш даври ниҳоясига етди. Энди иккинчи давр - одамларга Исломни тушунтириш орқали таъсир кўрсатиш ва кураш даврига ўтиш вақти етди. Шунда одамлар Исломга жавоб беришади, унга пешвоз чиқишади ва Ислом уларнинг қалбларидан жой олади. Ёки Исломни рад қилиб, унга қарши туришади ва унинг фикрлари билан

тўқнашишади. Бу тўқнашув натижасида куфр ва бузуқлик мағлуб бўлади, иймон ва поклик қарор топиб, соғлом фикр галаба қозонади. Чунки ақллар қанчалар ўзини катта тутиб кибр қилмасин, соғлом фикрга қарши туриши, уни рад қилиши мумкин эмас, ундан таъсирланиб қолмаслик учун қочгани бефойда. Таъсир кўрсатиш даври мана шундай бошланди ва фикр билан фикр, мусулмонлар билан кофирлар ўртасида зиддият юзага келди. Бу нарса ҳизбий уюшмадан бошланди. Расулulloҳ ﷺ асҳоблари билан араблар илгари кўрмаган бир тартибда битта уюшма бўлиб чиқдилар. Кейин бориб Каъбани тавоф қилиб, ўз ишларини ошкор қилдилар. Мана шу пайтдан бошлаб Расулulloҳ ﷺ одамлар орасида даъватни очиқчасига ва бутун оламга ёя бошладилар.

Расулulloҳ ﷺга оятлар тавҳидга чақириб, бутпарастлик ва ширкни инкор этиб ва бу иккаласига қарши ҳужум қилиб, отабоболарга кўр-кўрона тақлид қилишнинг оқибати ҳалокат бўлишидан хабар бериб нозил бўла бошлади. Шунингдек, оятлар судхўрлик, бузуқ тижорат, ўлчов ва тарозиларда алдаш каби фирром муомалаларни қоралаб нозил бўла бошлади. Расулulloҳ ﷺ Ислom ҳақида одамларни жамоат қилиб тўплаб гапира бошладилар. Бир куни ўз қавмларини уйларига овқатга чақириб, улардан Ислomга ёрдам беришни талаб қилдилар, лекин улар бунга рози бўлишмади. Кейин Макка аҳлини Сафо тепалигига жамлаб гапирдилар. Бундан Қурайш бошлиқлари қўзғалиб кетди ва Абу Лаҳаб Расулulloҳ ﷺни қаттиқ ҳақорат қилди. Оллоҳнинг пайғамбари Муҳаммад ﷺ билан Қурайш ва бошқа араблар ўртасида хусумат кучайиб кетди. Шундай қилиб, даъват уйларда, тоғ ораларида ва Арқамнинг уйида ҳалқаларда марказлашган тушунтиришдан ҳамма одамларни очиқ тарғиб қилишга ўтди. Бундай оммавий даъват ва сақофат беришнинг Қурайшга таъсири бўлди. Яъни, унинг даъватга адовати кучайди ва ўзига яқинлашиб келаётган хатарни ҳис этди. Авваллари Муҳаммад ﷺга ва даъватларига беписандлик билан қараган бўлса, энди унга қарши кураш учун жиддий қадамлар қўя бошлади. Қурайш мушриклари Расулulloҳ ﷺга ва асҳобларига озор ва таъқибларини кучайтирди. Бу усулнинг даъватга ҳам таъсири бўлди. Яъни, одамларга Ислom деган сўзни эшиттирди ва Оллоҳнинг динига даъват қилиш бутун Макка аҳолиси орасида оммалашди. Ҳар куни бирор одам мусулмон бўлар эди. Заиф, нотавон ва маҳрумлар, тижоратлари Расулulloҳ ﷺ даъват қилаётган нарса тўғрисида ўйлаб кўришдан чалғитмайдиганлар иймон келтиришди. Макка савдогарлари, зодагонлари ва бошлиқларидан ҳам қалблари пок ва одил бўлганлари, жанжал ва кибрдан баланд турадиганлари иймон келтиришди. Улар даъватнинг тўғрилигини ва даъватчининг ростгўйлигини билган заҳоти Ислomга киришди. Ислom Маккада тарқалди ва эркагу аёл Ислomга кира бошлади. Гарчи Қурайш

даъватчиларни машаққат ва қийноқларга, турли-туман озорларга гирифтор этган бўлса ҳам, оммавий тарғибот самараси даъватнинг уфқларини кенгайтирди. Расулulloҳ ﷺнинг Маккада ҳукмрон бўлган зулм, шафқатсизлик ва қулдорликка қарши чиқишлари ҳамда кофирларнинг қилмишларини фош этишлари Қурайш бошлиқларининг адоватини янада алангалатиб юборди. Расулulloҳ ﷺ ва асҳоблари билан Қурайш кофирлари ўртасида энг машаққатли босқич ва энг оғир давр бошланди. Чунки сақофат бериш давридан таъсир кўрсатиш даврига ўтиш - ҳикмат билан иш олиб боришга, сабрга ва ишларни пухталиқ билан юритишга муҳтож бўлгани туфайли - натижа ва ҳолатлар қандай бўлишидан қатъий назар очиқ даъват қилиш, бутун оламга қарши чиқиш зарурлиги учун энг машаққатли давр ҳисобланади. Зеро, бу кофирларнинг мусулмонларни динларидан қайтариш даври бўлади. Бу даврда иймон, қийинчиликларни кўтара олиш қуввати, оғир дамларда матонатли бўлиш сифати намоён бўлади. Расулulloҳ ﷺ ва асҳоблари бу даврда қудратли тоғлар ҳам кўтара олмайдиган зулм, жабру-ситам ва машаққатларга чидаб, даъватни давом эттирдилар. Саҳобалардан айримлари динларини асраш учун Ҳабашистонга кетишди, баъзилари оғир азоблар остида ҳалок бўлди, бошқалари ҳар турли озорларга сабр қилди. Бу ҳолат узоқ муддат давом этди, бу муддат Макка аҳли Ислом нуридан таъсирланиши ва унда зулматлар парчаланиб кетиши учун кифоя қилди. Расулulloҳ ﷺ уч йил Арқамнинг ҳовлисида бўлиб, шу давр мобайнида яширинча уюшиш ва сақофат бериш даври ниҳоясига етган бўлса, яна саккиз йилни Расулulloҳ ﷺ кураш билан ўтказдилар. (Бу даврда одамларга мўъжизалар зоҳир бўлди). Шунга қарамасдан, Қурайшнинг мусулмонларни азоблаши камаймади, Исломга қарши урушишдан ғайрати сусаймади. Тўғри, мусулмонларнинг Қурайш билан тўқнашуви сабабли бутун Арабистон ярим ороли Исломдан хабардор бўлди. Бунга ҳожиларнинг даъват ҳақида эшитганларининг одамларга етказиши сабаб бўлди. Бироқ, кўпчилик томошабин бўлиб турар, иймон томонига бир қадам ҳам яқинлашмас, балки Қурайшни ғазаблантириб қўймаслик учун Расулulloҳ ﷺдан узоқроқ юрар эди. Бу ҳолат Расулulloҳ ﷺ ва асҳоблари учун жуда оғир бўлди. Энди учинчи даврга - Исломни татбиқ қилиш даврига ўтиш зарурати туғилди. Лекин Макка аҳлининг қаттиқ туриши бунга имкон бермас эди. Мусулмонларга нисбатан зулмнинг янада кучайиб кетиши уларга даъват учун бўш вақт қолдирмас, балки уларни чорасиз қилиб қўяр эди. Одамларнинг даъватдан юз ўгиришлари эса уларнинг аламларини янада оширар эди.

ДАЪВАТ ДОИРАСИНИНГ КЕНГАЙИШИ

Қурайшнинг Расулulloҳ ﷺ ва мусулмонларга қарши ёвузликлари жуда ҳам кучайиб, тоқат қилиб бўлмайдиган даражага етди. Расулulloҳ ﷺни Сақиф қабиласи Тоифдан ҳайдаб чиқарганидан ва Кинда, Калб, Бану Омир, Бану Ҳанифа қабилалари ҳаж мавсумида Расулulloҳ ﷺ уларни даъват қилганларида рад қилишгандан кейин бировнинг ёрдам кўрсатишидан умид узилди. Энди Қурайшдан бирор одам Исломга ҳидоят топишидан умид қилмаса ҳам бўларди. Маккага қўшни бўлган ва унга араб оламининг турли томонларидан ҳаж қилгани келадиган бошқа қабилалар Муҳаммаднинг ёлғизлик ҳолатига тушиб қолганини, Қурайш душманчилик қилаётганини, у кишига ёрдам бераётган ҳар бир одамни ўзига душман деб билаётганини кўрди. Шу сабабли Расулulloҳ ﷺдан юз ўгиришлар кўпайди. Расулulloҳ ﷺ Раббиларининг рисолати шу кунгача ўзларига эргашган тобелари билан чекланиб қолганини кўрдилар. Кун сайин Расулulloҳ ﷺ ўз қавмлари орасида ёлғизланиб борар эдилар, Қурайшнинг адовати ва одамларнинг ул зотдан юз ўгиришлари тобора авжга чиқар эди. Лекин шунга қарамасдан Расулulloҳ ﷺ ва асҳоблари Оллоҳ Таолонинг ёрдам беришига ва Ўз динини барча динлардан устун қилишига ҳар қачонгидан ҳам ишончлари комил эди. Расулulloҳ ﷺ имкон бўлди дегунча одамларни даъват қилаверардилар. Ҳаж мавсумида ярим оролнинг турли томонларидан одамлар Маккада жамланганида қабилалар олдига бориб, юз ўгиришлари ёки ҳақоратлашларига эътибор бермай даъват қилар эдилар. Расулulloҳ ﷺ одамларга Раббиларининг рисолатини етказётган пайтларида Қурайшнинг баъзи аҳмоқлари у кишига очикдан-очик беҳурматлик қилишарди. Уларнинг бу хатти-ҳаракатлари у кишининг ўз ишларига ва эртанги кунларига бўлган ишончларига асло путур етказмади. Зеро, Оллоҳ Таоло у зотни Ислом дини билан юборибдими, шак-шубҳасиз Ўзи ёрдам беради, қўллаб-қувватлайди ва динини ғолиб қилади. Расулulloҳ ﷺ у кунларда - даъват тўхтаб қолганидан аламда ва Қурайшнинг зулмига учраган ҳолатда - Оллоҳ Таолонинг енгиллик юборишини кута бошладилар. Кутиш кўпга чўзилмади, нажотнинг башоратлари Мадина томондан келди. Бу воқеа шундай юз берди: Ҳазраж қабиласидан бир гуруҳ кишилар ҳаж мавсумида Маккага келишганда Расулulloҳ ﷺ улар билан учрашдилар, гаплашиб, динга даъват қилдилар. Шунда улар бир-бирларига қараб: «Бу киши яҳудлар айтган пайғамбар-ку», дейишди ва Расулulloҳ ﷺнинг даъватларини қабул қилишди ҳамда у кишига «Бизнинг ортимизда қавмимиз (яъни Авс ва Ҳазраж) бор. Улар ўртасидагидек адоват ҳеч бир қавмда учрамайди. Шояд Оллоҳ Таоло уларни сиз сабабли бирлаштира. Агар Оллоҳ Таоло уларни сизга жамлаб берса, дунёда сиздан кўра азизроқ одам бўлмас эди», дейишди. Улар Мадинага қайтишгач, қавмларига Исломга кирганларини айтишди. Ва қабиладошлари орасида янги динга иштиёқманд одамларни бирлаштиришди. Натижада Авс ва Ҳазраж қабилаларида Муҳаммаднинг номи тилга олинмайдиган бирорта хонадон қолмади.

АҚАБАДАГИ БИРИНЧИ БАЙЪАТ

Бир йил ўтиб, навбатдаги ҳаж мавсумида Мадина аҳлидан ўн икки киши келди. Улар Расулulloҳ ﷺ билан Ақабада учрашдилар ва у кишига Ақабада биринчи байъатни бердилар: улар Расулulloҳ ﷺга **Оллоҳга ҳеч бир нарсани шерик қилмасликка, ўғрилиқ ва зинога қўл урмасликка, болаларини ўлдирмасликка, бўҳтон қилмасликка ва маъруф ишларда Оллоҳга осий бўлмасликка байъат бердилар. Агар ким бу байъатига вафо қилса, унга жаннат бўлади, агар ким бу аҳдининг бирортасини бузса, унинг иши Оллоҳга ҳавола, хоҳласа азоблайди, хоҳласа мағфират қилади. Сўнгра байъатни охирига етказиб, ҳаж мавсуми тугагач Мадинага қайтишди.**

МАДИНАДА ДАЪВАТ

Ибн Исҳоқ айтади: Мадиналиклар қайтаётганда Расулуллоҳ ﷺ уларга Мусъаб ибн Умайрни қўшиб, уларга Қуръон ўқиб бериш, Исломни ўргатиш ва динда билимдон қилишни буюрдилар. Шу боис Мусъаб Мадинада «Қуръон ўқиб берувчи» деб номланар эди. У Асъад ибн Зуроранинг уйида турди. Одамларнинг уйларига, қабилаларига бориб, уларни Исломга даъват қилар ва Қуръон ўқиб берарди. Натижада одамлар битта-битталаб иймон келтириб, охири Ислом Мадинада зоҳир бўлиб, (Авс қабиласининг Хатма, Воил ва Воқиф хонадонларидан бошқа) ансорийларнинг барча хонадонларига кириб борди. Мусъаб уларга Қуръон ўқишни ўргатар эди. У Расулуллоҳ ﷺ га мактуб йўллаб, одамларни жамлаб жума намози ўқишга рухсат сўради. Расулуллоҳ ﷺ унга рухсат бериб, ушбу мактубни йўлладилар: «Аммо баъд, яҳудлар Забурни овоз чиқариб ўқишадиган шанба кунига қара. Кун ярмидан ўтган пайтда Оллоҳга икки ракаат намоз билан ибодат қилинглар. Одамларга хутба қилгин». Мусъаб ибн Умайр улар билан Саъд ибн Ҳайсаманинг уйида жума намозини ўқиди. Улар ўн икки киши эди. Улар учун битта қўй сўйилди. Бинобарин, Мусъаб ибн Умайр Исломда жума намозини биринчи бўлиб ўқиган кишидир. Мусъаб Мадинани айланиб одамларни зиёрат қилишда, Исломга чақириб, таълим беришда давом этди. Бир куни Асъад ибн Зурора Мусъаб ибн Умайр билан Бану Абдул-Ашҳал ва Бану Зафар қабилаларига бориб, (Саъд ибн Муоз Асъад ибн Зуроранинг холасининг ўғли эди) уларнинг боғларидан бирига киришди. Боғ «Марақ қудуғи» деган жойда эди. Уларнинг олдига мусулмон бўлган одамлар келишди. Саъд ибн Муоз ва Усайд ибн Ҳузайр ўз қавмлари Бану Абдул-Ашҳалнинг саййидлари бўлиб, ўз қавмлари динида, яъни мушрик эдилар. Мусъабнинг келганини эшитгач, Саъд Усайдга деди: «Заиф, нотавон одамларимизни аҳмоқ қилиш учун келган бу икки одам олдига бор. Уларга қаттиқ гапириб, биз томонларга келишдан қайтар. Асъад ибн Зурора, ўзингга маълумки, менинг қариндошим, бўлмаса уларга ўзим кифоя қилардим. У холамнинг ўғли, унинг олдига боролмайман». Усайд найзасини олиб йўлга чиқди. Асъад уни кўриб, Мусъабга деди: «Бу одам қавмининг саййиди, сенинг олдингга келяпти. Холис бўл». Мусъаб деди: «Келиб ўтирса, гаплашаман». Усайд уларнинг тепасига келиб, сўкиниб: «Биз томонларга нима учун келдиларинг? Ожиз одамларимизни аҳмоқ қиляпсанлар. Жонларинг ўзларингга керак бўлса, бу ердан кетларинг», деди. Мусъаб унга: «Бир ўтириб гапларимизни эшитмайсанми, агар маъқул келса, оласан, ёқтирмасанг олмайсан», деди. Усайд: «Инсоф қилдинг», деб найзасини ерга санчиб, уларнинг олдига ўтирди. Мусъаб унга Ислом ҳақида гапирди, Қуръон ўқиб берди. Мусъаб ва Асъад айтадилар: «Оллоҳга қасамки, ҳали у бир оғиз сўз айтмай туриб, чеҳраси

ёришиб, мулойим бўлиб қолганидан юзида Исломни кўрдик». Усайд Мусъабнинг гапларини эшитгандан кейин: «Бу гаплар нақадар чиройли, бу динга кирмоқчи бўлсангиз, нима қиласизлар?» деди. Унга: «Ғусл қилиб, баданингни ва кийимларингни поклайсан, шаҳодат калимасини айтиб, чин дилдан гувоҳлик берасан, кейин икки ракаат намоз ўқийсан», дейишди. Бу гапларни эшитгач, у ўрнидан туриб, ғусл қилди. Кийимларини тозалади. Чин дилдан гувоҳлик бериб, кейин икки ракаат намоз ўқиди. Кейин уларга: «У ёқда бир киши бор, агар у сизларга эргашса, қавмидан бирон одам ундан орқада қолмайди. Ҳозир олдингизга Саъд ибн Муозни юбораман», деди. Сўнг найзасини олиб, Саъд ва қавми олдига кетди. Улар мажлисхоналарида ўтиришган эди. Саъд унинг келаётганига қараб туриб: «Оллоҳга қасамд қилиб айтаманки, Усайд олдиларингга бошқача бўлиб келяпти», деди. Усайд у ерга етиб борганида, Саъд унга: «Нима қилдинг?» деди. Усайд: «Икковлари билан гаплашдим, Оллоҳга қасамки, уларда бирор ёмонлик кўрмадим. Уларни бу ишларидан қайтарганимда: «Сен хоҳлаган нарсани қиламиз», дейишди. Яна шу гапни айтиб қўяйки, Бану Ҳориса қавми Асъад ибн Зурорани ўлдириш учун йўлга чиқди. Улар Асъад холангнинг ўғли эканини билиб туриб шундай қилмоқчи. Мақсадлари сенга хиёнат қилиш», деди. Саъд ғазаб билан шошилиб ўрнидан турди. У Бану Ҳориса ҳақида айтилган гаплардан хавфсираб қолган эди. Усайднинг қўлидан найзани олиб: «Оллоҳга қасамки, айтган ишимни кўнглимдагидек адо қилмадинг», деб Мусъаб ва Асъад томонга кетди. Саъд уларнинг хотиржам ўтирганини кўргач, Усайд уларнинг гапларини ўз қулоғи билан эшитсин, деб шундай қилганини билди. Уларнинг олдига сўкиниб борди ва Асъадга: «Эй Абу Умома, ўртамизда қариндошчилик бўлмаганда сенга бошқача муомалада бўлар эдим. Биз томонларга ёмон кўрган нарсаларимизни олиб келишга қандай журъат қилдиларинг!?» деди. Асъад олдинроқ Мусъабга: «Эй Мусъаб, Оллоҳга қасамки, олдинга бир сайид келади, агар у сенга эргашса, қавмидан ҳеч ким сендан ортда қолмайди», деган эди. Мусъаб Саъдга деди: «Бир ўтириб гапларимизни эшитмайсанми, маъқул келиб, раббат қилсанг, қабул қиласан, ёқмаса ёқтирмаган нарсангни сендан узоқ қиламиз». Саъд: «Инсоф қилдинг», деб найзасини ерга санчиб, уларнинг олдига ўтирди. Мусъаб унга Ислом ҳақида гапирди, Қуръон ўқиб берди. Мусъаб ва Асъад айтадилар: «Оллоҳга қасамки, ҳали у бир оғиз сўз айтмай туриб, чеҳраси ёришиб, мулойим бўлиб қолганидан унинг юзида Исломни кўрдик». Саъд Мусъабнинг «Ғусл қилиб, баданингни ва кийимларингни поклайсан, шаҳодат калимасини айтиб, чин дилдан гувоҳлик берасан, кейин икки ракаат намоз ўқийсан», деган гапларини эшитгандан кейин ўрнидан туриб ғусл қилди. Чин дилдан гувоҳлик бериб, икки ракаат намоз ўқиди. Кейин найзасини олиб

Усайд ибн Ҳузайр қавми томон кетди. Унинг келаётганини кўрган одамлар: «Оллоҳга қасамёд қилиб айтамызки, Саъд бошқача бўлиб келяпти», дейишди. Саъд уларнинг олдига етиб боргач: «Эй Бану Абдул-Ашҳал, мени ким деб биласиз?» деб сўради. Улар: «Саййидимизсан, энг фикрли ва энг баракотли бошлигимизсан», дейишди. Шунда Саъд уларга: «Оллоҳга ва Расулига иймон келтирмагунингизча, эркак ва аёлларингиз билан гаплашиш мен учун ҳаром», деди. Мусъаб ва Асъад айтади: «Оллоҳга қасамки, Бану Абдул-Ашҳал хонадонларида мусулмон бўлмаган бирор эркак ва аёл қолмади. Мусъаб Асъад ибн Зуроранинг уйига қайтиб келиб, Исломга даъват қилишда давом этди. Ҳатто ансорларнинг хонадонларидан бирорта хонадон қолмадики, унда мусулмон эркаклар ва аёллар бўлмаса. Мусъаб Мадинада Авс ва Ҳазраж қабилаларига динни ўргатиб бир йил турди. Ансорларнинг Оллоҳ буйруғига ва ҳақ сўзга интилишлари зиёдалашаётганини кўриб мамнун бўларди. Мусъаб ибн Умайр ﷺ одамларга Оллоҳнинг даъватини етказиш учун уйларига борар, далаларга чиқар, ишлаётган ерларида учрашиб, Исломга даъват қилар, саййидлар (хожалар) билан учрашиб, Оллоҳнинг динига чақирар эди. Одамлар билан алоқа ўрнатишда - худди Асъад ибн Зурора билан бирга воситалар ишлаб чиққани каби - мақсадли ҳаракатлар қилиб, уларнинг қулоқларига ҳақ сўзни етказди. Шундай қилиб, Мусъаб бир йилда Мадинада фикрларни сохта бутпарастликдан, хато туйғулардан тавҳидга ва иймонга, ширкдан ғазабга келадиган, тарозу ва ўлчовлардан уриб қолишдан нафратланадиган исломий туйғуларга ўзгартирди. Мусъаб ва у билан мусулмон бўлганларнинг фаолияти шундай бўлди - Мадинада бир йилда ширк ҳолатидан Исломга юзланиш юз берди.

АҚАБАДАГИ ИККИНЧИ БАЙЪАТ

Ақабадаги биринчи байъат яхшилик ва барака бўлди. Зеро, Ислом динига кирганлар озчилик бўлишига қарамасдан, Расулуллоҳ ﷺнинг асҳобларидан битта шахс - Мусъаб улар билан биргаликда Мадинани ва у жамиятдаги мавжуд фикр ва туйғуларни ўзгартириб юборишга кифоя қилди. Маккадаги мусулмонлар кўпчилик бўлишса-да, бироқ омма улардан ажралган эди. Чунки жамоатлар иймон келтирмади, жамият исломий фикр ва туйғулардан таъсирланмади. Мадинада эса одамлар оммавий тарзда Исломга киришди, у ердаги жамият Ислом билан, унинг фикри ва туйғулари билан таъсирланди. Бу нарса шунга далолат қиладики, шахсларнинг иймони, бу шахслар қанчалар кучли бўлмасин, жамиятдан ва оммадан ажралган ҳолда на жамиятга ва на оммага таъсир ўтказа олади. Одамлар ўртасидаги мавжуд алоқалар, фикр ва туйғулар орқали таъсирланса, даъватчилар сони қанчалар оз бўлса ҳам, ўзгариш юз беради. Яна шу нарса аён бўладики, жамият Маккадагидек кўфрда қотиб қолган пайтда, бузуқ фикрдан холи бўлган Мадина аҳлидек даъватни қабул қилиши осон кечмайди. Шунинг учун Мадинадаги жамият Маккадагидан кўра Исломдан кўпроқ таъсирланди. Зеро, Мадинадаги одамлар ўзлари кўтариб юрган фикрларнинг хатолигини ҳис қилар, бошқа фикрларни ва ҳаётлари учун бошқа низомни излар эдилар. Ҳолбуки, Макка жамияти - хусусан Абу Лаҳаб, Абу Жаҳл ва Абу Суфён каби кўфрнинг бошлари - ўз ҳолатидан хурсанд, унинг ўзгармай қолишини хоҳлар эди. Шунинг учун Мусъаб Мадинада қисқа вақт ичида даъватга қизиқишни кўради. У одамларни Исломга даъват қилиб, Ислом фикрлари ва аҳкомлари билан одамларга сақофат беради. Даъватини тез қабул қилаётганларидан, Исломга ва унинг аҳкомларини тушунишга интилаётганларидан хурсанд бўлади. Мусулмонларнинг сони кўпаяётгани туфайли Мадинадаги Ислом кучаяётганидан кўнгли кўтарилиб, таълим бериш ва даъватни тарқатишда ғайратига ғайрат қўшилади. Мадинада бир йилни шундай ўтказган Мусъаб ҳаж мавсумида Маккага қайтиб, Расулуллоҳ ﷺга мусулмонларнинг хабарини, қувватини, Исломни ва унинг тарқалиши кучаяётганини айтиб берди. Мадинадаги жамият фақат Расулуллоҳ ﷺ ҳақларида гапирадиган бўлиб қолганини, бутун Мадинада Исломдан бошқа нарса йўқлигини, уларнинг Исломни барча нарсага ғолиб қила оладиган куч-қувватга эга эканлигини ва бу йил баъзи мусулмонлар, яъни Оллоҳга иймонлари энг кучлилари, Оллоҳнинг рисолатини кўтариб чиқишга тайёрлари ва Оллоҳнинг динини ҳимоя қилишга қодирлари Маккага келишларини айтди. Расулуллоҳ ﷺ Мусъабнинг хабаридан хурсанд бўлдилар. Бу иш устида узоқ фикр юритдилар, Макка ва Мадина жамиятларини бир-бирига таққослаб кўра бошладилар. Расулуллоҳ ﷺ Маккада узлуксиз ўн икки йилни Оллоҳга даъват қилиб ўтказдилар, кучларини аямадилар, озорларнинг ҳамма турларига сабр қилдилар, шунга қарамасдан бу жамият даъватга йўл

бермасдан тошдек қотиб туриб олди. Бунга сабаб Макка аҳлининг қалблари тош, ўзлари қўпол, ақллари эски ҳолатда қотиб қолгани эди. Бутпарастликнинг бош маркази бўлган Маккадаги аҳоли дилига бутпарастлик ширки чуқур ўрнашиб олгани сабабли даъватни қабул қилиши заиф бўлди. Аммо Мадинадаги хазражликлардан бир нечасининг мусулмон бўлишидан бир йил ўтгач, ўн икки кишининг байъат бериши ва Мусъаб ибн Умайрнинг яна бир йил меҳнати Мадинада исломий муҳитни пайдо қилиш ва одамларнинг ҳайрон қолдирадиган тезликда Оллоҳнинг динига киришлари учун кифоя қилди. Агар Маккада Оллоҳнинг рисолати Қурайшнинг озорлари ва қийноқлари туфайли мусулмон бўлганлар чегарасида тўхтаб қолган бўлса, Мадинада Оллоҳнинг рисолати жуда тез ёйила бошлади, у ердаги мусулмонлар яҳудийлар ва мушриклар томонидан бирорта ҳам озорга дуч келмади. Бу эса одамларнинг диллари устидан Исломни ҳукмрон қиладиган, мусулмонлар олдида йўлни очиб қўядиган нарса эди. Шу сабабдан Расулulloҳ ﷺ га Мадина Исломга даъват қилиш учун Маккадан кўра муносиб жой экани, Мадина жамияти Ислом нури ёйиладиган макон бўлиш учун Маккадан кўра лойиқроқ экани зоҳир бўлди. Шу сабабли Расулulloҳ у ерга ҳижрат қилиш ҳақида, асҳобларининг ҳам мусулмон биродарлари олдига - улар ҳузурида фароғат топишлари ва Қурайш озорларидан қутулишлари учун - ҳижрат қилишлари ҳақида фикр юритдилар. Зеро, шунда улар даъватга имкон топишади ва Исломни татбиқ қилиш, унинг рисолатини давлат кучи ва салтанати билан оламга ёйиш босқичига кўчиришади. Мана шу нарса Мадинага ҳижрат қилишнинг сабаби эди.

Бу ерда эътиборни шу нарсага қаратиш лозимки, Расулulloҳ ﷺ даъват олдидаги қийинчиликларга дуч келганлари сабабли сабр қилмасдан ва бу қийинчиликларни енгилга уринмасдан Маккадан бошқа жойга ҳижрат қилиш ҳақида бирор марта ўйлаганлари йўқ. Зеро, Расулulloҳ фикрларини чалғитмай Маккада ўн йил сабр қилдилар. Ўн йил давомида ўзлари ва тобелари даъват йўлида оғир қийинчиликларга дучор бўлишди. Бироқ, Қурайшнинг ёвузликлари Расулulloҳ ﷺ нинг қалбларида бирор нарсани ҳам заифлаштира олмади, унга қарши курашни ниятларини сусайтира олмади, балки Раббилари тарафидан келаётган даъватга бўлган иймонлари янада мустаҳкамланди, Оллоҳнинг ёрдамига бўлган ишончлари салобат ва саботни оширди. Лекин Расулulloҳ бу тажрибалардан сўнг Маккадаги тошбағир жамиятнинг фикрлари саёз, табиати қўрс, ўзи эса залолат ботқоғига ботиб кетгани бу жамиятдан умид қилишни сусайтириб юборишини ва даъватда тажрибани давом эттириш, меҳнатни зое кетказишини кўрдилар. Шунинг учун бундай жамиятдан бошқасига ўтиш зарур эди. Бинобарин, Расулulloҳ ﷺ Маккадан ҳижрат қилиш ҳақида ўйлай бошладилар. Мадинага ҳижрат қилиш ҳақида ўйлатган нарса, ўзлари ва асҳобларига етган озорлар эмас, балки дин ташвиши эди. Тўғри, Расул

☞ асҳобларига озорлардан қочиб, Ҳабашистонга ҳижрат қилишга буюрганлар, зеро мўминлар динларини асраш мақсадида фитна маконларидан ҳижрат қилишлари жоиздир. Гарчи озорлар иймонни кучайтирса-да, қувғинлар ихлосни алангалантирса-да, қаршиликлар қасдни мустаҳкамласа-да, иймон ўз эгасини Оллоҳнинг розилиги олдида ҳамма нарсани арзимас деб санашга, иймон йўлида мол-дунё, обрў-этибор, роҳат-фароғатни ва ҳаётини қурбон қилишга ундаса-да, Оллоҳга бўлган иймон мўминни дин йўлида жонини хурсандлик билан фидо этадиган қилиб қўйса-да, лекин озорларнинг тинимсиз давом этиши, қурбонларнинг охири кўринмаслиги мўминни - унинг уфқини кенгайтирадиган, ҳақни идрок қилишини кучайтирадиган ўта нозик тааммулдан озорларга сабр қилиш ва қурбон беришга буриб юборади. Шунинг учун мўминларни фитна маконларидан ҳижрат қилишлари зарур бўлиб қолади. Бу мусулмонларни Ҳабашистонга қилган ҳижратлари ҳолатига тўғри келади. Аммо уларнинг Мадинага ҳижрат қилишларига келсак, бу янги жамиятда мусулмонларнинг рисолатини тирик суратда намоён қиладиган ҳолатга, Оллоҳнинг калимасини олий қилиш учун бутун ер юзига отилиб чиқадиган қилиб қўядиган ҳолатга етказиш учун бўлган эди. Шу сабабдан Расулуллоҳ ☞ ИслоМ Мадинада кенг тарқалгандан кейин асҳобларини у ерга ҳижрат қилишга буюрдилар. Уларни Ясрибга ҳижрат қилишларини буюришларидан ва ўзлари ҳам у ерга боришларидан олдин Мадинадан ҳажга келган мусулмонларнинг даъват ҳимоясига, ИслоМ йўлида қурбон бўлишга тайёрлигини кўришлари, улар ИслоМ давлатини барпо қилишнинг асоси бўладиган уруш байъатини бера оладими ёки йўқми, шуларни билишлари керак эди. Шунинг учун ҳожиларнинг келишларини кутдилар. Бу пайғамбарликнинг ўн иккинчи йили, яъни милодий 622 йил эди. Ҳақиқатан, Мадинадан жуда кўп ҳожилар келди, уларнинг ичида 75 та мусулмон бўлиб, 73 эркак ва иккиси аёл эди. Бу аёллар Бану Мозин ибн Нажжор қабиласидан Насиба бинти Каъб Умми Умора ва Бану Салима қабиласидан Асмо бинти Амр ибн Адий эди. Расулуллоҳ улар билан яширинча учрашдилар, уларга иккинчи байъат ҳақида гапириб, бу байъат фақат даъват қилиш ва озорларга сабр қилиш билан чекланмай, балки мусулмонлар ўзларини ҳимоя қиладиган кучга айланадиган нарсаларни ҳам ўз ичига олишини айтдилар. Шунингдек, бу байъат жамиятда ИслоМни татбиқ қиладиган, уни бутун инсониятга оламий рисолат сифатида олиб чиқадиган, айни вақтда уни ҳимоя қиладиган кучни юзага келтирадиган, ИслоМни ёйиш ва татбиқ қилиш йўлида ғов бўладиган ҳар қандай тўсиқни олиб ташлайдиган давлатни барпо этишда пойдевор ва мустаҳкам устун бўладиган асосни пайдо қилишни ҳам ўз ичига оладиган байъат бўлишини айтдилар. Суҳбат асносида уларнинг тайёрликлари пухталигига амин бўлдилар ва улар билан «Ташриқ» кунларининг бирида, ярим кечаси Ақабада учрашишга келишдилар. Уларга: «Ухлаб қолганларни уйғотманглар, йўқ

одамларни кутманглар», дедилар. Ваъдалашган кун, кечанинг аввалги учдан бири ўтгандан кейин, ишлари фош бўлишидан хавфсираб мусулмонлар секин-аста Ақабага йўл олишди ва ҳаммалари, икки аёл ҳам, тоғ тепасига чиқишди, шу ерда Расулulloҳ ﷺ ни кутиб туришди. Расулulloҳ ﷺ амакилари Аббос билан келдилар. Аббос ҳали Исломга кирмаган эди. У бу ерга акасининг ўғлига далда бўлиш учун келган эди. Аббос биринчи бўлиб гапирди: «Эй Ҳазраж жамоаси, Муҳаммад бизда қандай мақомда экани сизларга маълум. Биз уни қавмимиздаги биздек фикрда бўлган одамлардан ҳимоя қилганмиз. У ўз қавмида азизлик, ўз шаҳрида ҳимояда. У сизларнинг юртингизга кетишга қарор қилди. Агар унга вафо қилсанглар, қарши чиққанлардан асрасанглар, ўз устингларга олган аҳдинглар билан бўлинглар. Агар сизлар томонга борганидан кейин уни (душманларга) топшириб, ёрдамсиз ташлаб қўядиган бўлсанглар, ҳозирдан уни ўз ҳолига қўйинглар». Улар Аббоснинг гапларини эшитгач, унга: «Айтганларингни эшитдик», дейишди. Кейин: «Ё Расулalloҳ, гапиринг, ўзингиз ва Парвадигорингиз учун биздан хоҳлаган байъатингизни олинг», дейишди. Расулulloҳ ﷺ Қуръон тиловат қилиб, Исломга даъват этганларидан сўнг: «Хотин ва болачақаларингизни асрайдиган нарсалардан мени ҳам ҳимоя қилишингизга байъат оламан», дедилар. Барро ибн Маърур байъат бериш учун қўлини узатди ва: «Ё Расулalloҳ, байъатимизни қабул этинг. Оллоҳга қасамки, биз уруш фарзанди ва совут аҳлимиз, бу бизга ота-боболаримиздан мерос», деди. Барро гапини тугатмасдан Абу Ҳайсам ибн Таййиҳон унга эътироз билдириб деди: «Ё Расулalloҳ, биз билан яҳудийлар ўртасида аҳду паймон бор, биз уларни бузамиз, агар биз шундай қилсак, кейин Оллоҳ сизни ғалабага эриштира, бизни ташлаб қавмингизга қайтиб кетмайсизми?». Расулulloҳ ﷺ бу гапларни эшитгач, жилмайиб дедилар: «Қонга-қон, урушга-уруш, мен сизларданман, сизлар мандансизлар, сизлар уруш қилган билан урушаман, сулҳ тузган билан сулҳ тузаман». Қавм байъат қилишга қасд қилиб турган бир пайтда уларга Аббос ибн Убода эътироз билдириб деди: «Эй Ҳазраж жамоаси, бу кишига нимага биноан байъат бераётганингизни биласизми? Сизлар қизилу-қора барча одамларга қарши урушга байъат бермоқдасиз. Агар мол-дунёингизга балодан, одамларингизга ўлимдан талофат етса Расулulloҳ ﷺ ни ташлаб кетишни ўйлаётган бўлсанглар, байъатни ҳозироқ тўхтатинглар. Зеро, агар шундай қилсанглар, Оллоҳга қасамки, бу нарса дунё ва охиратда шармандалиқдир. Агар Расулulloҳ ﷺ га берган байъатингларга, моллар ва жонларга талофат етса ҳам вафо қиламиз деб ўйласанглар байъат беринглар. Зеро, бу иш, Оллоҳга қасамки, дунё ва охиратдаги энг яхши амалдир». Қавм жавоб берди: «Биз молларимизга талофат етиб, одамларимиз ўлиб кетадиган бўлса ҳам байъат берамиз». Кейин Расулulloҳ ﷺ дан сўрашди: «Ё Расулalloҳ, агар биз вафо қилсак, бизга нима мукофот бўлади?». Расулulloҳ ﷺ хотиржамлик билан «Жаннат», деб жавоб бердилар.

Улар Расулulloҳга қўлларини узатишди. Расулulloҳ ҳам қўлларини оқдилар, ҳаммалари у кишига ушбу сўзни айтиб, байъат берди: «Қийинчилик ва енгиллик ҳолатимизда ҳам, хурсандчилик ва хафачилигимизда ҳам қулоқ солиб итоат этишга, яхшиликларни бошқалар учун ихтиёр этишга, ишни ўз эгаларидан талашмасликка, қаерда бўлмайлик Оллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмасдан ҳақни гапиришга Расулulloҳ ﷺга байъат бердик». Байъатдан сўнг Расулulloҳ ﷺ дедилар: «Ўз қавмларига кафил бўлишлари учун менга оранглардан ўн икки нақибни чиқаринглар». Улар Хазраждан тўққиз, Авдан уч кишини танлашди. Расулulloҳ ﷺ бу нақибларга дедилар: «Ийсо ибн Марям учун ҳаворийлар кафил бўлишгани каби сизлар ўз қавмларингизга кафилдирсизлар. Мен эса ўз қавмимга кафилман». Улар: «Хўп» дейишди. Сўнгра жойларига қайтишди, кейин Мадинага қайтиб кетишди. Шундан кейин Расулulloҳ ﷺ мусулмонларни Мадинага ҳижрат қилишга ва йўлга алоҳида-алоҳида чиқишга буюрдилар. Мусулмонлар биттадан ёки озчилик бўлиб ҳижрат қила бошлади. Қурайш байъат бўлганидан хабар топган эди, шунинг учун кучи етганларни Маккага қайтаришга уринди. Мушриклар мусулмонларни ҳижратдан тўсар, ҳатто эр билан хотин бирга ҳижрат қилишига тўсқинлик қилар эди. Лекин бу нарса ҳижратга таъсир этмади. Шундай қилиб, мусулмонлар Мадинага йиғила бошладилар. Расулulloҳ ﷺ эса бир қанча вақт Маккада қолдилар. У киши Мадинага ҳижрат қилишга қасд қилдиларми ёки Маккада қоладиларми, буни ҳеч ким билмас эди. Лекин баъзи бир ишлардан Расулulloҳ ﷺнинг Мадинага ҳижрат қилмоқчи эканликлари маълум бўлиб қолган эди. Абу Бакр ؓ Расулulloҳ ﷺдан Мадинага ҳижрат қилишга изн сўраганда Расулulloҳ ﷺ: «Шошилманг, шояд Оллоҳ Таоло сиз учун бирор кишини ҳамроҳ қилгай», дедилар. Бу сўзлардан Абу Бакр ؓ Расулulloҳ ﷺнинг ҳижрат ниятлари борлигини тушунди. Қурайш Расулulloҳ ﷺнинг Мадинага ҳижратлари борасида минг ҳил тахминлар қиларди. Зеро, Мадинада мусулмонлар кўпайиб, қўллари баланд бўлиб қолган, Маккадан келганлар билан катта кучни ташкил қилар эди. Улар шундай қувватга эга бўлаётган бир пайтда Пайғамбар ﷺ уларнинг олдига борсалар, Қурайш учун ҳалокат бўларди. Шунинг учун улар Расулulloҳ ﷺни Мадинага юбормаслик чоралари ҳақида ўйлаб қолишди. Айни вақтда улар Мадинадаги мусулмонларнинг қудрати ошиб, Маккага Расулulloҳ ﷺни ҳимоя қилишга келиб қолишларидан хавфсираб у зотнинг Маккада қолишларидан ҳам қўрқар эди. Шу сабабдан Расулulloҳ ﷺ Мадинага бормаслиги ҳамда Ислом ва Пайғамбар ﷺ туфайли мадиналиклар билан ўрталарида тўқнашув чиқмаслиги учун Расулulloҳ ﷺни ўлдиришга қарор қилдилар. Сийрат китобларида Оиша ؓ ва Абу Умома ибн Саҳм ривоят қилган ушбу ҳадис келган: «Етмиш киши (яъни, мадиналиклар) кетишгач, Расулulloҳ ﷺ жуда ҳам хурсанд бўлдилар. Зеро, Оллоҳ Таоло Расулulloҳ ﷺни уруш ва жасорат

фарзандларининг ҳимоясига топширган эди». Мусулмонлар Маккадан чиқиб кетишларини эълон қилганида мушриклар уларга зулми янада кучайтирди. Мусулмонларни оғир аҳволга солиб зулми ҳаддан оширди. Мусулмонлар бу ҳолдан Расулуллоҳ ﷺ га шикоят қилишди. Расулуллоҳ ﷺ уларга: «Сизлар ҳижрат қиладиган жойни тушимда шўрхок эканини кўрдим», дедилар ва бир неча кундан кейин хурсанд ҳолда чиқиб: «Оллоҳ Таоло менга сизлар ҳижрат қиладиган жойни кўрсатди, у ер Яриб (Мадина)дир. Ким хоҳласа у ерга борсин», дедилар. Шундан кейин мусулмонлар бир-бирларига ҳамроҳ бўлиб, Мадинага яширинча кета бошладилар. Расулуллоҳ ўзларига ҳам ﷺ изн берилишини кутиб Маккада турдилар. Мусулмонлар Мадинага ҳижрат қилганларидан кейин Абу Бакр Сиддиқ Расулуллоҳдан ҳижрат қилиш учун кўп рухсат сўрар, у киши эса: «Шошманг, шояд Оллоҳ сизга бирор ҳамроҳ қилгай», дер эдилар. Шу боис Абу Бакр ўша ҳамроҳ у зот бўлишларини орзу қилар эди. Қурайш саҳобалар ҳижратини кўриб, уларнинг уруш учун тўпланишини билгач, Расулуллоҳ ﷺ ишлари борасида нима қилишни маслаҳатлашиш учун Дорун-Надвада тўпланди ва у зотни қатл қилишга келишиб тарқалди. Сўнгра Расулуллоҳ ﷺ нинг олдиларига Жаброил ﷺ келиб, ўз ўринларида ётмасликларини буюрди ва қурайшликларнинг макридан огоҳлантирди. Ўша кеча уйларида ётмадилар ва Оллоҳ у зотга чиқиш учун изн берди.

Демак, Мадинада исломий кучнинг мавжудлиги ва у ер Ислому Давлати барпо бўлишига тайёрлиги Расулуллоҳ ﷺ ни ҳижрат қилишга ундади. Фақат мана шу нарса ҳижратининг бевосита сабаби эди. Шу сабабдан кимда-ким Муҳаммад Қурайшнинг ўлдиришидан қўрқиб Маккадан қочиб кетди, деган гумонга борса, янглишади. Зеро, Расулуллоҳ ﷺ озорларни асло ҳисобга олмас эдилар. Расулуллоҳ ﷺ нинг назарларида Ислому даъват қилиш йўлида ўлим ҳам аҳамиятсиз нарса эди. На жонлари ва на ҳаётлари даъватдан қайтара олмас эди. Бинобарин, Мадинага ҳижратлари фақат Иломий даъват ва Ислому Давлатини барпо қилиш учун бўлди. Дарҳақиқат, қурайшликлар Расулуллоҳ ﷺ нинг Мадинага бориб, у ерда қудратли бўлиб қолишларидан қўрққани учун у зотни ўлдиришга қарор қилганди. Лекин Расулуллоҳ ﷺ уларнинг макр-ҳийлаларини енгдилар ва улар хоҳламасалар ҳам Мадинага ҳижрат қилдилар. Улар Расулуллоҳ ﷺ ни ўлдиришга маслаҳатлашиб олганига қарамасдан ҳижратдан қайтара олмади. Шундай қилиб, ҳижрат Ислому даъват қилиш даври билан исломий жамиятни вужудга келтириш, Ислому билан ҳукм юритиб, уни ҳаётга татбиқ этадиган, ҳужжату далил орқали ҳамда бу даъватни ёмонлик ва ёвузлик кучларидан ҳимоя қиладиган Давлатни вужудга келтириш ўртасидаги чегара бўлиб қолди.

ИСЛОМИЙ ДАВЛАТНИНГ БАРПО БЎЛИШИ

Расулulloҳ ﷺ Мадинага етиб келдилар. Мадинадаги мусулмонлар, мушриклар ва яҳудийлар Расулulloҳ ﷺни кутиб олгач, мусулмонлар у зотни ўраб олди. Кутиб олганларнинг ҳаммаси Расулulloҳ ﷺнинг муборак юзларини кўришга ошиқар эди. Мусулмонлар Расулulloҳ ﷺнинг хизматларини адо қилиш ва роҳатларини бекаму кўст таъминлашга интилар, у зот олиб келган дин йўлида, Исломиё даъват йўлида жонларини фидо қилишга тайёр эдилар. Барча мусулмонлар Расулulloҳ ﷺ уларнинг уйига тушишларини хоҳлар эди. Лекин Расулulloҳ ﷺ туяларининг тизгинини бўйнига ташлаб, ўз холига қўйиб бердилар. Туя юриб бориб Амрнинг ўғиллари Саҳл ва Суҳайлга қарашли туялар қамаб қўйиладиган жойга бориб чўкди. Расулulloҳ ﷺ бу жойни эгаларидан сотиб олдилар ва у ерга масжидларини ва масжид атрофига уйларини қурдилар. Масжид ва уйларнинг қурилиши ҳеч кимга оғирлик қилмади, зеро, улар катта сарф-харажат ва ортиқча меҳнат талаб қилмайдиган даражада оддий эди. Масжид кенг бўлиб, тўрт девори гишт ва тупроқдан қўтарилди. Бир қисми айвон қилиниб, хурмо шохлари билан ёпилди, бошқа қисмининг тепаси очиқ қолдирилди. Масжиднинг бир томонида фақир, уйсиз одамлар учун жой ажратилди. Масжид кечалари ёритилмас, фақат хуфтон намози ўқиладиган пайтда хас-хашаклар ёқиб ёритилар эди. Расулulloҳ ﷺнинг уйлари қурилиш жиҳатидан масжиддан деярли фарқ қилмас, фақат кечалари кўпроқ ёритилар эди. Расулulloҳ ﷺ масжидлари ва уйлари қурилиб бўлгунча Абу Айюб Халид ибн Зайд ансорийнинг уйда турдилар. Кейин уйларига кўчиб ўтиб, ўша ерда яшай бошладилар. Расулulloҳ ﷺ ўзларининг бу янги ҳаётлари ҳақида, ўзлари ва даъватларини бир даврдан бошқа даврга, сақофат бериш ва жамиятга таъсир кўрсатиш давридан Илом аҳкомларини одамларнинг барча алоқаларида татбиқ этиш даврига, фақат даъват қилиш ва бу йўлда озорларга сабр қилиш давридан ҳукм юритиш даврига, салтанат ва бу даъватни ҳимоя қиладиган қудрат даврига ўтилгани ҳақида ўйлай бошладилар. Расулulloҳ ﷺ Мадинага етиб келишлари билан намоз, йиғилиш, маслаҳатлашиш, мусулмонларнинг ишларини бошқариш, улар ўртасида ҳукм чиқариш учун бир жой - масжид бино қилишга буюрдилар. Абу Бакр ؓ ва Умар ؓни ўзларига вазир қилиб тайинладилар. Расулulloҳ ﷺ «Ердаги вазирларим Абу Бакр ва Умардир», деганлар. Расулulloҳ ﷺ давлат раиси, қози, қўмондон вазифаларини бажарар эдилар. Мусулмонларнинг ишларини бошқариб, улар ўртасидаги жанжалли ишларни ажрим қилар эдилар. Сарияларга қўмондонлар тайинлаб, Мадина ташқарисига жўната бошладилар. Булардан кўриниб турибдики, Расулulloҳ ﷺ Мадинага келган биринчи кунларидан бошлаб давлат барпо қилдилар. Бу давлатни - собит асос устига жамият қуриш ҳамда давлатни ҳимоя қилиш ва даъватни ёйиш учун етарли куч тайёрлаш орқали мустаҳкамлай бошладилар. Бу ишларнинг ҳаммасидан хотиржам бўлганларидан кейин Иломни ёйиш йўлида гов бўлиб турган тўсиқларни олиб ташлашга киришдилар.

ЖАМИЯТНИ БИНО ҚИЛИШ

Оллоҳ Таоло инсонда бақо ғаризасини яратди. Инсонларнинг бир-бирлари билан жамланиши ушбу бақо ғаризасининг кўринишларидан биридир. Шунинг учун одамларнинг бир-бирлари билан тўпланиши ва ўзаро бирикиши табиийдир. Лекин жамланишнинг ўзи жамиятни юзага келтирмайди, балки жамоатни пайдо қилади. Агар фақат жамланишнинг ўзи билан чеклансалар жамоат ҳолатида қолаверадилар. Агар уларнинг ўртасида манфаатларни жалб қилиш, зарарларни даф этиш учун алоқалар пайдо бўлса, мана шу алоқалар бу жамоатни жамиятга айлантиради. Лекин бу алоқалар муайян жамиятни пайдо қилмайди. Одамларнинг бу алоқаларга муносабатлари бир ҳил бўлиши, бу алоқалардан рози ёки норозиликлари ўхшаш бўлиши ва бу алоқаларни муолажа қилишлари муолажа қиладиган қонунга мос бўлгандагина жамият пайдо бўлади. Шунинг учун жамиятни ўрганаётганда фикрлар, туйғулар ва қонунларга қараш зарур. Зеро, мана шулар уни муайян кўринишдаги жамиятга айлантиради. Расулulloҳ ﷺ Мадинага келган пайтларидаги у ердаги мавжуд жамиятга мана шу нуқтаи назардан қараймиз. Бу билан Мадина жамиятининг моҳиятини билиб оламиз.

Ўша пайтда Мадинада учта жамоат яшарди. Биринчиси - муҳожир ва ансорлардан иборат мусулмонлар, улар кўпчилик эди. Иккинчиси - Авс ва Хазраж мушриклари, улар озчилик эди. Учинчиси - яҳудийлар, улар тўрт қисм эди. Бир қисми Мадина ичида, уч қисми Мадина ташқарисида яшар эди. Ичкаридаги яҳудийлар Бану Қайнуқо, ташқаридагилари эса Бану Назир, Хайбардаги яҳудийлар ва Бану Қурайза эди. Исломдан олдин яҳудийлар Мадинадаги жамиятдан ажралган ҳолда, ўз ҳолича яшар эди. Уларнинг фикр ва туйғулари ҳамда ҳаётий муаммоларини ечадиган муолажалари бошқа эди. Шунинг учун яҳудийлар - гарчи Мадина ичида ва унга яқин ерда яшаса ҳам - Мадинадаги жамиятнинг бир бўлаги деб ҳисобланмас эди. Мушриклар озчилик бўлгани учун Мадинадаги Исломий муҳитда уларнинг бор-йўқлиги деярли сезилмас эди. Шунинг учун улар гарчи, Исломни қабул қилмаган бўлсалар-да, ўз муносабатларида исломий фикрлар, Исломий туйғулар ва Ислом қонунларига бўйсунмишлари муқаррар эди. Муҳожир ва ансорларни эса исломий ақида бирлаштирган эди. Шунинг учун уларнинг фикрлари ва туйғулари бир ҳил бўлиб, бинобарин, улар ўз муносабатларини Ислом асосига қуришлари табиий ҳол эди. Расулulloҳ ﷺ уларнинг муносабатларини исломий ақида асосига қурдилар ва уларни ўзаро муомалаларида ва барча ишларида кучли таъсири бўладиган биродарликка - Оллоҳ йўлида бир-бирлари билан қариндош бўлишга чақирдилар. Расулulloҳ ﷺ Алий ибн Абу Толиб билан биродар бўлдилар. Қуллари Зайд билан амакилари Ҳамза, Абу Бакр Сиддиқ билан Хорижа ибн Зайд биродар бўлдилар. Муҳожирлар ва ансорларни бир-бирлари билан биродар қилдилар. Умар ибн Хаттоб билан Утбон ибн Молик Хазражий, Талҳа ибн Убайдуллоҳ билан Абу Айюб Ансорий, Абдурраҳмон ибн Авф билан Саъд ибн Робий биродар бўлдилар. Бу биродарликнинг моддий тарафга ҳам таъсири бўлди. Яъни, ансорлар

муҳожир биродарларига улкан саховат кўрсатдиларки, бу нарса ушбу биродарликни яна ҳам кучли ва мустаҳкам қилди. Дарҳақиқат, улар ўз молларидан бердилар ва дунёвий ишларда ўзларига шерик қилиб олдилар: савдогарлар савдосига, деҳқонлар деҳқончилигига. Абдурахмон ибн Авф ёғ ва пишлоқ сота бошлади. Бошқалар ҳам ўз ишлари билан шуғуллана бошлади. Тижоратларидан яхши фойда кўрдилар, зеро, улар тижорат ишларида моҳир эдилар. Аммо савдо билан шуғулланмаган Абу Бакр, Умар, Алий ва бошқаларга келсак, улар ансорлар берган ерларда оилалари билан деҳқончилик қилишди. Расулulloҳ ﷺ «**Кимнинг ери бўлса, деҳқончилик қилсин ёки биродарига берсин**», дедилар. Хуллас, ҳаммалари озиқ-овқат топиш учун ишлай бошладилар. Мадинада муҳожирлардан ҳам, ансорлардан ҳам бўлмаган, Мадинага келиб Исломога кирган, мол-дунёси, уй-жойи ва қиладиган ишининг тайини йўқ бир кичик араб жамоаси бор эди. Расулulloҳ ﷺ уларга эътибор бериб, яшашлари учун масжиддан суффани (масжиднинг усти ёпилган қисмини) ажратдилар. Улар шу ерда яшар эдилар. Шунинг учун улар суффа аҳли деб номланди. Расулulloҳ ﷺ Оллоҳ яхши ризқ берган муҳожир ва ансорларнинг молларидан улар учун насиба ажратдилар. Шундай қилиб, Расулulloҳ ﷺ барча мусулмонларни барқарор ҳолатга келтиришни ва улар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкам асосга қуришни ниҳоясига етказдилар. Бу билан Расулulloҳ ﷺ Мадинада куфрга қарши турган, яҳудийлар ва мунофиқларнинг макрига қарши курашган ва бир бутун бирликка айланган жамиятни қурдилар. Расулulloҳ ﷺнинг бу жамият ва бирликдан кўнгуллари тўлди. Мушриклар озчилик бўлгани учун исломий ҳукмларга бўйсунди. Кейинчалик улар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди. Шунинг учун ҳам исломий жамиятни вужудга келтиришда уларнинг таъсири бўлмади. Аммо яҳудийлар Ислождан олдин ўз ҳолича яшашарди. Ислождан кейин улар билан мусулмонлар ўртасида тафовут кучайди. Улар ўртасидаги алоқаларни муайян асосга қуриш зарур бўлиб қолди. Шу боис Расулulloҳ ﷺ мусулмонларга яҳудийлар билан муносабатлари қандай бўлишини ва яҳудийларга мусулмонлар билан алоқалари қандай бўлиши лозимлигини белгилаб бердилар. Шунга кўра, муҳожир ва ансорларга хат ёздилар. Унда яҳудийларга шартлар қўйдилар. Бу хат мусулмонларнинг бир-бирлари билан ва уларга тобе бўлганлар билан муносабатлари қандай бўлишини ва яҳудий қабилаларининг мусулмонлар билан алоқалари қандай бўлишини белгилаб берган дастурул-амал эди. Хат Расулulloҳ ﷺнинг ушбу сўзлари билан бошланади: «**Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм, бу Қурайш ва Ясрибдан иборат бўлган мўминлар, уларга тобе бўлганлар ва уларга қўшилиб бирга жиҳодга борганларга пайғамбар Муҳаммаддан хатдир. Албатта, мўминлар бошқа одамлардан алоҳида бир умматдир**». Сўнг мўминларнинг бир-бирлари билан муносабатларининг асосини зикр қилдилар ҳамда яҳудийларни ҳам тилга олдилар: «**Мўмин кофир сабабли мўминни ўлдирмайди. Мўминнинг зарарига кофирга ёрдам бермайди. Албатта, Оллоҳнинг аҳди биттадир. Мўминларнинг энг заифи ҳам барча мўминлар номидан ўз ҳимоясига олиш ҳуқуқига эга. Мўминлар бошқа инсонлардан алоҳида бир-бирлари**

билан биродардирлар. Яҳудийлардан ким бизга эргашса, унга зулм қилинмайди, аксинча, ёрдам берилади ва тенглик асосида муомала қилинади. Мўминларнинг сулҳи биттадир. Мўмин бир мўминдан ажраган ҳолда Оллоҳнинг йўлидаги урушда бошқалар билан сулҳ қилса, ўзаро адолат ва тенглик асосида иш тутади», дедилар. Бу хатда зикр этилган яҳудийлар қўшни яҳудий қабилалари эмас, балки Исломиё Давлатга тобе, унга фуқаро бўлишни истаган шахслардир. Бундай шахслар учун ёрдам ва мусулмонлар билан бўлган муносабатларда тенглик ҳуқуқи бордир. Зеро, бу вақтда у шахс зиммий бўлиб қолади. Хат охирида зикр қилинган яҳудийлар ўз қавмларининг исми билан аталган, улар: Бану Авф, Бану Нажжор ва бошқалардир. Уларнинг Исломиё Давлат билан бўлган алоқалари бир неча шартларда белгиланди. Хатда мусулмонлар билан яҳудийлар ўртасидаги алоқалар Исломни ҳакам қилиш, бу алоқаларни Ислом салтанатига бўйсунуши ва яҳудийлар Исломиё Давлат манфаати талаб қиладиган нарсаларга рози бўлишлари шартлиги асосида белгиланган. Хатда:

1. Яҳудийларнинг аҳли оилалари ўзлари кабидир. Яҳудийлардан биронтаси Муҳаммад ﷺнинг изнисиз ташқарига чиқмайди.

2. Мадина хатда зикр қилинганларга ҳаромдир.

3. Шу хатда зикр қилинганлар ўртасида бирон муаммо бўлса, унинг ечими Оллоҳга ва Расулига ҳавола этилади.

4. Қурайшга ҳам, унга ёрдам кўрсатганларга ҳам ҳимоя берилмайди.

Шундай қилиб, Расулуллоҳ ﷺнинг хатлари Мадинага қўшни бўлган яҳудий қабилаларининг вазиятини белгилаб берди ва уларга қуйидагиларни шарт қилди:

Мадинадан фақат Расулуллоҳ ﷺнинг изнлари билан чиқадилар;

Мадинага уруш қилиш ёки унга қарши урушга ёрдам бериш билан Мадинанинг ҳурматини поймаёл этиш уларга ҳаром қилинди;

Қурайшни ёки унга ёрдам берувчиларни ҳимояга олиш ҳаром қилинди;

Шу хатда келган шартларга биноан улар ўртасида юзага келган ҳар қандай ихтилофларда Расулуллоҳ ﷺ ҳукм чиқарадилар.

Бу шартларга қуйидаги яҳудий қавмлар рози бўлиб, имзо чекишди: Бану Авф, Бану Нажжор, Бану Ҳорис, Бану Соида, Бану Жашм, Бану Авс, Бану Саълаба. Хатни имзолашда Бану Қурайза, Бану Назир ва Бану Қайнуқо яҳудийлари иштирок этмади. Бироқ оз фурсатдан кейин шунга ўхшаш бир хат Пайғамбар ﷺ билан улар ўртасида битилди ва ундаги шартларга рози бўлишди.

Расулуллоҳ ﷺ бу хатларга имзо чекиш билан Исломиё Давлатдаги алоқаларни барқарорлаштирдилар ва бу давлат билан қўшни яҳудий қабилаларининг алоқаларини Ислом ҳакам бўладиган асосларга қурдилар. Расулуллоҳ ﷺ Исломиё жамиятни бино қилишдан кўнгиллари тўлди. Қўшни яҳудий қабилаларининг урушмаслигидан хотиржам бўлдилар. Шундан кейин Исломиё даъват йўлидан моддий тўсиқларни олиб ташлаш учун урушга тайёргарлик кўра бошладилар.

УРУШ МУҲИТИНИ ТАЙЁРЛАШ

Расулulloҳ ﷺ исломий жамиятни бино қилишдан хотиржам бўлганларидан ва яҳудий қўшнилари билан битимлар тузганларидан кейин Мадинада жиҳод муҳитини ярата бошладилар. Зеро, Ислому Давлатининг муҳим вазифаси ўзи ҳукмрон бўлган юртларда Ислому ҳукмларини тўла татбиқ этиш ва Исломуий даъват доирасини ташқарига кенгайтиришдир. Исломуий давлат Исломуга даъват қилишни олиб чиқишнинг маъноси миссионерларга ўхшаб ташвиқот қилиш эмас, балки одамларни Исломуга даъват қилиш, уларни Ислому фикрлари ва ҳукмлари билан сақофатли қилиш ҳамда даъватга халал бераётган тўсиқларни куч билан олиб ташлашдир.

Қурайш Исломуий даъват йўлидаги энг катта гов эди. Бу тўсиқни олиб ташлаш учун куч тайёрлаш зарур эди. Расулulloҳ ﷺ Исломуий даъватни Мадина ташқарисига олиб чиқиш учун қўшин тайёрлай бошладилар. Тўрт ой давомида Қурайшга қарши чиқиб ҳамда Мадина ва унинг атрофида яшовчи мунофиқ ва яҳудийларни қўрқитган ҳолда фақат муҳожирларнинг ўзидан ташкил топган учта сария жўнатдилар. Расулulloҳ ﷺ амакилари Ҳамза ибн Абдулмутталибни муҳожирлардан ўттизта отлиқ билан ғазотга отландирдилар. Ҳамза уч юз отлиқ қўшинга эга Абу Жаҳл ибн Ҳишомга Ийс томондан денгиз қирғоғида дуч келди ва урушга тайёрлана бошлади. Агар Муждий ибн Амр Жуҳаний урушни олдини олиб қолмаганида жанг бўлиши муқаррар эди. Кейин икки томон бир-бирларини тарк қилди ва Ҳамза уруш қилмасдан Мадинага қайтиб келди. Расулulloҳ ﷺ Убайда ибн Ҳорисни муҳожирлардан олтишта отлиқ билан жўнатдилар. Убайда Икрима ибн Абу Жаҳл бошчилигидаги икки юздан ортиқ қурайшликларга Робиг водийсида дуч келди. Саъд ибн Абу Ваққос душман томонга ўқ отди, лекин уруш бўлмади ва икки томон тарқалди. Сўнг Расулulloҳ ﷺ Саъд ибн Абу Ваққосни муҳожирлардан йигирмата отлиққа бош қилиб Макка томонга жўнатдилар. Улар уруш қилмасдан қайтишди. Ушбу сариялар сабабли Мадинада ҳам, Қурайшда ҳам уруш муҳити пайдо бўлди. Бу ҳол Қурайш қалбига қўрқув солди ва Расулulloҳ ﷺ билан ҳисоблашишга мажбур қилди. Агарда бу сариялар бўлмаганида Қурайш Расулulloҳ ﷺни менсимаган ва қўрқувга ҳам тушмаган бўлар эди. Расулulloҳ ﷺ бу билан кифояланмай, ўзлари ҳам урушга чиқдилар. Расулulloҳ ﷺ Мадинага келганларининг ўн иккинчи ойи бошларида Қурайш ва Бану Замрага қарши отландилар. Мадинада Саъд ибн Убодани ўз ўринларига қолдирдилар ва Абво томонга юриб, Ваддонга етдилар. Лекин Қурайшга дуч келмадилар ва Бану Замра билан иттифоқ тузиб қайтдилар. Бир ойдан кейин муҳожир ва ансорлардан ташкил топган икки юз кишига бошчилик қилиб Умайя ибн Халаф бош бўлган карвонни кўзлаб Бувот томон чиқдилар. Карвонда икки минг беш юзта туя бўлиб, уни юзта қўриқчи қўриқлар

эди. Карвон бошқа йўлга юргани учун Расулulloҳ ﷺ уларга дуч келмадилар. Орадан уч ой ўтгач Расулulloҳ ﷺ Мадинада ўз ўринларига Абу Салама ибн Абдул Асадни қолдириб, муслмонлардан икки юздан кўпроқ аскар билан чиқиб Янбуъ қавмидан бўлган бир қабила турган жойга бориб тушдилар ва бу ерда ҳижратнинг иккинчи йили Жумодил-Увло ойи ичи ва Жумодис-Соний ойидан бир неча кун турдилар ва Абу Суфён бош бўлган Қурайш карвони ўтишини кутдилар. Лекин карвон Расулulloҳ ﷺга дуч келмасдан ўтиб кетди. Расулulloҳ ﷺ қайтишларида Бану Мудлиж билан битим туздилар. Орадан ўн кун ўтгач Карз ибн Жобир Феҳрий (у Макка ва Қурайш билан боғланганлардан эди) Мадинанинг қўй ва туяларига ҳужум қилди. Расулulloҳ ﷺ Мадинада ўз ўринларига Зайд ибн Ҳорисани қолдириб, Карзни қувиб чиқдилар ва Бадр тарафларгача бордилар, лекин унга етолмадилар. Бу ғазот Бадрдаги биринчи ғазот эди.

Шундай қилиб, Расулulloҳ ﷺ аскарлари билан Қурайшга қарши чиқиб, Арабистон ярим оролини кезиб ғазотлар қилдилар. Бу ғазотларнинг бирортасида ҳам урушга рўбарў келмаган бўлсалар-да, лекин катта урушларни бошлаш учун улкан натижаларга эришдилар. Дарҳақиқат, Расулulloҳ ﷺ душманга рўбарў бўладиган қўшинни шу ғазотлар билан тайёрладилар. Зеро, бу ғазотлар муслмонларни урушга тайёр ҳолатга олиб келди. Мана шу урушлар Мадина ва унинг атрофидаги яҳудийлар ҳамда мунофиқларнинг қалбларига қўрқув солди, уларни фитна чиқаришдан қайтарди. Қурайшнинг нафсониятини синдирди, душманларнинг қалбида муслмонлардан ҳайиқишни кучайтирди. Расулulloҳ ﷺ Қизил денгиз қирғоқлари билан Мадина шаҳри орасида яшовчи қабилалар - Бану Замра, Бану Мудлиж ва бошқалар - билан бўлган битимлар орқали Қурайшнинг Шомга ўтадиган карвон йўлини қўлга киритдилар.

УРУШНИНГ БОШЛАНИШИ

Пайғамбаримиз ﷺ Мадинада ўрнашдилар ва Исломни татбиқ қила бошладилар. Ваҳий энди аҳкомларни мужассам этган ҳолда нозил бўла бошлади. Расулulloҳ ﷺ Исломий Давлат ва Исломий жамият биносини шаръий қонунлар асосига қурдилар. Мусулмонларни бир-бирлари билан биродар қилдилар. Шундай қилиб, Ислом уни қабул қилган ва даъватини кўтариб чиққан жамиятда бошқарув ва шарият суратида намоён бўлди. Мусулмонларнинг куч-қудрати ва сони ортди, шон-шавкати кучайди. Мушриклар ва яҳудийлар якка-якка ва жамоат бўлиб Исломни қабул қила бошлашди. Исломдан ва Мадинадаги даъватдан Расулulloҳ ﷺнинг қалблари хотиржам бўлганидан кейин Мадинанинг ташқарисини Исломга даъват қилиш ҳақида ўйлай бошладилар. Лекин бу ишга Қурайш кучли ғов бўлиб турганини билардилар. Ҳужжат ва далил билан даъват қилишнинг унга фойдаси бўлмади. Шундай бўлгач, бу ғовни олиб ташлаш учун куч зарур эди. Расулulloҳ ﷺ Маккада турганларида ушбу ғовни янчиб ташлашга қодир Исломий Давлат йўқлиги учун чорасиз бўлган бўлсалар, Мадинада Исломий Давлатга асос солганларидан кейин бу тўсиқни куч билан олиб ташлаш қудратига эга бўлдилар. Шунинг учун ҳам Расулulloҳ ﷺ бу кучни ва уруш вазиятини тайёрлашлари, янги сиёсатнинг сабаб ва воситалари етилганидан кейин даъват учун бутунлай бошқача йўл тутишлари керак эди.

Шунинг учун Расулulloҳ ﷺ Қурайшга қарши чиқиш ва унга ўз кучини кўрсатиб қўйиш мақсадида жўнатган ва баъзиларида ўзлари иштирок этган илк сария ва тўқнашувларни бошлаб юбордилар. Бу сарияларининг охиргиси Бадр ғазотига муқаддима бўлган Абдуллоҳ ибн Жаҳш бошчилигидаги сария бўлди. Бу шундай бўлди: Ҳижратнинг иккинчи йили Ражаб ойида Расулulloҳ ﷺ муҳожирлардан бир жамоага бош қилиб Абдуллоҳ ибн Жаҳшни жўнатдилар ва унинг қўлига бир мактуб тутқазиб, икки кун юришгандан кейин уни ўқишни, ундаги буйруқларни амалга оширишни ва ҳамроҳларидан ҳеч кимни мажбур қилмасликни буюрдилар. Абдуллоҳ икки кундан кейин мактубни очиб ўқиди, унда ушбу сўзлар ёзилган эди: **«Бу мактубни ўқиганингдан кейин юришда давом этиб, Макка билан Тоиф орасидаги Нахла деган жойга бор, у ерда туриб Қурайшни кузат ва уларнинг хабарларини бизга билиб кел»**. Мактубни ўқигач, Абдуллоҳ ҳамроҳларига унда ёзилган нарсани маълум қилди ва бу ишга ҳеч кимни мажбур этмаслигини айтди. Абдуллоҳ Саъд ибн Абу Ваққос ҳамда Утба ибн Ғазвондан бошқа барча ҳамроҳлари билан Нахлага етиб борди. Саъд билан Утба туялари йўқолиб қолиб, уларни излаб кетишган эди, Қурайшга асир тушиб қолишди. Абдуллоҳ Нахлада Қурайшни пойлаб турди. У ерда туришганда Қурайшнинг савдо моллари юкланган карвони ўтиб қолди. Бу воқеа ҳаром ойлардан бири - Ражаб ойининг охирларида

бўлган эди. Абдуллоҳ нима қилиш ҳақида ҳамроҳлари билан маслаҳатлашди. Расулulloҳ ﷺ уларни урушишга буюрмаган эдилар. Баъзилари: «Агар шу кеча уларни ўз ҳолига қўйсак, Маккага кириб кетишади. Агар уларни ўлдирсак, ҳаром ойда ўлдирган бўламиз», деб иккиланишди. Охири урушишга аҳд қилишди. Мусулмонлардан бири карвонбоши Амр ибн Ҳазрабийга ўқ отиб уни ўлдирди. Мусулмонлар Қурайшдан икки кишини асир олиб, карвонни ҳайдаб Мадинага қайтишди. Расулulloҳ ﷺ уларни кўриб: «**Мен сизларни ҳаром ойда уруш қилишга буюрмаган эдим**», дедилар ва асирларга ҳам, ўлжаларга ҳам тегмадилар.

Расулulloҳ ﷺ Қурайш хабарларини билиб келиш учун жўнатган, лекин Қурайш карвонига ҳужум қилиб, унинг кишиларидан бирини ўлдириб, иккитасини асирга олган, молларини қўлга киритган ва ҳаром ой - Ражабда бу ишларни қилган Абдуллоҳ бошчилигидаги сария воқеаси шу. Хўш, Ислом бу ишга қандай қарайди? Расулulloҳ ﷺ бу ҳақда Оллоҳнинг ҳукми нозил бўлишини кутиб, асирлар ва молларга тегмадилар. Қурайш эса бу фурсатни ғанимат билиб, араблар ичида Муҳаммадга ﷺ қарши ташвиқот юргизишда фойдаланди. Ҳамма жойда: «Муҳаммад ва унинг асҳоблари ҳаром ойни ҳалол қилиб олишди ва унда қон тўкишди, кишиларни асир қилиб, молларни тортиб олишди», деб жар солди. Бу хусусда Маккадаги мусулмонлар билан мушриклар ўртасида тортишувлар юз берди. Маккадаги мусулмонлар: «Биродарларимиз бу ишни Ражаб ойида эмас, Шаъбон ойида қилишган», деб жавоб беришди. Бироқ бу жавоб ташвиқотни тўхтатиб қўйишга кифоя қилмас эди. Бу ташвиқотга яҳудийлар ҳам аралашиб, Абдуллоҳ ибн Жаҳш қилган ишни қоралай бошлашди. Мусулмонлар уларга қарши олиб борилаётган бу ташвиқотлардан танг аҳволга тушиб қолишди. Расулulloҳ ﷺ ваҳий ва бу иш тўғрисида Оллоҳнинг ҳукмини кутиб сукут сақлар эдилар. Мана шундай бир вақтда «Бақара» сурасидаги Оллоҳ Таолонинг ушбу ояти нозил бўлди:

يَسْأَلُونَكَ عَنِ الشَّهْرِ الْحَرَامِ قِتَالٍ فِيهِ قُلْ قِتَالٌ فِيهِ كَبِيرٌ وَصَدٌّ عَن سَبِيلِ اللَّهِ وَكُفْرٌ بِهِ وَالْمَسْجِدِ
الْحَرَامِ وَإِخْرَاجُ أَهْلِهِ مِنْهُ أَكْبَرُ عِنْدَ اللَّهِ وَالْفِتْنَةُ أَكْبَرُ مِنَ الْقَتْلِ وَلَا يَزَالُونَ يُقَاتِلُونَكُمْ حَتَّى يَرُدُّوكُمْ
عَن دِينِكُمْ إِنِ اسْتَطَاعُوا ﴿٢١٧﴾

– „Сиздан «шаҳри ҳаром» - уруш ҳаром қилинган ойда жанг қилиш ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «У ойда жанг қилиш катта гуноҳдир. Оллоҳнинг йўлидан тўсиш, Унга ишонмаслик ва Масжидул-Ҳаромдан (яъни Маккадан) тўсиш ва ундан унинг аҳлларини қувиб чиқариш, Оллоҳнинг наздида энг катта гуноҳдир. Фитна - диндан қайтариш ўлдиришдан-да каттароқ гуноҳдир. Улар - кофирлар қўлларидан келса, то динингиздан қайтаргунларича сизлар билан урушаврадилар»“.

[2:217]

Бу оят нозил бўлгач, мусулмонлар хурсанд бўлдилар ва Расулulloҳ туялар ва асирларни олдилар. Бу оятда Қурайшнинг ташвиқотига аниқ жавоб бор. Зеро, Қуръони Карим Қурайшнинг ҳаром ойда уруш қилиш ҳақидаги саволига: «Ҳаром ойда уруш қилиш катта гуноҳ. Лекин Масжидул-Ҳаромдан қайтариш, унинг аҳлини у ердан ҳайдаб чиқариш Оллоҳнинг наздида ҳаром ойда одам ўлдиришдан кўра каттароқ гуноҳдир. Қурайшнинг қилган ва қилаётган ишлари - мусулмонларни қўрқитиш ва азоблаш орқали динларидан қайтариши ҳаром ойда ҳам, бошқа ойларда ҳам уруш қилиш ва одам ўлдиришдан кўра каттароқ гуноҳдир. Ҳаром ойда мусулмонлар уруш қилганлари учун уларга қарши ташвиқот юргизаётган Қурайш, агар қодир бўлса, уларни динларидан қайтариш учун тинимсиз уруш қилади. Шундай экан, Ислом даъвати олдида тўсиқ бўлаётган, Оллоҳнинг йўлидан қайтараётган, Оллоҳга кофир бўлган, Масжидул-Ҳаромдан унинг аҳлини қувиб чиқарган ва мусулмонларни диндан қайтараётган Қурайш ҳаром ойда ҳам, бошқа ойларда ҳам мусулмонларнинг унга қарши уруш қилишларига лойиқдир. Бинобарин, Абдуллоҳнинг ҳаром ойда уруш қилишида мусулмонларга зарар бўладиган ҳеч нарса йўқ», деб жавоб берди.

Шундай қилиб, Абдуллоҳ бошчилигидаги сария Ислом олиб борадиган сиёсатда, Исломга даъват қилиш сиёсатида бурилиш нуқтаси бўлди. Унда Воқид ибн Абдуллоҳ Тамимий карвонбоши Амр ибн Ҳазрабийни ўлдирди ва бу мусулмонлар Оллоҳ йўлида тўккан дастлабки қон эди.

Ҳамма вақт ва ҳамма жойда кофирларга қарши уруш қилишга буюрган «Уруш ояти» нозил бўлгунча мусулмонлар ҳаром ойда уруш қилишдан қайтарилган эди. Мазкур оят билан ҳаром ойда уруш қилишдан қайтариш ҳукми бекор бўлди.

МАДИНАДАГИ ҲАЁТ

Исломнинг ҳаётда ўзига хос муайян тариқати бўлиб, у ҳаёт ҳақидаги тушунчалар мажмуасидан келиб чиқади. Айнан шу тариқат Ислом дунёқараши бўлиб, дунёда мавжуд дунёқарашлардан бошқача ва уларга тамоман зиддир. Исломнинг ҳаётдаги тариқати қисқача уч нарсада ўз ифодасини топади. 1. Ҳаётдаги Ислом тариқатининг асоси ақидадир. 2. Ҳаётдаги амалларнинг ўлчови Оллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларидир. Бошқача қилиб айтганда, бу тариқатнинг назарида ҳаётнинг тасвири ҳалол ва ҳаромдир. 3. Бу тариқатнинг назарида бахт-саодатнинг маъноси Оллоҳнинг розилигига эришишдир. Бошқача қилиб айтганда, бахт-саодат доимий хотиржамлик бўлиб, у фақат Оллоҳнинг розилигига эришиш билан ҳосил бўлади. Мана шу Исломнинг ҳаётий тариқатидир. Бу шундай бир ҳаётки, мусулмонлар унда ўзларини эркин ҳис этадилар, унга интилиб, унинг манҳажиди ярадилар. Мусулмонлар бундай ҳаётга эришишлари учун Исломни татбиқ этадиган, Ислом ҳукмларини ижро қиладиган **ДАВЛАТ** бўлиши зарурдир. Мусулмонлар Мадинага кўчган пайтларида асоси Ислом ақидасига асосланган ҳаётда яшай бошладилар. Муомала, жазо чоралари тўғрисида Оллоҳнинг ҳукмларини баён қилиб, ояти карималар нозил бўла бошлади. Илгари мавжуд бўлмаган ибодатлар нозил бўлди. Закоат ва рўза фарз қилинди. Азон айтиш жорий этилди. Мадинанинг барча аҳолиси ҳар куни беш маҳал гўзал овозда ва чиройли тартибда одамларни намозга чорловчи азонни эшита бошладилар. Азонни Билол ибн Рабоҳ айтарди. Мусулмонлар намозга бўлган чақириққа дарҳол жавоб беришарди. Расулulloҳ ﷺ Мадинада ўн етти ой тургач, қибла Байтул-Мақдисдан Каъбага ўзгарди. Ибодат, ейиладиган нарса, ахлоқ, муомала ва жазо чораларининг ҳукмлари баён қилинган оятлар, ароқни, чўчқа гўштини ҳаром қилган оят, шунингдек ҳадлар, жиноятлар ва савдосотиқ ҳукмларини ҳамда судхўрлик ҳаром қилинганини баён қилган оятлар нозил бўлди. Ҳаёт муаммоларини муолажа қиладиган ҳукмлар кетма-кет туша бошлади. Расулulloҳ ﷺ саҳобаларга гапирётган сўзлари, қилаётган феъллари ва (олдиларида бўлаётган ишларга кўриб туриб) сукут қилишлари орқали оятларни баён қилиб, шарҳлаб берардилар, одамларнинг жанжалларини ажрим қилардилар, уларнинг ишларини бошқарар эдилар ва муаммоларини муолажа қилардилар. Чунки Расулulloҳ ﷺнинг сўзлари ҳам, феъллари ҳам, сукутлари ҳам шариатдир. Зеро, Расулulloҳ ﷺ ўз хоҳишлари билан гапирмайдилар, булар Оллоҳ Таоло томонидан Расулulloҳ ﷺга ваҳий қилинган ҳукмдан ўзга нарса эмасдир. Мадинадаги ҳаёт Ислом дунёқарашига мос ҳолда давом этар эди. Исломий фикрлар ва исломий туйғулар ҳукмрон бўлган ҳамда одамларнинг муомалалари ва барча алоқаларида Ислом қонунлари татбиқ этиладиган мумтоз

исломий жамият пайдо бўлди. Расулulloҳ ﷺ даъват ҳосил қилган натижалардан хурсанд бўлдилар. Муслмонлар диндан қайтаришлар ва озорлардан қўрқмасдан биргалашиб ва якка ҳолда фарзларни адо қила бошлашди. Ўз ишларини Оллоҳнинг ҳукмлари билан муолажа қиладиган, билмаган нарсаларини Расулulloҳ ﷺдан сўрайдиган бўлишди. Катта ёки кичик амалларини Оллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларига мувофиқ бажара бошлашди. Уларнинг кўпчилиги Оллоҳнинг ҳукмларини ва Қуръонни Расулulloҳ ﷺнинг ўзларидан ўрганиш мақсадида Расулulloҳ ﷺдан ажралмас эди. Шу тарзда кундан-кунга Ислонинг ёйилиши ва муслмонларнинг куч-қудрати зиёда бўла бошлади.

ЯХУДИЙ ВА НАСРОНИЙЛАР

Кофирлар мусулмонларнинг қувватини ҳис қила бошлади. Улар бу қувват Ислом йўлида ўзини фидо этадиган ва Оллоҳнинг розилиги учун турли азобларни тотиб кўрган қалблар тубидан чиқадиган қувват эканини биларди. Булар Оллоҳ йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган қалблар эди. Бугун бу қалблар динга йўл очилаётганини, ҳукмлар ижро қилинаётганини кўриб роҳатланарди. Лекин Ислом душманларини бу нарса оғир қайғуга солиб қўйди. Бу ҳол қўшнилари яҳудийларда намоён бўлди. Яҳудийлар ваҳимага тушиб қолди. Улар Мадинада мусулмонларнинг қудрати кучайиб бораётганини ва одамларнинг Исломни қабул қилишлари ортаётганини кўргач, мўминларга қандай муносабатда бўлиш ҳақида ўйлай бошлади. Баъзи яҳудийларнинг Исломни қабул қилиши уларни қаттиқ ғазаблантирди. Ислом уларнинг ҳам сафларига кириб боришидан қўрқувга тушди. Шунинг учун Исломга, унинг ақидаларига, ҳукмларига ҳужум қила бошлади. Мусулмонлар ва яҳудийлар ўртасидаги тортишув Қурайш билан бўлган тортишувдан кўра адоватли ва макрлироқ эди. Ушбу фикрий курашда ғаламислик, мунофиқлик ҳамда ўтган пайғамбар ва элчиларнинг хабарларини билиш яҳудийлар қўлида Муҳаммад ﷺга, у зотнинг рисолатига ва муҳожир-ансор асҳобларига ҳужум қилишда қурол бўлди. Яҳудийларнинг олимларидан айримлари мусулмонлар орасига кириб, ўзларини тақводор қилиб кўрсатиб, кейин шубҳа ва гумонлар намоён қилиб, Пайғамбар ﷺга шундай саволлар беришардики, бу билан мусулмонларнинг қалбларида Муҳаммад ﷺга ва у зот даъват қилаётган ҳақ рисолатга бўлган ишончни беқарор қилиб қўйишни кўзлашарди. Мунофиқлик қилиб, мусулмон бўлиб олган Авс ва Хазраж қабилаларидан бир жамоа мусулмонларга саволлар бериб, улар ўртасига фитна солиш учун яҳудийлар сафига қўшилди. Яҳудийлар ва мусулмонлар ўртасидаги тортишув баъзан, улар ўртасида аҳд бўлишига қарамасдан, муштлашиш даражасига етар эди. Яҳудийлар оғир-босиқ, мулойим ва юмшоқ табиатли Абу Бакр Сиддиқни шу табиатидан чиқариб юборишгани уларнинг тортишувидаги ўжарликлари ва хусуматлари қанчалар шиддатли тус олганини тасвирлаб бериш учун кифоя қилади. Абу Бакр Сиддиқ Пинҳос деган яҳудийни Исломга даъват қилганда, у шундай деб жавоб берди: «Оллоҳга қасамки, эй Абу Бакр, биз Оллоҳга муҳтож эмасмиз, Оллоҳ бизга муҳтождир. У бизга ялинганидек, биз унга ялинмаймиз. Биз ундан беҳожатмиз, у эса биздан беҳожат эмас. Агар биздан беҳожат бўлганида биродаринг айтаётганидек бизнинг моллардан қарз сўрамас эди. Сенларни судхўрликдан қайтариб, бизга судхўрликни берди. Агар у биздан беҳожат бўлганида бизга судхўрликни бермаган бўларди», деб Оллоҳ Таолонинг ушбу сўзларига ишора қилди:



مَنْ ذَا الَّذِي يُقْرِضُ اللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا فَيُضَاعِفُهُ لَهُ أَضْعَافًا كَثِيرَةً

– „Оллоҳга қарзи ҳасана - ихтиёрий қарз берадиган ким бор, Оллоҳ унга бир неча баробар қилиб қайтарур...“ [2:245]

Лекин Абу Бакр бу жавобга сабр қилиб тура олмади, ғазаби жўшиб, Пинҳоснинг юзига қаттиқ урди ва: «Оллоҳга қасамки, агар ўртада аҳд бўлмаганида бошингни олардим, эй Оллоҳнинг душмани», деди. Шундай қилиб, яҳудийлар билан мусулмонлар ўртасидаги тортишувлар шиддатли тус олди. Мана шу вақтда Мадинага Нажрон насороларидан элчилар келиб қолди. Улар олтмиш отлиқ эдилар. Бу элчилар Мадинага мусулмонлар билан яҳудийлар ўртасидаги ихтилофларни билиб, шу ихтилофни кучайтириб, адоватга айлантиришни ва уларнинг насроний динларини сиқиб чиқараётган янги дин билан эски дин бир-бирини йўқ қилиб юборса, майдон ўзларига бўшаб қолишини кўзлаб келишган бўлишлари ҳам мумкин. Бу элчилар Пайғамбар ﷺ билан учрашишди. Пайғамбар ﷺ уларга ва яҳудийларга аҳли китоб деган назарда қарар, шу сабабли барчаларини Исломга даъват қилар эдилар ва уларга Оллоҳ Таолонинг ушбу оятларини ўқиб берардилар:

قُلْ يَا أَهْلَ الْكِتَابِ تَعَالَوْا إِلَى كَلِمَةٍ سَوَاءٍ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ أَلَّا نَعْبُدَ إِلَّا اللَّهَ وَلَا نُشْرِكَ بِهِ شَيْئًا وَلَا يَتَّخِذَ بَعْضُنَا بَعْضًا أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ فَإِنْ تَوَلَّوْا فَقُولُوا اشْهَدُوا بِأَنَّا مُسْلِمُونَ ﴿٦٤﴾

– „Айтинг, (эй Муҳаммад): «Эй, аҳли китоб, бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келинг - ёлғиз Оллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва бир-бировларимизни Оллоҳдан ўзга худо қилиб олмайлик» Агар улар ушбу даъватдан юз ўгирсалар, у ҳолда сизлар (эй мўминлар): «Гувоҳ бўлинглар, биз мусулмонлар ягона Оллоҳга итоат қилгувчилармиз», деб айтингиз!»

[3:64]

Яҳудий ва насоролар Расулуллоҳ ﷺ дан қайси пайғамбарларга иймон келтиришини сўрашганда, уларга Оллоҳ Таолонинг ушбу сўзларини ўқиб берардилар:

قُولُوا آمَنَّا بِاللَّهِ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْنَا وَمَا أُنزِلَ إِلَىٰ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَالْأَسْبَاطِ وَمَا أُوتِيَ مُوسَىٰ وَعِيسَىٰ وَمَا أُوتِيَ النَّبِيُّونَ مِنْ رَبِّهِمْ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِنْهُمْ وَنَحْنُ لَهُ مُسْلِمُونَ ﴿١٣٦﴾

– „Айтинг, эй мўминлар, биз Оллоҳга иймон келтирдик ва бизга нозил қилинган Китобга ҳамда Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқубга ва ўша уруғ-авлодга нозил қилинган нарсаларга, Мусо ва Ийсога берилган нарсаларга ва барча пайғамбарларга Парвардигор тарафидан берилган нарсаларга иймон келтирдик. Биз улардан бирортасини ажратиб қўймаймиз ва биз Оллоҳ Таолога бўйсунувчилармиз“. [2:136]

Бу оятларни эшитишгач, улар Расулуллоҳ ﷺ га нима дейишни билмай қолишади. Лекин улар ўз мартабаларидан ажралиб қолишдан қўрқиб, иймон келтиришмайди. Ҳатто баъзилари буни очиқ айтишади. Ривоят қилинишича, Абу Ҳориса Нажрон элчиларидан бўлиб, Нажрон насороларининг энг билимдони ва илмлиги эди. У ҳамроҳига

Муҳаммад ﷺ айтган нарсаларга қаноат ҳосил қилганини айтди. Ҳамроҳи: «Унга иймон келтиришдан сени нима ман қияпти?» деб сўраганда, «Ўша қавм бизга қилган яхшиликлар ман қияпти. Улар бизни улуғлашди, мол дунё беришди, иззат икром қилишди. Аммо улар Муҳаммад ﷺга қаршидирлар. Агар мен сен айтган ишни қилсам, ҳамма нарсани биздан тортиб олишади», деб жавоб берди. Бу ҳол улар кибр ва ўжарлик қилиб, иймон келтирмаганларига далолат қилади. Кейин Расулulloҳ ﷺ уларни биргаликда Оллоҳга илтижо қилишга чақирдилар ва уларга Оллоҳ Таолонинг ушбу сўзларини ўқиб бердилар:

فَمَنْ حَاكَ فِيهِ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ فَقُلْ تَعَالَوْا نَدْعُ أَبْنَاءَنَا وَأَبْنَاءَكُمْ وَنِسَاءَنَا وَنِسَاءَكُمْ



وَأَنْفُسَنَا وَأَنْفُسَكُمْ ثُمَّ نَبْتَهِلْ فَنَجْعَلْ لَعْنَةَ اللَّهِ عَلَى الْكَاذِبِينَ

– „Энди Сизга келган мана шу ҳақ маълумотдан кейин (насронийлардан) кимда-ким Сиз билан талашиб тортишмоқчи бўлса, ундай кимсаларга айтинг: «Келинглр, ўғилларимизни ва ўғилларингизни, аёлларимизни ва аёлларингизни, ўзларимизни ва ўзларингизни чорлаб йиғлайлик, кейин Оллоҳга тазарруъ билан илтижо қилайликда, ёлғончиларни Оллоҳ лаънат қилишини сўрайлик“.

[3:61]

Улар ўзаро маслаҳатлашиб, биргалашиб Оллоҳга илтижо қилмаслик, Расулulloҳ ﷺни ўз динида қолдириш ва улар эса ўз динларида қайтиб кетиш фикрига келганларини эълон қилишди. Лекин Расулulloҳ ﷺдан моллар хусусида ихтилофли ишларда ҳукм чиқариб бериши учун улар билан бир кишини юборишларини сўрашди. Расулulloҳ ﷺ Абу Убайда ибн Жарроҳни улар ўртасида ихтилофли бўлган ишларнинг ҳукмини Ислом аҳкомлари асосида чиқариш учун уларга қўшиб юбордилар.

Шундай қилиб, Исломий даъватнинг кучи, исломий фикрнинг кучи ва етук ҳужжат яҳудийлар, мунофиқлар ва насоролар қўзгаган каломий тортишувларнинг ҳаммасига барҳам берди. Бундай ғайриисломий фикрларнинг барчаси йўқолиб кетди. Исломнинг ўзи қолди ва фақат унинг аҳкомларини тушуниш ва унга даъват қилишда мунозара қилинадиган бўлди. Натижада Ислом мустаҳкам ўрнашди ва фикр жиҳатидан, ҳукм юритиш жиҳатидан унинг таъсири кенг ёйилди. Лекин яҳудийлар ва мунофиқлар мусулмонларни ёмон кўришда давом этишди, уларга қарши гина-адоватларини ташлашмади. Бироқ Мадинада Ислом салтанатининг ва жамиятнинг мустаҳкамлиги ҳар қандай қаршиликларга барҳам берди. Кетма-кет юборилаётган сариялар ва ғолиб куч бундай касал шахсларнинг овозини ўчирди. Оллоҳнинг ҳукми ғолиб бўлди. Мадина ва унинг атрофидаги Ислом душманлари жим юриш ва мусулмонларнинг салтанатига бўйсунушга мажбур бўлишди.

БАДР ҒАЗОТИ

Ҳижратнинг иккинчи йили Рамазон ойидан саккиз кун ўтганди Расулуллоҳ ﷺ асҳоблари билан Мадинадан чиқдилар. Амр ибн Умми Мактумни одамларга намоз ўқиб беришга қолдирдилар. Абу Лубобани Мадинага ҳоким қилиб қўйдилар. Ғазотга Мадинадан уч юз беш киши чиқишди, уларда етмишта туя бўлиб, икки, уч ва тўрт киши битта туяга навбатлашиб минар эдилар. Абу Суфён карвонининг хабарини кутиб, Зафирон водийсига бориб туришди. Шу ерда уларга Қурайш ўз карвонини ҳимоя қилиш учун Маккадан чиққани ҳақидаги хабар келди. Энди масала Абу Суфён карвони билан эмас, балки Қурайш билан тўқнашиш ёки тўқнашмаслик бўлиб қолди. Расулуллоҳ ﷺ мусулмонлардан маслаҳат сўраб, уларни Қурайшнинг ишидан хабардор қилдилар. Абу Бакр ؓ ва Умар ؓ ўз раъйларини билдиришди. Кейин Миқдод ибн Амр ўрнидан туриб деди: «Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ сизни нимага буюрган бўлса, шунини ижро қилинг, биз сиз билан биргамиз. Оллоҳга қасамки, биз сизга Бану Исроил Мусо ﷺга: «Сен Раббинг билан бирга бўлиб, душманларга қарши урушгин, биз шу ерда кутиб тураемиз», деганидек иш тутмаймиз. Биз сиз билан биргамиз. Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, бизни Баркул-Ғимодга олиб борсангиз ҳам, у ерга етгунча сизнинг ёнингизда жанг қилаемиз». Мусулмонлар сукут сақлаб қолишди. Расулуллоҳ ﷺ дедилар: «Менга маслаҳат беринглар, эй одамлар». Бу сўзлар билан Расулуллоҳ ﷺ Ақаба кунда фарзандлари ва хотинларини ҳимоя қилган нарсалардан Расулуллоҳ ﷺни ҳам ҳимоя қилишга байъат берган ансорларни ирода қилган эдилар. Расулуллоҳ ﷺ ансорлар бу байъат у зотнинг душманлари Мадинада уруш қилсагина ёрдам беришни бизга лозим қилади деб, ўйлашларидан хавфсирар эдилар. Ансорлар бу сўзлар уларга қаратилганини билишди ва уларнинг байроқдорлари Саъд ибн Муоз Расулуллоҳ ﷺга қараб: «Ё Расулаллоҳ, бизни ирода қилиясизми?» деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳа», дедилар. Саъд: «Биз Сизга иймон келтирганмиз, Сизни тасдиқлаганмиз, Сиз олиб келган нарсани ҳақ деб билганмиз, шунга биноан Сизга қулоқ солиб, итоат қилишга аҳду-паймон берганмиз. Шундай экан, ё Расулаллоҳ, хоҳлаган ишингизга киришаверинг, биз сиз билан биргамиз. Сизни юборган Зотга қасамки, агар бизни мана шу денгиз олдига олиб борсангиз ва унга шўнғисангиз, биз ҳам сиз билан шўнғиймиз, биздан бирорта одам ортда қолмайди. Эртага бизни душманимизга рўбарў қилишингизни хоҳламаслик бизларга ётдир. Албатта, биз урушда сабрли ва душманга йўлиққанда салобатлимиз. Шояд Оллоҳ Таоло сизга биз тарафимиздан кўзларингиз хурсанд бўладиган нарсаларни кўрсатса. Бас, бизни Оллоҳнинг марҳамати ила олиб боринг», деди. Саъд сўзларини тамомламасдан Расулуллоҳ ﷺнинг юзлари хурсандчиликдан ёришиб кетди ва: **«Юринглар ва хурсанд бўлингларки, дарҳақиқат, Оллоҳ Таоло икки нарсдан бирини менга ваъда қилди. Оллоҳга қасамки, мен ҳозир гўё қавмнинг ҳалокатини кўриб тургандайман»**, дедилар. Шундан кейин

хаммалари йўлга тушди ва Бадрга яқинлашганда Қурайшнинг карвони яқин келиб қолганини билишди. Кейин Расулуллоҳ ﷺ Алий ибн Абу Толиб, Зубайр ибн Аввом ва Саъд ибн Абу Ваққосларни бир неча саҳобалар билан бирга Бадрнинг сувли ерига Қурайшнинг хабарини билиб келишга юбордилар. Улар икки болани асир олиб қайтиб келишди. Расулуллоҳ ﷺ улардан Қурайшнинг сони 900-1000 киши атрофида эканини ва Қурайшнинг барча улуғлари карвон ҳимоясига чиқишганини сўраб билдилар. Расулуллоҳ ﷺ бу маълумотлардан ўзларидан уч баробар кўп қавм қаршисида турганларини ва мусулмонларни жуда қаттиқ уруш кутаётганини билдилар ва мусулмонларга уларнинг олдига Макка ўз жигаргўшаларини чиқарганини маълум қилиб, улар ўзларини шиддатли жангга ҳозирлашлари лозимлигини айтдилар. Мусулмонлар барчалари душманга қарши сабот билан туришга келишиб олишди. Бадрнинг сувли ерига тушишди ва бир ҳовуз қуриб, уни сув билан тўлдиришди. Ўзлари сув ичиб, душманлари сув ича олмаслиги учун бошқа қудуқларни кўмиб ташлашди. Расулуллоҳ ﷺ учун бир чодир қуришди. Қурайшликлар эса жанг қилинадиган жойга, мусулмонлар қаршисига келиб тушишди. Кейин уруш бошланди. Қурайш сафларидан Асвад ибн Абдул Асад Махзумий мусулмонларнинг сафларини ёриб кириб, улар қурган ҳовузни бузмоқчи бўлди. Ҳамза ибн Абдулмутталиб унинг болдирини бир зарб билан узиб ташлади. У оёғидан қон оққан ҳолда орқаси билан йиқилди. Кейин Ҳамза яна бир зарб билан уни ҳовуз ичида ўлдирди. Яккама-якка урушиш учун Утба ибн Рабиъа укаси Шайба ва ўғли Валид билан ўртага чиқди. Уларга қарши ўртага Ҳамза ибн Абдулмутталиб, Алий ибн Абу Толиб ва Убайда ибн Ҳорислар чиқдилар. Ҳамза Шайбани, Алий Валидни ҳеч қанча вақт ўтмасдан ўлдиришиб, кейин Убайдага ёрдам беришди. Утба у билан басма-бас уришаётган эди. Кейин икки тараф бир-бирларига қараб келишди. Бу тўқнашув юз берган кун ҳижратнинг иккинчи йили Рамазон ойининг ўн еттинчиси жума куни эрталаб эди. Расулуллоҳ ﷺ мусулмонлар устида туриб, уларнинг сафларини текислаб, жангга ундар эдилар. Расулуллоҳнинг бундай қилишлари билан мусулмонларнинг қувватига қувват қўшилди. Мусулмонлар шиддат билан жангга кириб кетишди. Жанг-тўзон осмонга кўтарилди. Ҳамма ёқ ҳайқиреқлар билан тўлди. Жанг қизигандан қизиб кетди. Қурайшликларнинг бошлари таналаридан учиб туша бошлади. Мусулмонлар иймонлари сабабли кучларига куч қўшилар ва: «Аҳад, Аҳад», деб қичқирар эдилар. Расулуллоҳ ﷺ жанг ўртасида туриб бир ҳовуч майда тошларни олдилар ва Қурайшга қаратиб: «Юзлар хунук бўлсин!», дедилар. Асҳобларига: «Бўш келманглар», дедилар. Мусулмонлар жанг уларнинг ғалабаси билан тугагунча қаттиқ урушдилар. Қурайш қочди. Улардан жуда кўплари ўлдирилди ва асир олинди. Бу мусулмонларнинг катта ғалабаси бўлди ва улар ўз қудратларига ишончлари ортган ҳолда Мадинага қайтиб келдилар.

БАНУ ҚАЙНУҚОНИ СУРГУН ҚИЛИШ

Яҳудийларнинг норозиликлари Бадрдан олдинроқ бошланган эди. Мусулмонлар Бадрда ғалабага эришгач, уларнинг норозиликлари ва гина-адоватлари янада кучайди. Мусулмонларга қарши яширинча тил бириктира бошлашди. Мусулмонлар билан бўлган аҳдларини бузишди. Уларга қарши мусулмонлар ҳам қаттиқ турдилар ва улар томонидан қачон бир ножўя ҳаракат зоҳир бўлиб қолса, қақшатқич зарба бера бошладилар. Яҳудийлар мусулмонларнинг қудратидан қўрқишди, лекин улар бундай ножўя ҳаракатлардан қайтиш ўрнига озорларини кучайтиришди. Уларнинг озорларидан бири шу бўлдики, араблардан бир аёл Бану Қайнуқога қарашли яҳудийлар бозорига келди. Унинг тақинчоқлари бор эди. Уларни кўрсатгани бир яҳудий заргар олдига бориб ўтирди. Шунда бошқа бир яҳудий у аёлнинг орқасидан билдирмасдан келиб, кўйлагининг этагини бир тикан билан қадаб қўйди. Аёл ўрnidан турган пайтда уят жойлари очилиб қолди. Яҳудийлар унинг устидан кулишди. Аёл қичқириб юборди. Мусулмонлардан бир киши ҳалиги яҳудий заргар олдига чопиб бориб уни ўлдирди. Яҳудийлар мусулмонга қарши кўплашиб ҳужум қилишди ва уни ўлдиришди. Бу мусулмоннинг қариндошлари мусулмонларни ёрдамга чақирди ва улар яҳудийларга ҳужум қилишди. Натижада мусулмонлар билан яҳудийлар ўртасида низо пайдо бўлди. Расулulloҳ ﷺ яҳудийлардан ёмонликларини тўхтатишларини талаб қилдилар. Яҳудийлар бундан норози бўлишди. Сўнг Расулulloҳ ﷺ мусулмонлар билан чиқиб, Бану Қайнуқони қамал қилдилар ва катта саҳобалар билан маслаҳат қилганларидан кейин уларнинг ҳаммаларини қириб ташлаш керак деган қарорга келдилар. Уни кўриб Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул - мусулмонлар билан дўст бўлганидек, яҳудийлар билан ҳам дўст эди - ўрnidан туриб Расулulloҳ ﷺга: «Эй Муҳаммад, менинг дўстларимга яхшилик қилинг», деди. Расулulloҳ ﷺ индамадилар. У яна талабини такрорлади. Расулulloҳ ﷺ ундан юзларини бурдилар. Ибн Убай қаттиқ талаб қилиб туриб олди. Расулulloҳ ﷺ унинг бу талабини бажариш ва бу билан уни қарздор қилиб қўйишни кўзлаб, Бану Қайнуқо яҳудларини қилган ёмонликларига жазо сифатида Мадинадан сургун қилишлари эвазига ўлдирмасликларини айтдилар. Улар бунга бўйсуниб, Мадинадан чиқиб, шимол томонга кетишди ва Шомнинг Азриотида макон тутишди.

ИЧКИ НОТИНЧЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

Мусулмонлар Қурайш билан урушга киришди. Улар билан биринчи Бадр жангида тўқнашишди. Унда мусулмонлар улкан ғалабага эришдилар. Бу ғалаба натижасида Қурайшда унинг ҳушини бошидан учирган қаттиқ силкиниш рўй берди, Мадина яҳудийларнинг васвасалари ва фитналаридан тозаланди, уларнинг баъзилари сургун қилинди ва баъзилари билан сулҳ тузилди, мусулмонларнинг куч-қудрати зиёда бўлди. Бироқ Қурайш тинчимасди, Бадр жангидан бошлаб - ундаги мағлубият аламини олиш мақсадида - мусулмонларга ҳужум қилиш ва улардан ўч олиш учун тайёргарлик кўра бошлади. Бу ишларнинг натижаси ўлароқ Уҳуд жанги бўлди. Бу жангда Қурайш мусулмон камончилари қиёдат буйруғига итоат қилмаганлари сабабли ғалабага эришди. Бу жангда мусулмонлар синди. Қурайш Бадр орини ўзидан ювгани сабабли Уҳуддан қалби хурсандчиликка тўлиб қайтди. Мусулмонлар Мадинага мағлуб ҳолда қайтишди. Улар жангдан кейин душманни Ҳамрои Асадгача қувиб борганларига қарамасдан, мағлубият аламини намоён бўлиб турар эди. Мусулмонларнинг Уҳуддаги мағлубияти Мадинадаги кўпчилик, шунингдек, ташқаридаги баъзи араб қабилалари уларни тан олмай қўйишларига сабаб бўлди. Мадинадаги яҳудийлар ва мунофиқлар Бадрдан ва мусулмонларнинг уларга қарши қаттиқ туришидан кейин мусулмонларнинг салтанатига бўйсунган эди. Шунингдек, ташқаридаги араб қабилалари ҳам бўйсунган эди. Лекин буларнинг барчаси Уҳуддан кейин ўзгарди. Мадинадан ташқарида яшайдиган араблар Муҳаммад ﷺга қаршилик қилиш ҳақида ўйлай бошлашди. Мадинадаги яҳудийлар ва мунофиқлар ҳам мусулмонларга қарши тил бириктириб, қаршилик кўрсата бошлашди. Мана шу ишлар сабабли Расулulloҳ ﷺ Мадина аҳли ва ташқаридаги араб қабилалари нима қилишаётгани хабарларини билишга интилдилар. Бундан мақсадлари мусулмонларнинг ҳурматини ва ҳайбатини бошқаларнинг қалбларида қайта тиклаш эди. Шунинг учун мусулмонларни ким писанд қилмаса ёки уларга бирор зарар етказса, унга қарши куч ишлатиш билан бу мағлубиятнинг изларини ўчириш учун ҳаракат қила бошладилар.

Уҳуддан бир ой ўтгач, Расулulloҳ ﷺга Бану Асад қабиласи мусулмонларнинг Мадина атрофида боқиладиган чорваларини ўлжа қилиш учун Мадинага ҳужум қилишни мўлжаллаётгани хабари келди. Расулulloҳ ﷺ улар ҳужум қилмасларидан олдин уларга турган жойларида ҳужум қилишни ирода қилдилар. Шунинг учун хузурларига Абу Салама Абдул Асадни чақириб, унга байроқ бериб, бир юз эллик кишилик сарияга бош қилдилар. Улар орасида Абу Убайда ибн Жарроҳ, Саъд ибн Абу Ваққос, Усайд ибн Ҳузайр ва бошқа кўплаб энг жасоратли мусулмон жангчилар бор эди.

Расулulloҳ ﷺ бирор кимса сезиб қолмаслиги ва душманга гафлатда ҳужум қилиш учун уларни кечаси юриб, кундузи беркиниш ва биров юрмайдиган йўлдан юришни буюрдилар. Абу Салама йўлга тушди ва Бану Асад қабиласи турган жойга етиб борди ва тонг ғира-ширасида уларни ўраб олди. Уларга ҳамла қилиб, қўл остидагиларни жангга бошлади. Натижада мусулмонлар уларни танг аҳволга солиб, галабага эришишди. Уларнинг молларини ўлжа қилиб, Мадинага зафар билан қайтишди. Бу сария сабабли мусулмонлар душманларининг қалбларига яна ғулув солди.

Кейин Расулulloҳ ﷺга Арана ёки Нахлада турувчи Холид ибн Суфён Ҳузалий одамларни Мадинага ҳужум қилиш учун жамлаётгани ҳақидаги хабар келди. Расулulloҳ ﷺ ҳузурларига Абдуллоҳ ибн Унайсни чорлаб, хабарни аниқлаб келиш учун жосус қилиб жўнатдилар. Абдуллоҳ бориб Холид билан учрашди. Холид: «Сен кимсан?», деб сўради. Абдуллоҳ: «Мен араблардан бир одамман, сенинг Муҳаммадга қарши одам жамлаётганингни эшитиб келдим», деди. Холид Мадинага ҳужум қилиш учун одам жамлаётганини яширмади. Абдуллоҳ у ерда қолиб, Холиднинг одамларидан холи бўлишини кутиб турди. У холи бўлгач, у билан бирга юриб четга чиқишди ва қулай фурсат бўлганда унга қилич солиб ўлдирди. Кейин Мадинага қайтиб келди ва бўлган ишларни Расулulloҳ ﷺга маълум қилди. Холиднинг ўлдирилиши билан Ҳузайл қабиласидан бўлган Бану Лиҳённинг овози ўчди. Расулulloҳ ﷺ Мадина ташқарисидаги араб қабилалари масаласини мана шундай ҳал қилдилар. Бироқ бу ишлар арабларни Мадинага ҳужум қилишларининг олдини олишда фойда берган бўлса ҳам, лекин Уҳуддан кейин арабларнинг мусулмонлар салтанатини назар-писанд қилмасликларига барҳам бера олмади. Бу нарсани қуйидаги ҳодисаларда кузатишимиз мумкин: Расулulloҳ ﷺнинг олдиларига Ҳузайлга қўшни қабиладан бир жамоат элчи бўлиб келди ва Расулulloҳ ﷺга: «Бизнинг орамизда Исломга мойиллик бор, бизга асҳобларингиздан бир нечтасини қўшиб юборинг, улар бизга динни, Ислом шариатини ўргатишсин, Қуръон ўқиб беришсин», дейишди. Расулulloҳ ﷺ улар билан бирга асҳобларидан олтитасини жўнатдилар. Улар Ражиъ деган жойдаги Ҳузайлга қарашли бир сувга етишди. Шу ерда улар мусулмонларга хиёнат қилиб, уларни Ҳузайл қабиласига маълум қилишди. Бирдан уларни қилич яланғочлаган кишилар ўраб олди. Мусулмонлар дарҳол улар билан жангга киришишди, учтаси ҳалок бўлди, яна учталари асир олинди. Ҳузайл уларни Маккада сотиш учун йўлга тушди. Йўлда асирлардан бири - Абдуллоҳ ибн Ториқ қавмнинг гафлатда қолганидан фойдаланиб, қўлларини бўшатиб, қиличга ёпишди. Лекин душманлар уни ўлдирди. Икки асирни олиб бориб Макка аҳлига сотишди. Улардан бири Зайд

ибн Дасанани Сафвон ибн Умайя отаси Умайя ибн Халаф учун ўлдиргани сотиб олди. Зайд ўлдириш учун олиб келинганда Абу Суфён ундан: «Оллоҳ номи билан сендан сўрайман, эй Зайд, Муҳаммад ҳозир сенинг ўрнингда, бизнинг ичимизда туришини ва ўлдирилишини, сен ўз уйингда бўлишни хоҳлармидинг?» деб сўради. Зайд унга: «Оллоҳга қасамки, Муҳаммад ҳозир турган жойида ҳам унга бирор тикан кириб, озор беришини, мен эса аҳли оилам ҳузурда ўтиришимни хоҳламайман», деб жавоб берди. Бундан Абу Суфён ажабланиб: «Муҳаммаднинг асҳоблари Муҳаммадни яхши кўришганидек, биров бировни яхши кўрганини одамлар ичида учратмадим», деди. Кейин Зайд ўлдирилди. Иккинчи асир - Хубайб эса қамаб қўйилди, кейин уни дорга осиб учун олиб чиқишди. Хубайб уларга: «Агар маъқул кўрсаларинг, икки ракаат намоз ўқиб олар эдим», деди. Улар унга рухсат беришди ва у икки ракаат намозни чиройли қилиб ўқиб тугатди. Сўнг уларга қараб: «Агар мени ўлимдан кўрқиб, намозни узайтириб юборди деган гумонга боришларинг бўлмаганда жуда кўп намоз ўқиган бўлардим», деди. Кейин уни дорга кўтариб, боғлашганда уларга ғазаб кўзлари билан қараб: «Ё Оллоҳ, биз пайғамбарингнинг рисолатини (топширигини) етказдик, Сен ҳам унга бизга нима қилишганини етказгин. Ё Оллоҳ, булардан бирортасини қолдирмай ҳаммаларини ҳалок қилгин», деб қичқирди. Мушриклар унинг қичқиригидан қалтираб кетишди ва кейин Хубайбни ўлдиришди. Расулulloҳ ﷺ ва мусулмонлар бу олти саҳоба учун қаттиқ қайғурдилар. Ҳузайл қабиласи мусулмонларни хор қилгани уларнинг хафалиklarини яна ҳам кучайтириб юборди. Расулulloҳ ﷺ бу иш устида кўп ўйладилар. Расулulloҳ ﷺ мана шундай фикр қилиб юрган бир пайтларида олдиларига Абу Баро Омир ибн Молик Мулоибул-асинна келди. Расулulloҳ ﷺ унга Исломни таклиф қилдилар, у қабул қилмади, бироқ Исломга нисбатан адоват намоён этмади. У Расулulloҳ ﷺга: «Эй Муҳаммад, агар мен билан бирга Нажд аҳлига кишиларингиздан юборсангиз, уларни сизнинг ишингизга даъват қилишса, умид қиламанки даъватингизни қабул қилишади», деди. Лекин Расулulloҳ ﷺ ўз асҳобларига Нажд аҳли ҳам Ҳузайл қабиласи каби хиёнат қилиб ўлдириб юборишдан хавф қилганлари сабабли Абу Баронинг талабига жавоб бермадилар. Бироқ Абу Баро даъватга борувчиларни ўз ҳимоясига олиб Расулulloҳ ﷺни қаноатлантирди. Чунки Абу Баро сўзига қулоқ солинадиган одам бўлиб, у ҳимояга олган одамга бирор кимса хиёнат қилишининг хавфи бўлмас эди. Шундан кейин Расулulloҳ ﷺ Мунзир ибн Амрни қирқта сара мусулмонга бош қилиб жўнатдилар. Улар йўлга тушишди ва Мауна қудуғига етиб бориб, шу ерда тўхташди. Шу ерда туриб Омир ибн Туфайлга ўзларидан бир саҳобани элчи қилиб мактуб йўллашди. Бироқ у мактубга қараб ҳам

қўймади, балки элчини ўлдириб, Бану Омир қабиласини мусулмонларга қарши урушга чорлади. Лекин улар унашмади, балки ўз устларига олган аҳдларига ва Абу Баронинг ҳимоясига вафо қилишди. Омир эса бошқа қабилаларни мусулмонларга қарши урушга чақирди ва улар билан бориб, мусулмонларни ўраб олди. Уларни бу аҳволда кўрган мусулмонлар дарҳол қиличларини қўлга олишиб жанг қилишди ва ҳаммалари ҳалок бўлди. Улардан фақат икки киши нажот топди. Расулulloҳ ﷺ ва мусулмонлар бу шаҳидларга қаттиқ хафа бўлдилар. Расулulloҳ ﷺ бу ишлар ҳақида ва душманларнинг қалбида мусулмонларнинг ҳайбатини яна пайдо қилиш учун арабларга қандай муносабатда бўлиш ҳақида ўйладилар. Расулulloҳ ﷺ бу ишлар Мадинанинг ичида таъсир кўрсатганини кўрдилар ва шунинг учун аввало ички аҳволни муолажа қилишга қасд қилдилар. Бундан хотиржам бўлгач, ташқи ишларга киришишни мўлжалладилар. Уҳуддаги мағлубият, Ражиъ ва Мауна қудуғи ҳодисалари мунофиқ ва яҳудийларнинг қалбида мусулмонларнинг ҳайбатини заифлаштириб юборди. Улар Расулulloҳ ﷺга мусибат етказиш учун қулай фурсат кута бошлашди. Расулulloҳ ﷺ уларнинг қабих ниятларини сездилар, ҳатто уларнинг тил бириктириши зоҳир бўлди. Муҳаммад ибн Масламани уларга юбориб: Бану Назир яҳудийлари олдига бориб айт: «Расулulloҳ мени сенларнинг олдиларингга юбордилар: «Менинг шаҳримдан чиқиб кетларинг. Сенлар менга хиёнат қилишга қасд қилиш билан устларингга олган аҳдни буздиларинг. Мен сенларга ўн кун муҳлат бераман. Бас, ким ундан кейин кўринса, калласи кетади». Абдуллоҳ ибн Убай Бану Назирни қолишга ундамаса ва Ҳуяй ибн Ахтаб уларни қалъаларида туришга кўндирмаса, улар чиқиб кетишар эди. Ўн кун ўтса ҳам, улар чиқиб кетишмади. Шундан кейин Расулulloҳ ﷺ уларга қарши жанг қилдилар ва уларни танг аҳволга солиб қўйдилар. Кейин улар Расулulloҳ ﷺдан моллари, қонлари ва бола-чақаларига омонлик беришларини сўрашди. Расулulloҳ ﷺ улар билан ҳар уч киши битта туяга кўтарганича ичимлик ва егулик юклаб чиқиб кетишига биноан сулҳ туздилар. Шундай қилиб улар мусулмонларга ўлжа сифатида ерлари, хурмозорлари, ғаллалари ва қуролларини - барча мол-мулкларини ташлаб чиқиб кетишди. Бу молларни Расулulloҳ ﷺ фақат муҳожирларга тақсимлаб бердилар. Ансорларга ҳеч нарса тегмади. Фақат улардан икки киши - Абу Дужона ва Саҳл ибн Ҳанифларга - улар ҳам муҳожирлар каби фақир бўлганлари сабабли моллардан бердилар.

Бану Назирни сургун қилиш билан Расулulloҳ ﷺ ички сиёсат ишини ҳал қилдилар. Мусулмонларнинг ҳайбати яна ошди. Шундан кейин ташқи сиёсатга киришдилар. Расулulloҳ ﷺ Қурайшни кейинги Бадр ғазотига уришишга чорлаган эдилар, улар Расулulloҳ ﷺ билан

дуч келишга журъат қила олмади. Бу шундай бўлган эди. Уҳуд газотидан бир йил ўтгач, Расулulloҳ ﷺ Абу Суфённинг: «Бу ғалабамиз Бадрадаги мағлубиятимиз ўрнига бўлди. Яна бир йилдан кейин уруш майдонида учрашишга ваъдалашамиз», деган гапини ва Абу Суфён билан учрашиш зарурлигини эсладилар. Мадинада Абдуллоҳ ибн Убайни ўринларига қолдириб мусулмонлар билан йўлга тушдилар ва Бадрага бориб Қурайшга қарши жанг қилиш учун тайёргарлик кўриб, уни кута бошладилар. Қурайш ҳам Абу Суфён бошчилигида икки мингдан кўп аскар билан чиқди. Лекин у ҳеч қанча вақт турмасдан ортига қайтди. Расулulloҳ ﷺ Бадрада саккиз кун давомида Қурайшни кутиб турдилар. Қурайш келмасдан, ортига қайтиб кетгани хабари келди. Мусулмонлар ҳам Бадрада турган кунларида тижорат билан машғул бўлиб, катта фойдалар кўрганларидан кейин Расулulloҳ ﷺ улар билан Мадинага қайтдилар. Жанг қилмаган бўлсалар ҳам ғолиб бўлиб қайтдилар. Кейин Расулulloҳ ﷺ Нажд ўлкасида турувчи Ғатафон қабиласига юриш қилдилар. Улар моллари ва аёлларини ташлаб қочиб кетишди. Мусулмонлар уларни ўлжа қилиб Мадинага қайтишди. Кейин Расулulloҳ ﷺ Шом билан Ҳижоз чегараларида жойлашган Давматул-Жандал деган жойга карвонларга ҳужум қилиш билан йўлтўсарлик қиладиган қабилаларнинг таъзирини бериб қўйиш учун чиқдилар. Лекин у қабилалар ҳам Расулulloҳ ﷺга дуч келишдан қўрқиб, молларини ташлаб, қочиб қолишган эди. Мусулмонлар молларини олиб зафар қучган ҳолда Мадинага қайтдилар.

Мана шу ташқи газотлар ва Мадинадаги ички ишлар билан Расулulloҳ ﷺ араблар ва яҳудларнинг қалбига Исломиё Давлат ҳайбатини яна солиб қўйишга ҳамда Уҳуддаги мағлубият изларини ўчириб ташлашга эришдилар.

АҲЗОБ ҒАЗОТИ

Уҳуд ғазотидан кейин Расулulloҳ ﷺ амалга оширган ғазотлар ва жазолашларнинг мусулмонлар ҳайбатининг ёйилишида ҳамда ИсломиЙ Давлатни мустаҳкамлашда катта таъсири бўлди. Дарҳақиқат, мусулмонларнинг нуфузи ортди, салтанатлари катталашди, улардан Арабистон ярим оролидаги қабилалар қўрқиб қолди. Араблар уларга қарши Расулulloҳ ﷺнинг ғазотга чиққанларини эшитган пайтларида - Ғатафон ва Давматул-Жандалда бўлганидек - қўрқувга тушиб қочадиган бўлиб қолишди. Қурайш мусулмонлар билан йўлиқишдан - худди у яна бир Бадрга айланадигани каби - қўрқадиган бўлиб қолди. Бу ишлар натижасида мусулмонлар Мадинадаги ҳаётдан бир қадар хотиржам бўлишди. Муҳожирларга Бану Назир ўлжалари ўтгандан ҳамда ерлар, хурмозорлар, уй-жойлар ва уй жиҳозлари уларга тақсимлаб берилгандан кейин пайдо бўлган янги вазиятга қараб яшаш шароитларини тартиблаштира бошлашди. Бироқ бу ўзгаришлар мусулмонларни узлуксиз жиҳод қилишдан буриб, бутунлай тирикчилик билан машғул қилиб қўя олмади. Зеро, жиҳод қиёматгача фарздир. Балки мусулмонлар энди аввалгидан кўра тинч ва яхши ҳаёт кечира бошладилар. Расулulloҳ ﷺ хотиржам бўлишларига қарамасдан, душманларнинг тажовузидан доимо эҳтиёт бўлар эдилар, ўзларининг хуфя ва кузатувчиларини ярим оролнинг турли томонларига юборар эдилар. Улар Расулulloҳ ﷺга арабларнинг ишларидан ва улар тузаётган режалардан хабар беришар, шунга қараб Расулulloҳ ﷺ душманга қарши туришга тайёр бўлиб, у билан тўқнашиш учун қулай фурсатни кутар эдилар. Хусусан, Расулulloҳ ﷺ барча арабларни даҳшатга соладиган салтанатга эга бўлганларидан кейин, Бану Қайнуқо ва Бану Назир яҳудийларини Мадинадан сургун қилганларидан, Ғатафон, Ҳузайл ва бошқа араб қабилаларига қақшатқич зарбалар берганларидан кейин Арабистон ярим оролида мусулмонларнинг душманлари кўпайиб кетган эди. Шунинг учун Расулulloҳ ﷺ арабларни ҳушёр кузатиб турдилар. Бир кун Қурайш ва баъзи араб қабилалари Мадинага ҳужум қилиш учун жамланишаётганининг хабари келди ва Расулulloҳ ﷺ уларни кутиб олишга тайёрлана бошладилар. Бу шундай бўлган эди: Расулulloҳ ﷺ Мадинадан Бану Назир яҳудийларини сургун қилганларидан кейин уларда арабларни Расулulloҳ ﷺдан ўч олиш учун қўзғатиш фикри пайдо бўлди. Бу фикрни амалга ошириш мақсадида Бану Назирдан бир жамоа ишга киришди. Улар орасида Ҳуяй ибн Ахтаб, Салом ибн Абулҳақиқ ва Канона ибн Абулҳақиқ, улар билан бирга Бану Воил қабиласидан Ҳавза ибн Қайс ва Абу Амморлар бор эди. Улар Қурайш олдига боришди. Макка аҳли Ҳуяйдан қавми ҳақида сўраганда: «Мен уларни Мадина билан Хайбар ўртасида иккиланиб туришган ҳолда қолдирдим. Улар сизлар бориб бирга Муҳаммад ва асҳобларига қарши ҳужум қилишингларни кутишмоқда», деди. Бану Қурайза ҳақида сўрашганда: улар Мадинада Муҳаммадга айёрлик қилиб туришибди. Боришингиз билан сизлар билан бирга Муҳаммадга қарши

урушишади», деди. Қурайш иккиланиб қолди, Мадинага борсинми, бормасинми? Муҳаммад билан улар ўртасида у Оллоҳга даъват қилаётган даъват борасидагина ихтилоф бор. У ҳақ бўлса-чи? Шунинг учун Қурайш катталари яҳудийларга: «Эй яҳудийлар, сизлар аҳли китобсизлар ва Муҳаммад билан ўртамизда пайдо бўлган ихтилофни яхши биласизлар. Айтинглари-чи, бизнинг динимиз яхшими ёки Муҳаммаднинг дини яхшими?», дейишди. Ҳолбуки яҳудийлар аҳли тавҳид бўлиб, Муҳаммаднинг дини ҳақлигини яхши билишар эди. Лекин арабларни мусулмонларга қарши гиж-гижлашга қаттиқ интилишлари улкан хатога йўл қўйишларига сабаб бўлди ва улар бутларга ибодат қилиш тавҳиддан кўра афзал деб очиқ айтишди. Қурайшни фикрларига кўндирганларидан кейин Ғатафон, Бану Мурра, Бану Физора, Ашжаъ, Салим, Бану Саъд, Асад ва мусулмонларда ўчи бор бошқа қабилаларнинг ҳаммасига бориб, уларни ҳам ўч олишга гиж-гижлашди, Муҳаммадга қарши урушга Қурайш рози бўлганини айтишди, бутпарастликларини мақташди ҳамда уларга ёрдам қилишга ваъда беришди. Шундай қилиб, яҳудийлар арабларни Расулуллоҳ ﷺ га қарши урушга қўзғата олишди. Натижада араб қабилалари бирлашиб, Қурайш билан Мадинага ҳужум қилиш учун йўлга тушди.

Қурайш Абу Суфён бошчилигида чиқди. Улар тўрт минг жангчи - уч юзтаси отлик ва бир ярим мингтаси туяда эди. Ғатафон қабиласи Уяйна ибн Ҳисн ибн Ҳузайфа бошчилигида жуда кўп кишилар ва мингта туяда чиқди. Ашжаъ қабиласи Мисъар ибн Рахила бошчилигида тўрт юз жангчи билан чиқди. Мурра қабиласи Ҳорис ибн Авф бошчилигида тўрт юз жангчи билан чиқди. Салим қабиласи ва Мауна қудуғи эгалари етти юз киши бўлиб келишди. Булар тўпланишгач, уларга Бану Саъд ва Бану Асад қабилалари ҳам келиб қўшилди. Шундай қилиб бу қўшинда ўн мингга яқин аскар жамланди. Ҳаммалари Абу Суфён амирлигида Мадинани қасд қилиб йўлга тушишди. Бу қўшиннинг хабари Расулуллоҳ ﷺ га етиб боргач, Мадинада ҳимояланишга қарор қилдилар. Салмон Форсий Мадина атрофига хандақ қазиб, шаҳар ичида ҳимояланишни маслаҳат берди. Шу маслаҳатга кўра хандақ қазилди. Қазииш ишларида Расулуллоҳ ﷺ нинг ўзлари ҳам ишладилар. Тупроқ ташидилар, мусулмонларни руҳлантириб, янада кўпроқ куч сарфлашга чақирдилар. Хандақ олти кунда қазиб бўлинди. Душманга рўбарў бўладиган уй-жойларнинг деворлари мустаҳкамланди. Хандақнинг нариги тарафида қолган уйлар бўшатилиб, у ердаги аёллар ва болалар ҳимояланган жойларга кўчирилди. Расулуллоҳ ﷺ уч минг аскар билан чиқдилар. Орқаларини Салъ тепалигига буриб, хандақни ўзлари билан душман ўртасида қолдирдилар. Шу ерни аскарлари учун қароргоҳ қилиб белгиладилар. Расулуллоҳ ﷺ учун қизил чодир тикилди.

Қурайш бошчилигидаги душманлар Муҳаммадга Уҳудда дуч келамиз деб ўйлашган эди. Лекин Мадинага яқинлашиб келишди ва хандақни кўриб ҳайрон қолишди. Чунки улар мудофаанинг бундай турини билишмас эди. Қурайш ва у билан келган гуруҳлар хандақнинг ортида

жойлашишди. Абу Суфён ва у билан бирга бўлганлар хандақдан ўтолмай, узоқ вақт туриб қолишларини англашди. Бу вақт қиш фасли эди. Кучли шамоллар эсар, совуқ ҳам қаттиқ эди. Уларнинг шашти қайтди ва чекиниш ҳақида ўйлай бошлашди. Ҳуяй ибн Ахтаб улардаги бу ҳолатни сезиб, Бану Қурайзани Муҳаммад ва мусулмонлар билан тузган тинчлик битимини бузиб, уларга қўшилишга кўндиришини ва Бану Қурайза шундай қилса, мусулмонлардан мадад узилиб, Мадинага йўл очилишини айтди. Бу гапларни эшитиб, Қурайш ва Ғатафон хурсанд бўлди. Ҳуяй шоша-пиша Бану Қурайзанинг бошлиғи Каъб ибн Асаднинг олдида борди. Каъб унга қалъасининг эшигини очмади. Лекин Ҳуяй кетмай туриб олгандан кейин қалъа эшигини очди. У кира солиб Каъбга: «Эй Каъб, мен олдинга дунёнинг шон-шарафини ва улкан денгизни олиб келдим, олдинга Қурайш ва Ғатафонинг улуғлари-ю бошлиқлари келиб турибди. Улар менга то Муҳаммаднинг ва у билан бирга бўлганларни бутунлай йўқ қилмагунимизча бу ердан кетмаймиз деб аҳд беришди», деди. Каъб иккиланиб қолди ва Муҳаммаднинг аҳдга вафосини, содиқлигини айтиб, Ҳуяй чақираётган ишнинг оқибатидан қўрқди. Лекин Ҳуяй унга яҳудийлар бошига Муҳаммаддан келган кулфатларни айтиб ва гуруҳларнинг кучини таърифлайверганидан кейин Каъб бўшашди ва унинг талабига рози бўлди ва Муҳаммад ва мусулмонлар билан бўлган битимларини бузиб, Қурайза яҳудийлари ҳам ғанимларга қўшилди. Бу ҳақда Расулulloҳ ﷺ га хабар ҳам бермади. Расулulloҳ ﷺ га ва асҳобларига бу хабар етиб келганда, улар қаттиқ изтиробга тушишди ва унинг оқибати мусулмонларга зарарли бўлишидан қўрқишди. Кейин Расулulloҳ ﷺ Авснинг саййиди Саъд ибн Муоз, Хазражнинг саййиди Саъд ибн Уббода, Абдуллоҳ ибн Равоҳа ва Хаввот ибн Жубайрларни бу хабарни аниқлаб келиш учун юбордилар. Уларга агар Қурайза битимни бузган бўлса, одамларнинг руҳи тушиб кетмаслиги учун бу ишни яширишни ва уни ишоралар орқали маълум қилиш билан чекланишни тайинладилар. Ушбу элчилар Қурайзага боришганда уларни етиб келган хабарлардагидан кўра хунукроқ аҳволда кўришди. Элчилар уларни битимларига қайтаришга уринишганда Каъб улардан биродарлари бўлмиш Бану Назир яҳудийларини ўз жойларига қайтаришларини талаб қилди. Саъд ибн Муоз - у Бану Қурайзанинг иттифоқчиси эди - уларни хотиржам қилмоқчи бўлганда, улар Муҳаммад (Расулulloҳ) ﷺ ни ҳақорат қила бошлашди. Каъб эса: «Расулulloҳ ким ўзи? Муҳаммад билан бизнинг ўртамизда ҳеч қандай битим, ҳеч қандай аҳд йўқ», деди. Шундай қилиб элчилар қайтиб келишди ва Расулulloҳ ﷺ га кўрганларининг хабарини беришди. Хавф яна ҳам кучайди. Ғанимлар урушга тайёрлана бошлашди. Қурайза тайёргарлик кўриш учун Қурайшдан ўн кун муҳлат сўради. Фақат шу ўн кун ичида бирлашган кучлар мусулмонларга қарши жангга киришади. Улар шундай қилишди ҳам, дарҳақиқат, улар учта лашкар ташкил этишди. Ибн Аъвар Саламийнинг лашкари водийнинг юқори тарафидан келди, Уяйна ибн Ҳисн лашкари ён томондан келди, Абу

Суфён эса хандаққа қарши турди. Мусулмонларнинг қўрқуви баттар ортди. Кўзлар қамашиб, қалблар ҳалқумга тиқилди. Душманнинг кучқудрати зиёдалашди, қуввати намоён бўлди. Уларнинг руҳи баланд эди. Шундай бир ҳолатда улар хандаққа ҳужум қилишди. Қурайшнинг баъзи бир чавандозлари хандақнинг тор жойини топиб, шу ердан ўтишди ва Саль билан хандақ ўртасида от чоптириб юра бошлашди. Шунда Алий ибн Абу Толиб ﷺ бир нечта мусулмонлар билан чиқди ва хандақнинг отлар ўтган жойини эгаллади. Амр ибн Абдувудд олдинга чиқиб, мусулмонларни яккама-якка олишувга чақирди. Алий ибн Абу Толиб ﷺ уни олишувга чақирганда, у димоғдорлик билан Алийга: «Нима учун чиқдинг, эй биродаримнинг ўғли, Оллоҳга қасамки, мен сени ўлдиришни хоҳламайман», деди. Унга жавобан Алий ﷺ: «Мен эса, Оллоҳга қасамки, сени ўлдиришни хоҳлайман», деди. Икковлари олишиб кетишди ва Алий ﷺ уни ўлдирди. Кейин душман отиқлари ҳеч нарсага қарамай ортига чекиниб, яна хандаққа ўзларини отишди. Лекин бу нарса душманнинг руҳини туширмади, балки мусулмонларни кўпроқ қўрқувга солиш учун ўт ёқишганда алангаларини жуда ҳам катта қилиб ёқишди. Қурайшнинг шижоатли кишилари ўз қалъаларидан Мадина аҳлини қўрқувга солиш учун унинг ўзларига яқин жойларига тушиб кела бошлашди. Натижада мусибат кучайди, даҳшат зўрайди ва ҳаммани қўрқув босди. Расулulloҳ ﷺ Оллоҳ Таолонинг ёрдам беришига қаттиқ ишонар эдилар. Шундай ҳолат ҳукмрон бўлиб турган бир пайтда Нуайм ибн Масъуд келиб қолди - у мусулмон бўлган эди - ва Расулulloҳ ﷺга кофирларни бўшаштирадиган бир иш қилишни арз қилди. У Расулulloҳ ﷺнинг буйруқлари билан Бану Қурайзага борди, улар унинг мусулмон бўлганини билишмас эди. Жоҳилиятда Нуайм уларнинг ҳамтовоғи эди. Уларга ўзи билан улар ўртасидаги эски улфатчиликларини эслатди, кейин уларга Қурайш ва Ғатафон билан бирга Муҳаммадга қарши чиқишганини, Қурайш ва Ғатафон эса бу ерда узоқ қолишга тоқат қилмасдан уларни Муҳаммад билан уришгани ёлғиз ташлаб кетиб қолишларини, кейин Муҳаммад уларни енгишини айтди. Уларга Қурайш ва Ғатафон кетиб қолмаслиги учун улардан гаровга одам олмасдан туриб мусулмонлар билан уруш қилмасликни маслаҳат берди. Қурайза унинг айтганларига рози бўлди. Кейин Қурайшнинг олдига бориб, уларга Қурайза Муҳаммад билан бўлган битимларини бузганлигидан надомат қилаётганини, Муҳаммадни рози қилиш ва дўстлигини қозониш учун ўлдириб юборишига Қурайшнинг улуғларидан бир нечтасини ушлаб бермоқчи эканини «фош» этди. Шунинг учун агар яҳудийлар кишиларингдан бир нечтасини гаровга сўраб одам жўнатса, уларга ҳеч кимни бермасликларини маслаҳат берди. Нуайм Ғатафонга ҳам Қурайшга қилган ишларни қилди. Натижада арабларда яҳудийларга нисбатан шубҳа уйғонди. Абу Суфён Каъбга: «Бу одамни қамал қилишимиз жуда чўзилиб кетди. Эртага сизлар унга қарши уруш бошланглар, биз ортингизда бўламиз», деб элчи жўнатди. Каъб: «Эртага шанба. Биз бу кунда на уруша оламиз ва на бирор иш қила оламиз»,

деб жавоб берди. Абу Суфён бу жавобдан газабга келди. Нуаймнинг гаплари ростлигига ишонди. Кейин яна элчисини жўнатиб: «Бу шанба ўрнига бошқа кунни шанба қилинглари. Эртага Муҳаммадга қарши урушмасак бўлмайди. Агар биз эртага урушга чиқсаг-у, сизлар биз билан бирга бўлмасангиз, сизлар билан иттифоқдан чиқамиз ва Муҳаммаддан олдин урушни сизлардан бошлаймиз», деди. Қурайза Абу Суфённинг гапларини эшитгач, шанба куни тажовуз қилмасликларини такрорлади. Кейин хотиржам бўлиш учун бир нечта одам сўради. Бу гапларни эшитган Абу Суфёнда Нуаймнинг гаплари ростлигига ҳеч бир шубҳа қолмади ва нима қилиш ҳақида ўйлай бошлади. Бу аҳволдан Ғатафонни хабардор қилди. Шундан кейин улар ҳам Муҳаммадга қарши урушга иккиланиб қолишди. Тунда Оллоҳ Таоло уларнинг устига қаттиқ шамол, кучли момақалдироқ ва ёмғир юборди. Бу шамол чодирларни учирди, қозонларни тўнтарди, қалбларга қўрқув солди. Улар мусулмонлар бу фурсатдан фойдаланиб, уларни ўлдириб юбориш учун улар томонга ўтди, деган хаёлга боришди. Тулайҳа ўрнидан туриб, Муҳаммад сизларга қарши урушни бошлади, ўзларингизни қутқариб қолинглар, деб қичқирди. Абу Суфён: «Эй Қурайш жамоаси, йўлга тушинглар, мен кетдим», деди. Шундан кейин қавм кўтара олган нарсаларини кўтариб, қочиб қолди. Уларнинг ортидан бошқалар ҳам эргашди. Тонг отганда душмандан ном-нишон қолмаган эди. Расулulloҳ ﷺ бу ҳолни кўргач, мусулмонлар билан бирга Мадинага қайтиб келдилар. Оллоҳ Таоло мўминларни урушиш машаққатидан халос этди.

Расулulloҳ ﷺ Қурайшдан тинчидилар, Оллоҳ Таоло пайғамбарини уларга қарши урушишдан халос этди. Лекин Расулulloҳ ﷺ Бану Қурайза ишини охирига етказишни ният қилдилар. Зеро, улар ўртадаги битимни бузишди, мусулмонларни йўқотишга қарор қилишди. Шунинг учун муаззинга одамлар ичида эълон қилишни буюрдилар: «Ким қулоқ солиб, итоат қиладиган бўлса, аср намозини Бану Қурайзада ўқисин». Алий ﷺ га байроқни бердилар. Мусулмонлар Алий ортидан хурсанд ва шод бўлиб урушга қўзғалдилар ва Бану Қурайза турган қалъага келиб, уларни қамал қилдилар. Қамал йигирма беш кунга чўзилиб кетди. Кейин яҳудийлар Расулulloҳ ﷺ га элчи юбориб, музокара қилишди. Саъд ибн Муоз улар ҳақида ҳукм қилишига рози бўлишди. Саъд уларнинг жангчилари ўлдирилсин, моллари тақсимлансин, бола-чақалар ва аёллар асир олинсин, деб ҳукм чиқарди. Бу ҳукм ижро қилинди. Шундай қилиб бу қабила йўқ қилинди, Мадина улардан тозаланди.

Душманларнинг мағлубияти билан Қурайшнинг Расулulloҳ ﷺ га қарши урушиш учун олиб борган охириги уриниши барбод бўлди. Бану Қурайзани йўқ қилиш билан Мадина атрофида яшовчи, Расулulloҳ ﷺ билан битим тузиб, кейин битимларини бузган яҳудийларнинг уч қабиласи йўқ қилинди. Шундай қилиб, Расулulloҳ ﷺ ва мусулмонлар учун Мадина ва унинг атрофида аҳвол яхшиланди, бу нарса арабларни мусулмонлардан қўрқадиган қилиб қўйди.

ҲУДАЙВИЯ СУЛҲИ

Ҳижратнинг олтинчи йили Расулulloҳ ﷺ ўз қўшинларидан ва исломий жамиятдан хотиржам бўлгач, Исломиий Давлатнинг қудратини ошириш ва душманларини заифлаштириш йўлида яна бир қадам қўйишга қарор қилдилар. Расулulloҳ ﷺга Хайбар ва Макка аҳли ўртасида мусулмонларга қарши ҳужум қилиш борасида келишув бўлгани хабари келди. Шунга кўра Макка аҳли билан ярашишга олиб борадиган ва бунинг натижасида Арабистон ярим оролида даъватни ёйишни осонлаштирадиган ҳамда Хайбарни Қурайшдан ажратиб қўядиган бир режа туздилар. Бу режа Байтуллоҳни зиёрат қилиш бўлиб, бунда Расулulloҳ ﷺ то мақсадларига етгунча тинчлик усулини қўллашга қарор қилдилар. Ҳаром ойлarda арабларнинг уруш қилмаслиги бу режани амалга оширишни осонлаштиришини кўрдилар. Расулulloҳ ﷺ Қурайшнинг бирлиги парчаланиб кетганини, мусулмонлардан қўрқиш уни таҳликага солиб қўйганини ва Расулulloҳ ﷺ ҳақида минг хил ўй-хаёлларга бораётганини билар эдилар. Шунга кўра Байтул Ҳаромга ҳаж қилиб боришни ирода қилдилар. Агар Қурайш Расулulloҳ ﷺни Маккага киргизмаса, бу нарса араблар ичида Исломиий даъватнинг ҳамда Қурайшга қарши ташвиқотнинг воситаларидан бири бўлади. Шунинг учун Расулulloҳ ﷺ ҳаром Зулқаъда ойида ҳажга чиқишларини эълон қилдилар. Мусулмон бўлмаган араб қабилаларини урушсиз ва тинч ҳолда Байтуллоҳга боришда иштирок этишга чақириб, элчилар юбордилар. Бундан мақсадлари ўзларини урушга эмас, балки ҳажга чиққанларини ҳамда урушни ирода қилмаганлари учун Исломда бўлишмаса ҳам ғайримусулмон арабларни шерик қилганларини билдириб қўйиш эди. Бундан агар Қурайш ҳаждан ман қиладиган бўлса, араблар ўртасида ўз фойдаларига фикр туғдиришни кўзладилар. Шунинг учун мусулмонларга қиндаги қиличларидан бошқа қуролларни олишга изн бермадилар ва уларга ўзларининг урушга эмас, балки ҳажга чиқишларини маълум қилдилар. Расулulloҳ ﷺ Мадинадан бир минг тўрт юз киши билан йўлга чиқдилар. Қасво номли туяларини миниб, олдинда йўл бошладилар. Одамларга уруш қилиш учун эмас, балки Байтуллоҳни зиёрат қилиш учун чиққанларини билдириш учун қурбонликка атаб етмишта туя олдилар ва умрага ният қилиб эҳром кийдилар. Мадинадан чиққанларидан кейин олти ёки етти мил масофани босиб ўтиб, Зулхулайфа деган жойга етиб боришганда, умранинг талбиясини айтишди. Кейин Маккага қараб юришди. Мусулмонларнинг урушга эмас, ҳажга келганлари ҳақидаги хабар Қурайшга етди. Қурайш бу нарса Муҳаммад Маккага кириш учун қилган ҳийла бўлса керак деб қўрқувга тушди ва қандай бўлмасин, Муҳаммадни Маккага киритмасликка қарор қилди. Мусулмонларни Маккага киритмаслик учун қўшин тайёрлади. Холид ибн Валид билан Икрима ибн Абу

Жаҳлни катта бир қўшинга бош қилди. Бу қўшинда отлиқларнинг ўзи икки юзта эди. Мушрикларнинг қўшини Маккадан чиқди ва ҳажга келаётганларнинг йўлини тўсиш учун улар томонга йўл олди ва Зу Тиво деган жойга келиб тушди. Муҳаммадга Қурайш қилган ишлар ва улар мусулмонларни ҳаждан ман қилиш учун қўшин тайёрлаганлари хабари етиб келди. Расулulloҳ ﷺ Маккадан икки чақирим узоқликдаги Усфон номли қишлоққа етиб келганларида Бану Каъб қабиласидан бўлган бир кишига дуч келдилар ва ундан Қурайш ҳақида сўрадилар. У киши шундай деб жавоб қилди: «Қурайш сизнинг келаётганингизни эшитди. Ўзлари билан сут бераётган ва боласи бор туяларини ҳам олиб чиқишди, қоплонларнинг териларидан кийимлар кийишди ва Зу Тивога келиб тушишди. Сизни Маккага мутлақо киритмасликка Оллоҳга аҳд беришди. Мана Холид ибн Валид чавандозлари билан Куроул-Фамимга келди. (Куроул-Фамим мусулмонларнинг Усфондаги қароргоҳидан саккиз мил узоқликдаги жой). Расулulloҳ ﷺ унинг бу жавобини эшитгач: «Қурайшнинг ҳолига вой, ахир уни уруш тамом қилди-ку. Мен билан бошқа араблар ўртасида тўсиқ бўлишмаса нима бўлади? Агар у араблар мени йўқ қилишса, бу билан Қурайш хоҳлаган иш амалга ошади. Агар Оллоҳ Таоло улар устидан мени ғолиб қилса, улардан жуда кўп одамлар Исломга киради. Агар шундай қилмасалар, ўзларида куч бўлган ҳолда урушадилар. Қурайш ўзи нима деб ўйлаяпти? Оллоҳга қасамки, Оллоҳ мени юборган нарса учун - то Оллоҳ мени ғолиб қилмагунча ёки бошим кетмагунча - жиҳод қилишда давом этаман», дедилар. Шу ерда Расулulloҳ ﷺ тузган режаларини қайта кўриб чиқдилар. Зеро, Расулulloҳ ﷺ тинчлик режасига қарор қилган, урушга тайёрланмаган эдилар. Лекин Қурайш Расулulloҳ ﷺ га қарши урушиш учун қўшин жўнатди. Расулulloҳ ﷺ эса урушмоқчи эмасдилар. Лекин қайтсинларми ёки тинчлик режасини уруш режасига айлантирсинларми? Расулulloҳ ﷺ мусулмонлар агар урушишдан бошқа илож қолмаса, ўз иймонлари билан душманга қарши туришга, унга қарши урушга киришга қодир эканларини яхши билар эдилар. Бироқ, Расулulloҳ ﷺ бу ерга урушиш учун келмадилар, урушишга қарор ҳам қилмадилар, балки ҳаж қилиш ва тинчлик сулҳи тузиш учун келдилар. Фаразан агар ҳаждан ман қилинсалар - ман қилиниш мумкинлигини ҳам ҳисобга олган эдилар - шунда ҳам бу ман уруш билан эмас, тинчлик билан бўлишини хоҳлар эдилар. Уруш билан киришни ҳам хоҳламас эдилар. Расулulloҳ ﷺ режалаштирган ушбу тинчлик режаси орқали бутун арабларда Исломий даъват ва унинг олийлиги ҳақида, Қурайшда ва Маккада бу даъватнинг олийлиги ҳақида, арабларда, Қурайшда ва Маккада Қурайшнинг хатода, залолатда, бузуқликда, душманчиликда экани ҳақида фикр пайдо қилишни хоҳлар эдилар. Расулulloҳ ﷺ га даъват муҳитини яратиш учун мана шундай умумий

фикр зарур эди. Чунки бу муҳит даъватнинг ёйилишига ва голиб бўлишига ёрдам берувчи энг катта омил ҳисобланади. Шунинг учун уруш режасига эмас, тинчлик режасига қарор қилдилар. Агар урушадиган бўлсалар, ушбу режага хилоф иш қилган бўладилар ва бу чиқишдан кўзлаган мақсадларини қўлдан бой берадилар. Шунинг учун нима қилиш тўғрисида кўп ўйладилар. У зот ҳар қандай одамдан кўра узоқни кўрувчи, катта тажрибали, ўткир сиёсатчи эдилар. Шу туфайли тинчлик режасида собит туришга қарор қилдилар. Акс ҳолда кўзлаган мақсадларини бой бериб қўярдилар, режалари барбод бўларди. Расулulloҳ ﷺнинг зарарларига Қурайш фойдасига арабларда ҳужжат пайдо бўларди. Умумий фикр ҳам ўзларининг эмас, Қурайшнинг фойдасига ҳал бўларди. Шунинг учун одамларга: «Ким бизни Қурайш турган йўлдан бошқа йўл билан олиб бора олади», дедилар. Одамлар ичидан бошқа йўлни биладиган бир киши чиқди ва улар тоғ оралаб, тор сўқмоқлардан, тошли йўллардан оғир машаққатлар билан юриб, Ҳудайбия деб номланган текисликка чиқишди. Холид ва Икриманинг қўшини мусулмонларни кўргач, даҳшатга тушиб, Маккага қараб от суришди. Мусулмонлар уларнинг қўшинидан ўтиб, Макка ҳудудига бостириб киришидан улар қўрқувга тушиб қолишди. Мушриклар қўшини Макка ичида, Расулulloҳ ﷺнинг қўшини ва у зот билан бирга бўлганлар Ҳудайбияда жойлашишди. Икки қўшин бир-бирининг қаршисида турди ва бир-бирига қарши қандай режа қўллаш ҳақида ўйлар эди. Баъзи мусулмонлар Қурайш урушга тайёргарлик кўргани, ҳажга йўл бермаслиги, бинобарин, уни енгиш ва ҳаж қилиш учун у билан урушишдан бошқа чора йўқлиги ҳақида ва бу билан Қурайшни бутунлай тор-мор этиш ҳақида фикр қилар эдилар. Қурайш мусулмонларга қарши урушга бор тайёргарлигини кўриб, ўзи қирилиб кетса ҳам мусулмонларни Маккадан қайтариб юборгунча улар билан жанг қилиш ҳақида ўйларди. Бироқ Қурайш мусулмонлар ҳақида минг хил ўй-тахминларга борарди. Шунга кўра Қурайш мусулмонлар нима қилишини кутиб турди. Расулulloҳ ﷺ эса бу ерга келишдан кўзлаган мақсадларига етиш учун Мадинада умра учун эҳром кийганда тузган режалари - тинчлик режасини ўзгартирмадилар. Шунинг учун Ҳудайбияда турдилар ва Қурайш нима қилишини кутдилар. Расулulloҳ ﷺ Қурайш қўрқаётганини ва ҳаж қилгани келгани борасида музокара ўтказиш учун элчи юборишини билар эдилар. Қурайш элчилар юборгунча шотилмасликка қарор қилдилар. Дарҳақиқат, Қурайш Будаил ибн Варқони Ҳузоза қабиласидан бир неча киши билан элчи қилиб юборди. Улар Расулulloҳ ﷺдан нима учун келганларини сўрашди ва қисқа музокарадан кейин мусулмонлар урушишни кўзлаб эмас, балки Байтуллоҳни зиёрат қилиш учун ва унинг ҳурматларини улуғлаш учун келишганига амин бўлишди. Кейин Қурайшни ҳам бунга

ишонтириш учун қайтишди. Қурайш эса уларни Муҳаммад ﷺ га ён босишда айблади ва уларнинг гапларига ишонмади. Кейин Микраз ибн Ҳафс бошчилигида бошқа элчиларни юборди. Булар ҳам аввалгилардек бўлишди. Кейин Муҳаммад ﷺ билан музокарага ҳабашлар саййиди Ҳилс ибн Алқамани жўнатди. Қурайш унга ва унинг қавмига Муҳаммад ﷺ ни тўсишда суюнар эди ва уларни Муҳаммад ﷺ га қарши кўзгатишни қасд қилган эди. Қурайшнинг фикрича агар Ҳилс музокарадан муваффақиятсиз қайтса, мусулмонларга адовати кучайиб, Маккани қаттиқ ҳимоя қилар эди. Бироқ Расулulloҳ ﷺ унинг келаётганини билган пайтларида мусулмонлар урушга эмас, ҳажга келишганига кўзга кўринадиган далил бўлиши учун қурбонликка олиб келинган чорваларни унинг олдига ҳайдаб қўйишга буюрдилар. Шундай қилиб, Ҳилс Маккадан чиқиб келди. Мусулмонларнинг қароргоҳига яқинлашганда кенг водийда туяларни кўрди, мусулмонларнинг кўриниши ва қурбонликка олиб келган чорвалари уларнинг урушга эмас, умрага келганларини намойиш этиб турганини, мусулмонлар қароргоҳида ибодат муҳити зоҳир бўлиб турганини кўргач, бу манзарадан қаттиқ таъсирланди ва бу одамлар урушни эмас, ибодатни ирода қилиб келганига ишонч ҳосил қилди. Расулulloҳ ﷺ билан учрашмасдан Маккага қайтди. Ҳилс Қурайшга кўрганларини маълум қилди ва улардан мусулмонларга ҳаж қилишга рухсат беришини сўради. Қурайшнинг ишидан қаттиқ ғазабланди ва агар Муҳаммадга Каъбани зиёрат қилишига йўл беришмаса, ҳабашларни олиб Маккадан кетиб қолиш билан қўрқитди. Лекин Қурайш катталари Ҳилснинг кўнглини олиб, бу иш устида фикр қилиб олишлари учун муҳлат беришини сўрашди ва шу билан Ҳилс уларга индамади. Кейин улар Урва ибн Масъуд Сақафийни элчи қилиб жўнатишди. У ҳам Расулulloҳ ﷺ нинг ҳузурларига борди ва Маккадан қайтиб кетишлари борасида музокара олиб борди. Музокарада барча усулларни ишга солди. Бироқ, унинг музокараси ҳам муваффақиятсиз тугади. Урва Расулulloҳ ﷺ нинг кўз қарашларига қаноат ҳосил қилиб қайтди ва Қурайшга: «Эй Қурайш жамоаси, мен Кисрони, Қайсарни ва Нажошийни ўз мулкларида кўрганман, лекин Оллоҳга қасамки, мен Муҳаммадни асҳоблари эъозлаганидек ўз қавмидан эъоз кўрган бирор подшоҳни кўрмадим. Мен шундай бир қавмни кўрдимки, улар Муҳаммадни душман қўлига ҳеч қандай ҳолатда топшириб қўймайди. Бас, бир ўйлаб кўринглар», деди. Бу нарса Қурайшнинг хусуматини яна ҳам кучайтириб юборди. Улар узоқ маслаҳатлашиб, бирор фикрга келиша олмади. Расулulloҳ ﷺ Қурайш билан музокарага элчи юбориш ҳақида фикр қилдилар. Балки Қурайш элчилари Қурайшдан кўрқишаётгандир. Шояд ўз элчилари уларни ишонтира олар. Шунга кўра Қурайшга Хирош ибн Умайя Хузонийни юбордилар. Лекин қурайшликлар унинг туясини сўйишди ва ўзини ҳам ўлдирмоқчи

бўлишганда, ҳабашлар ҳимоя қилишди. Қурайшнинг хусумати яна ҳам кучайди. Кечаси мусулмонларнинг қароргоҳини тошбўрон қилшга аҳмоқ ёшларни юборишди. Мусулмонлар бундан қаттиқ газабга келдилар ва Қурайш билан урушга кириш ҳақида ўйлай бошладилар. Лекин Расулulloҳ ﷺ уларнинг газабларини босиб, тинчлантирдилар. Бир куни Қурайшдан элик киши мусулмонларга зарба бериш учун уларнинг қароргоҳи томон чиқди. Улар қўлга олиниб, Расулulloҳ ﷺ ҳузурларига келтирилди. Расулulloҳ ﷺ уларни авф этиб, қўйиб юбордилар. Бу ишнинг Маккада катта таъсири бўлди ва Муҳаммад ﷺнинг урушга эмас, ҳажга келгани ҳақидаги гаплари тўғрилигига очиқ далил бўлди. Бу иш сабабли Маккада Расулulloҳ ﷺнинг фойдаларига умумий фикр пайдо бўлди. Ҳатто шу вақтда Расулulloҳ ﷺ Маккага кирганларида ва Қурайш уларни ман қилишга уринганда иш Қурайшнинг зарарига бўлар ҳамда Макка аҳли ва бошқа араблар Қурайшга қарши бўлиб қолишар эди. Шунинг учун Қурайш жанжал қўзғатиш ҳаракатларини тўхтатди ва нима қилиш ҳақида ўйлай бошлади. Унинг ҳаракатида тинчлик аломатлари кўриниб қолди. Шунда Расулulloҳ ﷺ улар билан музокарага мусулмонлардан юборишни ирода қилдилар ва Умар ибн Хаттобга музокарага боришни буюрдилар. Умар ﷺ: «Ё Расулulloҳ, мени ўлдириб юборишларининг хавфи бор, Маккада Бану Адий ибн Каъб қавмидан мени ҳимоя қиладиган ҳеч ким йўқ, ҳолбуки, Қурайш мен унга қанчалар адоватда эканимни билади. Лекин мен Қурайш учун азиз ва мўътабар бўлган бир кишини кўрсатаман, у Усмон ибн Аффон», деди. Расулulloҳ ﷺ Усмонни чақириб, Абу Суфённинг олдига жўнатдилар. Усмон ﷺ Қурайш томонга кетди ва уларга ўзига юклатилган топшириқни етказди, унга: «Агар Байтуллоҳни тавоф қилишни хоҳласанг, марҳамат», дейишганда: «То Расулulloҳ ﷺ тавоф қилмагунларича мен тавоф қилмайман», деди ва музокарага киришди. Қурайш кўнмади ва улар ўртасида музокара чўзилиб кетди. Охири Қурайш рад қилиш ҳолатидан ўз талабларига ва мусулмонларнинг талабларига мос келадиган муқобил режа ишлаб чиқиш ҳолатига ўтди ва Усмон ﷺ билан ўзлари ва Муҳаммад ﷺ ўртасида алоқалар пайдо қилиш борасида суҳбатлашди. Усмон ﷺга ўзларини бу ёмон ҳолатдан ва Муҳаммад ﷺ билан давом этаётган душманчиликдан халос этадиган бир йўл топади деб қарашди. Усмоннинг Маккада бўлиши чўзилиб кетиб, у ерда унинг бор-йўқлиги ҳам билинмагач, мусулмонлар ўртасида Қурайш Усмонга хиёнат қилиб, уни ўлдириб юборди, деган миш-миш тарқалди. Мусулмонлар қаттиқ изтиробга тушишди. Расулulloҳ ﷺнинг қалбларига ҳам Қурайш Усмонни ўлдирган, деган шубҳа кирди. Мусулмонлар ҳаяжонга келди ва ҳаммалари қўлларини қиличларининг сопига қўйиб, уруш ва жангга тайёр туришди. Шу вақтда Расулulloҳ ﷺ тузган режалари - тинчлик режасини қайта кўриб чиқдилар ва Қурайш ҳаром ойда музокара

элчиси Усмонга хиёнат қилгандан кейин ушбу режани қайта кўриб чиқиш лозимлигига амин бўлдилар. Шунинг учун «Бу қавм билан урушмагунимизча бу ердан кетмаймиз» дедилар. Кейин асҳобларини ҳузурларига чорладилар ва шу ердаги бир дарахт остида туриб, асҳобларидан байъат беришни талаб қилдилар. Ҳаммалари Расулulloҳ ﷺ га то ўлгунча қочмасликка байъат беришди. Мусулмонлар ушбу лаҳзаларда ҳар қачонгидан ҳам шижоатли, қатъиятли ва содиқ иймонли ҳолатда эдилар. Байъат тугагач, Расулulloҳ ﷺ Усмон учун байъат деб, бир қўлларини иккинчисига урдилар. Мусулмонларнинг бу байъатлари «Байъатур-Ризвон» (Розилик байъати) эди. Бу байъат тўғрисида Оллоҳ Таолонинг ушбу ояти каримаси нозил бўлди:

لَقَدْ رَضِيَ اللَّهُ عَنِ الْمُؤْمِنِينَ إِذْ يُبَايِعُونَكَ تَحْتَ الشَّجَرَةِ فَعَلِمَ مَا فِي قُلُوبِهِمْ فَأَنْزَلَ السَّكِينَةَ عَلَيْهِمْ وَأَنَابَهُمْ فَتَحًا قَرِيبًا



– „Эй Муҳаммад, дарҳақиқат, Оллоҳ мўминлардан - улар дарахт остида сизга байъат қилишаётган вақтда - рози бўлди ва Оллоҳ уларнинг дилларидаги нарса (садоқат ва вафо)ни билиб, уларга ором туширди ва уларни яқин ғалаба билан мукофотлади“. [48:18]

Байъат тугаб, мусулмонлар жангга ҳозирлик кўришаётган бир пайтда уларга Усмон ﷺ тирик экани хабари келиб қолди ва бир оздан кейин Усмон ﷺнинг ўзи келди ва Расулulloҳ ﷺ га Қурайшнинг гапларини етказди. Расулulloҳ ﷺ билан Қурайш ўртасида тинчлик музокаралари қайта бошланди. Қурайш Суҳайл ибн Амрни Расулulloҳ ﷺ билан ҳаж ва умра масаласидан бошқа - ўзлари билан Расулulloҳ ﷺ ўртасида тузилажак сулҳ масаласида музокара олиб бориш учун жўнатди. Сулҳнинг асоси Расулulloҳ ﷺ га бу йил Маккага кирмасдан қайтиш шарт қилинди. Расулulloҳ ﷺ шу асосдаги сулҳни қабул қилдилар, зеро, бу нарса Расулulloҳ ﷺ Байтуллоҳни зиёрат қилишдан кўзлаган мақсадларини рўёбга чиқарар эди. Бу йил ёки келаси йили Байтуллоҳни зиёрат қилишларининг ҳеч бир зарари йўқ. Зеро, Расулulloҳ ﷺ Хайбарни Қурайшдан ажратиб қўйишни ҳамда Исломиё даъватни ёйишда Қурайш бошқа арабларни тўсмаслигини истар эдилар. Шунинг учун мусулмонлар билан Қурайш ўртасидаги урушни тўхтатадиган сулҳ тузишни хоҳлар эдилар. Ҳаж ва умра мавзуи эса, у бугун ёки эртага бўлишининг бу ишга таъсири йўқ эди. Расулulloҳ ﷺ Суҳайл ибн Амр билан музокарага киришдилар. Ўртада сулҳ ва унинг шартлари борасида узоқ тортишув бўлди. Музокара бир неча марта бузилишига оз қолди. Бироқ Расулulloҳ ﷺнинг ҳикмат билан иш юритишлари, тажрибалари ва ўткир сиёсатлари музокаранинг бузилишига йўл қўймади. Мусулмонлар Расулulloҳ ﷺнинг ёнларида бу сўзларни эшитиб туришар ва умра тўғрисида сўзлашув бўляпти деб ҳисоблашар эди. Расулulloҳ ﷺ эса урушни тўхтатиш борасидаги сўзлашувлар деб ҳисоблар эдилар. Шунинг учун мусулмонлар бу сўзлашувлардан хафа

бўлишди, Расулulloҳ ﷺ эса хурсанд бўдилар ва вақтинчалик тафсилотлар, яъни фойдалардан қатъий назар ушбу сўзлашувларни ўзлари ирода қилган ғоя асосида олиб бордилар. Ниҳоят, икки тараф ўртасида муайян шартлар асосида сулҳ тузилди. Бироқ, бу шартлар мусулмонларнинг ғазабини қўзғатиб юборди. Улар Расулulloҳ ﷺ ни бу шартларни рад этиш ва уруш қилишга кўндиришга ҳаракат қилишди. Умар ибн Хаттоб ؓ Абу Бакр ؓнинг олдига бориб, унга: «Нима учун биз ён босишга рози бўлишимиз керак?» деди ва биргаликда Расулulloҳ ﷺнинг олдиларига бу шартларга унамасликка кўндириш учун боришини сўради. Лекин Абу Бакр ؓ Умар ؓни Расулulloҳ ﷺ кўнган нарсага рози бўлишга ундади. Бироқ Умар ؓ кўнмади ва Расулulloҳ ﷺнинг олдиларига бориб, қаттиқ аччиқланган ҳолда ўз фикрини билдирди. Лекин унинг бу гаплари Расулulloҳ ﷺнинг сабрларини ҳам, мақсадларини ҳам ўзгартира олмади. Расулulloҳ ﷺ Умарга: «Мен Оллоҳнинг бандаси ва элчисиман. Унинг буйруғига асло хилоф иш қилмайман. Оллоҳ Таоло мени асло хор қилиб, ташлаб қўймайди» дедилар ва кейин Алий ибн Абу Толиб ؓни чақириб, унга дедилар: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим, деб ёз». Суҳайл: «Мен бунини билмайман. Лекин «Бисмикаллоҳумма» деб ёз» деди. Расулulloҳ ﷺ дедилар: «Бисмикаллоҳумма деб ёз». Кейин дедилар: «Ушбу ҳужжат Оллоҳнинг элчиси Муҳаммад Суҳайл ибн Амр билан тузган сулҳнинг матнидир», деб ёз. Суҳайл деди: «Агар мен сизнинг Оллоҳнинг элчиси эканлигингизга гувоҳлик берганимда сизга қарши урушмас эдим. Ўз исмингиз ва отангизнинг исмини ёзинг». Расулulloҳ ﷺ дедилар: «Бу ҳужжат Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Суҳайл ибн Амр билан тузган сулҳнинг матнидир» деб ёз. Кейин қуйидагиларни ўз ичига олган сулҳнинг матни ёзилди:

а) Бу сулҳ икки тараф ўзаро келишилган вақтинчалик сулҳ ва яраш битимидир. Бу вақтда уруш ёки жанг бўлмайди.

б) Қурайшдан ким мусулмон бўлиб, валийсининг изнисиз Муҳаммаднинг олдига борса, Муҳаммад уни Қурайшга қайтариб юборади. Мусулмонлардан ким динидан қайтиб, Қурайшга келса, уни Муҳаммадга қайтаришмайди.

в) Араблардан ким Муҳаммад билан иттифоқчи бўлишни хоҳласа, қаршилиқ қилинмайди. Ким Қурайш билан иттифоқчи бўлишни хоҳласа, унга ҳам қаршилиқ қилинмайди.

г) Муҳаммад ва унинг асҳоблари бу йил Маккага кирмасдан қайтишади. Келаси йил келишади ва Маккага кириб, у ерда уч кун туришади. Ўзлари билан ҳеч қандай қурол олиб келишмайди, фақат қиличларини қинида олиб юришади.

д) Сулҳ муайян муддатга вақтинчалик бўлади. Унинг муддати имзоланган кундан бошлаб ўн йил қилиб белгиланди.

Сулҳга Расулulloҳ ﷺ ва Суҳайл мусулмонлар қўшинининг шовқинсирони ва ғазаби кўтарилган бир муҳитда имзо чекишди. Суҳайл

Маккага қайтиб кетди. Расулulloҳ ﷺ мусулмонларнинг ҳолатидан ранжидилар. Мусулмонларнинг урушни хоҳлашларидан аччиқлари келди. Кейин хотинлари Умму Салама олдига кирдилар (уни ўзлари билан олиб келган эдилар) ва одамлардаги ҳолатни айтиб бердилар. Умму Салама деди: «Ё Расулalloҳ, мусулмонлар сизга хилоф иш қилишмайди, улар ўз динларини, Оллоҳ Таолога бўлган иймонларини ва сизнинг пайғамбарлигингизни ўйлаб ҳаяжонга тушишмоқда. Сиз сочингизни олиб, эҳромдан чиқинг. Шунда мусулмонларнинг сизга эргашишларини кўрасиз. Кейин уларни Мадинага олиб қайтинг». Расулulloҳ ﷺ мусулмонларнинг олдига чиқдилар ва умрага изн сифатида сочларини олдилар. Қалблари осойиш ва розилик билан тўлди. Мусулмонлар Расулulloҳ ﷺнинг осойишта турганларини кўришгач шошилиб ўринларидан туришди ва қурбонликларини сўйиб, сочларини олишди, қисқартиришди. Кейин Расулulloҳ ﷺ ва мусулмонлар Мадинага қайтдилар. Улар йўлда кетишаётганда Расулulloҳ ﷺга «Фатҳ» сураси нозил бўлди. Расулulloҳ ﷺ мусулмонларга уни бошидан охиригача ўқиб бердилар. Шунда ушбу сулҳ мусулмонлар учун очиқ фатҳ (ғалаба) бўлганига ҳаммалари ишонч ҳосил қилдилар. Шундай қилиб мусулмонлар Мадинага етиб келишди. Расулulloҳ ﷺ Хайбар вужудини йўқ қилиш, Арабистон ярим оролидан ташқарига даъватни ёйиш, ярим орол ичида эса даъватни мустаҳкамлаш режаларини амалга ошира бошладилар. Қурайш билан сулҳ даврида баъзи қарши томонларни йўқ қилиш ва ташқари билан алоқа ўрнатишга имкон туғилди. Бу ишлар ушбу сулҳнинг фазли билан амалга ошди. Шу билан Расулulloҳ ﷺ ҳажга қасд қилган пайтларида ишлаб чиққан режаларини қийинчилик ва тўсиқларга қарамасдан амалга оширдилар ҳамда ирода қилган сиёсий мақсадларига етдилар. Шундай қилиб, Ҳудайбия, шубҳасиз, очиқ фатҳ бўлди ва у қуйидаги натижаларни юзага чиқарди:

1. Расулulloҳ ﷺ умуман арабларда, хусусан Маккада ва Қурайш ўртасида Исломий даъватни қувватловчи умумий фикрни пайдо қилдилар. Бу нарса мусулмонларнинг ҳайбатини кучайтирди.

2. Мусулмонларнинг Расулulloҳ ﷺга ишончини намоён қилди ва мусулмонлар иймонининг қуввати хавф-хатарларга қарамай шиддат билан қадам ташлаб, ўлимдан қўрқмаслигини кўрсатди.

3. Мусулмонлар сиёсий ҳаракатлар исломий давлат воситаларидан бири эканини билишди.

4. Маккада мушриклар ичида қолган мусулмонлар душман қароргоҳи ичида марказ ташкил қилдилар.

5. Сиёсатдаги тариқат ҳам фикратнинг ўзидан бўлиб, у ростлик ва аҳдга вафо қилиш эканини кўрсатди. Воситага келсак, унда зийраклик ва устмонлик, яъни душмандан воситаларни ва ҳақиқий мақсадларни яшириш гавдаланиб туриши лозим.

ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАРГА ЭЛЧИЛАР ЮБОРИШ

Расулulloҳ ﷺ Ҳижозда Исломи даъватдан хотиржам бўлганларидан кейин даъватни Ҳижоздан ташқарига олиб чиқа бошладилар. Чунки Илом барча одамларнинг динидир. Расулulloҳ ﷺ ҳам бутун оламга юборилгандирлар. Оллоҳ Таоло «Анбиё» сурасида марҳамат қилади:

﴿١٧﴾ وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ

– „Эй Муҳаммад, дарҳақиқат, биз сизни барча оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик“.

[21:107]

Оллоҳ Таоло «Сабаъ» сурасида дейди:

﴿٢٨﴾ وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَّةً لِّلنَّاسِ بَشِيرًا وَنَذِيرًا

– „Эй Муҳаммад, Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга - мўминларга жаннат ҳақида хушxabар элтувчи, кофирларни дўзах азобидан огоҳлантирувчи пайғамбар қилиб юбордик“.

[34:28]

Оллоҳ «Тавба» сурасида дейди:

﴿٩٣﴾ هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ

– „Оллоҳ ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан - гарчи мушриклар хоҳлашмасида - барча динлар устидан ғолиб қилиш учун юборган Зотдир“.

[9:33]

Шунинг учун Расулulloҳ ﷺнинг олдиларида - давлат ва даъватни мустаҳкамлаганларидан кейин - даъватни элчилар ёрдамида етказиш орқали хорижий алоқаларни бошлаш турар эди. Расулulloҳ ﷺга нисбатан хорижий алоқалар деганда Расулulloҳ ﷺнинг салтанатлари ҳудудларидан ташқаридаги кофирлар билан бўладиган алоқалар тушунилади. Бинобарин Расулulloҳ ﷺнинг салтанатлари фақат Мадинада бўлган пайтда Мадина ва унинг ҳудудидан ташқаридаги Қурайш ва бошқалар билан бўлган алоқалари хорижий алоқалар деб эътибор қилинади. Расулulloҳ ﷺнинг салтанатлари бутун Ҳижозни қамраб олган пайтда Ҳижоз ташқариси билан бўлган алоқалари хорижий алоқалар деб эътибор қилинади. Расулulloҳ ﷺнинг салтанатлари бутун Арабистон ярим оролини қамраб олган пайтда ярим оролнинг ташқарисидаги Рум ва Форс кабилар билан бўлган алоқалари хорижий алоқалар деб эътибор қилинади. Ҳудайбия сулҳидан ва Хайбар йўқ қилинганидан кейин тақрибан бутун Ҳижоз Расулulloҳ ﷺнинг салтанатлари остига кирди. Чунки бу пайтга келиб Қурайшда Расулulloҳ ﷺга қарши тура оладиган куч қолмаган эди. Шундай қилиб Расулulloҳ ﷺ хорижга ўз элчиларини юбордилар. Элчиларни фақат ички сиёсатни мустаҳкамлаб, ташқи сиёсатга таянч бўладиган етарли куч тайёрлаганларидан кейингина юбора бошладилар. Расулulloҳ ﷺ Хайбардан қайтганларидан кейин бир куни асҳоблари олдига чиқиб: «Эй одамлар, албатта Оллоҳ Таоло

мени раҳмат ва барча одамларга пайгамбар қилиб юборди. Шундай экан, Ийсо ибн Марямнинг буйруқларига ҳаворийлари (ёрдамчилари) зид иш қилганларидек сизлар менинг буйруқларимга зид иш қилманглр», дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, ёрдамчилари қандай зид иш қилишган?» деб сўрашди. Расулаллоҳ ﷺ: «Ийсо ҳам уларни мен сизларни даъват қилган нарсага даъват қилган. Ийсо кимни яқин жойга жўнатса рози бўлиб борган. Кимни узоқ жойга жўнатса, боришни ёмон кўриб, дангасалик қилган», деб жавоб бердилар ва уларга Ҳирақл, Кисро, Муқавқис, Ҳийра подшоси Ҳорис Ғассоний, Яман подшоси Ҳорис Ҳимярий, Нажоший, Уммоннинг икки подшоси, Ямоманинг икки подшоси ва Баҳрайн подшосига Исломга даъват қилгани элчи жўнатишларини маълум қилдилар. Саҳобалар Расулаллоҳ ﷺ ирода қилган ишга боришга рози бўлишди. Расулаллоҳ ﷺ учун қумушдан узук ясалиб, унга «Муҳаммадун Расулаллоҳ» деб нақш туширилди. Расулаллоҳ ﷺ ушбу подшоларга мактубларини элчилар орқали жўнатдилар. Ҳирақлнинг мактубини Диҳя ибн Халифа Калбийга, Кисронинг мактубини Абдуллоҳ ибн Ҳузофа Саҳмийга, Нажошийнинг мактубини Амр ибн Умайя Зумарийга, Муқавқиснинг мактубини Ҳотиб ибн Абу Балтабага, Уммоннинг икки подшосининг мактубини Амр ибн Ос Саҳмийга, Ямоманинг икки подшоси мактубини Сулайт ибн Амрга, Баҳрайн подшоси мактубини Ало ибн Ҳазрамийга, Шом чегаралари подшоси Ҳорис Ғассонийнинг мактубини Шужо ибн Ваҳб Асадийга ва Яман подшоси Ҳорис Ҳимярийнинг мактубини Муҳожир ибн Абу Умайя Махзумийга топширдилар. Элчиларнинг ҳар бири Расулаллоҳ ﷺ жўнатган томонга қараб бир вақтда чиқиб кетди ва Расулаллоҳ ﷺнинг мактубларини жўнатилган эгаларига етказди. Кейин ҳаммалари қайтиб келди. Мактуб жўнатилганларнинг кўпчилиги унга яхши жавоб қайтаришган бўлса, айримлари хунук жавоб қайтарди. Яман ва Уммон подшолари Расулаллоҳ ﷺнинг мактубларига ёмон жавоб қайтарган бўлишса, Баҳрайн подшоси чиройли жавоб қайтарди ва Исломга кирди. Ямома подшоси эса агар ҳоким этиб тайинланса, Исломга киришини изҳор этди. Расулаллоҳ ﷺ уни таъмагирлиги учун лаънатладилар. Форс подшоси Кисрога Расулаллоҳ ﷺнинг уни Исломга даъват қилиб ёзган мактублари ўқиб берилганда ғазабдан ёниб кетди ва мактубни йиртиб юборди. Кейин Ямандаги ҳокими Бозонга менга Ҳижоздаги бу одамнинг бошини юбор, деб мактуб йўллади. Расулаллоҳ ﷺга Кисронинг гаплари ва мактубни нима қилгани хабари етганда: «Оллоҳ унинг мулкини парчалаб ташласин», дедилар. Кисронинг мактуби Ямандаги ҳокими Бозонга етиб келганда, Ислом ҳақида сўраб-суриштирди ва ўзининг Исломга кирганини эълон қилди. Кейинчалик ҳам Расулаллоҳ ﷺнинг Ямандаги ҳокимлари бўлиб қолди. У Яман подшоси Ҳорис

Ҳимярийдан бошқа одам. Аммо Қибтнинг подшоси Муқавқис мактубга чиройли жавоб қайтарди ва Расулуллоҳ ﷺ га ҳадя жўнатди. Нажоший ҳам чиройли жавоб қайтарди. Айтишларича, у ҳам Исломга кирган. Ҳирақл эса бу даъватчига эътибор ҳам бермади, унга қарши қўшин жўнатиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади, умуман ҳеч нарса демади. Ҳорис Фассоний ундан пайғамбарликни даъво қилаётган бу кишининг таъзирини бериб қўйиш учун бир қўшинга бош қилиб жўнатишини талаб қилганда, унинг талабини қондирмади. Ҳорисни ўз олдига - Байтул-Мақдисга чақириб олди.

Бу мактубларнинг натижаси шу бўлдики, араблар Оллоҳ динига тўп-тўп бўлиб кира бошлашди. Кейин Исломга кирганларини эълон қилиб уларнинг элчилари Расулуллоҳ ﷺ нинг олдиларига бирин-кетин келишди. Расулуллоҳ ﷺ араблардан бошқаларга жиҳод қилиш учун куч тайёрлай бошладилар.

ХАЙБАР ҒАЗОТИ

Расулulloҳ ﷺ Ҳудайбиядан қайтиб келгач, Мадинада ўн беш кун турганларидан кейин одамларга Хайбар ғазотига тайёрланишни буюрдилар ва фақат Ҳудайбияда бўлганларгина ғазотга чиқишларини айтдилар. Расулulloҳ ﷺ га Ҳудайбияга кетмасларидан олдин Хайбар яҳудийлари Қурайш билан Мадинага ҳужум қилиш ва мусулмонларни йўқотиш борасида тил бириктираётгани хабари келди. Улар ўртасидаги бу тил бириктириш яширин суратда бўлган эди. Шунга кўра Расулulloҳ ﷺ Қурайш билан ўзлари ўртасида давом этаётган урушни тўхтатишга эришиш учун тинчлик режаси асосида у билан муносабатларини яхшилашни ва кейин Хайбар яҳудийларини йўқ қилишни ирода қилдилар. Ҳудайбияда тинчлик режасини мукамал амалга оширганларидан ва бу билан Хайбарни Қурайшдан ажратиб қўйганларидан кейин Хайбардаги яҳудийларни тугатиш билан ушбу режанинг қолган қисмини ҳам амалга оширишга киришдилар. Ҳудайбиядан қайтишлари билан қўшин тайёрлашни буюрдилар ва бир минг тўрт юз мусулмон билан йўлга тушдилар, улардан икки юзтаси отлиқ жангчилар эди. Ҳаммалари Оллоҳ Таоло ғалаба беришига қатъий ишонар эдилар. Хайбар билан Мадина ўртасидаги йўлни уч кунда босиб ўтишди. Бу уч кун ичида Хайбар мусулмонларнинг келаётганини сезмади ҳам. Мусулмонлар яҳудийларнинг қалъалари олдига етиб келишди. Тонг отди. Хайбарнинг меҳнат аҳли қалъадан чиқиб, иш қуролларини кўтариб далаларига кета бошлади. Мусулмонларнинг қўшинини кўришгач, бақир-чақир билан орқаларига қараб қочди: «Мана Муҳаммад, у қўшин билан келди». Расулulloҳ ﷺ уларнинг гапларини эшитганларида: «Оллоҳу Акбар, Хайбар хароб бўлди. Биз бир қавмнинг ерига тушганимизда огоҳлантирилиувчиларнинг тонги ёмон бўлади», дедилар. Яҳудийлар Расулulloҳ ﷺ уларга ғазот қилишларини кутишган эди. Бунга сабаб уларга Ҳудайбия сулҳи ва Қурайш Расулulloҳ ﷺ билан аҳдлашгани хабари етиб борганда, бунини Қурайшнинг ортга қайтиши деб ҳисоблашди. Улар бир-бирлари билан ўзларидан ва Водий Қуро ҳамда Таймо яҳудийларидан Ясриб (Мадина)га ҳужум қилиш учун бир гуруҳ ташкил қилишни ва бу ҳужумда араб қабилаларига - хусусан Қурайш Расулulloҳ ﷺ билан сулҳ тузгандан кейин - суянмасликни маслаҳатлашишди. Улардан бошқалар эса Расулulloҳ ﷺ билан иттифоқ тузишни маъқул кўришар эди. Шояд бу билан мусулмонларнинг қалбида ўрнашиб қолган адоватни ўчириб ташлашса. Улар бу ҳақда ўзаро гаплашар, хатар яқинлашиб келаётганини ҳис этишар ҳамда Расулulloҳ ﷺ уларнинг Қурайш билан тил бириктирганини фош этганларини, шунинг учун уларга қарши ғазот қилишларини билишар эди. Лекин улар Расулulloҳ ﷺ нинг ғазотлари бунчалик тез бўлишини кутишмаган

эди. Шунинг учун Расулulloҳ ﷺ қўшинлари билан уларни гафлатда қолдирганини кўриб, ҳайрон бўлиб қолишди ва Гатафондан ёрдам сўрашди. Яҳудийлар Расулulloҳ ﷺга қарши туришга ҳаракат қилишди. Қалъаларига кириб олиб, ҳимояланишди. Бироқ, муслмонлар қўшинининг зарбаси шиддатли бўлди. Яҳудийларнинг қаршилиги фойда бермади. Уларнинг барча қалъалари вайрон қилинди. Охири улар умидсизликка тушишди ва қонлари тўкилмаслиги эвазига Расулulloҳ ﷺдан сулҳ талаб қилишди. Расулulloҳ ﷺ уларнинг талабини қабул қилдилар. Ва уларни ўз юртларида қолдирдилар. Уларнинг ерлари ва токзорлари фатҳ ҳукмига кўра Расулulloҳ ﷺга ўтди ва у зот ҳосилнинг ярмини ўзларига ва ярмини яҳудийларга тегиши эвазига бу ерларда ишлашларига рухсат бердилар. Хайбар яҳудийлари бу шартга рози бўлишди. Кейин Расулulloҳ ﷺ Мадинага қайтиб келдилар ва у ерда то умранинг қазосига боргунларига қадар турдилар.

Хайбар яҳудийларининг сиёсий салтанатига барҳам бериш ва уларни муслмонларни салтанатига бўйсундириш билан Расулulloҳ ﷺ шимол томонда Шомдан тинч бўлдилар. Бундан олдин Ҳудайбия сулҳи шарофати билан жануб томондан хотиржам бўлган эдилар. Шундай қилиб, Арабистон ярим ороли ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам даъватга йўл очилди.

«ҚАЗО» УМРАСИ

Расулulloҳ ﷺ билан Қурайш ўртасида Ҳудайбия сулҳи имзоланиб бўлиши билан Ҳузоза Муҳаммад ﷺ билан, Бану Бақр қабилиси Қурайш билан иттифоқ тузди. Қурайш билан Муҳаммад ﷺ ўртасидаги алоқалар яхшиланди. Иккала томон ҳам бир-биридан тинч бўлди. Қурайш ўзи билан мусулмонлар ўртасида давом этган уруш даврида қўлдан бой берган нарсаларини тиклаб олиш учун тижорат ишларини кенгайтирди. Расулulloҳ ﷺ ўз рисолатларини барча одамларга етказишни давом эттириш, Арабистон ярим оролида давлатни мустаҳкамлаш ва бу давлатда барқарорлик асосларини тўлиқ вужудга келтиришга киришди. Бинобарин, Хайбар вужудини йўқ қилди. Турли давлатларнинг подшоларига элчиларини юборди. Ташқари билан алоқалар ўрнатди. Арабистон ярим оролининг ҳамма ерларини қамраб олиш учун давлатни мустаҳкамлай бошладилар. Ҳудайбиядан бир йил ўтгач, Расулulloҳ ﷺ одамларни аввал ман қилинган умранинг қазосини адо қилишга бориш учун тайёрланишга буюрди. Мусулмонлардан икки минг киши йўлга тушди. Улар Ҳудайбия сулҳи шартларига биноан ўзлари билан қинда қиличдан бошқа ҳеч қандай қурол олишмади. Лекин Расулulloҳ ﷺ доим хиёнат бўлиб қолишидан қўрқар эдилар. Шунинг учун Муҳаммад ибн Маслама бошчилигида юзта отлични жиҳозлаб, Макка томонга эҳтиётдан жўнатди ва уларга Макка ҳудудларига кирмасликни буюрди. Мусулмонлар Маккага бориб, умра қазосини адо қилди ва кейин Мадинага қайтди. Улар қайтишлари билан Макка аҳли Исломига киришни бошлаб юборди. Халид ибн Валид, Амр ибн Ос ва Каъба қўриқчиси Усмон ибн Талҳалар Исломига киришди. Уларнинг Исломига киришлари шарофати билан Макка аҳлидан кўпчилик иймон келтирди. Бу билан Маккада Иломининг шон-шавкати кучайди ва Қурайшнинг сафлари заифлашиб кетди.

МУЪТА ҒАЗОТИ

Арабистон ярим ороли ташқарисидаги подшоларнинг жавоблари натижаси шу бўлдики, элчилар даъватни етказишдан қайтиб келишгач, Расулulloҳ ﷺ Арабистон ярим ороли ташқарисида жиҳод қилиш учун қўшин тайёрладилар ва Рум билан Форснинг хабарларини кузата бошладилар. Румнинг чегаралари Ислom давлати чегаралари билан туташ эди. Шунинг учун унинг хабарлари узлуксиз келиб турарди. Расулulloҳ ﷺ Ислomий даъват Арабистон ярим оролидан ташқарига чиққан заҳоти тез суръат билан жуда кенг тарқалади ва Шом ўлкалари бу даъват учун биринчи дарча бўлади, деб билардилар. Кисронинг Ямандаги ҳокими Ислom давлатига бўйсунуши билан Расулulloҳ ﷺ Яман томондан хотиржам бўлгач, Шом ўлкаларига кофирлар билан урушишга қўшин юбориш ҳақида ўйлай бошладилар. Ҳижратнинг саккизинчи йили Жумодил-Увло ойида, яъни «Қазо умраси»дан бир неча ой кейин мусулмонларнинг сара аскарларидан уч мингтасини тайёрладилар ва уларга Зайд ибн Ҳорисани лашкарбоши қилиб тайёрлаб, дедилар: **«Агар Зайд ҳалок бўлса, Жаъфар ибн Абу Толиб, Жаъфар ҳалок бўлса, Абдуллоҳ ибн Равоҳа лашкарбоши бўлади»**. Қўшин йўлга чиқди. Холид ибн Валид ҳам унинг сафида эди. У Ҳудайбия сулҳидан кейин Ислomга кирган эди. Расулulloҳ ﷺ аскарлар билан Мадина ташқарисигача бирга чиқдилар ва уларга аёлларни, гўдакларни, болаларни ва кўзи ожизларни ўлдирмасликни, уйларни бузмасликни, дарахтларни кесмасликни тайинладилар. Расулulloҳ ﷺ ва бирга чиққанлар қўшинни: **«Оллоҳ сизлар билан бўлсин, сизларни ҳимоя қилсин ва бизга сизларни соғ-омон қайтарсин»**, деб дуо қилишди. Қўшин Шомга қараб кетди. Қўшин амирлари уруш яшин тезлигида бўлиши ҳамда Шом аҳлига - Расулulloҳ ﷺнинг ғазотларидаги одатларига кўра - уларни ғафлатда қолдириб ҳужум қилиш режасини ишлаб чиқишди. Шундай қилинса тезда ғалаба қозониб қайтадилар. Мана шу режа билан йўлда давом этдилар. Лекин Маон деган жойга етишганда уларга Молик ибн Зофила араб қабилаларидан мусулмонларга қарши юз минг аскар жамлаб тургани ва Ҳирақл ҳам юз минг аскар билан келгани ҳақидаги хабарни келтирди. Бу хабар мусулмонларни даҳшатга солди ва кўп сонли бу қўшин ҳамда бундай катта куч олдида нима қилиш ҳақида фикр қилишиб, Маонда икки кун туриб қолишди. Уларнинг раъйи Расулulloҳ ﷺга мактуб йўллаб, душманнинг сонини хабар қилиш эди. Шунда Расулulloҳ ﷺ ё одамлар билан уларга мадад юборадилар ёки бирор ишга буюрадилар. Лекин Абдуллоҳ ибн Равоҳа уларга: «Эй қавм, ҳозир ёқтирмаётган нарсаларингиз сизлар қасд қилиб, излаб чиққан шаҳодат-ку! Биз одамларга қарши сон, куч ва кўплика қараб урушмаймиз. Биз уларга қарши Оллоҳ Таоло бизни азизу мукаррам қилган мана шу

динимиз билан урушамиз. Жангга отланинглар. Икки гўзал нарсанинг бирига - ё ғалаба, ё шаҳодатга эришамиз». Иймон шижоати бутун қўшинни руҳлантириб юборди. Муслмонлар йўлда давом этиб, Машориф деган қишлоққа етиб боришганда Рум қўшинларига дуч келишди ва Машорифдан Мўъта томонга юришди. Шу ерда химояланишди ва улар билан Рум ўртасида даҳшатли уруш бошланди. Унда ўлим оғзини катта очиб одамларни ютди. Чунки бу жанг ўлим ва шаҳидлик талабида чиққан уч минг мўминлар билан муслмонлар қўшинини йўқ қилиш учун жамланган 100-200 минг кофирлар ўртасидаги жанг эди. Жанг қизигандан қизиб борди. Зайд ибн Ҳориса Расулulloҳ ﷺ берган байроқни кўтариб душман ўртасига ёриб кирди. У олдида ўлимни кўриб турар эди. Лекин Зайд ўлимдан қўрқмади. Зеро, бу ўлим Оллоҳ Таоло йўлида шаҳид бўлишдир. Шунинг учун у тасаввур қилиб бўлмайдиган журъат билан жангга кириб кетди ва душман найзалари тилка-пора қилиб юборгунча ўлимга парво қилмасдан жанг қилди. Кейин байроқни Жаъфар ибн Абу Толиб қўлига олди. Унинг ёши ўттиз учда бўлиб, чиройли ва шижоатли йигит эди. У ҳам ўлимга парво қилмасдан жанг қилди. Душман уни ўраб олганини кўриб, отидан тушди-да, отини ўлдириб, душманни қилич билан чопган ҳолда унинг ўртасига кириб кетди. Унга румликлардан бир киши ҳужум қилиб, қиличи билан бир зарба уриб, уни иккига бўлиб ташлади. Жаъфар ҳам шаҳид бўлди. Кейин байроқни Абдуллоҳ ибн Равоҳа олди. Сўнг уни кўтариб олдинга ўтди. Бироз иккиланиб турди-да, жангга кириб кетди, то ўлдирилгунча жанг қилди. Кейин байроқни Собит ибн Ақрам олиб: «Биттангизни амир қилинглар» деди. Одамлар Холид ибн Валидни қўшинга амир қилишди. Холид байроқни олиб, қўшинни айланиб чиқди. Унинг сафларини бирлаштирди. Қоронғи тушгунча душман билан енгил урушиш мумкин бўладиган масофада турди. Қоронғи тушиб, қўшинлар бир-бирдан ажради. Кечаси Холид пухта бир режа ишлаб чиқди. Душманнинг сони кўплигини, ўз қўшинининг жуда озлигини кўргач, урушдан жангсиз чиқиб кетишни режалаштирди. Бу режага кўра қўшиннинг бир қисмини орқага ўтказди ва уларга эрталаб душманларда Расулulloҳ ﷺ дан мадад келгандек тасаввур пайдо қиладиган даражада шовқин-сурон кўтаришни буюрди. Улар эрталаб шундай қилишганда душман қўрқувга тушди ва муслмонларга ҳужум қилишдан ўзини тийди, уларга Холид ҳужум қилмаганидан хурсанд бўлди. Кейин Холид ишлаб чиққан режага кўра муслмонларнинг қўшини майдондан чиқиб, Мадинага қайтди. Шундай қилиб улар ғолиб ҳам, мағлуб ҳам бўлмай қайтишди. Лекин улар бу жангда синовдан ўтишди.

Дарҳақиқат, бу жангнинг лашкарбошилари-ю, баҳодир жангчилари ҳар бирлари ўлимга кириб кетишаётганини билар эдилар. Балки олдиларида ўлим уларга қараб келаётганини кўриб турардилар.

Шундай бўлса ҳам улар жангга кирдилар ва шаҳид бўлдилар. Чунки Ислом мусулмонларга то ҳалок бўлгунча ёки душманни ўлдиргунча Оллоҳ йўлида жанг қилишни буюради. Албатта, бу жанг Оллоҳ йўлидаги жиҳод бўлгани учун фойда келтирадиган тижоратдир. Оллоҳ Таоло марҳамат қилади:

إِنَّ اللَّهَ اشْتَرَى مِنَ الْمُؤْمِنِينَ أَنْفُسَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ بِأَنْ لَهُمُ الْجَنَّةَ يُقَاتِلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَيَقْتُلُونَ وَيُقْتَلُونَ وَعَدًّا عَلَيْهِ حَقًّا فِي التَّوْرَةِ وَالْإِنْجِيلِ وَالْقُرْآنِ وَمَنْ أَوْفَى بِعَهْدِهِ مِنَ اللَّهِ فَاسْتَبْشِرُوا بِبَيْعِكُمُ الَّذِي بَايَعْتُمْ بِهِ وَذَلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ

– „Албатта Оллоҳ Таоло мўминларнинг жонлари ва молларини улардан жаннат эвазига сотиб олди - улар Оллоҳ йўлида жанг қилишиб, кофирларни ўлдирадилар ва ўзлари ҳам Оллоҳ учун шаҳид бўлиб ўлдириладилар. Бундай мўминларга жаннат берилишига Оллоҳ Таврот, Инжил ва Қуръонда Ўзининг ҳақ ваъдасини бергандир. Оллоҳдан кўра аҳдига вафодорроқ ким бор?! Эй мўминлар, қилган бу тижоратларингиздан шод бўлинг. Мана шу ҳақиқий улуг бахтдир“.

[9:111]

Шунинг учун ўлимни аниқ билиб турганликларига қарамасдан жангга кирдилар. Чунки мусулмон агар жанг қилиш керак бўлса, бу жангда ўлиши аниқ ёки аниқ эмаслигига қарамасдан жанг қилади. Жанг ва жиҳодда ишлар душманнинг оз-кўплиги ва қурол-яроғи билан ўлчанмайди, балки қанча қурбонлар берилишидан ва кутилаётган муваффақиятдан қатъий назар, ҳосил бўладиган натижалар билан ўлчанади. Мусулмонларнинг Муътада Румга қарши уруши мусулмонлардан жангни талаб қилган эди. Лашкарбошилари қасд қилиб келишган жангга, гарчи ўлим турган бўлса ҳам, киришлари лозим эди. Демак, мусулмон ўлимдан қўрқиши мумкин эмас. Мусулмон Оллоҳ йўлида Оллоҳнинг розилигидан бошқа бирор нарсани ҳисобга олиши ҳам мумкин эмас. Расулulloҳ ﷺ бу қўшинни Рум давлатига ҳужум қилиш учун юбориш жуда хатарли эканини яхши билар эдилар. Лекин мўминларнинг сони оз бўлса ҳам, ўлимга парво қилмасдан жанг қилишларини кўрган пайтда Рум қўрқувга тушиб қолиши учун бу хатарга шўнғиш керак эди. Исломни қўшни мамлакатларга ёйиш ва татбиқ қилиш учун, Расулulloҳ ﷺ мўминларга жиҳод йўлини чизиб беришлари учун бу хатарга кириш лозим эди. Бу хатар муваффақиятли яқунланди. Чунки у Табук ғазотининг дебочаси бўлди. Шунингдек, у Румга қарши шундай бир зарба бўлдики, то Шом фатҳ қилингунча Румни мусулмонларга рўбарў бўлишдан қўрқитиб қўйди.

МАККАНИНГ ФАТҲ ҚИЛИНИШИ

Мусулмонлар Муътадан жуда кўп жангчилардан айрилиб қайтишгач, Қурайш мусулмонлар энди тамом бўлди деб ўйлади ва иттифоқчилари Бану Бакрни мусулмонларнинг иттифоқчилари Хузоага қарши қўзғаб, қурол-яроқ билан ёрдам беришди. Бану Бакр Хузоага ҳужум қилиб, унинг одамларини ўлдирди. Хузоа Маккага қочди. Амр ибн Солим Хузоний шошилич Мадинага бориб, бўлган ҳодисани айтиб ёрдам сўради. Расулulloҳ ﷺ унга: «Эй Амр ибн Солим, ёрдам олдинг», дедилар. Расулulloҳ ﷺ Қурайшнинг сулҳ аҳдини бузишига жавоб фақат Маккани фатҳ қилиш бўлади, деган фикрга келдилар. Қурайш эса аҳдни ўзи бузганидан қўрқиб, Абу Суфённи Мадинага аҳдни мустаҳкамлаш ва муддатини узайтириб келиш учун элчи қилиб жўнатди. Абу Суфён Расулulloҳ ﷺ билан учрашмай қизиникига - Расулulloҳ ﷺнинг хотинлари Умму Ҳабибаникига борди. Уйга кириб, Расулulloҳ ﷺнинг тўшагига ўтирмақчи бўлганда Умму Ҳабоба тўшакни олиб қўйди. Абу Суфён: «Отангни тўшакдан афзал кўрдингми ёки тўшакни отангданми?» деб сўраганда, қизи: «Бу Расулulloҳ ﷺнинг тўшаклари. Сен мушриксан, демакки, нажас одамсан. Сен унга ўтиришингни хоҳламайман», деди. Абу Суфён: «Оллоҳга қасамки, сен жуда ҳам ёмон бўлиб кетибсан», деди ва газабланиб чиқиб кетди. Кейин Муҳаммадга сулҳ аҳди ва унинг муддатини узайтириш ҳақида гапирди. Расулulloҳ ﷺ унга бирор нарса демадилар. Кейин Абу Суфён Абу Бакр ﷺдан Расулulloҳ ﷺбилан гаплашиб беришини сўради. Абу Бакр ﷺ унамади. Кейин Умар ибн Хаттоб ﷺга гапирган эди, у қўпол жавоб қилиб: «Расулulloҳ ﷺга гапиришда мен сенлар учун воситачи бўламанми?! Оллоҳга қасамки, агар қўлимда заррадек нарса бўлса ҳам у билан сенларга қарши курашаман», деди. Кейин Абу Суфён Алий ибн Абу Толиб ﷺнинг олдига кирди, унинг олдида Фотима бор эди. Алийга нима мақсадда келганини айтди ва Расулulloҳ ﷺга шуларни етказишда воситачи бўлишини сўради. Алий унга юмшоқлик билан ҳеч ким Муҳаммадни қасд қилган ишидан қайтара олмаслигини тушунтирди. Абу Суфён Фотимадан ўғли Ҳасан одамлар ўртасида ҳимояга олишини сўради. Ҳасан ҳали кичик эди. Фотима: «Оллоҳга қасамки, ўғлим ҳали одамлар ўртасида ҳимоя берадиган ёшга етгани йўқ. Ҳеч ким Расулulloҳ ﷺ ҳимоя бермаган одамни ҳимояга ололмайдми», деди. Абу Суфён қийин аҳволда қолди ва Маккага қайтиб бориб, қавмига бўлган ишларни айтиб берди. Расулulloҳ ﷺ эса шошилич одамларни тайёрланишга буюрдилар ва улар билан Маккага кетдилар. Расулulloҳ ﷺ Маккага қўққисдан кириб боришни, одамлар гафлатда қолиб, ўзларини ҳимоя қилишга улгурмасдан қон тўкилмай таслим бўлишларини хоҳлар эдилар. Мусулмонларнинг қўшини Мадинадан Маккага қараб йўлга тушди. Қўшин Маккадан тўрт фарсаҳ узоқликдаги Марру-з-Захрон деган жойга етди. Қўшиннинг сони ўн мингга бўлиб, улар ҳақида Қурайшга бирор хабар етиб бормаган эди. Қурайшликлар Муҳаммад ﷺ уларга ҳужум қилишларини ҳисобга олишган, Муҳаммад келса нима қилиш ҳақида тортишаётган эди. Абу Суфён

Қурайш ҳис қилаётган хатарнинг қанчалигини билиш учун Маккадан чиқди. Унга йўлда мусулмон бўлган Аббос ибн Абдулмутталиб дуч келиб қолди. У Расулуллоҳ ﷺнинг хачирларини миниб Қурайшга Расулуллоҳ ﷺдан омонлик сўрашларини айтиш учун Маккага кетаётган эди. Аббос Абу Суфён билан учрашиб қолганда унга: «Мана Расулуллоҳ ﷺ, одамлар ичида турибдилар. Қурайшнинг тонги энди ёмон бўлади. Оллоҳга қасамки, агар улар Расулуллоҳ ﷺнинг ҳузурларига келиб, омонлик сўрашларидан олдин Расулуллоҳ ﷺ Маккага куч билан кирсалар, бу нарса Қурайшнинг ҳалокатидир», деди. Абу Суфён: «Ота-онам сенга фидо бўлсин, менга йўл кўрсат», деди. Аббос уни мингаштириб, мусулмонлар қароргоҳига олиб кетди. Улар Умар ибн Хаттоб турган жойдан ўтишаётганда, Умар Расулуллоҳ ﷺнинг хачирларини кўриб қолди ва Абу Суфённи таниб, Аббос уни ўз ҳимоясига олмоқчи эканини билди. Кейин Расулуллоҳ ﷺнинг чодирларига шошилиб бориб, Абу Суфённинг калласини қилич билан чопиб ташлашга рухсат беришларини сўради. Аббос: «Ё Расулаллоҳ, мен уни ўз ҳимоямга олдим», деди. Шунда Аббос билан Умар ўртасида қаттиқ тортишув бўлди. Кейин Расулуллоҳ ﷺ дедилар: «Эй Аббос, уни чодирингга олиб кет. Эрталаб олдимга олиб келасан». Эрталаб Абу Суфённи Расулуллоҳ ﷺнинг ҳузурларига олиб келишди ва у Исломга кирди. Аббос Расулуллоҳ ﷺнинг олдиларига бориб: «Абу Суфён фахрни яхши кўрадиган одам, унинг учун бирор нарса қилинг», деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Ким Абу Суфённинг уйига кирса, омонда, ким эшигини беркитиб ўтирса, омонда, ким масжидга кириб олса, у ҳам омонда», дедилар. Расулуллоҳ ﷺ Абу Суфённи мусулмонларнинг аскарлари ўтиб бўлгунча Маккага олиб борадиган йўлнинг икки тарафи тоғ бўлган тор жойида ушлаб туришни буюрдилар. Токи у мусулмонларни ўз кўзи билан кўриб, қавмига кўрганларини далилли қилиб айтиб берсин. Шунингдек, унинг қавмига тез боришида улар мусулмонларга бирор қаршилик кўрсатишларининг хавфи бўлмайди. Расулуллоҳ ﷺ Маккага кириш учун бутун эҳтиёт чораларини кўрдилар. Абу Суфённинг олдидан қабилалар ўтиб бўлгач, қавми олдига бориб, бор овози билан қичқирди: «Эй Қурайш жамоаси, мана Муҳаммад сизлар даф қила олмайдиган қўшин билан келди, бас, ким Абу Суфённинг уйига кирса омонда, ким эшигини беркитиб ўтирса омонда, ким масжидга кириб олса омонда». Қурайш Расулуллоҳ ﷺга қарши чиқиш фикридан қайтди. Расулуллоҳ ﷺ келиб, Маккага кирдилар. Эҳтиёт чораларини кўришда давом этдилар. Қўшинни тўртга бўлишни ва уруш қилмасликни, қон тўкмасликни буюрдилар. Фақат мажбур қилинсалар ва бошқа илож қолмасагина урушишга рухсат бердилар. Мусулмонларнинг қўшинлари Маккага кирди. Ҳеч қандай қаршиликка дуч келмади. Фақат Холид ибн Валиднинг қўшини кичик бир қаршиликка дуч келиб уни енгди. Расулуллоҳ ﷺ Макканинг баланд жойига тушдилар. Бу ерда бир оз туриб, Каъбага бордилар ва уни етти марта тавоф қилдилар. Кейин Усмон ибн Талҳани чақирдилар, у Каъба эшигини очди. Расулуллоҳ ﷺ Каъба эшиги олдида турдилар. Одамлар кўпайди. Расулуллоҳ ﷺ хутба қилдилар: «Ёлғиз

Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Оллоҳнинг шериги ҳам йўқ. Оллоҳ ваъдасини рост қилди ва ўз бандасига ғалаба берди. Ёлғиз ўзи гуруҳларни мағлуб қилди. Огоҳ бўлингларки, Байтуллоҳга хизмат қилиш ва ҳожиларга сув беришдан бошқа жоҳилиятдаги ҳар қандай фахр ҳамда даъво қилинадиган қон ва мол оёқларим остидадир (яъни бекор қилинади). Огоҳ бўлингларки, билмасдан ўлдирилган одамнинг хуни юзта туя бўлиб, улардан қирқтаси қорнида боласи бор туялар бўлиши керак. Эй Қурайш жамоаси, албатта Оллоҳ Таоло сизлардан жоҳилият кибри ва ота-боболар билан фахрланишни кетказди. Барча инсонлар Одам ﷺ дандир. Одам ﷺ эса тупроқдан яратилгандир.

Кейин ушбу оятни ўқидилар:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَاكُمْ مِنْ ذَكَرٍ وَأُنْثَىٰ وَجَعَلْنَاكُمْ شُعُوبًا وَقَبَائِلَ لِتَعَارَفُوا إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتْقَاكُمْ إِنَّ اللَّهَ

عَلِيمٌ خَبِيرٌ ﴿١٣﴾

– „Эй инсонлар, дарҳақиқат, биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик, ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни турли-туман халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта сизларнинг Оллоҳ ҳузурдаги энг ҳурматлигингиз энг тақводорингиздир. Албатта Оллоҳ ҳамма нарсани билувчи ва хабардор зотдир“. [49:13]

Кейин Макка аҳлидан сўрадилар: «Мени сизларни нима қилади деб ўйлайсизлар?» улар: «Бизга яхшилик қиласиз, зеро, сиз саховатли биродаримизсиз, саховатли биродаримизнинг ўғлисиз», дейишди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ дедилар: «Кетаверинглар, ҳаммангиз озодсиз». Шу калима билан бутун Қурайш ва Макка аҳли авф қилинди. Расулуллоҳ ﷺ Каъбага кирдилар. Унинг деворларига малонкалар ва пайғамбарларнинг суратлари чизилганини кўрдилар ва уларни ўчириб ташлашни буюрдилар. У ерда яна ёғочдан ясалган ҳайкални кўрдилар. Уни ўз қўллари билан синдириб ерга ташладилар. Кейин ушбу:

وَقُلْ جَاءَ الْحَقُّ وَزَهَقَ الْبَاطِلُ إِنَّ الْبَاطِلَ كَانَ زَهُوقًا ﴿٨١﴾

– „Эй Муҳаммад, айтинг: «Ҳақиқат, яъни Ислому келди ва ботил, яъни куфр ўчиб-йўқолди. Зеро, ботил йўқолиб кетувчи нарсадир»“, [17:81]

оятини ўқиган ҳолда қўлларидаги таёқ билан ҳамма бутларни туртиб чиқдилар. Бутлар ерга қулади. Байтул Ҳаром бутлардан тозаланди. Расулуллоҳ ﷺ Маккада ўн беш кун турдилар. Бу кунлар мобайнида Макканинг ишларини тартибга солдилар, Макка аҳлига диний билимларни билдирдилар.

Макка фатҳ этилди. Уни фатҳ қилиш билан Исломиё даъватга қаршилиқ ҳаракатининг асоси йўқотилди. Бу билан очиқ ғалаба амалга ошди ва ички қаршилиқ фақат Ҳунайн ва Тоифда қолди, холос. Уларга барҳам бериш эса қийин эмас эди.

ҲУНАЙН ҒАЗОТИ

Ҳавозин қабиласи мусулмонларнинг Маккани фатҳ қилганларини билгач, мусулмонларнинг ҳужум қилиб қолишидан ва диёрларига бостириб келишидан қўрқувга тушишди. Шу сабабли Молик ибн Авф Насрий Ҳавозин ва Сақиф қабилаларини жамлаб, уларни Водий Автос деган жойга олиб борди. Мусулмонларга бу хабар Маккани фатҳ қилишганидан ўн беш кун кейин етиб борди. Улар Ҳавозин ва Сақиф билан учрашувга тайёрлана бошладилар. Лекин Молик Водий Автосда турмади, балки одамларни Водийнинг тор жойи ва Ҳунайн адирларига боришга буюрди. Шу ерда уларни пухта тартибга солди ва мусулмонлар водийга тушган пайтда бир тан, бир жон бўлиб ҳужум қилишга буюрди. Шундай қилинса мусулмонларнинг сафлари бузилиб, бир-бирлари билан аралашиб кетиб, ўзларини-ўзлари қилич билан чопишади, деди. Мана шу режани пухта қилиб, мусулмонларнинг келишини кута бошлади. Бир неча кун ўтгач, мусулмонларнинг қўшини келди. Расулulloҳ Макка ғазотига келган ўн минг аскарга Қурайшдан янги мусулмон бўлганлардан икки мингини қўшиб йўлга тушдилар. Жангга отланган бу қўшин кечки пайт Ҳунайнга етиб борди. Шу ерда тонг отишига озгина вақт қолгунча туришди. Кечанинг мана шу охириги қисмида қўшин ҳаракатга келди. Расулulloҳ ﷺ оқ хачирларга миниб қўшин охирида бордилар. Мусулмонлар Водийга тушиб кела бошлашди. Душман қабилалар бирдан ҳужум қилиб қолишганини улар сезмай қолишди. Бу шундай бўлган эди: Молик ибн Авф одамларига мусулмонларга ҳужум қилишни буюрди. Улар мусулмонларга бир тан бўлиб ҳужум қилиб уларни бир-бирларига аралаштириб юборди. Мусулмонлар тонг қоронғусида хотиржам кетишаётган бир пайтда устиларига ҳар томондан ўқлар ёғилиб қолди. Кутилмаганда рўй берган бу ҳолдан мусулмонлар даҳшатга тушди. Қалбларини қўрқув эгаллаган бир ҳолатда ҳеч нарсага қарамасдан тартибсиз орқага қочишди. Улар қўшин охирида келаётган Расулulloҳ ﷺнинг олдиларидан тўхтамасдан ва секинламасдан ўтиб кетар эди. Майдонда фақат Расулulloҳ ﷺ, Аббос ва бир неча саҳобалардан бошқа ҳеч ким қолмади. Аммо қолган аскарлар ҳеч нарсага қарамасдан қочди. Расулulloҳ ﷺни муҳожирлар, ансорлар ва ўз хонадонларидан озчилик жамоат ҳимоя қилиб ўраб олган эди. Расулulloҳ ﷺ қочиб кетаётган одамларни чақира бошладилар: «Қаёққа, эй одамлар?», лекин одамлар қўрқувнинг даҳшати ва ўлим хавфидан бу чақириқни эшитадиган ва Расулulloҳ ﷺга қайрилиб қарайдиган аҳволда эмас эди. Чунки Ҳавозин ва Сақиф аскарлари қочиб кетаётган мусулмонларни қувиб, етиб олганларига найза санчиб, ўқ билан отиб келишаётган эди. Шунинг учун улар Расулulloҳ ﷺнинг чақириқларини эшитишмади ҳам, унга жавоб ҳам беришмади.

Расулulloҳ ﷺ мана шундай ҳал қилувчи лаҳзада инсонни лол қолдирадиган буюк бир мавқеда турдилар. Бу даҳшатли бир лаҳза ва оғир бир соат эди. Чунки мусулмонлар қўшинининг ҳаммаси - асҳоблари ҳам, янги мусулмон бўлганлар ҳам қочиб кетаётган, уларни чақирсалар чақириқларини эшитмаётган эди. Янги мусулмон бўлганлар Расулulloҳ ﷺнинг мағлубиятлари устидан қулиб ҳар хил гап-сўз қилаётган эди. Калда ибн Ҳанбал: «Бугун сеҳр бекор бўлди», деди. Шайба ибн Усмон ибн Абу Талҳа: «Бугун Муҳаммадан ўчимни оламан, бугун Муҳаммадни ўлдираман», деди. Абу Суфён эса: «Булар энди денгизгача қочиб боришади», деди. Булар ва уларга ўхшаб шу каби гапларни айтганлар мусулмонлар қўшини ичидаги Маккада янги мусулмон бўлган ва Расулulloҳ ﷺ билан биргаликда мушрикларга уриш қилиш учун келганлар эди. Бу мағлубият уларнинг дилларида яшириниб ётган туйғуларини фoш этди. Ниятлари очилиб қолган бундайлар муқобилида қочиб кетаётган саҳобалар ҳам бор эдики, шу сабабли ғалабага ҳеч бир умид қилмаса ҳам бўларди. Шу сабабдан Расулulloҳ ﷺ жуда мушкул аҳволда қолдилар. Бу энг оғир ва мушкул дақиқалар эди. Мана шундай оғир аҳволда Расулulloҳ ﷺ уруш майдонида қолишга қарор қилдилар ва жангга кирдилар. Оқ хачирлари билан душман тарафга қараб юрдилар. Амакилари Аббос ибн Абдулмутталиб ва Абу Суфён ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб Расулulloҳ ﷺ билан бирга эдилар. Абу Суфён ибн Ҳорис Расулulloҳ ﷺнинг хачирларини тизгинидан ушлаб олдинга юргизмай турди. Амакилари Аббос эса ўзининг баланд овози билан қайтишга чақирди: «Эй ансорлар жамоаси, эй Самурада бўлганлар» (яъни Ҳудайбияда Ризвон байъатида қатнашганлар). Аббос чақириқни яна такрорлади. Унинг овози водийнинг ҳамма жойига етди ва мусулмонлар бу овозни эшитишди ва Расулulloҳ ﷺни ва жиҳодга чиққанларини эслашди. Дарҳол бу мағлубиятлари мушрикларнинг ва ширкнинг голиб бўлишига ҳамда диннинг ва мусулмонларнинг йўқ бўлишига сабаб бўлишини ўйлашди. Бас, мусулмонлар ҳар томондан Аббоснинг чақириғига лаббай деб жавоб бердилар ва жанг майдонига қайтиб, нодир бир жасорат ва мислсиз шижоат билан жангга кириб кетдилар. Уларнинг сони борган сари ортиб борарди. Жанг қизиб кетди. Расулulloҳ ﷺ хотиржам бўлдилар. Бир ҳовуч тошни олиб душман томонга: «Юзлар хунук бўлсин», деб отдилар. Мусулмонлар жангга Оллоҳ йўлида ўлишга рози бўлиб киришди. Жанг кучайди. Шунда Ҳавозин ва Сақиф ўзларининг йўқ бўлиб кетишлари аниқлигини кўрди ва хотинларини, бола-чақаларини ва мол-дунёларини мусулмонларга ўлжа қилиб қолдириб, ҳеч нарсага қарамасдан қочди. Мусулмонлар уларнинг ортидан қувиб, кўпчилигини ўлдириб, кўпини асир олдилар. Уларни қувиб бориб, Водий Автосга етишди ва шу ерда уларнинг кўпини ўлдиришди.

Шундай қилиб мушриклар шармандаларча мағлуб бўлди. Уларнинг лашкарбошиси Молик ибн Авф Тоифга қочиб кетди ва у ерда яширинди. Оллоҳ Таоло мўминларга катта ғалаба берди. Бу ҳақда Оллоҳ Таолонинг ушбу ояти нозил бўлди:

لَقَدْ نَصَرَكُمُ اللَّهُ فِي مَوَاطِنَ كَثِيرَةٍ وَيَوْمَ حُنَيْنٍ إِذْ أَعْجَبَتْكُمْ كَثْرَتُكُمْ فَلَمْ تُغْنِ عَنكُمْ شَيْئًا وَضَاقَتْ عَلَيْكُمُ الْأَرْضُ بِمَا رَحُبَتْ ثُمَّ وَلَّيْتُم مُّذَبِحِينَ ﴿١٥﴾ ثُمَّ أَنْزَلَ اللَّهُ سَكِينَتَهُ عَلَى رَسُولِهِ وَعَلَى الْمُؤْمِنِينَ وَأَنْزَلَ حُبُودًا لَّمْ تَرَوْهَا وَعَذَّبَ الَّذِينَ كَفَرُوا وَذَلِكَ جَزَاءُ الْكَافِرِينَ ﴿١٦﴾

– „Оллоҳ сизларни кўп ўринларда ғолиб қилди. Ҳунайн кунини эсланглар! Ушанда сизларни сонларингизнинг кўплиги мағрур қилиб қўйган эди. Аммо бунинг сизларга фойдаси бўлмади. Сизларга кенг ер торлик қилиб қолди. Сўнг орқага қараб қочдингиз. Кейин Оллоҳ пайғамбарига ва мўминларга ўз томонидан хотирижамлик ҳамда сизлар кўрмайдиган бир лашкар туширди ва кофирларни азобга дучор қилди. Кофирларнинг жазоси шудир.“ [9:25-26]

Мусулмонлар жуда кўп ўлжаларни қўлга киритишди. Йигирма икки мингта туя, қирқ мингта қўй, тўрт минг уқия кумуш ўлжа олинди. Мушриклардан жуда кўп одам ўлдирилди. Уларнинг болачақалари ва хотинларидан олти мингтаси асирга олинди. Уларни қўриқлаб Жиърона водийсига олиб боришди. Мусулмонлардан ҳалок бўлганларнинг сони эса ҳисобланмади. Бироқ улар ҳам жуда кўп эди. Сийрат китобларида бу урушда мусулмонлардан икки қабила бутунлай йўқ бўлиб кетгани ва уларга Расулulloҳ ﷺ жаноза ўқиганлари зикр қилинган. Расулulloҳ бу ўлжалар ва асирларни Жиъронада қолдириб Молик ибн Авф мағлуб бўлгандан кейин яшириниб олган Тоифни қамал қилдилар. Тоиф Сақиф қабиласига қарашли шаҳар бўлиб, қалъаларнинг мудофаа истехкомлари пухта ишланган эди. Тоифликлар қамал урушини жуда яхши билар ва катта бойликка эга эдилар. Сақиф одамлари найза отишга моҳир эди. Улар найза отиб мусулмонларнинг бир қанчасини ўлдиришди. Бу қалъаларга ёриб кириш мусулмонлар учун қийин бўлди. Шунинг учун душман қалъаларидан узоқда жойлашишди ва Оллоҳ уларга ва душманларига нима кўрсатишини кутиб туришди. Расулulloҳ ﷺ Бану Давс қабиласидан Тоифга манжаниқлари билан зарба бериш учун ёрдам сўрадилар. Улар қамалнинг тўртинчи куни яроғлари билан келди. Кейин мусулмонлар Тоифга ҳужум қилишди. Манжаниқлар билан отишди, даббобалар остига бир қанча мусулмонлар кириб, Тоиф деворларини ёриш учун боришди. Лекин улар устига қамалдагилар қиздирилган темирларни ташлашди, бундан даббобалари ёниб унинг остидагалар қочиб қолишди. Сақиф найза отиб, уларнинг бир қисмини ўлдирди. Мусулмонлар Тоифга кира олмадилар. Кейин Сақиф таслим бўлиши учун шаҳар ташқарисидаги тоқларни кесиб ёқа бошлашди. Лекин у таслим бўлмади. Бу пайтда

ҳаром ой - Зулқаъда бошланиб қолган эди. Шунинг учун Расулulloҳ ﷺ Тоифдан Маккага қайтдилар ва мусулмонлар ўлжалари ва асирларини қолдиришган Жиъронага тушишди. Молик ибн Авф Расулulloҳ ﷺнинг унга агар мусулмон бўлса молини, оиласини ҳамда юзта туя беришлари ваъдаларига биноан келиб, Исломога кирганини эълон қилди ва ваъда қилинган нарсаларни олди. Мусулмонлар Расулulloҳ ﷺ Ҳавозиндан келган ҳар бир одамга мана шундай бериб юбораверсалар, бизнинг улушимиз камайиб қолади деб қўрқишди ва ўлжалар ўзаро тақсимланишини, ҳар бирлари ўз улушини олишини талаб қилишди. Улар ўлжалар тўғрисида ўзаро шивирлашган эди, бунинг хабари Расулulloҳ ﷺга етиб келди. Расулulloҳ ﷺ туя ёнида туриб, унинг бир дона жунидан олдилар ва икки бармоқлари орасида ушлаб дедилар: **«Эй одамлар, Оллоҳга қасамки, сизларнинг ўлжаларингиздан менга мана бу туянинг мана шу жуни ҳам тегмайди. Фақат хумс (бешдан бири)ни оламан. У ўзларингизга қайтарилади. Бир дона ипми, игнами ноҳақ олган бўлсанглар қайтаринглар. Чунки билдирмасдан олиб қўйилган нарса Қиёмат куни эгаси учун ор, ўт ва шармандалик бўлади»**. Ўлжа адолат билан тақсимланмасдан туриб ундан ким нима олган бўлса қайтаришга буюрдилар. Кейин ўлжани бешга бўлдилар, бир қисмини ўзлари учун олиб қўйдилар ва қолганларини асҳобларига тақсимлаб бердилар. Шу кунгача ашаддий душманлари бўлганлар улушига ўз улушларидан қўшиб бердилар. Абу Суфён, унинг ўғли Муовия, Ҳорис ибн Ҳорис, Ҳорис ибн Ҳишом, Суҳайл ибн Амр, Ҳувайтиб ибн Абдулуззо, Ҳаким ибн Ҳизом, Алоъ ибн Жория Сақафий, Уяйна ибн Ҳисн, Акраъ ибн Ҳобис, Молик ибн Авф Насрий, Сафвон ибн Умайяларнинг ҳар бирига қалбларини бирлаштириш учун улушларига қўшимча юзтадан туя бердилар. Шарафда улардан пастроқ бўлганларга қўшимча элликтадан туя бердилар. Расулulloҳ ﷺ шу куни мол тақсимлашда ниҳоятда саховатли бўлдилар. Лекин айрим мусулмонлар Расулulloҳ ﷺнинг бу саховатларидаги ва ўлжаларни бундай тақсимлашларидаги ҳикматни идрок қила олмади. Расулulloҳ ﷺнинг бу ишларини кўриб ансорлар бир-бирларига: «Оллоҳга қасамки, Расулulloҳ ﷺ ўз қавмини топиб олди», дейишди. Бу ҳол уларнинг қалбларига таъсир қилди. Саъд ибн Убода Расулulloҳ ﷺга бу гапларни етказди. Расулulloҳ ﷺ ундан: «Эй Саъд, сен ўзинг нима дейсан?», деб сўраганларида: «Ё Расулulloҳ, қавмим тарафидаман», деб жавоб берди ва қавмининг гапларини қувватлади. Расулulloҳ ﷺ унга дедилар: «Эй Саъд, уларни мана шу қўрғонга тўпла». Саъд уларни тўплади. Расулulloҳ ﷺ уларга дедилар: «Эй ансорлар жамоаси, сизлардан менга қандай гаплар етиб келди? Мендан хафа бўлдингларми? Сизларга борганимда залолатда эдинглар, Оллоҳ сизларни ҳидоят қилмадим, муҳтож эдинглар, Оллоҳ бойитмадим, бир-бирингизга душман эдинглар, Оллоҳ

сизларнинг қалбларингизни улфат қилмадимиз?» Улар: «Ҳа шундай. Оллоҳ ва Расули фазлу марҳамат соҳибидир», дейишди. Кейин Расулуллоҳ ﷺ дедилар: «Менга жавоб бермайсизларми?» (яъни мен ҳозир айтадиган ишларга рози бўлмайсизларми?) Улар: «Сизга нима деб жавоб берамиз, ё Расулаллоҳ, фазлу марҳамат Оллоҳга ва Расулига хосдир-ку», дейишди. Расулуллоҳ ﷺ дедилар: «Оллоҳга қасамки, агар хоҳласанглар: «Сиз бизнинг олдимизга борганингизда гапларингизни ҳамма ёлғонга чиқарган ҳолда эдингиз, биз эса тасдиқладик, ёрдамсиз эдингиз биз ёрдам бердик, қувғинда эдингиз биз жой бердик, муҳтож эдингиз биз ўз бағримизга олдик» дейишингиз мумкин, шундай десанглар ҳам рост айтган бўласизлар, бошқалар ҳам сизларни тасдиқлайди. Эй ансорлар жамоаси, бир қавмга Исломга кириши учун арзимас дунё матосини берганимга ва сизларнинг эътиқодингизга ишонганимга хафа бўлдингларми? Эй ансорлар жамоаси, одамлар туя, қўйлар билан кетишса-ю, сизлар уйларингизга Расулуллоҳ ﷺ билан кетсангиз рози эмасмисиз? Агар ҳижрат бўлмаганида, ансорлардан бири бўлган бўлардим. Агар одамлар тоғ орасидаги бир йўлга юрса, ансорлар бошқасига юрса, мен албатта ансорлар билан бирга бўлардим. Ё Оллоҳ, ансорларни, ансорларнинг фарзандларини, ансорларнинг фарзандларининг фарзандларини раҳмат қилгин!» Расулуллоҳ ﷺ гапларини тугатмасдан ансорлар қаттиқ йиғлаб юборишди, ҳатто соқоллари кўз ёшларидан ҳўл бўлиб кетди. Улар: «Расулуллоҳ бизнинг улушимизга текканларига розимиз», дейишди. Кейин манзилларига қайтишди. Шундан кейин Расулуллоҳ ﷺ ва қўшинлари Жиъронадан умра учун эҳром кийиб Маккага келишди. Умрани адо қилганларидан кейин Маккага Итоб ибн Усайдни волий қилдилар. Муоз ибн Жабални Маккада одамларга исломий сақофат ва таълим беришга қолдирдилар. Кейин Расулуллоҳ ﷺ ансорлар ва муҳожирлар билан Мадинага қайтиб кетдилар.

ТАБУК ҒАЗОТИ

Расулуллоҳ ﷺ га Рум ўлкаларидан хабар келди. Унда Рум арабларнинг шимолий ўлкаларига мусулмонларнинг Мўътада моҳирлик билан жангдан чиқиб кетганларини унутдириб қўядиган қаттиқ ҳужумга тайёрланаётгани айтилган эди. Бу хабар ошириб етказилган эди. Расулуллоҳ ﷺ душманга қарши ўзлари боришга қарор қилдилар. Бу қўшин бошлиқлари қалбидан мусулмонларга қарши урушиш хоҳишини ўчириб ташлайдиган бир режа туздилар. Бу ёзнинг охири, кузнинг бошлари эди. Кун иссиқ ва Мадинадан Шомгача масофа узоқ, машаққатли бўлиб, жисмоний куч, озиқ-овқат, сув талаб қилинарди. Демак, одамларни бу ишдан уни яширмай хабардор қилиш, уларга Рум билан жанг қилишга кетаётганларини очиқ айтиш лозим эди. Бу эса Расулуллоҳ ﷺ нинг олдинги ғазотларида қўллаган режаларига зид эди. Зеро, уларда режаларини махфий тутар эдилар. Борадиган жойларини яшириб, кўп ҳолларда душманни адаштириш учун мўлжаллаган томонларидан бошқа томонга қараб йўлга тушар эдилар. Аммо бу сафар биринчи кунданоқ ўзларининг Румга қарши унинг ерида жанг қилишни мўлжаллаётганларини айтдилар. Шунинг учун имкон борича кўпроқ аскар тўплаш мақсадида барча қабилаларни бу юришга тайёрланишга чақириб, элчиларини юбордилар. Сони кўп, ҳозирлиги кўнгилдагидек қўшин тайёрлаш учун мусулмонларнинг бойларини Оллоҳ ўз фазли билан берган молларидан сарф қилишга чақирдилар. Мусулмонларни бу қўшинга келиб қўшилишга тарғиб қила бошладилар. Мусулмонлар бу чақирқиққа ҳар ҳил жавоб бердилар. Исломга қалблари ҳидоят ва нур билан тўла ҳолда кирганлар Расулуллоҳ ﷺ нинг чақирқиқларига дарҳол лаббай деб жавоб берди. Уларнинг ичида минадиган улови йўқ камбағаллари ҳам, молларини розилик ва хотирижамлик билан Оллоҳ йўлида Расулуллоҳ ﷺ га тақдим қилган, Оллоҳ йўлида шаҳид бўлишни орзу қилиб иштиёқ билан ўзини тақдим қилганлари ҳам бор эди. Аммо Оллоҳнинг динига уруш ўлжаларига қизиқиб ёки мусулмонларнинг кучидан қўрқиб кирганлар бу урушга боришдан бош тортди. Узрлар айта бошлади. Ўзаро шивир-шивир қилиб, Расулуллоҳ ﷺ нинг бу узоқдаги ғазотга мана шундай иссиқ ҳавода чақирганлари устидан кула бошлашди. Булар мунофиқлар эди. Дарҳақиқат, улар бир-бирларига бу иссиқда урушга борманглар дейишди. Шунда Оллоҳ Таолонинг ушбу ояти нозил бўлди:

وَقَالُوا لَا تَنْفِرُوا فِي الْحَرِّ قُلْ نَارُ جَهَنَّمَ أَشَدُّ حَرًّا لَوْ كَانُوا يَفْقَهُونَ ﴿٨١﴾ فَلْيَضْحَكُوا قَلِيلًا وَلْيَبْكُوا

كَثِيرًا حَزَاءً بِمَا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿٨٢﴾

– „Улар бир-бирларига «Бу иссиқда урушга чиқманглар», дейишди. Айтнинг эй Муҳаммад: «Агар улар англай олсалар, жаҳаннам ўтининг иссиғи жуда ҳам қаттиқдир». Бас, ўзларининг

қилган нарсалари жазосига бу дунёда озгина кулсинлар ва охиратда абадий йигласинлар“.

[9:81-82]

Дарҳақиқат, Расулulloҳ ﷺ Бану Салима қабилиси одамларидан бири Жад ибн Қайсга: «**Бу йил Бану Асфарларга қарши урушга борасанми?**», деган эдилар у: «Ё Расулаллоҳ, менга бормасликка рухсат беринг, мени фитнага солманг, Оллоҳга қасамки, қавмим биладики, мендан кўра аёлларга фитналанадиган одам йўқ. Мен агар Бану Асфарларнинг аёлларини кўрсам сабрим чидамайди деб кўрқаман», деган эди. Расулulloҳ ﷺ ундан юзларини ўгирдилар. Бу ҳодиса ҳақида Оллоҳ Таолонинг ушбу ояти нозил бўлди:

وَمِنْهُمْ مَنْ يَقُولُ ائْذَنْ لِي وَلَا تَنْفِتْنِي اَلَا فِي الْفِتْنَةِ سَقَطُوا وَاِنْ جِهْتُمْ لَمُحِيْطَةٌ بِالْكَافِرِيْنَ

– „Уларнинг орасида «Менга жангдан қолишга изн беринг, мени фитнага солманг», дейдиган кимсалар бор. Огоҳ бўлингизки, улар жангдан қолишлари сабабли фитнага тушиб бўлдилар. Шак-шубҳа йўқки, жаҳаннам кофирларни ўраб олувчидир“.

[9:49]

Мунофиқлар жангга сустик қилиш билан чекланиб қолишмади, балки одамларни жангга бормасликка тарғиб қила бошладилар. Расулulloҳ ﷺ уларни қаттиқроқ ушлашни хаёл қилдилар. Расулulloҳ ﷺга улардан бир қанчаси яҳудий Сувайлимнинг уйида одамларнинг шаштини қайтариш, урушга бормасликка ундаш мақсадида йигилишганини хабар беришди. Расулulloҳ ﷺ уларнинг таъзирини бериб қўйиш учун Талҳа ибн Убайдуллоҳни бир нечта саҳобалар билан юбордилар. Улар бориб мунофиқлар йигилиб ўтирган Сувайлимнинг уйини ёқиб юборишди. Улардан бири уйнинг томи билан қочмоқчи бўлиб, оёғини синдириб олди. Қолганлар ўзларини ўтга уриб қочиб қолишди. Бу воқеа бошқалар учун дарс бўлди ва шундан кейин бундай ишга ҳеч ким журъат қилмади. Расулulloҳ ﷺ кўллаган ҳушёрлик ва қаттиққўлликнинг қўшинни тайёрлашда таъсири бўлди ва 30 минг мусулмонни бирлаштирган лашкар жамланди. Бу оғир қўшин деб номланди. Чунки у кўп сонли душман билан олишиш учун ёзнинг қаттиқ жазирамасида, Мадинадан узоқда жанг қилишга чақирилган ҳамда уни тайёрлашга катта сарф-харажат кетган эди. Қўшин жамланиб бўлди. Абу Бакр ؓ Расулulloҳ ﷺ Мадинада йўқ пайтларида одамларга намозда имомлик қилиш учун қолди. Расулulloҳ ﷺ Мадинага Муҳаммад ибн Масламани бошлиқ қилиб қолдирдилар. Алий ибн Абу Толибга оилаларидан хабар олиб туришни тайинладилар. Зарур фармойишларни бердилар. Тадбир қилиш керак бўлган ишларнинг чорасини қўрдилар. Қўшинга бош бўлиб йўлга тушдилар. Чанг-тўзон осмонга кўтарилди. Қўшин бутун салобати билан Мадина аҳолиси олдида намоён бўлди. Аёллар бу улкан қўшин Оллоҳ йўлида иссиқни, ташналик ва очликни писанд қилмай Шом тарафга йўл олганини кўриш учун томларга чиқишди. Олдинда кетаётган 10 минг отлиқ бу улкан қўшиннинг қудратини намоён этди. Жангга боришдан ўзини тортган баъзи одамлар бу

манзарадан таъсирланиб қўшин ортидан эргашганини ўзлари ҳам билмай қолишди. Қўшин Табукни мўлжаллаб йўлга тушди. Рум қўшинлари у ерда мусулмонларни кутиб турарди. Уларга мусулмонларнинг қўшини келаётгани, сонининг кўплиги ва куч-қудратининг хабари етган пайтда Мўътада ҳозиргидек куч ва сонга эга бўлмай туриб мусулмонлар кўрсатган жангни, қаҳрамонликни эслашди. Расулulloҳнинг қўшин бошида келаётгани уларнинг ваҳимасини яна ҳам кучайтирди ва ўз қўшинларини олиб Шом ўлкасининг ичкарасига кириб, у қалъаларда ҳимояланишни маъқул кўришди. Табукни ва саҳро тарафдан Шомнинг барча чегараларини ташлаб, Шомнинг ичкарасига кетишди. Расулulloҳ ﷺ Рум қўшинларининг ичкарига чекинганини ва улар қаттиқ қўрқув исканжасига тушиб қолганини билгач, Табукка етгунча йўлда давом этдилар ва у ерда жойлашдилар. Ўша вақтда Рум қўшинини таъқиб этишнинг пайти эмаслигини билдилар. Табукда бир ойга яқин турдилар. Бу вақт мобайнида Румга тобе қабила ва шаҳарларнинг амирларига мактублар жўнатдилар. Айла ҳоқими Яхна ибн Рўъяга, Жарбо ва Азраҳ аҳолисига бўсунишга чақириб, акс ҳолда ҳужум қилишларини маълум қилиб, мактуб ёздилар. Улар бўсунишга рози бўлишди ва Расулulloҳ билан сулҳ тузиб, жизя тўлашди. Кейин Расулulloҳ ﷺ Мадинага қайтдилар. Келиб ўзлари йўқликларидан фойдаланиб мунофиқлар заҳарларини ҳар томонга сочишаётганини, мусулмонларга тажовуз қилиш учун кучларини бирлаштираётганини кўрдилар. Уларнинг бир жамоаси Зу Авон деган Мадинадан бир соатлик йўлдаги жойда масжид қурган бўлиб, унда мунофиқлар жойлашиб олиб Оллоҳнинг каломини бузишга уринар ва бу билан мусулмонлар ўртасини бўлиб ташлашни хоҳлар эди. Бу масжидни қурганлар Табук ғазотидан олдин Расулulloҳ ﷺдан келиб намоз ўқиб беришларини сўрашган, бу ишни Расулulloҳ ﷺ ғазотдан қайтгандан кейинга қолдирган эдилар. Ғазотдан қайтганларида мунофиқларнинг қилмишларидан хабардор бўлдилар ва масжиднинг ишлари ва уни қуришдан кўзланган мақсаднинг ҳақиқати фош қилиниб ваҳий нозил бўлди. Расулulloҳ ﷺ уни ёқиб юборишга буюрдилар. Мунофиқларга қарши сиёсатларини кучайтирдилар. Бу билан мунофиқларни қаттиқ қўрқувга солиб қўйдилар. Шундан кейин уларнинг бирор нарса қилишга юраги бетламади.

Табук ғазоти сабабли бутун Арабистон ярим оролида Оллоҳнинг ҳукми тантана қилди. Расулulloҳ ﷺ ҳар қандай тажовуздан тинч бўлдилар. Расулulloҳ ﷺ ҳузурларига арабларнинг элчилари итоат қилишларини ва Исломга кирганларини эълон қилиб кела бошлади.

ИСЛОМИЙ ДАВЛАТНИНГ АРАБИСТОН ЯРИМ ОРОЛИ УСТИДАН ҲУКМРОНЛИГИ

Табук ғазоти билан Расулulloҳ ﷺ - бир томондан давлат чегаралари хавфсизлигини таъминлаб, иккинчи томондан душманлари қалбига қўрқув солиб - ташқи жиҳатни мустаҳкамладилар. Ўзларидан кейин Исломиё даъватни Арабистон ярим оролидан ташқарига - бутун оламга олиб чиқишлари учун мусулмонларга бир режа тузиб бердилар. Табук ғазотидан кейин ярим оролнинг жанубидаги Яман, Ҳазрамавт ва Уммон Исломга кирганини эълон қилди ва Исломиё Давлатга бўйсунди. Тўққизинчи йил келиши билан элчилар ўзлари ва қавмлари Исломга кирганини эълон қилишди. Шундай қилиб, Исломиё Давлатнинг бутун Арабистон ярим оролига ҳукмронлиги тўла амалга ошди ва Рум тарафдаги чегараларининг хавфсизлиги таъминланди. Ярим оролда ҳали ҳануз ширкларида давом этиб келаётган мушриклар қолган эди. Мушриклар Расулulloҳ ﷺнинг барча одамларга Байтуллоҳга келишдан ҳеч ким тўсилмайди, ҳаром ойларда ҳеч кимга хавф солинмайди, деб берган аҳдлари сабабли Байтуллоҳни ҳаж қилишга келиб, у ерда бутларга ибодат қилишар эди. Бутун Арабистон ярим ороли Муҳаммад ﷺга итоат қилаётган ва Исломиё Давлат ҳукмларига бўйсунётган бўлса, унда Оллоҳдан бошқага ибодат қиладиган мушриклар қолган бўлиб, улар ўз ҳолларига ташлаб қўйиладими? Байтуллоҳда бутпарастлик ва ширкка қарши қўзғалган мусулмонлар билан бутпарастлик ва ширкда давом этаётган мушрикларнинг мана шундай бир-бирига зид ҳолда жамланишларига бефарқ қараб туриладими? Байтуллоҳ атрофида бири санамларни парчалаган, иккинчиси мана шу санамларга ибодат қиладиган бир-бирига зид ибодатнинг мавжуд бўлиши тоқат қилиб бўлмас ҳол эди. Арабистон ярим оролида ушбу ширкка барҳам бериш ва мушрикларни Байтуллоҳга йўлатмаслик лозим эди. Шу йили Табук ғазотидан кейин ва Абу Бакр ؓ одамларга бош бўлиб ҳажга кетгач, «Бароат» («Тавба») сураси нозил бўлди. Расулulloҳ ﷺ Алий ибн Абу Толиб ؓни Абу Бакр ؓнинг орқасидан бориб, ҳажда хутба қилиб, уларга «Тавба» сурасини ўқиб бериш учун жўнатдилар. Алий Маккага кетди ва одамлар Минода жамланганда Абу Ҳурайра ؓ билан ёнма-ён турди ва одамларга «Тавба» сурасини:

بِرَاءةٍ مِنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ إِلَى الَّذِينَ عَاهَدْتُمْ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴿١﴾

– „Бу Оллоҳ ва Унинг пайғамбари томонидан сизлар ўзаро урушмаслик ҳақида аҳдлашган мушрикларга орани очиқ қилиш эълонидир“;

[9:1]

وَقَاتِلُوا الْمُشْرِكِينَ كَافَّةً كَمَا يُقَاتِلُونَكُمْ كَافَّةً ﴿٢﴾

– „Барча мушриклар сизларга қарши жанг қилишгани каби сизлар ҳам уларга қарши жанг қилинглар“, [9:36]
оятгача ўқиб берди. Бу оятларни ўқиб бўлгач, бир оз турди ва кейин одамларга баланд овоз билан деди: «Эй одамлар, гап шуки, жаннатга кофир кирмайди, шу йилдан эътиборан мушрик ҳаж қилмайди, Байтуллоҳни яланғоч одам тавоф қилмайди. Кимнинг Расулulloҳ ﷺ да аҳди бўлса, у муддатигача давом этади». Алий одамларга ушбу тўрт буйруқни етказди. Кейин ҳар бир қавм манзилига етиб олиши учун шу кундан бошлаб тўрт ой муҳлат белгилади. Шу кундан бошлаб мушрик ҳаж қилмади, Байтуллоҳ яланғоч ҳолда тавоф қилинмади. Бу билан Исломиё ақида асосидаги давлатнинг барпо бўлиши сабабли Арабистон ярим оролида Парвардигорнинг иши мукамал бўлди. «Бароат» сурасининг нозил бўлиши ва Арабистон ярим оролида мушрикларга чегара қўйиш билан Исломдан ўзга ҳар қандай фикр ва давлат йўқ қилиниб, Исломиё Давлат пайдо бўлди. Давлат бу даъватни бутун оламга олиб чиқишга тайёр бўлди. Бу ишлар Исломиё Давлат шаклланиб бўлганини кўрсатади.

ИСЛОМИЙ ДАВЛАТ ЖИҲОЗИ

Расулуллоҳ Мадинага етиб келган кунларидан бошлаб мусулмонларни бошқардилар, исломий жамиятни пайдо қилдилар. Яҳудийлар билан, кейин Бану Замра ва Бану Мудлиж билан, кейин Қурайш, Айла, Жарбо ва Азраҳ аҳли билан аҳдлар туздилар. Одамлар билан бирор ҳожи Байтуллоҳдан ман қилинмаслиги ва ҳаром ойларда ҳеч ким хавфга солинмаслиги ҳақида келишиб олдилар. Ҳамза ибн Абдулмутталиб, Убайда ибн Ҳорис ва Саъд ибн Абу Ваққосларни Қурайшга қарши урушиш учун сарияларда юбордилар. Зайд ибн Ҳориса, Жаъфар ибн Абу Толиб ва Абдуллоҳ ибн Равоҳаларни Румга урушга юбордилар. Абдурраҳмон ибн Авфни Давматул-Жандалга, Алий ибн Абу Толиб, сўнг Башир ибн Саъдни Фадакка, Абу Салама ибн Абдул Асадни Нажднинг Қатно деган жойига, Зайд ибн Ҳорисани Бану Салим, Жузон, Водил-Қуродаги Бану Фазора қавмларига, кейин Мадянга, Амр ибн Осни Бану Узра еридаги Зотус-Салосилга, шунингдек, бошқа лашкарбошиларни турли минтақаларга урушга жўнатдилар. Ўзлари бир қанча газотларга бош бўлиб, жангларга кирдилар. Вилоятларга волийлар, шаҳарларга омиллар тайинладилар. Итоб ибн Усайдни фатҳ қилингандан кейин Маккага, Муоз ибн Жабал Хазражийни Жанадга, Холид ибн Саид ибн Осийни Санъога, Зиёд ибн Лабид ибн Саълаба Ансорийни Ҳазрамавтга, Абу Мусо Ашъарийни Забид ва Аданга, Амр ибн Осни Уммонга, Муҳожир ибн Абу Умайяни Санъога, Адий ибн Ҳотамни Тай қавмига, Ало ибн Ҳазрабийни Баҳраинга ҳоким қилдилар. Абу Дужона Расул ﷺнинг Мадинадаги омиллари эди. Расулуллоҳ ﷺ волийларни тайинлашда топширилган ишни яхши бажарадиган ва борган жойидаги одамларнинг қалбларини иймон билан суғорадиган шахсларни танлар эдилар. Улардан ҳукм юритишда қўллайдиган тариқатлари ҳақида сўрадилар. Расулуллоҳ ﷺ Муоз ибн Жабал Хазражийни Яманга жўнатаётган пайтларида дедилар: «**Нима билан ҳукм юритасан?**». У деди: «Оллоҳнинг Китоби билан». «**Агар ундан ҳукм топа олмасанг-чи?**» «Расулуллоҳнинг Суннатлари билан». «**Агар ундан ҳам ҳукм топа олмасанг-чи?**» «Ўз раъйим билан ижтиҳод қиламан». Шунда Расулуллоҳ ﷺ дедилар: «**Расулуллоҳ ﷺнинг элчисини Оллоҳ ва Расули яхши кўрадиган йўлга муваффақ қилган Оллоҳга ҳамдлар бўлсин**». Абон ибн Саидни Баҳраинга жўнатаётганларида унга дедилар: «**Абду Қайс қавмига чиройли муомалада бўл, улуғларини иззат-икром қил**».

Волийларни мусулмонларнинг энг намунали шахсларидан тайинлар эдилар. Уларга Исломга кирганларга динни тушунтиришни, улардан закотлар олишни буюрардилар. Кўпинча волийга мол йиғишни ҳам топширар эдилар. Волийларга одамларга яхшиликни башорат қилишни, Қуръонни ўргатишни, динда илмли қилишни амр этардилар. Ҳақ борасида одамларга мулойим бўлишни, зулмда эса қаттиққўл бўлишни, агар улар ўртасида ғалаён бўлса, уларни қабила ва қариндошларига (тарафкашлик мақсадида) чақиришдан қайтаришни, уларнинг чақиришлари фақат Оллоҳ Таолога бўлишини, молларининг бешдан бирини олишни, мусулмонларга фарз қилинган закотларни йиғишни

тайинлардилар. Яҳудий ёки насроний ўз хоҳиши билан Исломга холис кирса ва динни қабул қилса, у ҳам мўминлардан ҳисобланади. Унинг учун мўминларга хос ҳуқуқлар берилади ва зиммасига мўминларга тааллуқли вазифалар юклатилади. Ким яҳудийлигида ёки насронийлигида қолса, у динидан чиқишга мажбур қилинмайди. Расулulloҳ ﷺ Муозни Яманга жўнатаётганда дедилар: **«Сен аҳли китоб бўлган бир қавм олдига боряпсан, уларни энг аввало Оллоҳ Таолога қуллик қилишга даъват қил. Оллоҳ Таолони танишгач, уларга бойларидан олиниб, камбағалларига бериладиган закотни фарз қилгани хабарини бер. Агар улар бунга итоат қилишса, закот ол. Уларнинг молларини энг яхшисини олишдан сақлан. Мазлумнинг дуосидан эҳтиёт бўл, зеро, у билан Оллоҳ Таоло ўртасида парда йўқдир»**. Баъзи вақтларда эса молларни йиққани махсус кишиларни юборар эдилар. Ҳар йили Абдуллоҳ ибн Равоҳани Хайбарга ҳосилни тахминий ҳисоблаш учун юборар эдилар. Улар Расулulloҳ ﷺга унинг ўта қаттиққўллигидан шикоят қилишди. Абдуллоҳга аёлларнинг зийнатларидан пора беришмоқчи бўлишиб: «Бу сенга, бизга энгил ҳисоб қилгин, тақсимда бизга кўп қолдиргин», дейишганда, Абдуллоҳ уларга деди: «Эй яҳудийлар жамоаси, албатта сенлар Оллоҳнинг махлуқлари ичида мен энг ёмон кўрадиганларимсанлар, бироқ бу нарса мени сенларга зулм қилишга ундамайди. Аммо сенлар менга таклиф қилаётган пора ҳаромдир, биз ҳаром емаймиз». Яҳудийлар: «Мана шу билан еру осмонлар қоим бўлган», дейишди. Расулulloҳ ﷺ волий ва омилларнинг ҳолидан хабардор бўлиб турардилар. Улар ҳақида келаётган хабарларни эшитардилар. Баҳрайндаги омиллари Ало ибн Ҳазрабийни Абу Қайс қавми элчилари унинг устидан шикоят қилгани учун ишдан олдилар. Расулulloҳ ﷺ омиллардан ҳисобни тўлиқ олардилар, уларни кирим ва сарфлар бўйича ҳисоб-китоб қилардилар. Бир кишини закотлар йиғишга юбордилар ва қайтиб келгач, ҳисоб-китоб қилдилар. У деди: «Бу сизларга, буниси эса менга ҳада қилинди». Унинг гапларини эшитгач, Расулulloҳ ﷺ дедилар: **«Бу кишига нима бўлди? Биз уни Оллоҳ бизга топширган бир ишга юборсак, келиб: «бу сизларга, буниси менга ҳада қилинди» дейди. У ота-онасининг уйида ўтирсин-чи, кўрамиз унга ҳада қилинармикан ёки қилинмасмикан»**. Расулulloҳ ﷺ дедилар: **«Биз кимни бир ишга тайинласак ва ҳаққини ҳам берсак, бундан ташқари олган нарсаси хиёнатдир»**. Аҳли Яман Муознинг намозни жуда ҳам чўзиб юборишидан шикоят қилди. Расулulloҳ ﷺ унга танбеҳ бердилар ва: **«Ким одамларга имом бўлса намозни энгил қилсин»**, дедилар. Одамлар ўртасида ҳукм чиқаришлари учун қозилар жўнатар эдилар. Алий ибн Абу Толибни Яманга, Абдуллоҳ ибн Навфални Мадинага қози этиб тайинладилар. Муоз ибн Жабал ва Абу Мусо Ашъарий икковларини Яманга қози қилиб юбораётиб, дедилар: **«Нима билан ҳукм қиласизлар?»**. Улар айтишди: «Агар ҳукмни Китобда ҳам, Суннатда ҳам топа олмасак, ишларни бир-бирига қиёслаймиз. Қайсиниси ҳаққа яқин бўлса, ўшанга амал қиламиз». Расулulloҳ ﷺ буни тасдиқладилар. Бу шуни кўрсатадики, Расулulloҳ ﷺ қозиларни танлар ва уларнинг иш юритиш усулини аниқ сўраб олар эдилар. Расулulloҳ ﷺ фақат қозиларни тайинлаш билан

кифояланмадилар, балки мазолим ишларига ҳам аҳамият бердилар. Рошид ибн Абдуллоҳни мазолим ва қозилик ишларига амир қилиб жўнатдилар ва унга мазолим масалаларини кўриш ҳуқуқини бердилар.

Расулulloҳ ﷺ одамларнинг манфаатларини бошқарар эдилар ва бу ишларни бошқариш учун котиблар тайинлардилар. Улар идораларнинг мудирлари мақомида эдилар. Алий ибн Абу Толиб Расулulloҳ ﷺ аҳдлашганларида аҳдларни, сулҳ тузганларида сулҳларни ёзадиган котиб эди. Ал-Муъайқийб Расулulloҳ ﷺнинг узукларига қарарди. Муъайқийб ибн Абу Фотима ўлжалар котиби эди. Ҳузайфа ибн Ямон Ҳижоз мевалари қанча ҳосил беришини тахминлаб ҳисоблайдиган котиб эди. Зубайр ибн Аввом закот молларини ёзарди. Муғййра ибн Шуъба қарз олди-бердилари ва муомалаларни ёзарди. Шураҳбил ибн Ҳасана подшоларга хат битарди. Расулulloҳ ﷺ ҳар бир манфаатга котиб, яъни мудир тайинлардилар.

Расулulloҳ ﷺ асҳоблари билан кўп маслаҳатлашар эдилар. Доим ақл-заковатли, фазилатли, иймони кучли саҳобалар билан кенгаш қилардилар. Улар ансорлардан еттита ва муҳожирлардан еттита бўлиб: Ҳамза, Абу Бакр, Жаъфар, Умар, Алий, Ибн Масъуд, Сулаймон, Аммор, Ҳузайфа, Абу Зар, Миқдод ва Биллолар Расулulloҳ ﷺ маслаҳатлашадиган саҳобалардан эдилар. Расулulloҳ ﷺ бошқалар билан ҳам маслаҳат қилардилар, лекин мазкур саҳобалар билан кўпроқ маслаҳатлашар эдилар. Бинобарин улар Шўро мажлиси ўрнида эдилар.

Расулulloҳ ﷺ мусулмонлар ва бошқалар устига, ерларга, мева ва чорваларга адо қилиниши мажбур бўлган молларни белгилаб қўйдилар, бу моллар закот, ушр, фэй, хирож, жизялардир. Ўлжалар ҳам байтулмол молларидандир. Закот Қуръонда зикр қилинган саккиз тоифага тақсимланар, булардан бошқа ҳеч кимга берилмас эди. Давлат ишларининг идора қилишга ҳам закот молларидан ҳеч нарса олинмас эди. Одамларнинг ишларини идора қилишга фэй, хирож, жизя ва ўлжалардан сарфланар эди. Бу моллар давлатни бошқариш, қўшин тайёрлашга кифоя қиларди, давлат молга муҳтожлик сезмас эди.

Расулulloҳ ﷺ **ИСЛОМИЙ ДАВЛАТ** жиҳозини ўзлари тикладилар ва ҳаётлик даврларида уни мукамал қилдилар. Расулulloҳ ﷺнинг ўзлари давлат раиси эдилар. Бу давлатда икки муовинлари, волийлари, қозилари, қўшин, идоралари мудирлари ва Шўро мажлиси бор эди. Бу жиҳоз шакли ва салоҳиятларида эргашиш вожиб бўлган тариқатдир. У мутавотир ҳадислар билан собитдир. Расулulloҳ ﷺ Мадинага етиб келганларидан бошлаб то вафотларигача давлат раиси вазифасини бажардилар. Абу Бакр билан Умар Расулulloҳ ﷺнинг муовинлари эди. Саҳобалар Расулulloҳ ﷺдан у кишига пайғамбарликда ҳам, элчиликда ҳам эмас, фақат давлатга раис бўлишда халифа бўладиган давлат раисини тиклашга ижмо қилганлар. Зеро, Расулulloҳ ﷺ охириги пайғамбардирлар. Шундай қилиб Расулulloҳ ﷺ давлат ишларини ҳаётлик даврларида мукамал барпо қилдилар ва ўзларидан кейин ҳукм юритиш ва бошқариш шаклини маълум ва яққол кўриниб турадиган суратда қолдирдилар.

ИСЛОМИЙ ДАВЛАТ ВА ЯХУДИЙЛАР

Расулulloҳ ﷺнинг наздларида яҳудийлар эътиборсиз эди. Қаршилик кўрсатиши эътиборга олинадиганлари араблар ва хусусан Қурайш эди. Шунинг учун Расулulloҳ ﷺ яҳудийлар билан уларнинг бўйсунуши ҳамда қарши чиққанларга қўшилмаслиги ҳақида битимлар туздилар. Бироқ улар Ислom Давлати ўсиб бораётгани ва мусулмонларнинг салтанати кенгаяётганини кўришгач, турли хил игво ва баҳсу-мунозара орқали ҳужум қила бошлашди. Бадр газотида мусулмонлар ғолиб бўлгач, яҳудийлар ўзларига келаётган хатарни ҳис қилишди ва мусулмонларга таъналар ёғдириб, Расулulloҳ ﷺга қарши тил бириктиришди. Яҳудийларнинг фитналари ҳақидаги хабарлар Расулulloҳ ﷺга келиб турар эди. Мусулмонлар ҳам, яҳудийлар ҳам бир-бирларига зарар етказиш учун фурсат кута бошлашди. Яҳудийларнинг сурбетлиги кучайиб кетди. Бану Амр ибн Авф яҳудийларидан бири Абу Ифк Муҳаммад ﷺга ва мусулмонларга таъналар битилган шеърлар юборарди. Асмо бинти Марвон деган хотин Ислomни қоралар, Расулulloҳ ﷺга қарши яҳудийларни гиж-гижлар эди. Каъб ибн Ашраф мусулмонларнинг аёлларига атаб шеърлар ёзар, Маккага бориб шеър айтиб Муҳаммад ﷺга қарши яҳудийларни қўзғар эди. Мусулмонлар бунга ортиқ тоқат қилиб тура олмадилар ва бу ишларидан тўхташлари учун уларни ўлдирдилар. Лекин яҳудийлар мусулмонлардан қўрқсалар ҳам озорларини кучайтиришди. Шунда Расулulloҳ ﷺ улардан мусулмонларга озор етказишни бас қилишни ва битимга амал қилишни талаб қилдилар. Акс ҳолда Қурайшнинг кунини бошларига солишларини маълум қилдилар. Улар Расулulloҳ ﷺнинг огоҳлантиришларига менсимай қарашди ва: «Эй Муҳаммад, уруш илмини билмайдиган бир қавм билан жанг қилиб, ғалаба қозонганингдан мағрурланма. Оллоҳга қасамки, агар биз сенга қарши турсак, кимлигимизни биласан», деб жавоб беришди. Шундан кейин улар билан жанг қилишдан бошқа илож қолмади ва мусулмонлар чиқиб Бану Қайнуқо яҳудийларини узлуксиз ўн беш кун қамал қилишди. Бу вақт мобайнида улардан ҳеч ким ташқарига чиқмади, ҳеч ким уларга озиқ-овқат олиб кирмади. Уларнинг Муҳаммад ﷺнинг ҳукмига таслим бўлишдан бошқа чоралари қолмади. Кейин Мадинадан сургун қилинди ва улар Мадинадан чиқиб, Водий Қуро деган жойга боришди. Бу ерда бир қанча замон туришиб, кейин Шом чегараларидаги Азриот деган жойга кўчиб кетишди. Бану Қайнуқо сургун қилиниши билан яҳудийларнинг кучи заифлашди ва мусулмонларга бўйсунушга мажбур бўлишди. Лекин бу бўйсунуш уларнинг куч-қувватдан қўрққанлиги туфайли эди. Кейинчалик қулай фурсат келгач, улар иккинчи марта яна ҳаракатга тушиб қолишди. Мусулмонлар Уҳудда мағлуб бўлишгач, қалбларидаги аламлари хуруж қилиб Расулulloҳ

Ўни ўлдириш учун тил бириктиришди. Расулulloҳ ﷺ уларнинг ниятларини сезиб қолдилар ва синаш учун ҳийла ишлатмоқчи бўлдилар. Шу мақсадда улуғ саҳобалардан ўн киши билан - уларнинг ичида Абу Бакр, Умар ва Алийлар ҳам бор эди - Бану Назир қабиласига бордилар. Ўзларини хурсанд кўрсатишди. Расулulloҳ ﷺ га уларнинг баъзилари яхши муомала қилсада, ниятлари бузуқлигини сездилар. Яҳудийлардан бири бир чеккага кетди. Яна бири Расулulloҳ ﷺ деворига суяниб ўтирган уйга кириб келди. Уларнинг бу ишлари Расулulloҳ ﷺ нинг шубҳаларини кучайтирди. Шунинг учун асҳобларини қолдириб, гўё заруратга чиққандек бўлиб, чиқиб кетдилар. Шу вақт яҳудийлар нима қилишларини билмай қолишди. Кейин мусулмонларнинг кўнглини олиш учун уринишди. Лекин Расулulloҳ ﷺ нинг асҳоблари у зот келавермагач, излашга тушишди. Масжидга кетганларини билиб, у кишининг ҳузурларига боришгач, Расулulloҳ ﷺ уларга яҳудийларнинг ишлари шубҳага солиб қўйганини айтиб бердилар ва Муҳаммад ибн Масламани Бану Назирга турган жойларидан чиқиб кетишларини буюриш учун юбордилар. Уларга ўн кун муҳлат берилди. Кейин уларни қамал қилиб, жойларидан чиқариб юбордилар. Яҳудийлар чиқиб кетишди, баъзилари Хайбарда қолди, баъзилари Шомнинг Азриотига кетди. Шу билан Мадинани яҳудийлар фитнасидан тозалаш ишлари тугади. Бу ерда яҳудийлардан фақат Бану Қурайза қабиласи қолди. Чунки улар аҳдларини бузишмаган эди. Шунинг учун Расулulloҳ ﷺ уларга қарши ҳеч нарса қилмадилар. Улар Бану Қайнуқо ва Бану Назир қабилалари бошига тушган ишларни кўришгач, дўстликни кучайтиришди. Бироқ, бу нарса мусулмонларнинг куч-қудратини кўришгандаги вақтинчалик иш эди. Ҳатто улар учун қулай фурсат пайдо бўлиб қолгач ва гуруҳларнинг мусулмонларни йўқ қилиш учун келганини кўришгач, Ҳужай ибн Ахтабни гапларига кириб, аҳдларини бузишди ва мусулмонларни бутунлай йўқ қилиб юборишга тайёрланишди, хиёнат ва ифлосликни ҳаддидан оширишди. Шунинг учун гуруҳлар кетгандан кейин Расулulloҳ ﷺ нинг аввало қилган ишлари уларнинг қалъаларига мусулмонлар билан бирга бориб, йигирма беш кун қамал қилдилар. Қамал даврида яҳудийлар ташқарига чиқишга ботинишолмади. Қалъаларини ҳимоя қила олмаслигини билишгач, Расулulloҳ ﷺ га одам юбориб, ўз ишларида маслаҳат сўраш учун Абу Лубобани юборишларини сўрашди. Абу Лубоба уларнинг жоҳилиятдаги иттифоқчиси Авс қабиласидан эди. Яҳудийлар уни кўришгач, йиғлағудай аҳволда сўрашди: «Эй Абу Лубоба, Муҳаммаднинг ҳукмига рози бўлайликми?» Абу Лубоба: «Ҳа», деди ва қўли билан томоғига ишора қилди (яъни ҳукм бошнинг танадан жудо қилиниши бўлади, деди). Абу Лубоба улар ҳузуридан кетгандан кейин Каъб ибн Асад уларга баъзи бир фикрларни таклиф

қилган эди, улар қабул қилишмади. Шунда у: «Муҳаммаднинг ҳукмига рози бўлишларингдан бошқа чора қолмади», деди. Кейин улар Муҳаммадга Азриотга кетишларини ва бор мол-мулкларини мусулмонларга қолдиришларини таклиф қилишди. Расулulloҳ ﷺ уларнинг бу таклифларига кўнмадилар ва фақат ҳукмига рози бўлишдан бошқа йўл йўқ, дедилар. Кейин улар Авсни ўртага қўйишди. Авс кишилари яҳудийларнинг тарафини олиб, Расулulloҳ ﷺнинг олдиларига келишди. Расулulloҳ ﷺ уларга дедилар: «Эй Авс жамоаси, уларга ўзларингиздан бирингиз ҳукм чиқаришга рози бўласизларми?» Улар: «Ҳа», дейишди. Расулulloҳ ﷺ дедилар: «У Саъд ибн Муоз». Кейин Саъд икки тарафдан чиқарадиган ҳукмига бўйсунушга розилик олди. Улар розилик беришгач, Бану Қурайзага қалъаларидан тушишни ва қуроолларини топширишни буюрди. Улар шундай қилишди. Кейин Саъд улар устидан ҳукм чиқарди: жангчилар ўлдирилади, моллар тақсим қилинади, аёллар ва болалар асир олинади. Расулulloҳ ﷺ бу ҳукми эшитганларида: «Сен улар устидан Оллоҳнинг ҳукмини чиқардинг», дедилар. Кейин Мадина бозорига чиқдилар. У ерда хандақлар қазиларга буюрдилар, сўнг яҳудийлар тўп-тўп қилиб олиб келинди ва уларнинг бошлари таналаридан жудо қилиниб, шу хандақларга дафн этилди. Расулulloҳ ﷺ бану Қурайзининг мол-мулки, аёллари, болаларини мусулмонларга тақсимлаб бердилар. Бу ўлжалардан бир қисмини қолдириб, уларни Саъд ибн Зайд Ансорий билан Наждга жўнатдилар. Зайд уларга от ва қурол сотиб олди. Булар мусулмонлар ҳарбий қудратини оширишга хизмат қилди.

Шу билан Бану Қурайза йўқ қилинди. Лекин ҳали бошқа яҳудийлар ҳам бор эди. Хайбарда яҳудийларнинг энг кучли қабилалари яшарди. Улар Расулulloҳ ﷺ билан иттифоққа кирмаган бўлиб, Ҳудайбия сулҳидан олдин Қурайш билан келишиб Расулulloҳ ﷺга қарши тил бириктирган эди. Уларнинг мавжуд бўлиб туриши ҳам давлатга қарши хавф эди. Расулulloҳ ﷺ Ҳудайбия сулҳини тугатишлари билан Хайбарга уни йўқотишга тайёрландилар. Одамларга Хайбарга ғазот қилишга тайёрланишни буюрдилар. Мусулмонлар йўлга тушишди. Улар бир минг олти юз киши бўлиб, юзтаси отлич эди. Ҳаммалари Оллоҳ Таолонинг ғалаба беришига ишончлари комил ҳолда Хайбарга кетишди. Хайбар қалъалари олдида жангга тайёр бўлиб туришди. Яҳудийлар ўзаро маслаҳатлашиб, Салом ибн Мишкамнинг маслаҳатига биноан мол-мулклари ва оилаларини Ватих ва Салолим қалъаларига, озиқ-овқатларини Ноим қалъасига жойлаштиришди. Жангчилар Нато қалъасига киришди. Салом ҳам бирга бўлиб, уларни урушга тарғиб қилиб турди. Икки қўшин жангчилар жойлашган Нато қалъаси атрофида тўқнашдилар ва қаттиқ жанг қилишди. Ҳатто айтишларича, мусулмонлардан

жароҳат олганлар сони элликтага етди. Салом ўлдирилди, яҳудийларга бошчиликни Ҳорис ибн Абу Зайнаб қўлга олди. У озуқалар жойлаштирилган Ноим қалъасидан мусулмонларга ҳужум қилиш учун аскарлари билан чиқди. Бану Хазраж уларга қақшатқич зарба бериб, орқага чекинишга мажбур қилди. Мусулмонлар Хайбар қалъаларини қаттиқ қамал қилишди. Яҳудийлар мудофаа қилишга жонларини аяшмади. Кунлар ўтди. Кейин Расулulloҳ ﷺ Абу Бакрни Ноим қалъасини фатҳ қилиш учун юбордилар. Абу Бакр у ерга бориб, жанг қилиб фатҳ қилолмай қайтди. Эртасига Умар ибн Хаттобни юбордилар. У ҳам фатҳ қилолмади. Шунда Расулulloҳ ﷺ дедилар: **«Эртага байроқни Оллоҳ ва Расулини яхши кўрадиган, Оллоҳ ва Расули ҳам яхши кўрадиган кишига бераман. Оллоҳ унинг қўли билан фатҳ қилади. У жангдан қочадиган киши эмас»**. Эртасига ҳузурларига Алий ибн Абу Толибни чақирдилар, кейин унга дедилар: **«Бу байроқни олиб бор. Оллоҳ Таоло сенга фатҳ бергай»**. Алий байроқни олиб қалъани фатҳ қилиш учун кетди. У қалъага яқинлашганда унга яҳудийлар қарши чиқишди. Алий улар билан жангга киришди. Бир яҳудий унинг қалқонига уриб, қўлидан тушириб юборди. Алий қалъа ёнида турган бир эшикни қўлига олиб, уни ўзига қалқон қилиб олди ва жанг қилиб, қалъани фатҳ қилгунча қўлидан туширмади. Кейин эшикни кўприк қилди ва мусулмонлар унинг устидан ўтиб, қалъа ичкарасига кирдилар. Ноим қалъасидан кейин мусулмонлар бирин-кетин бошқа қалъаларни ҳам фатҳ қилиб, Ватих ва Салолим қалъаларига етиб боришди. Булар охириги ва энг мустаҳкам қалъалар эди. Шу ерда яҳудийлар умидсизликка тушишди ва қонларини тўкмаслик эвазига Муҳаммад ﷺдан сулҳ талаб қилишди. Расулulloҳ ﷺ уларнинг талабларини қабул қилдилар ва уларни фатҳ ҳукми билан Расулulloҳ ﷺга ўтган ўз ерларида қолдирдилар. Уларга ерларда ишлаганлари эвазига чиққан ҳосилнинг ярмини беришни ҳукм қилдилар. Шу билан Хайбар бўйсунди. Кейин Фадак яҳудийлари Хайбарга нима бўлганини эшитиб, қалбларига қўрқув кирди ва жангсиз ўз молларининг ярмини бериш эвазига Расулulloҳ ﷺ билан сулҳ тузишди. Расулulloҳ ﷺ Мадинага Водий Қуро орқали қайтиш учун тайёрландилар. Йўлда Таймо яҳудийлари урушсиз ва жангсиз жизя тўлашга рози бўлишди. Шу билан барча яҳудийлар Набий ﷺнинг салтанатларига бўйсунди. Уларнинг салтанатларига барҳам берилди. Шундай қилиб Расулulloҳ ﷺ Арабистон ярим оролидан хотиржам бўлдилар, салтанатлари мустаҳкамланди.

ИСЛОМИЙ ДАВЛАТНИНГ ДАВОМ ЭТИШИ

Расулуллоҳ ﷺ вафот этдилар. Саҳобалар давлатга раислик қилишда у зотга халифа бўлиш учун Абу Бакр ﷺга байъат беришга ижмо қилишди. Мусулмонлар то 1342ҳ-1924м йилгача давлатга раис тиклаб келдилар. Уни халифа ёки амирул-мўминин ёки имом ёки султон деб атар эдилар. Бирор шахс байъатсиз халифа бўлмас эди. Исломий Давлат охириги халифагача, яъни Исломий Давлатнинг тугатилгунигача мана шу йўлдан борди - бирор шахс байъатсиз халифа бўлмади. Байъатни татбиқ қилиш турли шаклларда бўлган: яъни халифага бевосита байъат қилинган; халифа ўз қариндошларидан бўлмаган шахсга аҳд берган; ўз ўғли ёки қариндошларидан бирига аҳд берган; бир неча қариндошларига аҳд берган. Лекин бу аҳднинг ўзи номзодни халифа қилиб қўймаган, балки у халифаликка ўтираётганда байъат олар эди. Давлат раислигига байъатсиз сайланган бирорта ҳам халифа бўлмаган. Байъат олиш ҳам ҳар хил бўлган: Аҳлул-ҳал вал-ақддан; одамлардан; шайхул Исломдан олинган. Баъзан байъат олиш суистеъмол қилинган. Лекин у ҳам байъат бўлган, халифаликка ҳақдор қилиб қўядиган валиаҳдлик бўлмаган. Ҳар бир халифа ўзига муовинлар тайинлар эди. Баъзи асрларда уларни вазирлар, яъни муовинлар деб ҳам аталган. Халифа волийлар, бош қози, қўшин қўмондонлари, давлат идоралари бошлиқларини тайинлар эди. Ҳокимият шакли барча асрларда мана шундай давом этди. Шунингдек, унинг вазиятига нисбатан бирор нарса ўзгармади. Демак, Исломий Давлат то мустамлакачи кофир Усманий Давлатни йўқ қилиб, уни майда давлатчаларга бўлиб ташлагунча мавжуд бўлган.

Турли асрларда Исломий Давлатда бир нечта ички ҳодисалар юз берди. Буларнинг юз бериши гайриисломий турткилардан келиб чиқмаган, балки ўша ҳодисалар содир бўлган пайтдаги мавжуд вазиятни исломий асосда тушунишдан келиб чиққан эди. Мавжуд вазиятни бундай тушунганлар вазиятни ўз тушунчаларига яраша тузатиш учун ҳаракат қилишган. Буларнинг ҳаммаси ҳам мужтаҳид бўлиб, вазиятни мавжуд аҳволдан бошқа усул билан тузатишга уринишган. Бу иккаласи ҳам исломий тушунча ва исломий раъйдир. Шунинг учун ихтилоф фақат халифалик мансаби устида эмас, халифанинг шахси атрофида бўлганини, ҳокимият шаклида эмас, ҳокимият тепасида ким бўлиши хусусида бўлганини кўрамиз. Ихтилоф фуруъ ва тафсилотлардан иборат эди, асосларда бўлган эмас. Мусулмонлардан ҳеч ким Китоб ва Суннат устида ихтилоф қилмаган, балки уларни тушунишда турлича бўлган. Халифа тиклаш борасида ихтилоф қилишмаган, балки ким халифа бўлиши устида тортишишган. Исломни татбиқ этиш ва бутун оламга олиб чиқиш вожиблигида ихтилоф қилишмаган. Барча мусулмонлар мана шу

асосда юриб, Оллоҳнинг аҳкомларини татбиқ этишган, одамларни Оллоҳнинг динига даъват қилишган. Тўғри, уларнинг баъзилари нотўғри тушуниш оқибатида Исломнинг баъзи ҳукмларини нотўғри татбиқ этишган. Айримлари эса қасддан нотўғри қўллашган. Лекин уларнинг ҳаммалари ҳам фақат Исломни татбиқ этишар эди. Ҳаммалари ҳам бошқа давлатлар, халқлар ва миллатлар билан алоқаларини Ислом асосида ва оламга Исломий даъватни ёйиш асосида олиб боришар эди. Шунинг учун ички ихтилофлар фатҳларнинг йўлини тўсмади, Исломнинг ёйилишига ғов бўлмади. Исломий Давлат то XI ҳижрий (XVIIм) асргача Исломни ёйиш учун мамлакатларни фатҳ этишни бир кун ҳам тўхтатмади. Форс, Ҳинд, Кавказ фатҳ этилди. Исломий давлат ҳудудлари Хитой ва Русиягача, Шарқдан Каспий денгизи ортгача ўтди, шимолда Шомни, ғарбда Миср, Шимолий Африка, Испанияларни, шунингдек Анозул, Болқон, Жанубий ва Шарқий Европани, Қора денгизнинг шимоли - Қрим ва Жанубий Украиналарни фатҳ этди. Исломий Давлат қўшинлари Вена деворларигача етиб борди. Исломий Давлатда заифлик аломатлари кўринган ва Исломни нотўғри тушуниш зоҳир бўлган пайтларгача у фатҳлардан ва Исломий даъватни ёйишдан тўхтамади. Исломий Давлатнинг Исломни тушунишдаги заифлиги уни Исломни татбиқ қилишда чалкашликларга йўл қўйишга, Исломга хилоф эмас деган эътиқодда бошқа қонунлардан ёрдам олишга сабаб бўлди ва натижада исломий Давлат тугатилди.

Исломий Давлатнинг юриши ўзининг фикрий қуввати, унда ижодкорлик ва ижтиҳод қудратининг тўлиқ бўлиши билан ҳамқадам бўлди. Биринчи асрда Исломий Давлатнинг фатҳлари кўпайди, ижтиҳод кенгайди. Фатҳ қилинган мамлакатларда янги муаммоларга дуч келиб, улар учун ечимлар истинбот қилди. Форс, Ироқ, Шом, Миср, Испания, Ҳинд, Кавказ ва бошқа жойларда содир бўлган янги масалаларга шаръий аҳкомларнинг татбиқ этилиши бу мамлакатлардаги барча аҳолининг Ислом қўрғонига киришларига олиб борди. Бу эса истинботнинг тўғрилигидан, ижодкорлик ва ижтиҳоднинг қудратидан далолат беради. Зеро, Исломнинг тўғрилиги қатъийдир. Уни тўғри тушунишгина у татбиқ қилинаётган ва аҳкомлари ўргатилаётган вақтда одамлар уни нури суратда кўришларига олиб боради. Бу истинбот, ижодкорлик ва ижтиҳод V ҳижрий (XI м)асргача давом этди. Кейин ижодкорлик заифлашиб, ижтиҳод камайиб борди. Бу эса Давлат вужудининг заифлашишига сабаб бўлди. Сўнг салибчилик урушлари юз берди. Мусулмонларнинг ғалабаси билан тугагунча улар бу урушлар билан машғул бўлишди. Кейин мамлуклар ҳукмронлиги бўлди. Улар ижтиҳод қилишга қодир бўлмасдан, фикрларга аҳамият бермасдан ҳукм юритишди. Натижада фикрий заифлик кучайиб, ортидан сиёсий парокандаликни келтириб чиқарди. Мўғил-татарларнинг ҳукми ва Ислом китобларини Дажла

дарёсига ташлаб юбориб, улкан фикрий бойликни йўқ қилишлари дард устига чипқон бўлди. Мана шу фикрий заифлик ижтиҳодни тўхтатиб қўйди. Янги пайдо бўлган масалалар баҳси фатволар чиқариш, нусусларни таъвил қилиш билан чекланиб қолди. Натижада Исломиё Давлатда фикрий савия тушиб кетди ва сиёсий савиянинг ҳам таназзулига олиб борди. Кейин Усмонийлар Давлатда бошқарувни қўлга олишди ва ҳарбий куч ва фатҳлар билан машғул бўлишди. Истамбул ва Болқонни фатҳ қилишди. Европага кириб боришди, бу нарса уларни оламдаги биринчи давлат қилиб қўйди. Лекин фикрий савия кўтарилмади. Бу ҳарбий қудрат фикрий асосга эга бўлмаган бир сакрашдан бошқа нарса бўлмади. Ҳеч қанча вақт ўтмасдан унинг қудрати Исломиё ўлкалардан секин-аста чиқиб кета бошлади ва охири интиҳосига етди. Лекин нима бўлганда ҳам у Исломиё даъватни кўтариб чиққан, Исломни ёйган эди. Фатҳ қилинган мамлакатларнинг миллионлаб аҳолиси Исломга кирди. Улар ҳозирги кунда ҳам мусулмондирлар.

Исломни тушунишдаги кўп жиҳатлилик ҳамда халифа иқтисод ва бошқа соҳаларда муайян аҳкомларни табанний қилган бўлса-да, бошқарув низомида муайян аҳкомларни табанний қилмаганлиги, бу ҳол баъзи ҳокимлар-халифалар ва волийларга бошқарувни Давлатнинг қудрати ва бирлигига таъсир кўрсатадиган йўналишга буриб юборишларига йўл очиб берди. Волийларга умумий волийлик қилиш ҳуқуқи билан бирга уларга халифадан ноиб сифатида кенг салоҳиятлар ҳам берилиши мустақил ҳукмронлик қилиш ҳиссиётлари уйғонишига сабаб бўлди. Натижада, улар ўз вилоятларида гўё мустақил давлат бўлиб олишди ва халифага байъат бериш, минбарларда унинг учун дуолар қилиш, унинг номи билан пуллар зарб этиш ва шу каби шаклий ишлар билан кифояланишди. Бошқарув иши эса ўз қўлларида қолаверди. Бу ҳол вилоятларни мустақил Давлатга ўхшатиб қўйди. Ҳамадонийлар, Салжуқийлар ва бошқалар бунга ёрқин мисолдир. Бироқ, умумий волийлик эътибори билан «умумий волийлик» давлатнинг бирлигига таъсир этмади. Амр ибн Оснинг Мисрдаги волийлиги ва Муовия ибн Абу Суфённинг Шомдаги волийлиги умумий волийлик эди. Шундай бўлса-да волий халифадан бирор нарсада алоҳида бўлмаган. Халифалар қудратли бўлгани учун давлатнинг бирлиги сақланиб турган. Лекин халифалар заифлашгач, вилоят давлатга тобе ва унинг бир қисми бўлишига қарамасдан, унда мустақиллик белгилари кўрина бошлади. Бу ишларга қарамасдан давлат яхлит бўлиб қолаверди, яъни волийни тайинлайдиган ва ишдан оладиган фақат халифа эди. Волийнинг қудрати қанчалар юксалмасин, халифани эътироф этмасликка журъат қилолмас эди. Исломиё Давлат ҳеч қачон, ҳатто волийларнинг мустақиллиги энг кучли бўлган даврларда ҳам вилоятлар иттифоқи бўлган эмас. Балки Исломиё Давлат яхлит бўлган ва унинг халифаси

битта эди. Ёлғиз халифагина давлатнинг ҳамма томонларида - марказда, вилоятларда, шаҳар ва қишлоқларда салоҳият соҳиби бўлган.

Аммо Испанияда халифаликнинг мавжуд бўлиши, Мисрда Фотимийлар давлатининг пайдо бўлиши каби ҳодисаларга келсак, бу ҳол волийлар мавзудан фарқ қилади. Бунга сабаб Испанияни волийлар қўлга олиб, уни мустақил қилиб олишди. Волийга мусулмонларнинг халифаси деб байъат берилмаган, балки у бутун мусулмонлар учун эмас, фақат ўша вилоят аҳолиси учун халифа деб номланган. Мусулмонларнинг халифаси битталигича қолган ва бошқарув унинг салоҳиятида бўлган. Испания вилоятига - Усманийлар давлати пайтида Эронда бўлганидек - халифа бошқарувидан ташқаридаги вилоят деб қаралади, у ерда иккинчи халифа бўлмаган, балки у халифа бошқарувига кирмаган вилоят бўлган. Фотимийлар давлатига келсак, уни исмоилийлар фирқаси тиклаган. Бу фирқа кофир бўлиб, улар қилган ишлар эътиборга олинмайди ва уларнинг давлати Исломиё Давлат ҳам, Исломиё халифалик ҳам ҳисобланмайди. Аббосийлар халифалиги мавжуд бўла туриб, уларнинг халифа тиклашлари халифаликнинг кўпайиши деб эътибор қилинмайди. Чунки у шаръий халифалик эмас эди. У мазкур ботинийлар фирқаси Исломиё Давлатни ўзларининг ботил аҳкомлари асосида юрадиган давлатга ўзгартириш учун амалга оширган инқилобий ҳаракатдан бошқа нарса эмас эди. Шунга кўра Исломиё Давлат бошқарувда битта давлат ва битта бирлик бўлиб давом этди. У бўлиниб кетмади. Балки бошқарув ишларида Исломиё муайян тушунчалар асосида ижро қилиш рағбатида ҳокимиятга етиш учун уринишлар бўлди, кейин бу ишлар ҳам тугаб, Исломиё Давлат битта бирлик бўлиб давом этди. Бошқарув вазиятларнинг ҳар хил бўлишга қарамасдан Исломиё Давлатнинг бирлигига далолат қиладиган ишлардан яна шуки: мусулмон киши Исломиё ҳукмронлик қиладиган жойларда бир юртдан бошқасига, ернинг ғарби-ю шарқига бемалол бора олар эди. Ундан қайси юртдан экани, саёҳатга рухсатномаси сўралмасди. Чунки Исломиё юрт битта эди.

Исломиё Давлат мусулмонларни бирлаштириб турди. Бу давлат - уни Мустафо Камол Отатурк қўли билан мустамлакачи кофир 1924 йили исломиё халифаликни бекор қилган пайтгача - ҳукм сурди.

ИСЛОМИЙ ДАВЛАТНИНГ ИЧКИ СИЁСАТИ

Исломий Давлатнинг ички сиёсати шаръий ҳукмларни ҳаётга татбиқ этишдир. Исломий Давлат ўз салтанати остидаги юртларда Ислом аҳкомларини ижро қилиб, Ислом аҳкомлари асосида муомалаларни тартиблаштирар, ҳадларни барпо этар, жазо чораларини ижро қилар, ахлоқни сақлар, Исломий ибодат ва удумларни адо қилишга кафил бўлар, халқнинг барча ишларини бошқарар эди. Дарҳақиқат, Ислом ўз салтанатига бўйсунадиган одамларга - мусулмонларга ҳам ва унга эътиқод қилмайдиганларга ҳам - аҳкомларини ижро қилиш усулларини баён қилиб берган. Бинобарин, муаммоларнинг муолажалари шаръий ҳукм бўлганидек, ижро тариқати ҳам шаръий ҳукмдир. Исломга барча одамлар чақирилгандир. Чунки Оллоҳ Таоло бутун инсониятга хитоб қилиб Исломга чақирган. Оллоҳ Таоло марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ اعْبُدُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٦٤﴾

– „Эй инсонлар, сизларни ва сизлардан олдингиларни яратган Раббингизга ибодат қилинг. Шояд шунда тақво қилурсизлар (яъни Оллоҳ Таолодан қўрқарсизлар)“.

[2:21]

يَا أَيُّهَا الْإِنْسَانُ مَا غَرَّكَ بِرَبِّكَ الْكَرِيمِ ﴿١٧١﴾

– „Эй инсон, нима сени улуғ Парвардигоринг ҳақида - унга ибодат қилмасанг ҳам бўлаверади деб алдаб қўйди?!“

[82:6]

Усул илми олимлари «шаръий ҳукмларга хитоб қилинганлар - мусулмон ёки ғайримусулмон бўладими - хитобни тушунадиган барча ақл эгаларидир», деб эътибор қилишган. Имом Ғаззолий «Ал-мустасфо мин илмил-усул» китобида айтади: «Шаръий ҳукм қаратилган шахс мукаллафдир. Унинг шарти хитобни тушунадиган оқил бўлишидир. Аммо ҳукмлар зиммада собит бўлиши масаласига келсак, бу инсонийликдан олинадиди. Зеро, мана шу сифат билан инсон таклифни тушунишнинг асоси бўлган ақл қувватининг қабул қилишига тайёр бўлади». Бинобарин, Исломга чақирилганлар даъват хитоби ва таклиф хитоби билан хитоб қилингандирлар. Даъват хитоби - бундан мақсад одамларни Исломни қабул этишга ундашдир. Таклиф хитоби - бундан мақсад одамларни Ислом аҳкомларига амал қилишга мажбур қилишдир. Бу барча одамларга тааллуқдир. Аммо Исломий Давлат ҳукми остидаги одамларга нисбатан эса, тоифаси, жинсидан қатъий назар, инсоний бирлик деб қаралади. Бунда фақат тобеликни шарт қилади. (Тобелик Давлатга ва низомга садоқатдир). Исломда майда миллатлар, деган нарса бўлмайди, балки барча одамлар, модомики уларнинг фуқароликлари бўлса, Исломий Давлатнинг фуқаролари ҳисобланадилар. Бунда фақат уларнинг инсонийлиги эътиборга олинадиди. Демак, фуқаролиги бўлган ҳар бир одам - мусулмон ёки ғайримусулмон бўладими - Шариат унинг учун белгилаб берган ҳуқуқлардан фойдаланади. Кимнинг фуқаролиги бўлмаса, гарчи у мусулмон бўлса ҳам, бу ҳуқуқлардан маҳрум. Масалан, бир мусулмоннинг онаси насроний бўлиб, исломий фуқароликка эга. Отаси эса мусулмон бўлса ҳам, исломий фуқароликка эга эмас. Шунга кўра унинг онаси ундан нафақа олишга ҳақли. Отаси эса ҳақсиздир. Агар

онаси ундан нафақа талаб қилса, онаси фуқароликка эга бўлгани учун қози унга нафақа беришга ҳукм чиқаради. Агар отаси ўғлидан нафақа талаб қилса, у фуқароликка эга бўлмагани учун қози унга нафақа бериш учун ҳукм чиқармайди ва унинг даъвосини рад этади. Демак, қози Ислом ҳукми остида яшаётган жамоатни Исломий давлатнинг фуқароси деб эътибор қилиб, фуқароликни уларни ишлари Ислом билан бошқарилишининг асоси қилди. Шу билан улар Дорул-Исломда яшайдиган бўлишади.

Бу уларга ҳукм юритиш ва ишларни бошқариш жиҳатидан қарашга нисбатандир. Аммо Ислом аҳкомларини татбиқ қилиш жиҳатидан қарашга келсак, у руҳий жиҳатни эмас, қонунчилик жиҳатини олади. Бунга сабаб, Ислом уларга татбиқ қилинаётган низомга диний-руҳий эътиборда эмас, балки қонунчилик эътиборида қарайди. Яъни шаръий аҳкомлар эътибори билан қарайди, диндорлик эътибори билан эмас. Бунга сабаб, шаръий нусусларда қонунчилик жиҳати мулоҳаза қилинган. Чунки нусус муаммони муолажаси учун келган. Шореъ ҳам инсонлар нусусларда маҳкам туриб олишларини эмас, маъноларга эргашишларини қасд қилган. Шунинг учун ҳукмларни жорий этишда ҳукмдан кўзланган мақсадга қаралади, яъни ҳукм истинбот қилинаётганда нусусдаги қонунчилик жиҳати эътиборга олинади. Бу шаръий ҳукмга халифа буюрган пайтда у барчага ижро қилиниши вожиб бўлган қонунга айланади. Мана шундан Исломий Давлатда барча одамларни шаръий аҳкомларга бўйсунушлари заруридир. Мусулмонларнинг Исломга эътиқод қилишлари уларни Исломнинг барча аҳкомларига мажбур қилади. Чунки ақидага розилик ундан келиб чиқадиган барча аҳкомларга таслим бўлишдир. Демак, Ислом ақидаси мусулмонларни Ислом ақидаси олиб келган барча ҳукмларга мажбур қилувчи омил бўлиб, уларнинг ушбу ақидага бўлган эътиқодларидир. Шунинг учун мусулмонларга нисбатан Ислом бир шариат бўлиб, шаръий аҳкомлар ундан олингандир, яъни Ислом бир дин бўлиб, қонун ундан келиб чиқади. Улар Исломнинг барча аҳкомларини бажаришга мажбурдирлар. Ўзларининг Оллоҳ Таолога бўлган алоқаларига тааллуқли аҳкомлар - ибодат аҳкомларими ёки ўзларига тааллуқли аҳкомлар - ахлоқ ва ейиладиган нарсаларнинг аҳкомларими ёки бошқалар билан бўладиган алоқаларига тааллуқли аҳкомлар - муомала ва жазо чораларими, буларнинг барчасини бажаришга мажбурдирлар. Барча мусулмонлар Исломий ақида борасида ҳамда Қуръон ва Суннат шаръий далиллар, шаръий қоидалар ва шаръий аҳкомларнинг манбаи эканлиги борасида бир фикрдадирлар. Бу хусусда улар ихтилоф қилмайдилар. Лекин ижтиҳод ҳукмига кўра улар Китоб ва Суннатни тушунишда ихтилоф қилганлар. Мана шу ихтилоф туфайли мусулмонлар ичида турли мазҳаб ва тоифалар пайдо бўлди. Бунга сабаб, Ислом мусулмонларга аҳкомларни истинбот қилиш ҳуқуқини берган. Инсонлардаги тушуниш қобиляти табиатан бир-биридан фарқли бўлгани учун ақидаларни тушунишда, истинбот қилишнинг кайфиятида, аҳкомларда ҳамда истинбот қилинган раъйларда ихтилофлар пайдо бўлди. Бу ҳол турли тоифалар ва мазҳабларнинг юзага келишига олиб келди.

Расулulloҳ ﷺ мусулмонларни ижтиҳод қилишга ундаб, агар ҳоким ўз ижтиҳодида хато қилса битта савоб, агар тўғри ижтиҳод қилса иккита савоб бўлишини баён қилганлар. Ислому ижтиҳод эшигини очиб қўйган. Шунинг учун мусулмонлар ичида аҳли сунна, шиъа, муътазила ва бошқа исломий тоифалар борлиги ажабланарли эмас. Шофия, ҳанафия, моликия, жаъфария, зайдия ва бошқа исломий мазҳаблар борлиги ҳам ажабланарли эмас. Барча исломий тоифа ва мазҳаблар битта - Ислому Ақидага эътиқод қилади. Барчалари Оллоҳнинг буйруқларига эргашиш ва қайтариқларидан узоқ бўлишга чақирилгандирлар ҳамда муайян бир мазҳабга эмас, балки фақат шаръий ҳукмга эргашишга буюрилгандирлар. Мазҳаб шаръий ҳукми муайян тарзда тушуниш бўлиб, мужтаҳид бўлмаган шахс ижтиҳод қилишга қодир бўлмаганда мазҳабга эргашади. Бинобарин, мусулмон мазҳабга эмас, шаръий ҳукмга эргашишга буюрилган, агар у қодир бўлса шаръий ҳукми ижтиҳод билан ўзи олади. Агар ижтиҳодга қодир бўлмаса шаръий ҳукми иттибо (бунда у муттабеъ бўлади) ёки тақлид қилиш (бу ҳолда у муқаллид бўлади) билан олади. Шунга кўра Ислому Ақидага ҳамда Китоб ва Суннатга эътиқод қиладиган, ёлғиз Китоб ва Суннатгина шаръий далиллар, шаръий қондалар, шаръий аҳкомларнинг манбаи, деб биладиган тоифа ва мазҳабларнинг барчаси исломийдир. Уларга эргашган барча одамлар мусулмон ҳисобланади ва уларга Ислому аҳкомлари ижро қилинади. Давлат бу исломий тоифаларга ва фиқхий мазҳабларнинг тобеларига қарши - модомики Ислому ақидасидан чиқиб кетишмас экан - ҳеч нарса қилмайди. Аммо улардан шахслар ёки жамоатлар Ислому ақидасидан чиқса, бу ҳол Исломдан қайтиш (муртадлиқ), деб эътибор қилинади ва уларга муртадларнинг ҳукмлари татбиқ қилинади. Мусулмонлар Исломнинг барча ҳукмларига чақирилгандирлар. Бироқ, бу ҳукмлар ичида ўғрининг қўли кесилиши, судхўрликнинг ҳаромлиги, закотнинг фарзлиги, фарз қилинган намоз бешта эканлиги каби фақат битта раъйдан бошқа раъй бўлмаган қатъий ҳукмлар бўлиб, бундай ҳукмлар барча мусулмонларга бир хил тушунишда ижро қилинади. Зеро, булар қатъий ҳукмлардир.

Бу ерда бошқа ҳукмлар, фикрлар ва раъйлар ҳам бўлиб, уларни мусулмонлар турлича тушунганлар. Бир мужтаҳид иккинчисидан бошқача ўйлаган. Бундай ҳолни, масалан, халифанинг сифатлари, хирожий ерлардан ушр олиш, ерни ижарага бериш каби масалаларда кўришимиз мумкин. Бундай ихтилофли фикрларда халифа муайян бир раъйни табанний қилади ва барча унга бўйсунуши вожиб. Бундай пайтда имом буюрган раъйдан бошқача фикрдаги мусулмонлар ўз қарашларидан воз кечишлари ва фақат имомнинг раъйига итоат этишлари шарт. Зеро, имомнинг буйруғи ихтилофликни кўтаради. Шунингдек, бу хусусда имомга итоат қилиш вожибдир. Барча мусулмонлар халифа табанний қилган ҳукмларда унинг буйруғини ижро этишлари вожиб. Чунки унинг буйруғи зоҳиран ҳам, ботинан ҳам (яъни очиқ ҳам, яширин ҳам) нуфузlidir. Имом табанний қилиб, унга буюрган шаръий ҳукмдан бошқа ҳукмга амал қилган ҳар бир мусулмон гуноҳкор бўлади. Чунки халифа

буюргандан кейин, унинг ҳукми мусулмонларга нисбатан шаръий ҳукм бўлиб қолади. Бундан бошқалари шаръий ҳукм деб эътибор қилинмайди. Чунки битта шахсга нисбатан битта масалада шаръий ҳукм бир нечта бўлмайди. Лекин халифа ақида масалаларида бирор нарса табанний қилмайди. Чунки бундай табанний мусулмонларни ақидаларида танг аҳволга солиб қўяди. Бироқ, бидъат ва ҳаво аҳллари носоғлом ақидалар билан намоён бўлишса, давлат уларни жазолайди, агар бу ақидаларга эътиқод қилганлар кофир бўлишмаса. аммо уларнинг ақидалари куфрга олиб борса, уларга нисбатан муртадлар ҳукми асосида муомала қилинади. Шунингдек, халифа ибодатларда ҳам бирор нарса табанний қилмайди. Чунки бундай табанний мусулмонларга ибодатларида машаққат пайдо қилади. Шунинг учун халифа ақидаларда - модомики улар исломий ақидалар экан - муайян раъйга мутлақо буюрмайди. Шунингдек, ибодатларда (закот, жиҳод ва ийд кунларини белгилашдан ташқари) ҳам - модомики бу ибодатлар шаръий аҳкомлар экан - муайян ҳукмга буюрмайди. Булардан бошқа муомалаларнинг ҳаммасида (савдо-сотик, ижара, уйланиш, талоқ, нафақа, ширкат ва бошқаларда), жазо чораларининг ҳаммасида (ҳадлар ва таъзирларда), озиқ-овқатлар, кийимлар ва ахлоқ масалаларида халифа табанний қилиш ҳуқуқига эга. Мусулмонлар халифа табанний қилган нарсаларда унга итоат қилишлари шарт.

Тўғри, халифа ибодат ҳукмларини ижро этиб, намозни тарк қилувчини, Рамазонда рўза тутмагани жазолайди. Шариатнинг барча ҳукмларини ижро этганидек, ибодатларнинг барча ҳукмларини ҳам ижро қилади. Бу ижро давлатнинг вазифасидир. Чунки намознинг вожиблиги ижтиҳод доирасига кирмайди ва ибодатларда табанний деб ҳам ҳисобланмайди, балки бу нарса барчанинг наздида шаръий ҳукмнинг ижро этилишидир. Халифа ибодатларга жазо чораларини қўллаш учун шаръий раъйни жорий этиб, одамларни унга амал қилишга мажбурлаш, шунингдек, бошқа ҳар қандай ҳукмларга ҳам жазо чораларини ижро этиш учун шаръий раъй табанний қилиш салоҳиятига эга. Бу айтилганлар мусулмонларга нисбатандир. Аммо Исломий Ақидадан бошқа ақидага эътиқод қилувчиларга келсак, улар:

1. Оталари муртад бўлгандан кейин туғилган муртадлар фарзандлари, ўзларининг мушрик ёки аҳли китоб эканликларига мувофиқ ғайримусулмон деган эътиборда муомала қилинадилар.

2. Ўзларини мусулмон деб даъво қиладиган ва Ислом ақидасига зид ҳаёт кечирадиганларга муртадлардек муомала қилинади.

3. Аҳли китоблар.

4. Мушриклар, буларга бутпарастлар, сабийлар, мажуслар, ҳиндулар ва аҳли китоб бўлмаганлар киради.

Охирги икки тоифа ўз эътиқодлари ва ибодатлари билан қолдирилади. Улар никоҳ ва талоқ ишларида ўз динларининг талабларига бўйсунушади. Давлат улар учун ўзларидан қози тайинлайди. Бу қози мазкур ишларда юзага келган хусуматларни давлат маҳкамаларида кўриб чиқади. Аммо озиқ-овқат ва кийим-кечаклар хусусида улар умумий низом

доирасида (яъни Ислом шариати рухсат берган доирада) ўз динларининг ҳукмларига мувофиқ муомала қилинадилар. Аҳли китоб бўлмаганларга ҳам аҳли китоблардек муомала қилинади. Расулulloҳ ﷺ мажуслар хусусида шундай деганлар: **«Уларга ҳам аҳли китоблардек муомала қилинлар».**

Аммо муомалалар ва жазо чоралари мусулмонларга қандай бўлса, ғайримусулмонларга ҳам шундай қўлланилади. Мусулмонларнинг шариат ҳукмларига мувофиқ бўлган муомалалари ижро қилиниб, мувофиқ бўлмаганлари бекор қилингани каби, ғайримусулмонларнинг муомалалари шариат ҳукмларига мувофиқ равишда бошқарилади. Бу ҳукмлар бир шахс иккинчисидан ажратилмасдан барчага баробар ижро қилинади. Чунки Исломий Давлат фуқароси бўлган барча одамлар динлари, жинслари ва мазҳаблари турлича бўлса ҳам, муомалалар ва жазо чоралари хусусида исломий шариат ҳукмларини бажаришга ҳамда Ислом аҳкомларига бўйсунуш ва амал қилишга буюрилгандирлар. Уларнинг бу ишларга буюрилишлари диний жиҳатдан эмас, балки қонунчилик жиҳатидандир. Бинобарин улар Исломга мажбур этилмаганлари учун бу аҳкомларга эътиқод қилишга ҳам зўрланмайдилар. Оллоҳ Таоло марҳамат қилади:

لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ

– „Динда мажбурлаш йўқ“. [2:256]

Расулulloҳ ﷺ аҳли китобларни динларидан чиқаришдан қайтардилар. Лекин улар Ислом аҳкомларига «ижро этилиши вожиб бўлган қонун»лиги жиҳатидан бўйсунушга мажбур қилинадилар.

Хулоса шуки, Исломий Давлат ўзининг ички сиёсатида ўз фуқаролари бўлган барчага - улар мусулмон ёки ғайримусулмон бўлишларидан қатъий назар - исломий шариатни ижро қилади. Унинг ижро қилиши қўйдагича бўлади:

а. Мусулмонларга Исломнинг барча аҳкомлари ижро қилинади.

б. Ғайримусулмонлар ўз эътиқодлари ва ибодатларида қолдирилади.

в. Ғайримусулмонлар озиқ-овқат ва кийим-кечак масалаларида умумий низом доирасида ўз динларига мувофиқ муомала қилинадилар.

г. Ғайримусулмонлар ўртасида никоҳ ва талоқ ишлари ўзларидан тайинланган қозилар томонидан алоҳида маҳкамаларда эмас, давлат маҳкамаларида ажрим қилинади. Бу ишлар улар ва мусулмонлар ўртасида бўлса, мусулмон қозилар томонидан Ислом аҳкомларига мувофиқ ажрим қилинади.

д. Давлат Исломий шариатнинг қолган ишларини, яъни муомалалар, жазо чоралари, бошқарув низоми, иқтисод низоми ва бошқаларни барчага татбиқ этади. Буларнинг мусулмонларга ва ғайримусулмонларга қўлланиши бир хилда бўлади.

е. Исломий фуқаролиги бўлган барча одамлар Ислом Давлатининг раияти ҳисобланади, бинобарин давлат мусулмонлар ва ғайримусулмонларнинг ўртасини ажратмасдан ҳаммани баб-баробар ҳимоя қилиши вожибдир.

ИСЛОМИЙ ДАВЛАТНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИ

Ташқи сиёсат давлатнинг бошқа давлат, халқ ва умматлар билан бўладиган алоқаларидир. Бу алоқалар умматнинг ташқи ишларини бошқаришдир. Бу алоқалар ўзгармас собит фикратга асосланади. Бу собит фикрат бутун оламга, барча халқ ва умматларга Исломни ёйишдан иборатдир. Мана шу омил Исломий Давлат ташқи сиёсатининг асосидир. Бу асос ҳеч қачон ўзгармайди ҳамда ҳокимият устида турган шахслар ўзгаришига қараб бошқача бўлиб қолмайди. Дарҳақиқат, бу асос Расулуллоҳ ﷺ Мадинаи Мунавварага келган кунларидан то Исломий Давлат - Усманийлар Давлати қулагунча барча асрларда мавжуд эди ва бу асос мутлақо ўзгармади. Расулуллоҳ ﷺ Мадинада давлат барпо қилган кунларидан бошлаб Исломий Давлатнинг бошқалар билан бўладиган алоқаларини Исломни ёйиш асосига қурдилар: Ҳижозда даъват ишларини олиб боришга фориг бўлиш учун яҳудийлар билан битимлар туздилар. Кейин Арабистон ярим оролида даъватни ёйиш имкониятига эга бўлиш учун Ҳудайбия сулҳини туздилар. Кейин Арабистон ярим оролидаги ва ундан ташқаридаги давлатларга уларни Исломга киришга даъват қилиш орқали улар билан Ислом асосида алоқалар ўрнатиш учун мактублар йўлладилар. Сўнг Расулуллоҳ ﷺ дан кейин халифалар келишди ва улар ҳам барча давлатлар билан алоқаларини Исломни ёйиш асосида барпо қилишди. Бутун оламга Ислом даъватини олиб чиқа бошлашди. Ҳокимият устига келган ҳокимлар Исломни ёйишда бир-бирларидан фарқ қилишар эди. Масалан, Умавийлар Аббосийлардан кўра мамлакатларни кўпроқ фатҳ қилишган ва Исломни ташқарига кўпроқ ёйишган. Усманийлар Мамлуклардан кўра мамлакатларни кўпроқ фатҳ қилишган ва Исломни ташқарига кўпроқ ёйишган. Исломни ёйиш Исломий Давлатнинг бошқа давлат, халқ ва умматлар билан алоқаларининг асоси бўлиб қолди ва бирор халифанинг халифалиги даврида бу асос асло ўзгармади. Давлатнинг мавжуд бўлиши ичкарида Исломни татбиқ қилиш, ташқарида эса Ислом даъватини ёйиш учун эди. Шу сабабдан Исломий Давлатнинг ташқаридаги энг муҳим вазифаси Исломий даъватни ёйиш эди. Исломни ёйишни ташқи сиёсат учун асос қилиб қўйувчи омил Муҳаммад ﷺ нинг рисолати барча одамлар учун келганлигидир. Оллоҳ Таоло марҳамат қилади:

﴿٧٤﴾ وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَّةً لِّلنَّاسِ بَشِيرًا وَنَذِيرًا

– „Эй Муҳаммад, Биз сизни барча одамларга: мўминларга жаннат ҳақида хушхабар элтгучи, кофирларни эса дўзах азобидан огоҳлантиргувчи элчи қилиб юбордик“.

﴿٥٧﴾ يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ مَوْعِظَةٌ مِّن رَّبِّكُمْ

– „Эй инсонлар, сизларга Парвардигорингиз томонидан панд-насиҳат келди“.

يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ حَمِيدًا ﴿١٥٨﴾

– „Эй инсонлар, албатта мен сизларнинг барчангизга Оллоҳ Таоло юборган элчиман“.

[7:158]

وَأَوْحِيَ إِلَيَّ هَذَا الْقُرْآنَ لِأُنذِرَكُمْ بِهِ وَمَنْ بَلَغَ ﴿١٩﴾

– „Сизларни ва Қуръон етиб борган кишиларни охират азобидан огоҳлантиришим учун менга мана шу Қуръон ваҳий қилинди“.

[6:19]

يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ وَإِنْ لَمْ تَفْعَلْ فَمَا بَلَغْتَ رَسُولَتَهُ ﴿٧٧﴾

– „Эй пайгамбар, сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани одамларга етказинг! Агар сизга нозил қилинган нарсаларнинг барчасини етказмасангиз, Унинг рисолатини, яъни элчилигини бандаларга етказмаган бўласиз“.

[5:67]

Дарҳақиқат, Расулуллоҳ ﷺ рисолатни одамларга етказдилар. Расулуллоҳ ﷺ вафот этганларидан кейин рисолатлари етказилишдан тўхтаб қолмади. Бинобарин, Исломиё даъватни оламга ёйиш Расулуллоҳ ﷺ ишларининг давом этиши бўлди. Мусулмонлар шу йўлда юрдилар ва Исломиё даъватни ёйишда давом этдилар. Дарҳақиқат, Расулуллоҳ ﷺ видолашув ҳажида шундай деган эдилар: **«Бу ерда ҳозир бўлганлар йўқларга етказсин, зеро, етказилган қанча-қанча одамлар борки, эшитувчидан кўра яхшироқ англовчи бўлади».** Ва яна: **«Менинг сўзларимни эшитиб, ёдида сақлаб олиб, кейин эшитмаган одамларга етказган кишининг юзини Оллоҳ Таоло гўзал қилсин».** Демак, Расулуллоҳ ﷺ даврларида, у зотдан кейин халифаларининг даврларида Исломиё даъватни ёйиш Исломиё Давлатнинг бошқа давлат, халқ ва умматлар билан алоқаларининг асоси бўлган эди. Шаръий ҳукм ҳам мана шудир. У Китоб, Суннат ва саҳобалар ижмоси билан собитдир. Шунинг учун, Исломиё Давлатнинг ташқи сиёсати Исломиё даъватни бутун оламга ёйишдир.

Бу сиёсат ўзгармас, собит тариқат билан амалга оширилади. Бу тариқат эса жиҳоддир. Ҳокимият тепасидаги шахслар қанчалар ўзгармасин, бу тариқат ўзгармайди. Расулуллоҳ ﷺ Мадинада давлат барпо қилган кунларидан бошлаб қўшин тайёрлаб, даъват йўлида тўсиқ бўлиб турган тўсиқларни олиб ташлаш учун жиҳод бошладилар. Қурайш Исломиё даъват йўлида турган тўсиқ эди. Расулуллоҳ ﷺ уни олиб ташлашга қатъий қарор қилдилар. Даъват йўлини тўсаётган бошқа вужудларни ҳам йўқ қилдилар. Натижада Исломиё бутун Арабистон ярим оролига ёйилди. Кейин Исломиё Давлат бошқа умматларга ҳам Исломиё ёйиш учун ҳаракат бошлади. У бу умматларнинг тепасидаги мавжуд ҳокимият вужуди даъват олдидаги моддий тўсиқ эканига дуч келди. Демак, даъват олдида мана шу тўсиқни олиб ташлаш, ўзга халқларни Исломиё билан бошқариш орқали Исломиё даъват қилиш лозим эди. Шунда улар Исломиё адолатини, унинг байроғи остида яшашдаги фаровонликни ўз кўзлари билан

кўриб, ҳис қилишади. Улар Исломга мажбур қилинмасдан, чиройли йўллар билан даъват этиладилар. Шундай қилиб, жиҳод Исломни ёйишнинг тариқати сифатида давом этди. Жиҳод билан мамлакатлар, ўлкалар фатҳ этилди. Жиҳод билан подшоликлар ва давлатлар қулатилди ва Ислом ер юзига ёйилди ва юз миллионлаб одамлар ҳақ йўлни топдилар. Демак, ташқи сиёсатни ижро қилишда тутилган йўл жиҳод эди. Бу ўзгармайдиган, собит тариқат эди ва у кейинчалик ҳам шундайлигича қолди. Жиҳод Исломга даъват қилиш ва Оллоҳ йўлида бевосита ўзи қатнашиб ёки мол ё фикр ва саноқни кўпайтириш билан ёрдам бериб курашишдир. Жиҳод Қуръон ва Ҳадиснинг нусуслари билан фарздир. Мусулмонлар душманни аввал Исломга, бунга унамаса жизя тўлашга ундашар, бунга ҳам кўнмаса кейин жанг бошлар эдилар. Жиҳод хусусидаги шаръий ҳукм шуки, кофир душманларни ўраб олинганда улар Исломга даъват этилади. Агар Исломга кирсалар улар ҳам умматнинг бир қисмига айланадилар ва уларга қарши урушиш ҳаром бўлади. Агар кўнишмаса, улардан жизя тўлаш талаб қилинади. Агар жизя тўлашса, бу билан қонлари ва молларини сақлаб қоладилар. Уларнинг юртлари ҳам Ислом билан бошқариладиган Дорул-Исломга айланади ва улар ҳам мусулмонлар учун берилган адолат, инсоф, ҳимоя, риоя ва мудофаа каби ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Мусулмонларнинг ишлари ҳаётларида лозим бўладиган барча нарсаларни таъминлаб бериш билан қандай бошқарилса, уларнинг ишлари ҳам шундай бошқарилади. Давлатга ва тузумга садоқат мусулмонларга вожиб бўлганидек, уларга ҳам вожибдир. Агар душман Исломдан ҳам, жизя тўлашдан ҳам бош тортса, бу вақтда унга қарши урушиш ҳалол бўлади. Шунинг учун мамлакат аҳлига қарши - унга Исломни таклиф қилмасдан олдин - урушиш мумкин эмас. Фақиҳлар Исломий даъват етиб бормаган кишиларга қарши урушиш ҳалол эмас, деб насс келтиришган. Шунга биноан, бирор мамлакатга уруш бошлашдан олдин у ердаги халқда Ислом ҳақида умумий тасаввур пайдо қилиш, уларга Исломий даъват ҳақида тўғри фикр бериш ва Ислом аҳкомларини одамларга етказишга ҳаракатлар олиб бориш лозим, токи Ислом уларни қўтқаришини идрок этишсин. Исломий Давлат эса дин ҳақида очиқ маълумотлар беришга, Ислом фикрларини тарқатишга, даъват ва тарғибот ишларини бажаришга ҳамда Исломий Давлатнинг куч-қудратини, мусулмонларнинг салобати ва журъатини кўрсатишга тааллуқли бўлган сиёсий ишларни олиб бориши лозим. Расулulloҳ ﷺ бундай ишларнинг бир нечтасини қилганлар. Масалан, даъватчи саҳобалардан қирқ кишини Нажд аҳлига Исломни етказишлари учун юбордилар. Табук газотига чиқмасларидан олдин Мадинада мусулмонларнинг қўшинини намоишга чиқариб, Давлатнинг қудратини кўрсатар эдилар. Шунинг учун Расулulloҳ ﷺ айтган эдилар: **«Менга бир ойлик масофада душманни қўрқувга солиб қўйиш билан ёрдам берилди».**

Исломиё Давлатдаги мусулмонлар қўшини барча асрларда душманларни қўрқувга соладиган сифатга эга бўлган. Шунинг учун Европа исломий қўшин ҳеч қачон мағлуб бўлмайди деган фикрда эди ва у бу фикрни бир неча асрлар давомида олиб юрди. Шунинг учун аввало исломий фикрларни тарқатиш ҳамда давлатнинг қудратини кўрсатишга тааллуқли сиёсий ишларни олиб бориш ва шундан кейингина бевосита урушга киришиш лозим. Гарчи жиҳод Исломни ёйишнинг ўзгармас тариқати бўлса-да, сиёсий амаллар ва мақсадли ҳаракатлар уруш бошланмасидан олдин амалга оширилиши зарур. Бу нарса Исломиё Давлат билан бошқа давлат, халқ ва умматлар ўртасида алоқаларни муайян йўналишда мустаҳкамлашда, яъни Исломни ёйишни осонлаштирадиган яхши қўшничилик, иқтисодий алоқалар ва бошқа жиҳатдан мустаҳкамлашда асосий омилдир.

Демак, бошқа давлат, халқ ва умматлар ўртасида Исломни ёйиш, уларга даъватни олиб чиқиш Исломиё Давлатнинг улар билан бўладиган алоқалари асосланадиган сиёсий мафкурадир. Бунинг тариқати эса жиҳоддир. Бироқ, бу ерда режа ва услублар ҳам бўлиб, уларни давлат ишлаб чиқади ва уларни амалга ошириш воситаларини белгилайди. Масалан, Расулulloҳ ﷺ Мадинага келган биринчи кунларида қилганларидек, баъзи душманлар билан муайян муддатга яхши қўшничилик битимлари тузилади ва бошқаларга уруш қилинади. Ёки Абу Бакр ؓ бир пайтнинг ўзида Шом ва Ироққа қўшинлар жўнатганидек, барча душманларга қарши уруш эълон қилинади. Ёки Расулulloҳ ﷺ Ҳудайбияда қилганларидек, даъват ҳақида умумий раъйни вужудга келтириш учун муайян муддатга сулҳ тузилади. Гоҳида Расулulloҳ ﷺ Бадр ғазотидан олдин сариялар жўнатганларидек ва Умавийлар халифалиги даврида Рум чегараларига ёзги ва қишки бўлинмалар юборилганидек, душманни қўрқувга солиш воситаси сифатида маҳаллий урушлар олиб борилади. Гоҳо давлат даъватни йўлга қўйиш учун баъзи давлатлар билан тижорий битимлар тузади ва баъзилари билан тузмайди, даъват учун белгиланган режага мувофиқ баъзи давлатлар билан алоқа боғласа, баъзилари билан боғламайди. Баъзи давлатларга нисбатан даъват ва тарғибот услубларини қўлласа, бошқа давлатларга нисбатан душман режаларини фош қилиш ва совуқ уруш олиб бориш услубларини қўллайди. Шундай қилиб давлат режалар тузади ва ишнинг тури белгиланганига ва даъват манфаатлари тақозо этганига қараб услубларни ижро қилади. Бу режа ва услублар Исломни ёйиш, шунингдек, жиҳод ишини осонлаштиради. Шунинг учун режа ва услублар ташқи сиёсатда зарурий омилдир. Шунингдек, бутун оламда Ислом ва Исломиё Давлат ҳақида умумий раъйни пайдо қилиш ҳам зарурдир. Лекин бу ишларнинг барчаси Оллоҳ йўлида жиҳод қилиш орқали Исломни ёйиш учундир.

ИСЛОМИЙ ФАТҲЛАР ИСЛОМНИ ЁЙИШ УЧУНДИР

Исломий уммат барча одамларга Исломий даъватни олиб чиқишга мукаллаф эканлиги сабабли мусулмонлар бутун олам билан боғланишлари лозимдир. Исломий Давлат ҳам бу боғланишни амалга ошириб, даъватни бутун дунёдаги одамларга етказиши, даъватни ёйишда белгиланган тариқатни қўллаши керак. Шунинг учун Исломий Давлат мамлакатларни фатҳ қилиши вожиб. Бу фатҳлар фақат мусулмонлар зиммасидаги вазифани амалга ошириш учундир. Бу вазифа эса Исломи ҳукмларини ўрнатиш, улар орасида Исломи фикрларини ёйиш орқали ҳақ динни етказишдан иборатдир. Шунинг учун исломий фатҳлар халқларни эксплуатация ва мустамлака қилиш, уларнинг юртларидаги бойликларни эгаллаб олиш учун бўлмади, балки битта мақсадда, яъни уларни бахтсиз ҳаётлари ва бузуқ тузумларидан халос этиш мақсадида амалга оширилди. Бу нарса Исломий Давлатнинг пайдо бўлиши, Исломий фатҳларнинг ҳаракати ва жиҳоднинг фарзлигида ўз ифодасини топади.

Дарҳақиқат, Исломий Давлат қудратли, мустаҳкам ва фатҳлар қилувчи бўлиб юзага келди. Унинг пайдо бўлишидаги асос маҳаллий давлат эмас, оламий давлатлиги эди. Чунки унинг ақидаси умумбашарий ақидадир, унинг низоми ҳам инсонга хизмат қилувчи низом бўлгани сабабли оламий низомдир. Шу боис у тарқалиши ва мамлакатлар фатҳ қилиниши табиийдир, чунки Исломий Давлатнинг низоми унинг зиммасига фатҳ қилишни юклайди. Мана, мусулмонлар Расулulloҳ ﷺ га Ақабадаги иккинчи байъатни беришмоқда, гарчи бу бутун молларини йўқ бўлиши ва улуғларининг ўлиб кетишига сабаб бўлса-да, қизилу-қора барча одамларга уруш қилишга байъат беришмоқда, қийину-енгил кунларида ҳам, шодлигу-қайғули пайтларида ҳам қулоқ солиб, итоат қилишга, қаерда бўлишмасин Оллоҳ йўлида фитначининг маломатидан қўрқмасдан ҳақни айтишга, Исломий даъватни ҳимоя қилиш йўлида жонни тикишга байъат қилишмоқда ва бунинг эвазига улар учун жаннатдан бошқа ҳеч нарса берилмайди. Булар Исломи оламга олиб чиққан қўшиннинг илк куртаклари эди. Мана шундай байъат берган бу қўшин қандай бўлиши керак? Бу қўшин нимани пайдо қилади? Унинг бу байъатда зоҳир бўлган ҳарбий вазифаси нимадан иборат? Бу вазифа Исломи даъватини оламга ёйиш эмасмиди?! Ҳа, улар фақат даъват учун келишди ва даъват учун байъат беришди ва даъват йўлида ўлимга ҳам тайёр бўлишди.

Расулulloҳ ﷺ вафотларидан олдин фатҳлар режасини белгилаб берган эдилар. Зеро, Расулulloҳ ﷺ Арабистон ярим оролида Исломий Давлат барпо бўлгач, ҳижратнинг еттинчи йилида Кисро, Қайсар ва бошқа подшолар ва амирларга Исломига даъват этиб мактублар йўллаш, Мўъта ва Табук ғазотлари, Усоманинг қўшинини жангга ҳозирлаш билан ярим орол ташқарисига Исломий даъватни ёйиш режасини туздилар. Расулulloҳ ﷺ дан кейин халифалари у зоти шариф даъват этган мамлакатларни фатҳ қилишган пайтда мана шу режани амалга

оширдилар. Кейин мана шу асосда бирин-кетин исломий фатҳлар бўла бошлади. Исломий Давлат бу юришда бойликларга эга, фатҳ қилиниши осон бўлган Миср билан чўлу-жазира, йўли машаққатли, бойликлари йўқ, фатҳ қилиниши қийин, даъватни ёйиш машаққатли бўлган Шимолий Африка ўлкаларини ажратмади. Чунки у фақат Исломни ёйиш ва даъватни етказиш учун фатҳ қилди. Бу эса Исломий Давлатни, бой-камбағаллигидан қатъий назар ҳар бир мамлакатга киришни ва бўйсунуниши ёки қарши чиқишидан қатъий назар ҳар бир халқни даъват қилишни тақозо этади. Чунки Исломни ёйиш ва даъватини етказиш фатҳ қилинадиган ўлканинг бой-камбағаллигини, аҳолиси қабул этиши ёки рад қилишини билмайди, балки битта нарсани - Исломий даъватни ўзидан ҳаёт қонунлари келиб чиқадиган фикрий етакчилик сифатида етказишни ҳамда бу етказиш оламдаги барча одамларга бир хилда бўлишини билади, холос.

Дарҳақиқат, Қуръони Карим мусулмонларга уруш сабаблари ва жиҳоднинг фарзларини фақат Ислом йўлида ва бутун оламга унинг рисолатини олиб чиқиш учун бўлади, деб баён қилиб берди. Қуръонда мусулмонларни Ислом учун жанг қилишга буюрган жуда кўплаб оятлар бор. Оллоҳ Таоло «Анфол» сурасида марҳамат қилади:

وَقَاتِلُوهُمْ حَتَّى لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونَ الدِّينُ كُلُّهُ لِلَّهِ ﴿٨٣﴾

– „Бирон фитна, яъни куфр қолмай, бутун дин фақат Оллоҳники бўлгунга қадар мушриклар билан жанг қилинг“.

[8:39]

Оллоҳ Таоло «Бақара» сурасида шундай дейди:

وَقَاتِلُوهُمْ حَتَّى لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونَ الدِّينُ لِلَّهِ فَإِنِ انتَهَوْا فَلَا عُدْوَانَ إِلَّا عَلَى الظَّالِمِينَ ﴿١٩٣﴾

– „То фитна қолмай, бутун дин Оллоҳники бўлгунга қадар у (кофир)лар билан урушингиз. Энди агар тўхтасалар, у ҳолда сизлар ҳам тўхтангиз! Зеро, фақат зolimларга қаршилик қилиш мумкин“.

[2:193]

Оллоҳ Таоло «Тавба» сурасида марҳамат қилади:

قَاتِلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَا يُحَرِّمُونَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَلَا يَدِينُونَ دِينَ الْحَقِّ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حَتَّى يُعْطُوا الْجِزْيَةَ عَنْ يَدٍ وَهُمْ صَاغِرُونَ ﴿٨٩﴾

– „Оллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган, Оллоҳ ва унинг пайғамбари ҳаром деган нарсани ҳаром деб билмайдиган, Ҳақ, яъни Ислом динига эътиқод қилмайдиган аҳли китоблардан бўлган кимсаларга қарши то улар ўз қўллари билан хокисор ҳолларида жизя тўламагунларича жанг қилинг“.

[9:29]

Бу ва булардан бошқа оятлар жиҳодга буюриб, мусулмонларга фатҳлардан нима мақсад кўзланганини белгилаб беради ва уларни мана шундай фатҳларга ундайди.

Демак, Исломий Давлатнинг барпо бўлишидаги асос Исломий даъватни етказиш бўлган. Исломий даъватни етказиш учун исломий қўшин тузилган, жиҳод фарз қилинган ва фатҳлар Исломий даъват учун амалга оширилган. Фақат Исломий даъватни бутун оламга ёйишгина мусулмонларга Ислом Давлатини қуриш имконини беради.

ИСЛОМИЙ ФАТҲЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Мусулмонлар оламнинг турли ўлкаларини фатҳ қилдилар ва у ерларни Ислом аҳкомлари билан бошқардилар. Дарҳақиқат, Ислом мусулмонларга ҳукмронлик ва етакчиликни ўз қўлларига олишни фарз қилган. Уларни ғайри мусулмонлар бошқариши, улар устидан ҳукмрон бўлиши мутлақо жоиз эмас. Оллоҳ Таоло «Нисо» сурасида марҳамат қилади:

وَلَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلاً

– „Оллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай“.
[4:141]

Куч-қудратни мўминларга берган Оллоҳ Таоло «Мунофиқун» сурасида марҳамат қилади:

وَلِلَّهِ الْعِزَّةُ وَلِرَسُولِهِ وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَلَكِنَّ الْمُنَافِقِينَ لَا يَعْلَمُونَ

– „Ҳолбуки, куч-қудрат Оллоҳники, Унинг пайғамбарники ва мўминларникидир. Лекин мунофиқлар буни билмаслар“.
[63:8]

Бироқ, Оллоҳ Таоло мусулмонларга уларда исломий нафсия ва исломий хоҳиш-ирода амалга ошган пайтдагина куч-қудрат берди, оламга ҳукмрон ва етакчи қилди. Яъни, ҳукмронликдан мақсад ҳокимиятга эгалик қилиб, салтанатни қўлга олиш истаги эмас, балки Исломни татбиқ этиш ва даъватни ёйиш деб биладиган исломий нафсия ҳамда ҳукмронликнинг маъносини тушунадиган ва Оллоҳнинг олдидаги масъулиятининг моҳиятини англаб етадиган Исломий ақлия (фикр) вужудга келгандагина Оллоҳ Таоло уларни ҳукмрон ва етакчи қилди. Дарҳақиқат, Ислом нури ҳокимларнинг сўзлари ва ишларида намоён бўлди. Шунингдек, бу нур улар бошқарган одамларга Ислом аҳкомлари татбиқ этилишида ҳам намоён бўлди. Ислом аҳкомлари одамларга татбиқ қилиниши туфайли улар Оллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб қиришди, Ислом ақидасини қабул қилишди, ҳукм юритиш ва етакчиликни қўлга олишди ва куч-қудратга эга бўлишди. Уларнинг юртлари Дорул-Исломга ва мусулмонобод мамлакатга айланди. Шундай қилиб исломий фатҳлар у ерда Ислом билан ҳукм юритгани ва ерли халқнинг янги динга киргани сабабли мустаҳкамланди. Ҳатто мусулмонлар қайси ўлкаларни фатҳ қилишган бўлса, бу фатҳ Қиёмат кунигача ўзгармас бўлиб қолди, бу ўлкаларни ва халқнинг ҳаётини бугунлай ўзгартириб юборди. Ўзларини кофирлардан мусулмонларга, ўлкаларини дорул-куфрдан Дорул-Исломга айлантирди. Лекин у ўлкалардан Исломнинг бошқаруви кетганидан кейин ҳам у жойлар исломий ўлка, аҳолиси эса мусулмонлигича қолаверди. Исломий Давлат йўқ қилинган бўлса ҳам, бу жойлар ҳозиргача исломий ўлка, аҳолиси мусулмон ва Ислом бошқаруви қайтиб келиши учун муносиб жой бўлиб қолмоқда. Бу ўлкаларда исломий фатҳларни доимий қолишини мустаҳкамлаган ва Қиёмат кунигача Исломни собит

қилган омилларнинг айримлари қуйидагилар: Фатҳ қилинган ўлкаларни бошқаришни осонлаштирган Ислом шариати; аҳолисини ҳақ динга киришга тайёрлаган бошқарув тариқати ва ҳокимларнинг уларга муносабатлари; мусулмон бўлганларнинг қалбларига Исломни абадий муҳрлаб қўйган нарса - ақида ва аҳкомларни қабул қилганлари ва ҳоказо. Бу омилларни қисқача шундай баён этиш мумкин:

1. Ислом ўз ақидасида ақлий ҳамда раъйлари ва аҳкомларида фикрийдир. Бинобарин, Ислом уни қабул қилувчига Исломга ақл йўли билан иймон келтиришни, аҳкомларни ақл ёрдамида тушуниб етишни фарз қилади. Шунинг учун Исломни қабул қилишнинг ўзи - Яратувчи борлигини англаб етиши учун унинг назарини Оллоҳнинг махлуқотларига қаратган ва унда истинбот ва муаммоларини муолажа қилиш учун шаръий аҳкомлар устида изланишга фикр уйғотган пайтида - уни фикрловчи инсонга айлантириб қўяди. Бу билан унинг қалбида Исломга эътиқод қилган ва аҳкомларини тушуниб қўллаган пайтида Ислом мустаҳкам ўрнашган бўлади.

2. Ислом мусулмонлардан ўқиш ва ўрганишни талаб қилади. Мусулмон Исломни ўрганиш ва тушуниш учун икки шаҳодатни тили билан айтишнинг ўзи кифоя эмас, балки уни онгли равишда ўрганиши, сақофатланиши керак. Бундай ўрганиш унинг фикрини кенгайтиради, билимларини бойитади, ақлини ўстиради ва бошқаларга таълим берувчи муаллим қилиб вояга еткази.

3. Ислом мабдаининг ва шаръий аҳкомларининг табиати уларнинг таълим ва ўрганиш орқали таълим олувчига ва у яшайдиган муҳитга таъсир кўрсатадиган бўлишини вожиб қилади. Шунинг учун мусулмонлар Исломни унга амал қилиш учун ўрганадилар. Унинг аҳкомларини ақлан оладилар. Бу эса уларнинг туйғуларига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳаётдаги бурчларини чуқур ҳис қиладилар. Бунинг натижасида мусулмонларда теран фикр, чуқур билим, Ислом учун фидокорлик сифатлари пайдо бўлади. Зеро, уларнинг қалбларига исломий ақида мустаҳкам ўрнашган, Ислом раъйлари, фикрлари ва аҳкомларини чуқур ўрганишдан кейин қабул қилган ва Исломнинг амалий жиҳати ҳукмрон бўлган эди.

Улар Исломни фақат илм учун ўрганишмади. Бу ҳолда улар Ислом ҳақидаги маълумотлар тўпламидан иборат бўлиб қолишар эди. Улар Исломни қуруқ мавъиза ва йўриқномалар деб билишмади. Бу ҳолда уларда иймоннинг ўти йўқ энгилтак одамлар бўлиб қолишар эди. Ҳа, мусулмонлар бу икки хатарли жиҳат Исломни қуруқ ҳақиқатлар сифатида ўрганиш ҳамда фақат мавъиза ва йўриқномалар деб билишдан йироқ бўлдилар. Тушунчалар ва аҳкомларни олиш тариқатини эса Исломни чуқур-ёрқин тушунишдан келиб чиққан ҳолда ҳаётга амалий татбиқ этиш, деб чекладилар.

4. Ислом инсонни юксалтириб боради, яъни шахсни камолотга етказиш учун қўлидан тутаети. Ислом мусулмонларга муайян амалларни фарз қилади. Бу амалларни бажариш инсонни руҳий юксаклик, қалбан хотиржамлик ва ҳақиқий саодатдан баҳраманд бўладиган камолот чўққисига олиб чиқади. Гарчи камолот чўққисига кўтарилиш мушкул бўлса-да, бу юксакликда собит туриш ундан ҳам қийинроқдир. Шу туйайли инсон мўътабарлиги ва камолоти барқарор қолиши учун бу амаллар вақтинчалик эмас, доимий бўлади.

Ушбу амаллар ибодатлар бўлиб, уларнинг баъзилари фарз ва баъзилари мандубдир. Барча одамлар тарафидан фарзларнинг бажарилиши улар кўтарилиши зарур бўлган юксакликнинг умумий даражасини ифодалайди. Мандуб амалларни бажариш эса инсонни камолот йўлида жадал ҳаракат қилишга ундайди.

Бу ибодатларни бажариш машаққатли, тинка мадорни қуритадиган ва малол келадиган иш эмас. Унда дунё матолари ва лаззатларидан маҳрум бўлиш ҳам, унинг гўзалликлари ва хурсандчиликларидан юз ўгириш ҳам, майлларни исканжага олиш ва инсон табиатига қарши чиқиш ҳам йўқ. Балки бу ибодатларни бажариш куч ва иродалари қанчалик бўлса ҳам ҳар бир инсон учун осон ишдир. Бу ибодатлар инсонни дунё лаззатларидан маҳрум этмайди. Шунингдек, мусулмонлар мандуб ибодатларни шавқ билан бажарадилар. Оллоҳ розилигидан баҳраманд бўлаётганларини чуқур ҳис қилган ҳолда фарз ибодатларга қўшимча ибодатларни ҳам бажаришга интиладилар.

5. Мусулмонлар бошқа ўлкаларни у ерларга Исломий даъватни олиб бориш учун фатҳ қилар эдилар. Шунинг учун улар ўзларини раҳмат ва ҳидоят элчилари деб билишар, қайси ўлкага кириб боришса, у ерни Ислом билан бошқаришар эди. Фатҳ қилинган ўлкаларнинг аҳолиси Исломий Давлатнинг ҳимоясига кириши билан уларга мусулмонларга тааллуқли ҳуқуқлар берилар ва мусулмонлар зиммасидаги бурчлар уларга ҳам юкланар эди. Ушбу фатҳ қилинган ўлка ҳам Исломий Давлат таркибидаги бошқа ўлка эга бўлган ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлар ва Давлатнинг бир бўлагига айланар эди. Чунки Исломда бошқарув низоми бир бутун, яхлитдир. Шунинг учун фатҳ қилинган ўлкаларнинг аҳолиси ўзларини мустамлака деб ҳис этишмади, мустамлаканинг ҳиди келадиган бирор нарсани ҳам сезишмади. Шунинг учун одамлар мусулмонлар бошқараётган кайфиятларда Исломнинг ҳақиқатини амалда кўрганларидан кейин ҳақ динга интилишлари ажабланарли эмас.

6. Ислом мабдаи ва аҳкомлари барча одамлар учун умумийдир. Уларни ўрганиш барча одамлар учун мувоҳидир, балки уларни ҳаммага Исломнинг лаззатини тотишлари ва ҳақиқатларини англаб етишлари учун ўргатиш фарздир. Расулulloҳ ﷺ волийлар, ҳокимлар ва муаллимларни одамларни Ислом билан бошқарадиган ва унинг аҳкомларини ўргатадиган қилиб юборар эдилар. Расулulloҳ ﷺдан

кейин ҳам мусулмонлар турли ўлкаларни фатҳ қилишди, у ерга ҳокимлар ва муаллимларни юборишди, одамларга Исломни ўргатишди ва Қуръон аҳкомларидан таълим беришди. Натижада фатҳ қилинган ўлкаларнинг аҳолиси, ҳатто Исломни қабул қилмаганлари ҳам, исломий маърифатни ўрганишга киришди.

7. Исломий шариат комил ва оламий шариатдир. Шунинг учун мусулмонлар ўлкаларни фатҳ қилган пайтларда у ерлардаги халқларнинг қонунларини ўрганишга ҳам, ҳаёт муаммоларини муолажа қилиш учун ўзлари олиб келган аҳкомлар билан бу ўлкалардаги мавжуд қонунларни мувофиқлаштиришга зарурат сезмадилар. Балки фатҳ қилишган биринчи кундан Исломни татбиқ этавердилар. Уларнинг татбиқ тариқатлари инқилобий бўлар эди. Бунда тадрижийлик ёки илгариги тузумнинг нуқсонларини бартараф этиш деган нарса бўлмас эди. Дуч келишган воқеликка рия қилишмас, уни умуман ҳисобга олишмас эди. Чунки мусулмонлар бошқа ўлкаларни у ерларга Исломни етказиш, у ерлардаги бузуқ воқелик ва беқарор ҳаётни ўзгартириш учун фатҳ қилардилар. Шунинг учун уларга бу ўлкаларни биринчи кундан Ислом билан бошқариш лозим эди ва бу ўлкаларда мусулмонларнинг бошқаруви мустаҳкам ўрнашиб қолар эди. Улар бирор «қонуний танглик» ва «ўтиш ҳолати» каби қийинчиликларга дуч келишмади. Чунки улар даъватлари орқали бу ўлкаларга барча замон ва барча маконда ҳамма одамларга татбиқ қилинадиган низомлар, қонунлар ва аҳкомлар келиб чиқадиган Ақидани олиб киришар эди.

ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ, БИТТА УММАТГА АЙЛАНТИРИШ

Расулulloҳ ﷺ бутун Арабистон ярим ороли Ислomга кирганидан кейин у ерда ширкни йўқотиб, тўлиқ Ислom билан бошқариладиган Ислom диёрига айланганидан кейин, Оллоҳ Таоло Ислom неъматини бекаму-кўст қилиб берганидан ва Ислomни улар учун дин бўлишга рози бўлганидан кейин қўшни уммат ва халқларнинг подшо ва амирларига мактуб йўллаш, Мўъта ва Табукда Рум чегараларига сариялар жўнатиш ва газотлар қилиш орқали Ислomга даъват қилишни бошлаганларидан кейин вафот этдилар. Расулulloҳ ﷺдан кейин Хулафои Рошидинлар келди ва фатҳлар яна давом этди. Ироқ фатҳ қилинди. Бу ерда насроний, маздакий ва зардуштий динидаги араб ва форслар яшар эди. Форс фатҳ қилинди. Бу ерда ажаллар ва озроқ яҳудий ва румликлар яшар, улар форсларнинг динида эди. Шом фатҳ қилинди. У Рум империясига қарашли ўлка бўлиб, унинг аҳолиси румликлар сақофати билан тарбияланган ва насроний динида эди. У ерда сурияликлар, арманлар, яҳудийлар, озроқ румликлар ва араблар яшар эди. Миср фатҳ қилинди. Бу ерда мисрликлар ва озроқ яҳудий ва румликлар яшар эди. Шимолий Африка фатҳ қилинди. У румликлар қўлида бўлиб, у ерда барбарлар яшар эди. Хулафои Рошидиндан кейин Умавий халифалар келди. Синд, Хоразм, Самарқандни фатҳ қилишди ва бу ерларни Ислomий Давлатнинг ерларига қўшишди. Кейин Андалус фатҳ қилинди ва у Ислomий Давлат вилоятларидан бири бўлиб қолди. Бу ўлкалар миллатлари, тили, дини, урф-одатлари, қонунлари ва сақофати бир-бирига ўхшамайдиган ҳар хил бўлгани туфайли у халқларнинг фикр ва хоҳиш-иродалари бир биридан фарқли бўлиши табиий эди. Шунинг учун уларни бир-бирига қориштириб юбориш ва дини, тили, сақофати ва қонунлари бир хил бўлган яхлит бир уммат қилиб шакллантириш жуда оғир ва машаққатли иш эди. Бундаги муваффақият ғайриоддий ҳодиса деб эътибор қилинади. Буни Ислomдан бошқаси амалга ошира олмаган ва у фақат Ислomий Давлат қўлида рўёбга чиққан. Чунки бу халқларнинг барчаси улар устида Ислomий Давлат байроғи нур соча бошлагач, битта Ислomий Умматга айландилар. Бу ҳол Ислom билан бошқарилишлари ва Ислom ақидасини қабул қилишлари таъсирида амалга ошди. Бу халқларни бирлаштиришда бир неча омиллар таъсир кўрсатди. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Ислom буйруқлари.
2. Фатҳ қилган мусулмонларнинг фатҳ қилинган бошқа умматлар билан уй-жой ва тирикчилик масалаларида бир-бирлари билан аралашиб кетишлари.
3. Фатҳ қилинган мамлакат аҳолисининг ҳаммаси Ислomга кириши.
4. Мусулмон бўлганларда ҳосил бўлган инқилобий ўзгариш ва уларни бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтказиш.

Ислom буйруқларига келсак, улар одамларни қаерда қодир бўлишса, динга даъват қилишга, Ислom даъватини ёйишга ва ҳидоятини тарқатишга чақиради. Бу эса одамлар Ислomни ва унинг ҳукмлари

ҳақиқатини тушуниш имкониятига эга бўлишлари учун жиҳод қилиш ҳамда фатҳ этилган ўлкаларда ихтиёрни одамларнинг ўзига қолдиришни тақозо этади. Хоҳласалар Исломи қабул қилишсин, хоҳласалар ўз динларида қолишсин. Одамларнинг муаммоларини муолажа қиладиган ва ишларини тартиб-интизомга соладиган қонунлар битта бўлиб, уларнинг ишларида ўзаро ҳамжиҳатлик юзага келиши учун ҳамда ғайридинлар ҳам жамият низомининг татбиқида иштирок этишда, хотиржамликдан баҳраманд бўлишда ва Исломи Давлат байроғи остида яшашда ўзларини мусулмонлардек тенг ҳуқуқли ҳис қилишлари учун муомала ва жазо чораларига доир ишларда улар ҳам Исломи аҳкомларига бўйсундирилди.

Исломи буйруқлари Исломи аҳкомлари билан бошқарилаётган инсонларга ирқий, тоифий ёки мазҳабий назар билан эмас, балки инсоний назар билан қарашни талаб қилади. Шунинг учун аҳкомлар барчага баробар татбиқ этилади, мусулмон ва ғайридин ажратилмайди.

Оллоҳ Таоло «Монда» сурасида марҳамат қилади:

﴿لَا يَجْرِمَنَّكُمْ شَنَاٰنُ قَوْمٍ عَلٰٓى اَلَّا تَعْلَمُوْا اَعْلَمُوْا هُوَ اَقْرَبُ لِلتَّقْوٰى وَاتَّقُوا اللّٰهَ اِنَّ اللّٰهَ خَبِيْرٌۢ بِمَا تَعْمَلُوْنَ﴾

– „Бирор қавми ёмон кўришингиз сизларни уларга адолат қилмасликка етакламасин. Адолат қилинг. Мана шу нарса Оллоҳдан кўрқилингизга яқинроқдир. Оллоҳдан кўрқинг. Албатта Оллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир“.

[5:8]

Бошқарув ва ҳукм масалаларида барча одамлар тенгдирлар. Бинобарин, ҳоким одамларнинг ишларини бошқараётган пайтда кимларни бошқараётганига қарамайди. Қози улар ўртасида ҳукм чиқараётганида кимларнинг ўртасида қозилик қилаётганига қарамайди, ҳоким одамларга фақат инсоннинг ишларини бошқариш деган назарда қарайди, қози ҳам инсоннинг хусуматларини ажрим қилиш деган назарда қарайди. Исломидаги бошқарув низоми Давлатнинг барча бўлаклари бир бутун бўлишини, барча вилоятлардан йиғилган мол оз-кўплигидан, эҳтиёжларни қондириш-қондирмаслигидан қатъий назар, уларнинг эҳтиёжлари Байтулмолдан сарф қилиш орқали қондирилишини ҳамда Байтулмолга барча вилоятлардан мол йиғиш билан молиянинг битта бўлишини тақозо этади. Бу билан фатҳ қилинган барча мамлакатлар битта Давлат ичидаги вилоятларга айланади ва бу Давлат уларни бошқарувда бир-бирлари билан яқинлаштириб қўяди.

Аммо фотиҳ мусулмонларнинг бошқалар билан аралашиб кетишлари маҳаллий халқнинг Исломига киришига катта таъсир кўрсатди. Бунга сабаб, мусулмонлар ўлкаларни фатҳ қилганларидан кейин у ерларда яшаб қолдилар ва аҳолига Исломи ўргатиб, Исломи сақофат асосида билим бердилар. Мусулмонлар улар билан ёнма-ён уйларда яшашди. Ҳаётнинг барча ишларида иштирок этишди ва ҳаммалари битта аҳкомлар татбиқ қилинадиган ва битта жойда яшовчи одамларга айланишди. Улар икки гуруҳ - фотиҳ ва фатҳ қилинган, ғолиб ва мағлуб деган гуруҳларга бўлинмадилар. Балки барчалари ҳаётий ишларида ўзаро ҳамжиҳат бўлиб, бир-бирларига ёрдам бериб яшайдиган битта давлатнинг фуқаролари

бўлиб қолдилар. Фатҳ қилинган ерлардаги аҳоли ҳокимларда илгари учратмаган ўзгача одамларни кўрди, ҳокимлар уларни ўзлари билан тенг кўрадиган, уларнинг ишлари-эҳтиёжларини бажаришда астойдил елиб-югурадиган одамлар эди. Бу олий фазилатлар ўша ҳокимларни ва Исломни улар учун маҳбуб қилиб қўйди. Ҳокимлар ва бошқа мусулмонлар аҳли китоб аёлларга уйланишар, аҳли китоблар сўйган гўштлардан ва улар пиширган таомлардан ейишар эди. Бундай аралашиб яшаш уларни Исломга киришга ундовчи омил бўлди. Чунки улар ҳокимларда Ислом асарини, низом татбиқ қилинишида эса унинг нуруни кўришди. Шу сабабдан бу халқлар бир-бирлари билан бирлашиб, битта яхлит умматга айландилар.

Ислом мусулмон бўлганларда пайдо қилган умумий инқилоб (ўзгариш) шу нарсада кўринадики, дин уларнинг ақлий савиясини кўтариб, уларда Исломий Ақидани пайдо қилди. Бу ақида барча фикрларга асос бўладиган ҳамда фикрларни тўғри ёки нотўғрилиги ўлчанадиган мезонига айланди. Шунинг учун Ислом уларни виждоний иймондан ақлий иймонга, бутларга, ўтга, учликка (худони учта деб билиш) ва шу каби нарсаларга ибодат қилишдан ва бундай ибодат тақозо этадиган нодонликдан ёлғиз Оллоҳга ибодат қилишга буюрди. Ислом уларни охират ҳаётини тасдиқлайдиган, охират ҳаётини ва ундаги азоб ва неъматларни Китоб ва Суннатда баён қилиб берган суратда тасаввур қиладиган шахсларга айланганди. Натижада улар охиратни ҳақиқий ҳаёт деб биладиган бўлишди. Бу билан уларда ҳаётнинг ўзига хос маъноси ва қадр-қиммати пайдо бўлди. Зеро, бу ҳаёт бошқа абадий ва бахтли ҳаётга олиб борадиган йўлдир. Шунинг учун бу дунё ҳаётига юзландилар, уни эътиборсиз ташлаб қўймадилар, ҳаёт асосларини маҳкам ушлаб, Оллоҳ Таолонинг бандалари учун чиқарган зийнатлари ва ҳалол ризқларидан фойдаландилар. Ислом ҳаётга тўғри ўлчовларни ва ҳақиқий тасвирни берди. Аввал ҳаётдаги ўлчов фақат манфаатдан иборат бўлиб, бу манфаат амалларга ундовчи воситалардан бўлса, энди ҳаётдаги ўлчов ҳалол ва ҳаром деган тушунча, амалларга ундовчи омил Оллоҳнинг буйруқ ва қайтариқлари бўлиб қолди. Амалларни бу буйруқ ва қайтариқларга мувофиқ юритишдан кўзланган мақсад Оллоҳнинг розилигига эришишга айланди. Шунга кўра амал агар намоз, жиҳод ва шу кабилар бўлса, унинг қиймати руҳий, агар савдо-сотик, ижара ва шу кабилар бўлса, унинг қиймати моддий, агар омонатдорлик, раҳмдиллик ва шу кабилар бўлса, унинг қиймати ахлоқийдир. Одамлар Исломга кирганларидан кейин амалга йўлловчи омил билан амалнинг қийматини ажрата бошладилар. Бу билан Ислом уларга ҳаётни бутунлай бошқача суратда тасвирлаб берди ва бу тасвирни белгилаб берган - Оллоҳнинг буйруқ ва қайтариқлари, яъни ҳалол ва ҳаром ўлчови эди.

Ислом уларга саодатнинг ҳақиқий маъносини тушунтириб берди. Илгари улар эҳтиёжларни қондиришни, танага лаззатлар бахшида қилишни саодат деб билишган бўлса, Исломга киришгач саодат Оллоҳнинг розилигига эришиш бўлиб қолди. Чунки саодат инсоннинг

доимий хотиржамлигидир. Бу ҳол лаззатлар билан ҳам, шаҳватлар билан ҳам пайдо бўлмайди, балки фақат бутун оламларнинг Парвардигори розилигини топиш билан амалга ошади.

Шундай қилиб, Исломуни қабул қилган халқларнинг ҳаётга ва бу ҳаётда қиладиган амалларига бўлган қарашларига таъсир кўрсатди. Нарсаларнинг қадр-қимматини ўзгартирди, баъзиларининг мартабасини кўтарган бўлса, бошқалариникини пасайтирди. Илгари ҳаёт инсоннинг назарида энг юқори мартабада, мабдаундан паст бўлган бўлса, Ислому бу мартабаларни ўзгартириб, мабдани энг юқори мартабага кўтарди ва ҳаётни эсаундан пастга қўйди. Бу билан мусулмон ўз ҳаётини Ислому йўлига тикди. Зеро, Ислому ҳаётдан кўра баҳоси баланд бўлган қийматдир. Бинобарин, Ислому йўлида машаққат ва қийинчиликларни кўтариш афзалроқдир. Бу билан ҳаётдаги нарсалар ҳаммаси ўз ўрнига қўйилди. Натижада ҳаёт улугвор кўриниш касб этди. Мусулмон бу ҳаётда доимий хотиржамликни ҳис қила бошлади. Ислому бутун оламу учун ўзгармас, ягона олий мақсадни белгилаб берди. Бу олий мақсад Оллоҳ Таолонинг розилигидир. Ислому гача халқларнинг олий мақсадлари кўп ва турлича эди, энди уларда битта ва ўзгармас олий мақсад пайдо бўлди. Халқлар ва умматлардаги олий мақсад ўзгариши билан улардаги нарсаларнинг маънолари ва фазилат тушунчалари ҳам ўзгарди. Шахсий шижоат ва қаҳрамонлик, бир-бирларига тарафкашлик асосида ёрдам бериш, мол-дунё, насл-насаб билан фахрланиш, исроф даражасида саховат кўрсатиш, қабила ёки қавму учун фахр холислик, ўч олишда тошбағирлик ва ҳоказолар асл фазилат саналарди. Ислому келиб, уларни ислоҳ қилди. Ислому фойдали ёки обрў-эътиборга эриштирган, урф-одат ва ота-боболардан мерос бўлиб қолган нарсалар фазилат эмаслигини, балки Оллоҳ Таолонинг буйруғига жавобан инсон сифатланадиган сифатлар асл фазилатлар эканини баён этди. Ислому Оллоҳга, унинг буйруқ ва қайтариқларига бўйсунишни вожиб қилди. Натижа шахс, қабила, халқ ва умматнинг манфаатларини фақат Ислому буйруқларига бўйсундиришни вожиб қилди.

Шундай қилиб Исломуни қабул қилган халқларнинг фикрини ҳам, хоҳиш-истакларини ҳам ўзгартирди. Бу билан улар шахсиятларида, борлиқ, инсон ва ҳаётга қарашларида ва ҳаётдаги барча нарсаларга муносабатларида Ислому кирмасларидан олдинги ҳолатларидан бутунлай ўзгаришди. Ҳаётнинг ўзига хос улугворлик ва камолот маъноси борлигини тушунишди. Улар учун ягона олий мақсад Оллоҳнинг розилиги бўлиб қолди.

Мазкур тўрт омил сабабли Исломуий Давлатга бўйсунган барча халқлар ўзларининг аввалги ҳолатларидан чиқиб, фикрлари ва дунёқарашлари ўзгарди. Муаммоларни муолажа қилиш бошқача тус олди. Манфаатлари ягона Ислому манфаатига айланди. Гоялари фақат Оллоҳнинг калимасини олий қилиш бўлиб қолди. Шунинг учун бу халқларнинг барчаси Ислому дошқозонида қайнаб, битта умматга - Ислому Умматига айланиши муқаррар эди.

ИСЛОМИЙ ДАВЛАТНИНГ ЗАЙФЛАШУВИ САБАБЛАРИ

Исломий Давлат Ислом мабдаига асосланади. Унинг қудрати мана шу мабадада, унинг боқийлиги ва тараққиёти ҳам фақат мана шу мабада билан бўлади. Бинобарин Ислом мабади Исломий Давлат мавжуд бўлишининг асосидир. Шунинг учун бу Давлат Исломнинг қудрати сабабли қудратли бўлди, алоқа воситалари от ва туя бўлишига қарамасдан, бир асрдан оз муддатда оламдаги мамлакатларнинг кўпини фатҳ қилди. Бу ерлардаги халқлар Исломни ёйиш қуроли тил ва қалам бўлишига қарамасдан қисқа муддатда Исломга киришди. Буларнинг барчасини рўёбга чиқариб, Давлатга мана шундай қудрат ато этган омил **ИСЛОМ** эди.

Ислом душманлари бунини билишар эди. Модомики, Ислом мусулмонларнинг дилларида бўлиб, уни тушуниш ва татбиқ этиш кучли экан, Исломий Давлатни асло зайфлаштира олмасликларини билишар эди. Шунинг учун улар мусулмонларнинг Исломни тушунишлари ва татбиқ этишларини зайфлаштирадиган воситаларни топишга киришишди.

Исломни тушунишни зайфлаштириш учун қўллаган воситалар кўп бўлиб, баъзилари Исломнинг нусусларига, баъзилари Ислом баён қилинадиган тилга ва айримлари ҳаётий воқеаларга алоқадор эди. Шундай қилиб, улар Расулуллоҳ ﷺ айтмаган ҳадисларни тўқиб, уларга ғайриисломий маъноларни ва Исломга зид тушунчаларни киритиб, Расулуллоҳ ﷺнинг ҳадисларига қўшиб юборишга уринишди. Улар мусулмонлар бу ёлгон ҳадислардаги кўрсатмаларга амал қилишларини ва шу билан Исломдан узоқлашиб кетишларини кўзлашган эди. Дарҳақиқат, улар жуда кўп ёлгон ҳадисларни тўқишди ва уларни саҳиҳ ҳадисларга қўшиб, одамлар орасида тарқатишди. Бироқ мусулмонлар бу динсизларнинг қилмишларини сезиб қолишди ва уларнинг фитналарига барҳам беришди. Олимлар ва ҳадис ровийлари ҳадисларни жамлаш, ровийларнинг тарихлари ва сифатларини ёзиш, саҳиҳ, зайф ва ёлгон ҳадисларни баён қилиш учун бор кучларини сарфладилар. Натижада ҳадислар сақлаб қолинди ва ҳадис ривояти фақат саҳоба, ундан тобеин, ундан табаа тобеинларга тааллуқли қилиб қўйилди. Булардан кейингиларнинг ривояти қабул қилинмайдиган бўлди. Ровийларнинг ҳар бири аниқ бўлди. Ҳадис китобларининг табақалари баён қилинди. Натижада, мусулмон агар ҳадис устида изланса, унинг санади ва матнини билиш орқали унинг саҳиҳ, зайф ёки ёлгон эканини билиши мумкин бўлиб қолди. Бундан ташқари, Исломий Давлат у динсизларнинг йўлига ғов қўйди. Расулуллоҳ ﷺга қарши ёлгон ҳадислар тўқишгани учун уларнинг кўпчилиги ўлим жазосига ҳукм қилинди. Шунинг учун бу фитнанинг Исломга ва Исломий Давлатга айтарли таъсири бўлмади. Душманлар араб тилига эътиборларини қаратишди. Чунки бу тил Ислом баён қилинадиган тил эди. Улар бу тилни Исломдан ажратиб юборишга уринишди. Дастлаб бунинг уддасидан чиқишолмади. Чунки мусулмонлар фатҳ қилинган ерларга Китоб, Суннат ва араб тилини олиб борар, одамларга Қуръон ва Ҳадисни ўргатиш билан бирга араб тилидан ҳам

таълим беришарди. Одамлар Исломга кириб, араб тилини мукаммал эгаллашди. Ҳатто улар ичидан Абу Ҳанифа каби мужтаҳид имомлар, Башшор ибн Бард каби етук шоирлар ва Ибн Муқаффа каби забардаст котиблар етишиб чиқди. Мусулмонларнинг араб тилини ўрганишга бўлган интилишлари жуда ҳам кучли эди. Имом Шофеъий Қуръонни таржима қилишга ва намозни араб тилидан бошқа тилда ўқишга ижозат бермади. Абу Ҳанифа каби Қуръонни таржима қилишга ижозат берган уламолар таржимани Қуръон деб аташмас эди. Шундан маълум бўладики, араб тилига бўлган эътибор жуда ҳам кучли эди. Чунки араб тили Исломдаги асосий қисмлардан ва ижтиҳод шартларидандир. Исломни унинг асл манбаларидан ўрганиш ва улардан аҳкомлар истинбот қилиш фақат араб тили орқали бўлади. Лекин ҳижрий VI асрдан кейин ҳокимият тепасига араб тилининг қийматини билмайдиганлар келгач, бу эътибор йўқолди. Натижада унинг аҳамиятига эътиборсизлик билан қаралди. Шу билан ижтиҳод тўхтади ва бу тилни билмайдиганлар аҳкомларни истинбот қила олмайдиган бўлиб қолишди. Шундай қилиб, араб тили Исломдан ажратилди, аҳкомларни тушунишда қийинчиликларга дуч келина бошланди ва бунинг натижасида аҳкомларни татбиқ қилишда ҳам мушкулотлар келиб чиқди. Бу аҳвол давлатга катта таъсир кўрсатиб, уни кучсизлантириб, юзага келаётган янги вазиятни тушунишни заифлаштириб юборди. Бу эса пайдо бўлаётган муаммолар муолажа қилинмаслигига ёки нотўғри муолажа қилинишига олиб борди. Бу ҳол давлат олдида муолажа қилинмаган муаммоларни қалаштириб юборди ва оқибатда унинг кучсизланиб, йўқолиб кетишига сабаб бўлди.

Бу айтилганлар Ислом нусуслари ва Исломни тушунишга ёрдам берадиган тил ҳақида эди. Энди Исломнинг ҳаёт ва воқеа-ҳодисаларига мос келишига келсак, биринчи асрлардаёқ Ислом билан ҳинд фалсафаси ўртасини мувофиқлаштиришга уринишлар бўлди. Дунёдаги зоҳидлик ва охират талаби ўзини дунё талабларидан маҳрум қилиш ва жасадни қийнаш деб тушунтирилди. Натижада кўпчилик ҳаёт гўзалликларидан ва ҳаёт уммонига шўнғишдан воз кечди. Бу ҳол уларни Исломий Давлат майдонида ва мусулмонларнинг ҳаётида бирор фойдали иш қилмайдиган қилиб қўйди. Оқибатда Давлат уммат фарзандларининг ўз жасадларини азоблаш ҳисобига Исломга даъват қилиши мумкин бўлган улкан кучдан айрилди.

Кейин Фарбдан мусулмонларнинг юртига дунёқараши Исломга зид сақофий ҳужум бошланди. Бу сақофат мусулмонларга Ислом низомига зид қонунларни келтириб, булар Оллоҳнинг динига зид эмас, деб уқтирила бошлади. Бу нарса мусулмонларга катта таъсир кўрсатди ва улар устидан Фарб дунёқараши ҳукмрон бўлиб олишига олиб келди. Натижада, мусулмонлар ҳаёт фақат манфаатдан иборат деб биладиган бўлиб қолишди, шунингдек, Усманий Давлатда Фарбнинг айрим қонунларини жорий этишди. Бунинг натижасида судхўрликни таъвил

қилишди, банклар очишди, шаръий ҳадларни тарк қилиб ғарбий жазо чораларини қўллашди. Гарчи Давлат бу ишларнинг жоизлигига фатволар билан йўл топган бўлса-да, бу ҳол давлатни Ислом билан ҳукм юритишдан узоқлаштириб юборган катта офат бўлди. Бу узоқлашиш унда иймон ҳароратини сусайтириб, пировардида давлат ҳидоят йўлидан чиқиб кетди ва бу ҳол унинг заифлашиши ва қулашига сабаб бўлди.

Бу тушуниш жиҳатидан қаралгандаги ҳолат, татбиқ жиҳатидан олиб кўриладиган бўлса Ислом ёмон қўлланишига олиб борган бир неча омиллар юзага келди. Жумладан, фақат ўз раъйлари ижро қилиниши керак деб билган сиёсий ҳизмлар ўз фикрларини ўтказиш учун ҳарбий кучни ҳокимиятга етишиш воситасига айлантиришди. Бунинг тариқати Уммат деб билишмади. Шундай қилиб Аббосийлар Форс ва Ироқни қўлга олишди ва шу ердан ҳаракат қилиб, ҳокимият Бану Ҳошимда бўлиши учун ҳокимиятни эгаллашди. Кейин Фотимийлар Мисрни қўлга олиб, у ерда ўз давлатларини барпо қилишди. Бундан мақсад, давлатда бошқарув шариатга зид исмоилия мазҳаби фикрлари асосида бўлиши учун Исломий Давлатни қўлга киритишди. Сиёсий ҳизмлар биринчи галда фатҳларни тўхтатиб қўйган тартибсизликларни пайдо қилди ва давлат ички ишлар билан машғул бўлиб қолди. Иккинчи галда эса икки давлат ўртасида курашни келтириб чиқарди. Бу эса мусулмонларни икки давлатда яшайдиган қилиб қўйди, ҳолбуки мусулмонларнинг фақат битта давлати бўлиши лозим. Натижада, бу ишлар давлатни заифлаштиришга, унинг фатҳ ва даъватдан тўхтаб қолишида таъсир кўрсатди. Бироқ сиёсий ҳизмларни бу тариқатни қўллашга олиб борган омил умавий халифалар халифа учун аҳд, кейин унга байъат олиш тариқатига эргашгани бўлди. Зеро, бу ҳол байъатни кутиб, ҳокимиятга етишда унга суяниш умидини пучга чиқарди. Муовия ўғли Язидга аҳд бериб, унинг учун байъат олди. Кейин ҳар бир халифа ўзидан кейин қоладиган шахс учун аҳд берадиган, сўнг одамлар унга байъат қиладиган бўлди. Бу нарса мусулмонларни халифалик аҳди берилган шахсгагина байъат қилишга йўналтирди. Камдан-кам ҳолларда мусулмонлар аҳд берилган шахсдан бошқасига байъат қилишар эди. Натижада бу тариқат сиёсий ҳизмларни ҳокимиятга етишиш тариқати сифатида куч ишлатишга мажбур қилди. Аҳд бериш ҳам халифа тиклашнинг тариқати бўлиб, уни Абу Бакр Умарга аҳд берганда қўлланган бўлса ҳам, бироқ нотўғри татбиқ қилиш ёмон натижаларга олиб борди. Абу Бакр Сиддиқ ﷺ ўзидан кейин ким халифа бўлиши тўғрисида мусулмонларнинг раъйини олди. Музокарадан кейин халифаликка номзодлар Алий ва Умар ﷺлар экани маълум бўлди. Кейин аҳд Умар ﷺ учун бўлди ва у халифаликка сайланди. Абу Бакр ﷺ вафот этганидан кейин Умар ﷺга байъат берилди. Бу шаръий ишдир. Лекин ўзларидан кейинги шахсга аҳд берган халифалар бу тариқатни нотўғри татбиқ қилишди. Яъни ўз ўғиллари, ака-укалари ёки хонадонидан бирор кишига аҳд беришди. Баъзан бир неча шахсга аҳд беришди. Бундай нотўғри татбиқ мусулмонларни ўзлари хоҳлаган кишига байъат бериш

ҳуқуқидан маҳрум қилиб қўйди. Натижада бу ҳол давлатнинг заифлашувига олиб борди. Бироқ, бу нарса давлат кучли бўлиб турганда таъсир қилмаган бўлса ҳам, кейинчалик у заифлашганда таъсири билинди.

Давлатдаги ишлар фақат халифага байъат беришнинг ўзи билан чекланиб қолмади, балки бу нарса волийларга ҳам ўтди. Аббосий давлатининг Абдурраҳмон Дохил (ибн Муовия ибн Ҳишом, 113-172 х.) Андалусда волийликни қўлга олиб, давлатдан мустақил бўлиб олишига индамаганлиги Исломиё Давлатнинг бир қисмини ундан ажратиб қўйди ва ўзларини амирул-муъминин деб атаган волийлар тарафидан алоҳида бошқарилишига олиб борди. Гарчи Андалус Исломиё Давлатнинг жисмидан бўлиниб кетмаган, у ердаги мусулмонлар бошқа мусулмонлардан ажралиб қолмаган ва исломий умматнинг бир қисми бўлса ҳам, бироқ Андалус бошқарув хусусида ажралган эди. Бу ҳол заифликка йўл очди ва уни кофирлар босиб олишини осонлаштирди. Ҳолбуки, бу пайтда Исломиё Давлат қудратли эди. Шунга қарамасдан, Андалусни кофирларнинг тажовузидан ҳимоя қила олмади. Бу Мағрибда бўлган эди. Аммо Машриқда эса давлатнинг волийларга умумий волийлик қилиш ва кенг салоҳиятлар бериб қўйиши уларда ҳукмронлик ҳиссиётларини жунбишга келтириб юборди ва ҳукмронлик таъмасини қўзғади. Натижада улар ички бошқарувда мустақил бўлиб олишди. Халифа ҳам уларнинг бу ишларига розилик берди. Халифа учун минбарларда дуо қилиш, унинг номи билан пул чиқариш, унга хирожларни юбориб туриш билан чекланилди. Вилоятлар ўзларининг бу ички мустақиллигида давлатчаларга ўхшаб кетар эди. Бу ҳолни Салжуқийлар, Ҳамадонийлар ва бошқаларда кўришимиз мумкин. Бу ишларнинг ҳаммаси Исломиё Давлатнинг заифлашишига олиб борган сабаб бўлди. Кейин Усманийлар келиб, халифаликни қўлга олди, исломий юртларнинг аксар қисмини салтанатларида бирлаштирди ва даъватни Европага олиб чиқди, фатҳларни яна бошлаб юборди. Лекин бу ишлар Исломни тўғри тушуниш ва тўлиқ татбиқ қилишга асосланмай, балки биринчи усмоний халифаларнинг иймон қувватига ва қўшин қудратига асосланган эди. Шунинг учун бу фатҳлар Исломиё Давлатнинг биринчи фатҳлари берган натижани бермади. Оқибатда ҳеч қанча вақт ўтмасдан бу давлат ҳам заифлашиб қулади ва Исломиё Давлат йўқ бўлди. Унинг йўқотилишига жуда кўп омиллар ва Ислом душманлари ишлатган ҳийла-найранглар сабаб бўлди. Давлатнинг йўқотилишига қуйидаги икки омил сабаб бўлди:

1. Исломни тушунишдаги заифлик.
2. Уни нотўғри татбиқ қилиш.

Шунинг учун Ислом Давлатини яна қайтарадиган нарса Исломни тўғри тушунишдир. Давлатнинг қудратини оширадиган омил Исломни тўғри татбиқ этиш ва даъватни ташқарига олиб чиқишдир.

ИСЛОМИЙ ДАВЛАТНИНГ ИНҚИРОЗИ

Исломий Давлатда фикрий заифлик ҳижрий бешинчи асрдан, яъни айрим олимлар ижтиҳод эшигини беркитишга чақирган пайтдан бошланди. Бу нарса давлатнинг заифлашуви бўлди. Шундан кейин ҳам мужтаҳидлар чиққан бўлса-да, лекин фикрий заифлик кучаяверди ва давлатнинг таркибига таъсир кўрсатиб, парчаланишига олиб борди. Салибчилик юришлари бошланганда давлат уларга қарши тура оладиган ҳолатда эмасди. Давлат тақрибан икки аср давом этган урушлар гирдобидан чиқа олмади. Бошида салибчиларнинг қўли баланд келди. Натижада улар Ислом юртининг бир қисмини босиб олишди. Кейин Исломий Давлат бу юртларни уларнинг қўлидан озод этди. Сўнг ҳокимият Мамлуклар қўлига ўтди. Улар араб тилининг аҳамиятига, фикрий ва қонунчилик жиҳатларига эътиборсизлик билан қарашди. Натижада ижтиҳод эшиги беркитилди ва Исломни тушуниш заифлашди. Олимлар тақлидни вожиб қилишди. Бу ишлар оқибатида давлатнинг вужудида заифлик кучайди. Кейин мўғул-татарлар ҳужуми дард устига чипқон бўлди ва давлатни янада заифлаштирди. Бироқ, буларнинг ҳаммаси давлатнинг ички ишларига таъсир кўрсатди, ташқи ишларига эса таъсир қила олмади. Унинг халқаро мавқеини заифлаштира олмади. Исломий Давлат қудратли ва бошқаларни қўрқувга солувчи ҳолда қолаверди. Оламнинг катта қисмини Исломий Давлат эгаллаб турарди. Усманийлар давлати IX ҳижрий (XV милодий) асрга келиб, исломий оламнинг катта қисмини бошқара бошлади ва X (XVI) асрда арабий юртларни ҳам ўз салтанатига бирлаштирди. Унинг қудрати ортди. Салтанатни қудратли қилиш ва қўшинни тартибга солишга катта аҳамият берди. Фатҳлар билан машғул бўлди. Усманийлар ҳам араб тили Исломни тушуниш учун зарурий омил ҳамда ижтиҳоднинг асосий шarti бўлишига қарамасдан, унга аҳамият беришмади. Исломга фикр ва қонунчилик жиҳатларидан аҳамият берилмади. Натижада фикрий ва қонунчилик даражалари тушиб кетди. Шу боис, давлат ташқи жиҳатдан кучли бўлса-да, фикрий ва қонунчилик жиҳатидаги заифлиги туфайли кучсизланиб қолган эди. Бироқ, бу заифликни Исломий Давлат ўша пайтда англаб етмади. Чунки бу пайтда у шон-шухрат ва буюклик чўққисида, ҳарбий жиҳатдан энг қудратли ҳолатда эди ҳамда ўзидаги мавжуд фикр, қонун ва дунёқарашларни Европанинг фикр, қонун ва дунёқарашлари билан солиштирар, ўзининг фикр, қонун ва дунёқараш жиҳатидан Европадан устун эканини кўрар эди ва бундан мағрурланиб, ўзидаги заифликка рози эди. Чунки Европа бу пайтда жаҳолат ва бошбошдоқлик зулматлари ва беқарорлик исканжасида қолган, уйғониш учун қилган барча ишларида муваффақиятсизликка учрарди. Шунинг учун Усманий Давлат ўз ҳолатини Европага солиштириб, ундан кўра яхши аҳволда эканини, низоми тўғрилигини ва юксак

дунёқарашга эгалигини кўрар, ички аҳволи ва ички заифлигини, фикр ва қонунчиликнинг қотиб қолганини, умматнинг парчаланиб кетганини ҳис этмасди. Бу ҳолни кўришдан унинг Европа устидан галабалари, Болқонни ва Европанинг жануби-шарқий қисмини босиб олгани тўсиб қўйган эди. Дарҳақиқат, бу галабалар Европадаги барча давлатларни Усманий халифаликдан кўрқувга соларди. Бутун олам исломий қўшин мағлуб бўлмайди ва ҳеч ким мусулмонларга қарши тура олмайди, деган фикрга келган эди.

Кейин «Шарқий масала» пайдо бўлиб қолди. Ўша пайтда бунинг маъноси - IX (XV) асрда Муҳаммад Фотиҳ ва унинг ортидаги султонлар етакчилигидаги усмонийларнинг ҳужумларидан сақланишни англатар эди. Бу ҳужум ҳижрий XI аср охирларигача Сулаймон Қонуний етакчилигида давом этди ва то XII (XVIII) асрнинг охирларигача ҳукм сурди. Исломий Давлатдаги давомийлик қуввати мана шу муддатда унга ўша қудратни бериб турган кучли омил бўлди. Дарҳақиқат, мусулмонлардаги ақида қуввати, уларнинг зеҳнларида тиниқ бўлмаса-да, ҳаёт ҳақидаги муайян тушунчаларнинг мавжудлиги ва ёмон татбиқ қилинса-да, ҳаётда Ислом низомининг ҳукмронлиги Давлатни ушлаб турди ва унга қувват бахш этди. Шунингдек, бунга Европадаги фикрий ва қонуний жиҳатдан беқарор вазият ҳам ёрдам берди. Давлат Исломни тўғри тушунишга ҳаракат қилиши, араб тилига аҳамият бериши, ижтиҳодни қўллаб-қувватлаши ҳамда фикрий ва қонунчилик жиҳатларига эътиборни кучайтириши ҳам мумкин эди. Шундай қилганда бу давлат мустаҳкамланар, ер юзига ҳукмини ўтказар, Ислом ёрдамида оламнинг қолган жойларини ҳам - уларга Исломни олиб бориб - фатҳ қилар эди. Бу билан ҳам ўзини мустаҳкамлаган, ҳам олам табиатини исломий дунёқарашга ўзгартирган, ҳам инсониятни бузуқлик ва ёмонликлардан ҳалос этган бўларди. Лекин булардан бирортаси ҳам юз бермади. Араб тилини қўллаб-қувватлаш фақат арабларга баъзи таълимий ва илмий мансаблар беришда намоён бўлди. Бу нарса эса араб тилини кучайтиришга ҳам, фикрни уйғотишга ҳам таъсир этмади. Чунки бу нарса араб тилини давлат тили қилишга хизмат қилмади. Аслида Исломий Давлатда араб тили давлат тили бўлиши зарур. Шунингдек, фикрий ва фикҳий жиҳатларга нисбатан ҳам бирор нарса қилинмади. Шунинг учун бу заиф ва хато ҳаракатнинг таъсир кучи қирқилди. Аҳвол ўзининг эгри йўлида юришда давом этаверди. Ҳижрий XII асрнинг иккинчи ярми (XVIII) келгач ҳолат ўзгарди ва ички заифлик кўриниб қолди. Чунки давлат ёмон татбиқ қилинаётган исломий низомнинг қолдиқлари устига, айримлари исломий ва айримлари бегона бўлган фикрлар устига қурилган эди. Ҳукм юритиш, умуман олганда, Ислом низомидан йироқ эди. Бунинг сабаби исломий фикрларни хато тушуниш ҳамда, ижтиҳод ва мужтаҳидлар йўқлиги учун, Ислом низомининг ёмон татбиқи эди.

Ҳижрий XIII (XIX) аср келди. Исломиё Давлат билан ғайриисломий давлатлар ўртасидаги мезон ўзгарди. Исломиё олам палласи енгиллашиб, Европа давлатлари палласи эса аста-секин оғирлаша борди. Европада уйғониш бошланди. Мусулмонлар устида эса фикрий қотиб қолганликнинг ҳамда Ислумни нотўғри татбиқ қилишнинг оқибатлари намоён бўлди. XIX аср файласуфлар, ёзувчи ва муфаккирлар сарфлаган улкан меҳнатлар туфайли Европа фикрида пайдо бўлган буюк ўзгаришлар юз берганининг шоҳиди бўлди. Ҳаётий қарашларда янги раёйларни пайдо қилишда ўз таъсирига эга турли ҳаракатлар юзага келди. Ҳаётдаги барча қонунларни ўзгартириш амалга ошган ишларнинг энг муҳими бўлди. Европада мустабид қиролликнинг қўланкаси секин-аста йўқолди. Унинг ўрнини парламент бошқаруви ва халқ ҳукмронлигига асосланган янги бошқарув қонунлари эгаллади. Бу ҳолатнинг ҳамда шу асрда юзага келган саноат инқилобининг Европада уйғонишни жадаллаштиришга катта таъсири бўлди. Турли кашфиётлар юз берди. Бу ишларнинг барчаси, умуман олганда, Европанинг қудратли бўлишида, фикрий ва моддий ривожланишида улкан таъсир кўрсатди. Ушбу моддий қудрат ва илмий тараққиёт натижасида халқаро майдонда Европа олами Ислум оламидан анча устун бўлиб қолди ва «Шарқий масала» тушунчаси ўзгариб, у Европанинг исломий хатарлардан ҳимояланиши масаласи эмас, балки Усманий Давлатни парчалаш масаласи бўлиб қолди. «Шарқий масала» тушунчасидаги ушбу ўзгариш, Европанинг фикрий юксалиши, илмий тараққиёти ва саноат инқилоби ҳамда Усманийлар давлатининг заиф ва тарқоқлиги - буларнинг барчаси Исломиё Давлат билан куфр давлатлари ўртасида ушбу сиёсий инқилобнинг пайдо бўлишига олиб борди. Натижада, европаликларнинг палласи оғирлашди ва мусулмонларнинг палласи енгил бўлиб қолди.

Европанинг ҳолатида бу сиёсий инқилобнинг асосий сабаби у ердаги муфаккирларнинг ҳаёт учун бир низом топишга бўлган ҳаракатлари эди. Дарҳақиқат, европаликларнинг ҳаёт ҳақидаги муайян нуқтаи назарни қабул қилишлари, муайян ақидада эътиқод қилишлари ва ҳаёт низомини шу ақида асосига қуришлари уларда нарсалар ҳақидаги тушунчаларни ва қийматларнинг даражаларини тубдан ўзгартириб юборди. Бу нарса ҳаётда умумий ўзгаришларга олиб борди ҳамда буюк саноат инқилобининг вужудга келишига ёрдам берди. Ислум оламида ёки унга раҳбарлик қилаётган Усманийлар давлатида ҳолат аксинча эканини кўрамиз. Бу давлат ўзининг аҳволига тўғри баҳо бериш, ўз мабдаи хусусида чуқур ўйлаб кўриш, фикрларни қўзғатиш, ижтиҳодни вужудга келтиришга уриниш, ақидасидан келиб чиққан ҳукмлар асосида муаммоларини муолажа қилиш ҳамда оламга ва саноатга юзланиш ўрнига Европадаги ўзгаришлардан ҳайрат ва изтиробга тушиб, ожиз бўлиб

қолди. Натижада Усманийлар давлати илмий ва санойи жиҳатлардан орқада қолиб кетди. Бу ҳол унинг моддий тараққиёт борасида қолақлашувига сабаб бўлди. Бунинг сири шунда эдики, Усманий Давлат Исломи Давлат бўлиб, унинг ҳукми остидаги халқлар мусулмонлардир. Давлатнинг ақидаси ва низоми Илом, Илом фикрлари давлатнинг ҳам фикрлари, Иломнинг ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назари давлатнинг ҳам нуқтаи назаридир. Шунинг учун Исломи Давлат Европада пайдо бўлган янги фикрларга эътиборини қаратиб, уларни ўзидаги мавжуд фикрий асосга қиёслаб, янги муаммоларга тўғри илтиҳод билан иломий нуқтаи назардан ўз баҳосини бериши ва улар хусусида тўғри ёки нотўғри, деб узилик қатъий ҳукм чиқариши керак эди. Лекин Исломи Давлат бундай қилмади. Чунки Усманийлар давлатида иломий фикрлар очиқ-ойдин эмас, бинобарин уларда аниқ тушунчалар йўқ эди. Иломий ақида барча фикрлар қуриладиган фикрий пойдевор эмас, балки тақлидий ақида бўлиб қолган эди. Шунга кўра давлат барпо бўладиган асос, яъни ақида ва фикрлар Усманий Давлатда очиқ-ойдин эмас, илтиҳод йўқлиги сабабли низом қотиб қолган, ҳаёт ҳақидаги тушунчалар мажмуаси бўлган дунёқараш ноаниқ ва давлатнинг ишлари билан чамбарчас боғланмаган эди. Бу нарса фикрий қолақликка ва уйғониш юзага келмаслигига сабаб бўлди. Шунинг учун мусулмонлар Европадаги фикрий ва санойи инқилоб олдида ожиз қолишди. Уни олиш ёки олмаслик ҳақида қатъий бир қарорга келиша олмади. Улар илм, саноят ва илтиролар каби олишлари жоиз бўлган нарсалар билан ҳаётдаги нуқтаи назарни белгилаб берадиган фалсафа ва ҳаёт ҳақидаги дунёқараш каби олишлари мутлақо кераксиз нарсалар фарқини ажратолмадилар. Шу сабабдан улар бир жойда қотиб қолдилар. Бу фаолиятсизлик Европа қарвони юриб кетаётган бир пайтда мусулмонларнинг қарвони тўхтаб қолишига сабаб бўлди.

Ҳа, дарҳақиқат, Илом Усманийларга ноаниқ бўлиб, уни тўғри тушуна олмадилар. Айнан шу ноаниқлик умматни ҳам, давлатни ҳам - уларнинг душманлари муайян бир низомни маҳкам ушлаб, шу асосда яшаётган бир пайтда - ўзларидаги низомга эътибор бермасдан, тўғри келганча яшайдиган аҳволга тушириб қўйди. Европа муайян мабда (бу мабданинг ақидаси ва фалсафаси қандай бўлишидан қатъий назар) эгаси бўлиб қолди. Иломий уммат эса тўғри мабдага эга бўла туриб, хомхаёллар оғушида яшар, чунки иломий уммат бу мабда нотўғри татбиқ қилинаётган бир вазиятда яшар эди. Расулulloҳ ﷺ **«Мен сизларга Оллоҳнинг китоби ва суннатини қолдирдим. Агар уларни маҳкам ушласанглар асло адашмайсизлар»** деганларига, давлат ҳам, уммат ҳам Иломий эканлигига ҳамда фикрий ва фикрий бойликлар қўлларида бўлишига қарамасдан, давлат «Илом - ақида ва низом», деган асосда Иломнинг аслига

қайтиш учун мазкур ҳадиснинг маъносини тушунмади, ҳеч бир умматда бўлмаган ушбу бойликдан фойдаланмади.

Ҳа, Исломиё уммат бундан фойдаланмади. Чунки ижтиҳод ва фикрий фаолият тўхтаб қолгач, мусулмонларда Исломиё тушунчалар заифлашди, Исломиё билимлар тараққий этмади, китоблар ва илмиё бойликлар хазиналарда, кутубхоналарда чанг босиб ётаверди. Муфаккир олимлар ҳам жуда оз эди. Ҳақиқатлар устида изланишга бўлган қизиқиш сусайди. Билимлар давлатда ва ҳаёт майдонида уларга амал қилиш учун олинмас (чунки давлат буни қўллаб-қувватламас эди), балки олимлар илм ва сақофатдан ақлий дабдаба учун фойдаланишарди. Буни улар илм учун илм олиш деб аташарди. Шунингдек, илми дунё топиш учун ҳам оладиган бўлишди. Уларнинг ичида уммат ва давлатга наф етказиш учун илм оладиганлар эса жуда ҳам оз эди. Шу сабабдан илмиё, сақофиё ёки ташриёий (қонунчилик борасида) бирон ҳаракат юзага келмади. Бунинг оқибатида Исломиё тушуниш издан чиқди. Мусулмонлар Исломиё фикрий, сиёсий ва ташриёий дин деб тушунишдан кўра кўпроқ руҳий дин деб тушунадиган бўлиб қолдилар. Чунки уларга Исломиёнинг асл фикрати ва бу фикратни ижро қилиш тариқати ноаниқ эди. Бунинг натижасида улар Китоб ва Суннатни ноаниқ тушуна бошладилар, Исломиёга ақида ҳамда ҳаётнинг барча ишлари учун низом деб қараш ўрнига, уни бошқа динларга солиштириб, мана шу асосда Исломиёдаги устунликларни кўрсатадиган бўлишди. Шунинг учун Усмоиё Давлат раҳбарияти Европани қамраб олган иқтисодиё тараққиётдан, турли кашфиётлардан, саноат ривожланишидан таъсирланмасдан, қолоқ ҳолатда қолиб кетганига ажабланмаса ҳам бўлади. Таъсирланиш ўта жузёий бўлди. Унинг ҳеч қандай фойдаси бўлмади ва Исломиё Давлат учун моддий ривожланиш йўлларини очмади, ҳатто уни тушкунлик ва заифлик ботқоғига тортиб кетаётган қолоқлик аравасини тўхтатиб қолишга ҳам ёрдам бермади. Бунинг асл сабаби мусулмонларнинг илм ва сақофат билан ҳазорат ва маданият ўртасини ажрата олмаганликларидир. Шунинг учун булардан қай бирини танлашни билмай, гаранг бўлиб қолишди. Кўпчилик мусулмонлар бу нарсаларнинг барчаси Исломиёга зид дейишди ва шу сабабли уларни ҳаромга чиқаришди. Ҳатто босмахоналар пайдо бўлиб, Қурёони Каримни босиб чиқаришга қарор қилинганда фуқаҳолар бу ишни ҳаромга йўйишди. Фуқаҳолар ҳар қандай янгиликни ҳаром деб фатво чиқаришди, табиёий илмларни ўрганувчиларни эса кофир дейишди ҳамда барча муфаккирларни худосиз деб айблашди. Фақат озчилик бир жамоат ҳам бор эдики, улар Фарбдан ҳамма нарсани - илм, сақофат, ҳазорат ва маданиятни ҳам олишни зарур деб билишарди. Булар Европада ёки исломиё юртларга кириб келган миссионерлик мактабларида таълим олганлар эди. Дастлаб уларнинг ҳеч бир таъсири бўлмади. Омма Исломиё билан

Ғарбдаги илм, сақофат, ҳазорат ва маданият ўртасини мувофиқлаштириш фикрида эди. Дарҳақиқат, Усмоний давлатнинг охириги даврида «Ғарб ўз ҳазоратини Исломдан олган» ҳамда «Ислом ўзига мувофиқ бўлган нарсани олишдан ва ўзига зид бўлмаган нарсага амал қилишдан қайтармайди», деган мазмундаги фикр ҳукмрон эди. Ғарб бу фикрни тарқатишда катта самарага эришди. Ҳатто бу фикр ҳукмрон фикрга айланди ва уни омма, хусусан илм ўрганувчилар ва кўпчилик фуқаро ва олимлар кўтариб чиқишди. Уларни замонамиз олимлари ва ислоҳчилар деб аташар эди. Ғарб ҳазорати билан Ислом ҳазорати ўртасида ҳақиқий зиддият борлиги учун ҳамда Ғарб сақофати ва унинг ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарига тааллуқли маънолар билан Ислом сақофати ва унинг тариқатига тааллуқли маънолар ўртасида очиқ қарама-қаршилиқ борлиги учун Ислом билан Ғарб фикри ўртасини мувофиқлаштириб бўлмади. Бу ҳол уларни Исломдан узоқлашишларига ҳамда билиб-билмай Ғарб фикрларига яқинлашишларига олиб борди. Натижада улар бир томондан Ғарб фикрларини тушунишдан ожиз қолишса, иккинчи томондан Исломдан ҳам узоқлашиб кетишди. Бунинг илм, саноат ва кашфиётларга аҳамият бермасликда ҳамда Исломни нотўғри тушунишда катта таъсири бўлди ва уммат фикрларини палапартиш мажмуага айлантирди, давлатни эса муайян бир фикрда қатъий тўхташга кела олмайдиган ҳолатга солиб қўйди. Шунингдек, уммат илм, саноат ва ихтироларда намоён бўлган моддий тараққиёт сабабларини ушлашдан юз ўгиришига олиб борди. Натижада Исломий Давлат заифлашиб, ўзини ҳимоя қилишдан ожиз бўлиб қолди. Бу заифлик туфайли душманлар Исломий Давлатни бир чеккадан тақсимлаб ола бошладилар. Исломий Давлат эса бунга қарши ҳеч нарса қила олмасдан ожиз бўлиб тураверди. Миссионерлик ҳужуми илм номи билан уммат сафларини бузиб, исломий ўлкаларда фитна оловини ёқиб, умматнинг онгига синга бошлади. Исломий Давлат вужудини вайрон қилган ҳаракатлар муваффақият қозонди. Исломий Давлатнинг ҳамма ерида - Болқон, Туркия, араб мамлакатлари, Арманистон, Курдистон ва бошқа жойларда миллатчилик мафқураси пайдо бўлди. 1914 йил кириб келганда Давлат жар ёқасига келиб қолган эди. Шу аҳволда у биринчи жаҳон урушига кирди ва ундан мағлуб бўлиб чиқди. Сўнг у бутунлай йўқ қилинди. Шу тариқа Исломнинг давлати йўқ бўлди ва Ғарбнинг узоқ асрлар давомида тушига кириб келган орзуси - Исломий Давлатни йўқ қилиш нияти рўёбга чиқди. Исломий Давлат йўқотилиши билан бутун Исломий юртлардаги ҳокимият ғайриисломий бўлиб қолди. Мусулмонлар ғайриисломий байроқ остида яшай бошладилар. Ишлари издан чиқди, аҳволлари оғирлашди ва куфр низоми остида яшайдиган ҳамда куфр ҳукмлари билан бошқариладиган бўлиб қолишди.

МИССИОНЕРЛИК ҲУЖУМИ

Европа Исломи оламга илм номи билан миссионерлик ҳужумини бошлади ва бу иш учун катта маблағ ажратди. Бошқача қилиб айтганда, Европа илм ва инсонийликни парда қилиб миссионерлик йўли билан мустамлакачилик ҳужумига киришди. Бундан ғарб мустамлакачилигининг биринчи қадамлари бўлиши учун Исломи ўлкаларда сиёсий жосуслик ва сақофий мустамлакачилик марказлирини қуриш кўзда тутилди. Шу сабабдан бу мустамлакачилик учун майдон кенгайди, Исломи олам эшиги катта очилди ва исломи ўлкаларга миссионерлик жамиятлари тарқалди. Уларнинг энг катталари инглиз, француз ва америка жамиятлари эди. Вақт ўтиши билан бу жамиятлар миллатчилик ҳаракатларининг ўчоғи бўлиб қолди. Мусулмонлардан таълим олувчилар сафини кўпайтириб, араб ва турк миллатчилиги ҳаракатларини икки мақсадда бошқарди: Биринчиси, Ислом Давлатини бутунлай йўқ қилиш учун араб ўлкаларини исломи Усмони Давлатдан ажратиш. Улар бу Давлатни миллатчилик кайфиятини қўзғатиш мақсадида «Туркия» номи билан аташди. Иккинчиси, мусулмонларни ҳақиқий робиталаридан, яъни Ислом робитасидан узоқлаштириш. Мусулмонлар ўз ўрталарини боғлаб турадиган бундан бошқа робитани билмас эдилар. Ғарб биринчи мақсадини амалга оширди. Иккинчисига ҳали қўл урилмади. Шунинг учун турк, араб, форс ва бошқалардаги миллатчиликка бўлган йўналтиришлар мусулмонларнинг бирлигини бўлиб ташлайдиган ва мабдаларидан чалғитадиган қурол бўлиб қолаверди. Бу миссионерлик жамиятлари Исломи оламга катта таъсир кўрсатган бир неча даврни босиб ўтди. Ҳозирги кунда бошимиздан кечираётган заифлик ва қоқоқлик ана шу таъсирнинг оқибатидир. Чунки мустамлакачилик бизни уйғонишдан ва мабдаимиз бўлмиш Исломдан тўсиш учун тиклаган деворга қўйган биринчи ғишт миссионерлик жамиятлари эди. Европаликларни Исломи оламда миссионерлик жамиятларини ташкил қилишга мажбур қилган нарсаличилик юришларида мусулмонларнинг салобати ва жиҳод қилишга сабр-тоқатлари туфайли уларга етган мусибатлар эди. Яъни ғарбликлар жанг майдонида мусулмон билан тўқнаш келишганда ўз раъйларига кўра икки ишга суянишган, Исломни ва мусулмонларни бутунлай йўқ қилиш учун бу икки ишга катта аҳамият беришган эди. Улар қуйидагилар:

Биринчиси: Улар Ислом юртларида яшовчи насронийларга суянишди. Чунки Исломи ўлкаларда, хусусан Шомда насронийлар кўп бўлиб, ўз динларини маҳкам ушлашар эди. Ғарбликлар уларни диндош биродарлари ҳисоблашар ва бу урушларини диний уруш қилиб қўзғанлари сабабли, у насронийлар мусулмонларга қарши чиқади ва бизга ёрдам беради, деб ўйлашар эди.

Иккинчиси: Ўзларининг сонлари кўп, кучлари катталигига суянишди. Бу пайтда мусулмонлар ўртасида бирлик йўқ, вужудларида емирилиш жараёни бошланган эди. Салибчилар, агар мусулмонларни биринчи зарбада мағлуб қила олсак, ўзимизга то абад бўйсундириб оламиз ва уларни ҳам, динларини ҳам йўқ қилишимиз осон бўлади, деб ўйлашди. Лекин уларнинг бу фоллари тескари ва тахминлари нотўғри бўлиб чиқди. Урушларда насроний араблар мусулмонлар билан елкама-елка туриб жанг қилаётганларини кўришганда қанчалар ҳайратга тушишганини айтмаса ҳам бўлади. Исломиёй ўлкаларда яшовчи насронийларга салибчиларнинг чақириқлари таъсир қилмади. Улар мусулмонлар билан ёнма-ён жанг қилар эдилар. Чунки улар Дорул-Исломда яшашар ва уларга ҳам Ислом низоми татбиқ этилар эди. Мусулмонлар учун берилган ҳуқуқлар уларга ҳам берилган, мусулмонлардан талаб қилинадиган нарсалар улардан ҳам талаб қилинар эди. Мусулмонлар насронийлар таомидан ер, мусулмон киши насроний аёлга уйланар ва унинг қариндошлари билан қуда-андачилик қилар эди. Мусулмонлар билан насронийлар ҳаёт майдонида ҳамжиҳатликда яшашар эди. Зеро, Ислом улар учун ҳам барча ҳуқуқларни кафолатлаган эди. Халифалар ва ҳокимлар шунга амал қилишарди. Ибн Ҳазм айтади: «Душманлар юртимизга бостириб келиб, ҳимоямизда турган зиммийларга ҳужум қилган пайтда уларни ҳимоя қилиб жон беришимиз, уларнинг бизнинг устимиздаги зиммийлик ҳақларидир. Бу ўринда суғлиқ қилишнинг ҳар қандай қўриниши зиммийлик ҳақларига эътиборсиз қараш бўлади». Қарофий айтади: «Зиммийларнинг заифларига меҳр-муруват кўрсатиш, фақирларининг эҳтиёжларини қондириш, очларини тўйдириш, яланғочларини кийинтириш, уларга мулоим сўзлар айтиш, қўрқиб ёки улуғлаб эмас, меҳрибонлик қилиб зиммий қўшнининг озорларига - қайтаришга қурби етса ҳам - индамаслик, уларнинг ҳамма ишларига холис хайрихоҳ бўлиш, уларга озор бермоқчи бўлганларни қайтариш, уларнинг моллари, оиласи, обрўси, барча ҳуқуқ ва манфаатларини сақлаш, улар билан муомалада гўзал ахлоқда бўлиш мусулмоннинг зиммийлар олдидаги бурчидир». Буларнинг барчаси насронийларни табиий равишда мусулмонлар билан муодофаада иштирок эттирди.

Салибчилар иккинчи ўйлаган ишларини рўёбга чиқмаганини кўришгач ҳайратга тушишди. Бу шундай бўлди: Салибчилар Шомни қўлга киритишди. Мусулмонлар мағлуб бўлдилар. Салибчилар мусулмонларнинг ерларини босиб олиб, ундан уларни сургун қилиш ваҳшийлигини биринчи бўлиб татбиқ этишди (улар ҳозирги вақтда ҳам шу йўлни қўллашмоқда - буни Фаластин мисолида кўришимиз мумкин). Шундан кейин улар иш аниқ бизнинг фойдамизга ҳал бўлди, энди мусулмонлар ҳеч қачон оёққа туриша олмайди, деб ўйлашган эди. Лекин мусулмонлар ўз юртларидан салибчиларни

қувиб чиқариш мақсадларидан бир лаҳза ҳам воз кечишмади. Салибчилар мусулмонларнинг ерларида икки асрга яқин туриб, амириклар барпо қилишганига қарамасдан, мусулмонлар уларни мағлубиятга учратиб, қувиб чиқаришди.

Фарбликлар бунинг сири нимада эканини излашди ва сир Исломда деган хулосага келишди. Чунки Ислом ақидаси мусулмонлардаги бу улкан қувватнинг манбаи эди. Ислом ҳукмлари ғайридинларга ҳам ҳуқуқларини тўла кафолатлаган эди. Мана шундан халқ ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик пайдо бўлган эди. Шунинг учун мустамлакачи кофир Исломиё оламга ҳужум қилишнинг йўлини ўйлаб, охири насронийларни ўз тарафларига оғдириш, мусулмонларда Ислом динига нисбатан шубҳа уйғотиш ва ақидаларини заифлаштиришнинг энг мақбул йўли миссионерлик орқали сақофий ҳужум йўли эканини кашф этди. Бу билан улар мусулмонлар билан Исломиё Давлатнинг бошқа фуқаролари ўртасини бузиб, мусулмонларнинг қувватини заифлаштира олар эдилар.

Салибчилар бу режаларини амалга ошириб, XVI аср охирида Мальтада миссионерлик учун катта марказ ташкил этишди. Уни Исломиё оламга миссионерлик ҳужумлари учун база қилишди. Чунки мана шу ердан миссионерлик кучлари юборилар эди. Улар бу ерда ўрнашиб олиб, бир қанча вақт шу ерда туришгач, фаолиятларини кенгайтириш зарурлигини ҳис қилишди. Шунинг учун 1625 йили Шомга кўчиб ўтишди ва миссионерлик ҳаракатларини вужудга келтиришга киришишди. Бироқ, уларнинг фаолиятлари жуда ҳам чекланган бўлиб, кичик мактаблар ташкил қилиш ва баъзи бир диний китоблар чиқаришдан нарига ўтмади. Қувғин, юз ўгириш, ҳамма томондан қаршиликка учраш каби машаққатларни бошларидан кечиришди. Лекин шундай бўлса ҳам, улар 1773 йилгача собит туришди. Чунки шу йили ясуъий (иезуит)ларнинг миссионерлик жамиятлари бекор қилинди ва барча миссионерлик муассасалари беркитилди. Фақат озорий миссионерлар жамияти каби заиф жамиятларгина қолди. Булар мавжуд бўлишига қарамасдан, Мальтадан бошқа жойларда то 1820 йилгача миссионерлар ва миссионерликнинг бирор изи қолмади. Шу йили Байрутда миссионерликнинг биринчи маркази ташкил қилинди ва шу ерда миссионерлар ўз фаолиятларини бошлаб юборишди. Улар катта қийинчиликларга дуч келишди. Бу қийинчиликларга қарамасдан, ўз фаолиятларини тўхтатишмади. Улар энг аввало эътиборларини диний миссионерликка ва диний сақофатга қаратишди. Таълимга эса унча эътибор беришмади. 1834 йили Шомнинг барча ўлкаларида миссионерлик ташрифлари кенг қулоч ёйди. Ливаннинг Антура қишлоғида университет очилди. Америка миссионерлик маркази китоб босиб тарқатиш учун босмаҳонасини Мальтадан Байрутга кўчирди. Америкалик машҳур миссионер Эйли Смит очиқ фаолият

кўрсата бошлади. Бу миссионер Мальтада кўнгилли бўлиб шуғулланар ва босмаҳонага бошчилик қиларди. 1827 йили Байрутга келди. Лекин бир йил ҳам ўтмасдан, у мусулмонлардан чўчий бошлади ва ишнинг муваффақиятсизлигидан зерикиб, яна Мальтага қайтиб кетди. Кейин 1834 йили яна Байрутга келди ва хотини билан аёллар учун мактаб очди. Унинг олдида майдон кенгайди. У ўз ҳаётини хусусан Байрутда, умуман эса бутун Шом ўлкасида ишлашга бағишлади. Шундай қилиб, бу меҳнатларнинг барчаси миссионерлик ҳаракатларини юргизиб юборишга ёрдам берди. Иброҳим бошо Мисрдаги (Францияда қўлланадиган бошланғич таълим программаларидан олинган) таълим программасидан кўчирилган бошланғич таълим программасини Сурияда татбиқ қилиши миссионерлар учун қулай фурсат бўлди. Улар бу фурсатни ганимат билиб, таълим ҳаракатига миссионерлик нуқтаи назаридан ўз ҳиссаларини қўшишди. Кейин матбаачилик ҳаракати ёйилди. Бу билан миссионерлик ҳаракати кучайди ва таълим ҳаракатида очиқ иштирок эта бошлади. Улар ўз фаолиятлари орқали диний эркинлик номи билан Исломий Давлат фуқаролари ўртасида ўзаро адоват қўзғата олишди. Мусулмонлар, насронийлар ва дурузлар ўртасида ақидага боғланиб кетадиган диний фаолиятни вужудга келтиришди.

Иброҳим бошо 1840 йили Шомдан кетгач, у ерда нотинчлик, қонунга бўйсунмаслик ва тартибсизликлар кенг тарқалди. Одамлар ўртасида бўлиниш кучайди. Чет эл делегациялари, хусусан миссионерлик жамиятлари аъзолари Усманий Давлатнинг Шомда нуфузи заифлашиб қолганидан фойдаланиб, халқ орасида фитна ўтини ёқа бошладилар. Натижада 1841 йили Ливан тоғларида насронийлар ва дурузлар ўртасида қонли тўқнашувлар юз берди ва катта кўнгилсизликларни келтириб чиқарди. Ҳатто Усманий Давлат - ажнабий давлатлар таъсирида - Ливан учун янги низом ишлаб чиқишга мажбур бўлди. Бу низомга кўра, у икки қисмга ажратилиб, бирида насронийлар, иккинчисида дурузлар ҳукмронлик қиладиган бўлди. Ҳар икки қисм учун ҳам ҳоким тайинланди. Бу билан давлат бу икки тоифа ўртасидаги тўқнашувларни тинчлантиришни хоҳлаган эди. Лекин бу низом табиий бўлмагани учун наф бермади. Англия ва Франция бу ихтилофларга аралашишди. Ҳокимлар қачон фитнани тинчлантиришга ҳаракат қилишса, Англия ва Франция уни яна алангалатиб юборар эди. Инглиз ва французлар тоифалар ўртасидаги бу нотинчликларни Ливан ишларига аралашиш учун баҳона қилишди. Французлар морунийлар тарафига, инглизлар эса дурузлар тарафига ўтишди. Бу нарса 1845 йили нотинчликлар яна ҳам даҳшатли тус олишига сабаб бўлди. Черков ва ибодатхоналарга ҳам тажовуз қилинди. Талон-тарож, дорга осиш, ўлдириш каби ёвузликлар авж олди. Бу ҳол Усманий ҳукуматни ташқи ишлар номирини Ливанга юборишга мажбур қилди. Унга фитнани

тинчлантириш учун катта ҳуқуқлар берилди. Лекин у ҳолатни биров юмшатган бўлса ҳам, айтарли бирор иш қила олмади. Бироқ, миссионерларнинг фаолияти кучайиб кетди. 1857 йили морунийлар тоифасида қўзғолон ва қуролли тўқнашувлар уюштириш фикри пайдо бўлди. Морунийларнинг диний раҳбарлари насроний дехқонларни дурузлардан иборат ер эгаларига қарши қайрашди. Англия ва Франция ўз жамоаларини - инглизлар дурузларни, французлар эса насронийларни қўллаб-қувватлашди. Шу сабабдан фитна кенгайиб, бутун Ливанни қамраб олди. Дурузлар барча насронийларни ёппасига ўлдира бошлашди. Бу ваҳшийликлар оқибатида минглаб насронийлар ўлдирилди ва қувғин қилинди. Кейин нотинчликлар Шомнинг бошқа ўлкаларига ҳам ўтди. Дамашқда мусулмонлар ва насронийлар ўртасида адоват тўлқинлари қўзғалди ва 1860 йили июль ойида мусулмонларнинг насронийлар маҳаллаларига бостириб кириб, мудҳиш хунрезлик қилишларига олиб борди. Хунрезликлар билан бирга уй-жойлар вайрон қилинди. Натижада давлат фитнани куч билан бостиришга мажбур бўлди. Нотинчликлар тўхтаб, ниҳоясига етганига қарамасдан, Фарб давлатлари бу ҳолатни ўзлари учун Шом ўлкаларининг ички ишларига аралаштиришга йўл очиб берадиган қулай фурсат, деб билишди ва ҳарбий кемаларини унинг соҳилларига юборишди. Шу йилнинг август ойида Франция пиёда аскарларидан ташкил топган қўшин жўнатди. Қўшин Байрутга тушиб, қўзғолонни бостиришга киришди. Шундай қилиб, Фарб давлатлари Сурияда Исломиё Давлатнинг ишларига аралаштиришга баҳона бўладиган фитналар юз берди. Натижада, улар Исломиё Давлатнинг ишларига аралаштиришди ва Исломиё Давлатни Сурияни икки вилоятга бўлиб юборадиган ўзига хос низом ишлаб чиқишга кўнишга ҳамда Ливанга имтиёзлар беришга мажбур қилишди. Шундай қилиб, Ливан Шом ўлкаларининг бошқа қисмларидан ажратилиб, унга мухторият мақоми берилди. Ливанда бошқарувнинг маҳаллий низомидан фойдаланиладиган ва уни аҳоли вакилларидан ташкил топган идорий мажлис ёрдамида масиҳий ҳоким бошқарадиган бўлди. Шу вақтдан бошлаб чет давлатлар Ливаннинг ишларига аралаштиришди. Уни ўзлари учун марказ қилиб олишди. Шундай қилиб, Ливан ажнабийлар Усмоний Давлатнинг ва Исломиё юртларнинг ичига кириб бориши учун кўприк бўлиб қолди.

Шу пайтдан бошлаб миссионерлик ишлари мисли кўрилмаган кўлам касб этди. Миссионерлар мактаблар ҳаракати, миссионерлик ишлари, босмаҳоналар ва шифоҳоналарнинг ўзи билан кифояланмасдан, жамиятлар ташкил қилишга ўтишди. 1842 йили Америка ваколатхонаси бошчилигида унинг программаси асосида илмий жамият ташкил қилиш учун бир қўмита тузилди. Бу қўмита беш йил фаолият кўрсатди ва 1847 йилга келиб «Илм ва фанлар жамияти» номли жамият ташкил қилишга эришди. Унинг аъзолари

Носиф Ёзижий ва Бутрус Бустоний, булар Ливан насронийларидан бўлиб, жамият уларни араб насронийларидан деган эътиборда олган эди, америкаликлардан Эйли Смит ва Корнелиус ван Дик, инглизлардан эса Колонел Черчиллар эди. Бу жамиятнинг мақсадлари бошида ноаниқ эди. Лекин катталар ва ёшлар ўртасида илм тарқатиш кўринишида иш олиб борарди. Катталарга ҳам, ёшларга ҳам миссионерлик режаларига мувофиқ кўрсатмалар асосида Ғарб сақофати билан сақофат бериларди. Бу жамият аъзоларининг саъй-ҳаракатларига ва жуда катта куч сарфлашларига қарамасдан, икки йил давомида бу жамиятга бутун Шом ўлкаларидан фақат элликта аъзо қўшилди, холос. Уларнинг ҳаммалари насронийлар бўлиб, кўпчилиги Байрут аҳолисидан эди. Жамиятга мусулмонлар ёки дурузлардан бирор аъзо қўшилмади. Бу жамиятни кенгайтириш ва фаолиятини кучайтириш учун жуда катта меҳнат сарфланди, лекин бу меҳнатлар самара бермади. Беш йил фаолият кўрсатгандан кейин бу жамият миссионерларда жамиятлар ташкил қилишга қизиқишдан бошқа бирор из қолдирмасдан тугатилди. Шунинг учун 1850 йили «Шарқий жамият» номли бошқа жамият ташкил этилди. Уни ясуъийлар ясуъий папа француз Генри Добрунер бошчилигида ташкил қилишди. Унинг барча аъзолари насронийлардан эди. У ҳам «Илм ва фанлар жамияти» йўлидан юрди. Лекин узоқ яшамади ва биринчи жамиятнинг ортидан у ҳам ёпилди. Кейин бир нечта жамиятлар ташкил этилди, бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам тўла муваффақиятсизликка учради. Охири 1857 йилда янгича услубда бир жамият ташкил қилинди. Унга ажнабийлардан ҳеч кимни киритмасликка эътибор қаратилди. Зеро, унинг барча асосчилари араблардан эди. Бу билан ушбу жамият ўз аъзолари сафига айрим мусулмонлар ва дурузларни ҳам араб деган эътиборда қўшишга маваффақ бўлди. Бу жамият «Сурия илмий жамияти» номи билан ташкил топди. У саъй-ҳаракатлари арабий кўринишда кўрингани ва ғарбликлардан бирорта ҳам аъзоси йўқлиги туфайли одамларга таъсир кўрсата олди. Натижада, унга кўпчилик қўшилди ва аъзолари сони 150 кишига етди. Бу жамиятнинг бошқарув ҳайъати аъзолари ичида араблардан кўзга кўринган шахслар бор эди. Дурузлардан Муҳаммад Арслон ва мусулмонлардан Ҳусайн Байҳам ана шулар жумласига киради. Шунингдек, унга турли тоифалардан насроний араблар қўшилди. Уларнинг ичида Иброҳим Ёзижий ва Бутрус Бустонийнинг ўғли каби машҳур шахслар бор эди. Бу жамият бошқа жамиятлардан кўра кўпроқ яшади. Унинг дастурида турли тоифалар ўртасини яраштириш ва дилларда араб миллатчилиги туйғуларини уйғотиш ҳам бор эди. Лекин унинг махфий мақсади илм номи билан миссионерлик мустамлакачилиги бўлиб, бу нарса Ғарб сақофати ва ҳазоратини тарқатишида намоён бўлиб қолар эди. Кейин 1875 йили Байрутда яширин бир жамият ташкил топди. У ўз фаолиятини

сиёсий мафкура асосига қурди. Бинобарин, араб миллатчилиги мафкурасини ёя бошлади. Уни ташкил қилганлар Байрутдаги протестант университетида таълим олган беш нафар ёш эди. Улар миссионерлик ташкилотлари таъсир қила олган насронийлардан эди. Маълум вақт ўтгач, улар ўз жамиятларига бир неча одамни қўша олдилар, холос. Бу жамият араб миллатчилигига, арабларнинг - хусусан Сурия ва Ливанда - сиёсий мустақиллигига чақираётган бўлса ҳам, лекин қилаётган ишларида, дастурларида ва у ҳақидаги хабарларда дилларга ноаниқ интилишлар ва мубҳам орзу-умидларни солишни мақсад қилаётгани маълум бўлди. Бу жамият араблаштириш ва миллатчиликка чақирар, Усманий Давлатга қарши душманликни қўзғар ва уни «Туркия» деб атар, динни давлатдан ажратиш ва араб миллатчилигини асос қилиш учун иш олиб борар эди. Бу жамият араб миллатчилиги тўнини кийиб олган бўлса ҳам, унинг раҳбарлари чиқараётган варақаларига кўпинча «Туркия»га туҳматларни, яъни - уларнинг таъбирича - «Туркия» араблардан халифаликни зўрлик билан тортиб олган, Ислоннинг покиза шариатига тажовуз қилган ва динда сустлик кўрсатган, деган туҳматларни қўшиб юборишар эди. Бу нарсалар унинг ташкил топишидан асл мақсади Ислоний Давлатга қарши ғалаёнлар қўзғаш, Ислон динига нисбатан мусулмонларда шубҳалар уйғотиш ва ғайриисломий асосда сиёсий ҳаракатлар ташкил қилиш эканини кўрсатиб берди. Буни ушбу ҳаракатларни ғарбликлар ташкил қилгани, уларни кузатиб ва бошқариб туришгани, уларга жиддий аҳамият беришгани, улар ҳақида ўз хулосаларини ёзиб туришгани ҳам тасдиқлайди. Масалан, Британиянинг Байрутдаги консули ўз ҳукуматига 1880 йил 28 июлда жўнатган телеграммасида шуларни ёзади: «Қўзғолонга чақирган варақалар пайдо бўлиб қолди. Уларни Мидҳат чиқарганга ўхшайди. Ҳозирча вазият тинч. Тафсилотлар почта орқали юборилади». Бу телеграммага мазкур жамиятнинг кўчаларда ўз варақаларини тарқатгани ва Байрутда деворларга ёпиштириб ташлагани туртки бўлган эди. Бу телеграмма ортидан Британия ҳукуматига унинг Байрут ва Дамашқдаги консулларидан яна бир неча хатлар келди. Бу хатларга жамият тарқатаётган варақалардан нусхалар қўшиб жўнатилар эди. Бу хатлар протестант университетида вужудга келиб, Шом ўлкаларида фаолият олиб бораётган ушбу ҳаракат ҳақидаги хулосалар ўрнида эди. Усманий Давлатдан мустақил бўлиш ҳаракатлари бошқа араб ўлкаларида ҳам бўлса-да, Шомда очиқ олиб борилар эди. Бунга Жиддадаги Британия вакили 1882 йили ўз ҳукуматига арабларнинг ҳаракатлари ҳақида ёзган мактубида келган ушбу сўзлар далолат қилади: «Менга етиб келган маълумотларга қараганда, баъзи бир зеҳнлар, ҳатто Макканинг ўзида ҳам, ҳуррият фикри билан ҳаракатга келиб қолган. Айрим ишораларни эшитиб шундай фикрга келдим: - икки дарё

оралиғидаги ўлкаларни, яъни Ироқ жанубини Нажд ўлкаси билан бирлаштириб, унга Мансур бошони амир қилиш ва Асир вилоятини Яман билан бирлаштириб, унга Алий ибн Обидни амир қилиш ҳақида режа тузилган». Бу ҳаракатларга фақат инглизлар эмас, балки французлар ҳам катта аҳамият беришди. 1882 йили Байрутдаги французлардан бири ёзган мактуб Франция қай даражада аҳамият берганини кўрсатади: «Истиқлол руҳи ҳамма ёқни қамраб олган. Байрутда турган пайтимда мен мусулмон ёшларнинг мактаб ва шифохоналар қуриш, мамлакатни уйғотиш учун ҳаракат қиладиган жамиятлар ташкил қилишга қизиқишлари нақадар катталигини кўрдим. Бу ҳаракат тоифачиликнинг ҳар қандай таъсирларидан узоқлиги - унинг эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатидир. Зеро, бу ҳаракат ўз аъзолари сафига насронийларни ҳам қабул қилишни ва миллий озодлик ишларида уларнинг ёрдамига суянишни мақсад қилган». Бошқа бир француз Бағдоддан қуйидагиларни ёзган: «Ҳамма жойда «туркларни ёмон кўриш» туйғусига дуч келиш мумкин. Аммо бу зулмни улоқтириб ташлаш учун муштарак ҳаракат қилиш фикри ҳали шаклланиш даврида турибди. Яқинда пайдо бўлган араб мустақиллиги ҳаракати шарпалари узоқ уфқда кўринмоқда. Шу кунгача мустақил бўлмаган бу халқ тез кунларда Ислом оламидаги ўзининг табиий ўрнини ҳамда бу оламнинг келажagini белгилашда қатнашишни талаб қилиб чиқади». Дин ва илм номи билан миссионерлик ҳужумларига фақат инглизлар, французлар ва америкаликлар эмас, балки бошқа ғайриисломий давлатлар ҳам катта аҳамият беришди. Россия императорлиги ҳам миссионерлар жўнатди. Шом ўлкаларига Пруссия (Германия)дан роҳибалардан ташкил топган миссионерлар келишди. Турли давлатлардан келган барча миссионерлар ўзаро ҳамжиҳатлик билан иш олиб боришди. Миссионерлик ташрифлари билан ғарбликларнинг делегациялари ўртасида давлатлараро манфаатлар эътиборида сиёсий дастурларига нисбатан қарашларида қарама-қаршилик бўлса ҳам, бироқ умумий мақсадда ҳамжиҳат эдилар. Мақсад эса, христиан динига даъват қилиш, Шарқда ғарбликлар сақофатини ёйиш, мусулмонларда динларига нисбатан шубҳа уйғотишдан то уларни ўз динларидан нафратланидиган, ўз тарихларини оёқ ости қиладиган ҳамда Ғарбни ва унинг ҳазоратини улуғлайдиган қилишдан иборат эди. Шу ишлар билан бирга миссионерлар ва барча европаликлар Исломга ва мусулмонларга қаттиқ адоват ва нафрат билан қарашар, мусулмонларни «қолоқ барбар»лар деб ҳисоблашар эди. Шундай қилиб, ғарбликлар Исломий оламда олиб борган фаолиятлари натижасида, кўриб турганимиздек, куфр ва мустамлакачиликни юртларимизда ўрнатишга эришди.


САЛИБЧИЛАР АДОВАТИ

Француз олимларидан бири Алконт Хенри Декастре 1892 йилда ёзган «Ислом» номли китобида айтади: «Билмадим, агар мусулмонлар ўрта асрларда ёзилган қиссалардан хабардор бўлишса, христианларнинг қўшиқларидаги маъноларни тушуниб қолишса, нима дейишар экан? Чунки бизнинг барча қўшиқларимиз, ҳатто XII асрдан илгари пайдо бўлганлари ҳам салибчилик урушларига сабаб бўлган битта фикрдан келиб чиққан. Уларнинг ҳаммаси ҳам мусулмонларнинг динидан том маънода беҳабарлик оқибатида мусулмонларга нисбатан гина-адоват билан тўла. Бундай қўшиқлар натижасида ақлларда Ислом динига қарши ана шундай қиссалар, зеҳнларда хато тушунчалар мустаҳкам ўрнашиб қолди. Уларнинг баъзилари ҳозиргача ақлларда ўрнашиб турибди. Бу қўшиқларни тўқиганларнинг ҳаммаси мусулмонларни мушрик, мўмин эмас, бутларга ибодат қилувчилар ва диндан чиқиб кетганлар деб ҳисоблашар эди». Ўрта асрларда Европада насроний дини раҳбарлари томонидан мусулмонлар ва уларнинг дини ана шундай сифатланар эди. Бу сифатлар мусулмонларга қарши адоват уйғотиш. насроний оламини қўзғатиш учун ишлатилди ва натижада салибчилик урушлари бўлди. Уруш тугагандан бир неча аср ўтгач, мусулмонлар XV асрда Фарбга ҳужум қилишди. Бу даврда Исломий Давлат Константинополни фатҳ этди. Кейин XVI асрда Европанинг жануби ва шарқини фатҳ қилиб, у ерларга Исломни олиб кирди. Бу фатҳлар натижасида Албания, Югославия, Болгария ва бошқа жойлар аҳолисидан миллионлаб одамлар Оллоҳнинг динига кирдилар. Бу ҳол салибчиларнинг адовати янгиланишига сабаб бўлди ва «Шарқий масала» юзага келди. «Шарқий масала» исломий қўшинларни қайтариш, исломий фатҳни тўхтатиш ва мусулмонларнинг хатарини даф қилиш учун Европага ёрдам беришни англатар эди. Исломга ва мусулмонларга нисбатан европаликларнинг қалбида чуқур ўрнашган мана шу адоват Европадаги барча насронийларни мактаблар, шифохоналар, жамиятлар номи билан Ислом оламига миссионерлик ҳаракатларини қўллашга ундади. Шунингдек, бунга беҳисоб маблаг ва куч сарфлашга, манфаатлари ва сиёсатлари бир-бирига зид бўлса ҳам, бу борада ҳамфикр бўлишга, бу иш учун давлатлари ва халқларини бирлаштиришга, бу ишни консуллари ва элчихоналарининг ҳам асосий вазифасига айлантиришга ундади.

Фарбликларнинг, хусусан инглизларнинг қалбларида мана шу яширин салибчилик адовати ва жирканч гиналар мусулмонларга қарши ушбу жаҳаннамий режаларни пайдо қилди, ўз юртимизда мана шундай хорланишимизга сабаб бўлди. Лорд Алленби 1917 йили инглизлар Қуддус шаҳрини босиб олгач, шаҳарга кирәтиб: «Ниҳоят бугун салибчилик урушлари тугади», деб айтганлари унинг қалбидаги

гапларнинг ҳамда кин-адовати қанчалар қаттиқлигининг аниқ ифодасидир. Шунингдек, бу ифода мусулмонларга қарши сақофий ёки ҳарбий урушга кираётган ҳар бир европалик қалбидаги маразнинг ифодасидир.

Оллоҳ Таоло айтади:

 وَدُّوا مَا عَشِيْتُمْ قَدْ بَدَتِ الْبَغْضَاءُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ وَمَا تُخْفِي صُدُورُهُمْ أَكْبَرُ

– „Эй мўминлар, уларнинг сизларни ёмон кўришлари оғизларидан ошкор бўлди. Дилларидаги адоватлари эса янада каттароқдир“.[3:118]

Лорд Алленбининг оғзидан чиққан гаплар мусулмонларни ҳақиқий ёмон кўришини ифодалайди. Унинг давлати Британия сир тутаётган нарсалар эса, шаксиз, ундан кўра каттароқдир. Ҳар бир европаликнинг қалбидаги нарсалар ҳам шундай. Бу адоват салибчилар давридан то шу кунимизгача давом этиб келмоқда. Биз дуч келаётган қувғинлар ва хорликлар, мустамлакачилик исканжаси ва бойликларимизнинг талон-тарож қилиниши ҳамда булардаги сиёсий жиҳатлар биз мусулмонлардан олинаётган интиқомдир.

Профессор Леополд Вайс «Ислом йўлнинг айрилиш жойида» китобида ёзади: «Исломий, хусусан арабий манбалардан жуда кенг кўламда мадад олиб амалга оширилган Европадаги уйғониш ёки илм ва фанни тирилтиришнинг сабаби асосан Шарқ ва Ғарб ўртасидаги моддий алоқаларга бориб тақалади. Бундан Европа кўпроқ фойдаланиб қолди. Лекин Европа бу яхшиликни билмади. Билганда, Исломга бўлган адоватидан воз кечарди. Бироқ, иш аксинча бўлди, яъни бу адоват замонлар ўтиши билан ўсиб улғайди, сўнг одатга айланди. Дарҳақиқат, қачон мусулмон сўзи зикр қилинса, миллий туйғуларни бу адоват қамраб олар эди. Бу адоват уларнинг мақолларида ҳам ишлатиладиган бўлди. Шундай қилиб у, эркакми, аёлми ҳар бир европаликнинг қалбидан жой олди. Бундан ҳам ажабланарлиси, бу адоват сақофий тараққиётнинг барча даврларидан кейин ҳам йўқолмади. Кейин Европа турли фирқаларга бўлиниб кетган ва ҳар бир фирқа бошқа ҳар қандай фирқага қарши қилич яланғочлаган бир пайтда диний ислоҳ даври келди. Бироқ, Исломга адоват бутун Европада оммавий эди. Шундан кейин диний туйғулар йўқолган давр бошланди. Лекин шунда ҳам Исломга адоват йўқолмади. Бунга ёрқин мисол қилиб XVIII асрда яшаган француз файласуфи ва шоири Волтерни келтириш мумкин. У насроний дини ва черковининг ашаддий душманларидан эди. Шу билан бир вақтда Исломни ва унинг пайғамбарини ҳам жуда ёмон кўрар эди. Бир неча асрлар ўтгач, ғарб олимлари ажнабий сақофатларни ўрганиб, уларга хайрихоҳлик билан қарайдиган замон келди. Аммо Исломга алоқадор масалаларда эса, олдингиларга тақлид қилиб ҳақорат назари билан қараш уларнинг илмий изланишларига ҳам сингиб кетди. Европа билан Ислом олами ўртасида тарих қазиган кўрфаз устига кўприк

қурилмай қолаверди. Кейин Исломга ҳақорат билан қараш европаликлар тафаккурининг асосий ва ажралмас қисмига айланди». Юқорида айтиб ўтилган миссионерлик жамиятлари мана шу асосда барпо бўлди. Шунинг учун бу жамиятлар мусулмонларни насроний динига тарғиб қилишни, уларда Исломга нисбатан шубҳалар уйғотишни, уларни динларидан нафратлантиришни, заифликларининг асосий сабаби қилиб кўрсатишни ҳамда сиёсий мақсадларни ҳам кўзлашган эди. Шунинг учун уларнинг ҳам сиёсий, ҳам шубҳага солиш жиҳатлари даҳшатли натижалар берди. Миссионерлик ҳаракатлари одамларни Оллоҳнинг йўлидан тўсиш ва мусулмонларни динларидан узоқлаштириш мақсадида Исломни айблаш ҳамда у ва унинг ҳукмлари атрофида муаммо ва шубҳалар кўзгаш орқали Исломни йўқ қилиш асосида ташкил этилган эди. Бу миссионерлик ҳаракатлари ортидан айнан шу мақсадни кўзлаган ва шу услубни қўллаган шарқни ўрганиш ва шарқшунослар ҳаракати юзага келди.

Европадаги бор куч солибчилик урушларида бирлаштирилди. Бу урушни Европа аввало сақофий жиҳатдан Ислом ҳукмлари ва олий ғояларини бузиб кўрсатиш, фикрларини чалғитиш ҳамда ажнабийлар илмий изланиш ва илмий ҳақиқат номи билан мусулмонларга уларнинг тарихи ва Ислом ҳақидаги айтаётган гаплари орқали уларнинг ақлларини заҳарлаш учун бошлади. Бу заҳар сақофий бўлиб, солибчилик урушларидан кўра хатарлироқ эди. Миссионерлар бу заҳарлашни илм ва инсонпарварлик номи билан амалга оширишган бўлса, шарқшунослар шарқни ўрганиш номи билан амалга оширишди. Профессор Леополд Вайс айтади: «Ҳақиқат шуки, янги асрдаги биринчи шарқшунослар Исломий ўлкаларда ҳаракат қилаётган насроний миссионерлар бўлишган. Улар Ислом таълимотлари ва тарихини бузиб кўрсатган сурат европаликларнинг «Бутпарастлар», яъни мусулмонларга бўладиган муносабатларини белгилаб беришни кафолатлайдиган асосда ишлаб чиқилган эди. Шарқшунослик илмлари миссионерлик нуфузларидан озод бўлган ва бу илмлар учун уларни нотўғри йўналтириб юбораётган жоҳилона диний ҳамият деган узр қолмаган бўлса ҳам, бундай ақлий оғишлар давом этмоқда. Аммо шарқшуносларнинг Исломга ҳужум қилишларига келсак, бу аввалгилардан мерос бўлиб қолган ғариза ва солибчилик урушлари пайдо қилган асоратларга асосланган табиий хусусиятдир». Мерос бўлиб қолган бу адоват мусулмонларга қарши ғарбликларнинг қалбларида ҳанузгача кин-адоват ўтларини ёқмоқда ва Исломни, ҳатто мусулмонларнинг юртларида ҳам, уларнинг ўзларига ва бошқаларга инсониятни қўрқувга солувчи нарса ёки инсониятнинг тараққиётига барҳам берадиган даҳшатли ола бўжи қилиб тасвирлашмоқда. Бу билан улар Исломдан ҳақиқатда қўрқишаётганини яширишмоқда. Зеро, Ислом қалбларда ўрнашса, мусулмон оламидан мустамлакачи кофирнинг ҳукмронлиги йўқолади

ва Исломий Давлат бутун оламни ҳақ йўлга даъват қилишни яна йўлга қўяди. Иншааллоҳ, бу нарса албатта бўлажак! Бу эса бутун инсоният учун ҳам, Ғарб учун ҳам фойдадир. Миссионерларнинг ва бошқаларнинг бутун ҳаракатлари уларнинг қалбларидаги аламга айланиб қолади.

Оллоҳ Таоло марҳамат қилади:

﴿ ۞ ﴾ إِنَّ الدِّينَ كَفَرُوا يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ لِيَصُدُّوا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ فَسَيُنْفِقُونَهَا ثُمَّ تَكُونُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةً ثُمَّ يُغْلَبُونَ

– „Албатта кофирлар мол-дунёларини Оллоҳнинг йўлидан тўсиш учун ишлатурлар, бас, улар сарфлайдилар-у, сўнгра ўша моллари ўзларига ҳасрат бўлур. Сўнгра мағлуб бўлурлар“. [8:36]

Мерос бўлиб қолган бу адоват доимо Ислом ва мусулмонларга қарши ҳар қандай ҳаракатни қўллаб-қувватламоқда. Ғарблик олим мажусийлик, ҳиндийлик ёки коммунистик оқимлар устида изланиш олиб борса, унинг изланишларида душманлик, бирор таассуб ёки адоватни кўрмайсиз. Агар Ислом устида изланиш олиб борса, мусулмонлар мағлуб, мустамлакачи кофир ғолиблигига қарамасдан, унинг бу изланишларида душманлик, адоват ва нафрат аломатлари яққол кўзга ташланади. Ғарблик черков кишилари - улар орқасидан мустамлакачилар - ҳануз Исломга қарши турли ҳаракатларни намоеън қилиб келмоқдалар, чарчоқ билмай Ислом ва мусулмонлар устига таъналар ёғдиришмоқда, Муҳаммад ﷺ ва асҳобларига бўҳтонлар қилишмоқда, Ислом ва мусулмонлар тарихига айблар ёпиштиришмоқда. Буларнинг ҳаммаси мусулмонлардан ўч олиш ва мустамлакачилик ва мустамлакачиларнинг қадамларини мустаҳкамлаш учун бўлмоқда.

МИССИОНЕРЛИК ҲУЖУМИНИНГ АСОРАТЛАРИ

Бу миссионерлик ҳужумлари Европа мустамлакачилиги Ислом оламини сақофий жиҳатдан босиб олгач, уни сиёсий жиҳатдан ҳам махв этиши учун йўл тайёрлаган «олдинги бўлинмалар» эди. Мусулмонлар Истамбул ва Болқонни фатҳ қилган ва Европага Исломни олиб кирган пайтларида фикрий етакчиликни ёювчилар бўлганларидан кейин Исломий ўлкалар Фарб ўз фикрий етакчилигини олиб келадиган фикрий нишонга ҳамда ҳазорати ва ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини илм, инсонпарварлик ва диний миссионерлик номи остида турли воситалар билан тарқатадиган майдонга айланиб қолди. Фарб ҳазорати ва тушунчаларини ёйишнинг ўзи билан кифояланмади, у мусулмонларга қарши ҳамла қилаётганда Ислом ҳазоратини ва унинг ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини қоралар эди. Бу нарса нафақат зиёлиларга ва сиёсатчиларга, балки Исломий сақофатни ёювчиларга ва мусулмонлар оммасига ёмон таъсир қилди.

Зиёлиларга мустамлакачилик Исломий оламни босиб олмасидан олдин миссионерлик мактабларида, босиб олганидан кейин эса, барча мактабларда ўз фалсафаси, ҳазорати ва ҳаёт ҳақидаги тушунчалари асосида ўзи таълим ва сақофат дастурларини ишлаб чиқиб, жорий этди. Кейин Фарб ўз шахсини бизга бераётган сақофати олинадиган асос қилди. Шунингдек, ўз тарихи, уйғониши ва муҳитини ақлларимизни тўлдириш учун маълумотлар олинадиган манбага айлантирди. Бу билан ҳам кифояланмади. Балки дастурларнинг бирор жузъий жиҳати ҳам у белгилаган асосдан, яъни Фарб фалсафаси ва ҳазоратидан ташқари чиқиб кетмаслиги учун уларнинг барча тафсилотларигача аралашди. Бу аралашув умумий эди, ҳатто Ислом дини, Ислом тарихи дарсларига ҳам аралашди. Бу дарсларнинг дастурлари Фарб тақдим этган асосга ҳамда Фарб тушунчаларига мувофиқ тузилган эди. Шунга кўра, Ислом дини Исломий мактабларда Фарбнинг дин ҳақидаги тушунчаларига мослаштирилиб, руҳий-ахлоқий модда сифатида ҳаётдан ва Исломнинг ҳаёт ҳақидаги тушунчалари ҳақиқатидан жуда ҳам узоқ қилиб ўргатиларди. Фарзандларимизга Расулulloҳ ﷺнинг ҳаётлари пайғамбарлик ва рисолатга алоқаси йўқ қилиб, худди Наполеон ёки Бисмаркнинг ҳаёти каби ўқитилар, қалбларда бирор фикр ёки туйғу уйғотмайдиган қилиб ўргатилар эди. Ибодат ва ахлоқ моддалари - дин дастурлари шуларни ўз ичига олган эди - манфаат нуқтаи назаридан таълим берилар эди. Шунга кўра, Ислом динини таълим бериш ҳам Фарб дастурларига мувофиқ олиб бориладиган бўлди. Ислом тарихидан эса «Бузуқ ният ва хато тушунишлар» тўқиб чиқарган нуқсонлар ўқитилди, тарихий ҳақиқат ва илмий баҳс номи билан қора доғларда кўрсатилди. Мусулмонларнинг зиёлилари орасидан миссионерлик услуби ва дастури асосида тарихдан таълим

берадиган ёшларнинг етишиб чиқиши дард устига чипқон бўлди. Шундай қилиб, барча дастурлар Фарб фалсафаси асосида ва Фарб дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилди. Бу билан зиёлиларнинг кўпчилиги Фарб сақофатининг болаларига ва шогирдларига айланиб қолишди. Бу сақофатни ёқтириб, яхши кўриб, ҳаётда унинг тушунчаларига мувофиқ ҳаракат қила бошладилар. Ҳатто уларнинг кўпчилиги Фарб сақофатига зид келиб қолса, Ислому сақофатини инкор қиладиган бўлиб қолишди. Улар Фарб нуқтаи назари таъсирига берилиб, Фарб сақофати билан тарбияланган зиёлиларга айланишди. Фарб сақофатига батамом ихлос қўйишди, бу ихлос уларни ажнабийни улуғлашга ва ҳазоратини олишга ундади. Кўпчилик зиёлиларнинг табиати Фарбнинг табиати каби бўлиб қолди, фарблик ёмон кўрганидек Исломудан ва унинг сақофатидан нафратланадиган, фарблик адоват сақлаганидек Исломуга ва Исломиё сақофатга адоватда бўладиган, фарблик уларга уқтирганидек Ислому ва исломиё сақофат мусулмонлар қолақлигининг сабаби деб ишонадиган бўлиб қолишди. Шу сабабдан миссионерлик ҳаракатлари ўз сафларига мусулмонлар зиёли қатламини қўшиб олиб, уларни Исломуга ва исломиё сақофатга қарши қилиб қўйган пайтда мислсиз муваффақиятга эришди.

Бу ҳолат Европа ва ажнабий мактаблардаги зиёлилардан ўтиб, исломиё сақофат эгаларига ҳам етиб борди. Улар Фарб мустамлакачилиги уларнинг динларини айблаб, ҳужум қилиши олдида даҳшатга тушишди ва бу айбловларни бор имкониятлари билан рад қила бошлашди. Бу раддиялар тўғри ёки нотўғрилигига эътибор ҳам беришмади. Ажнабий уларнинг динига қилаётган айблар Исломунинг асл қадриятларими ёки Исломуга ёпиштирилаётган, унда бўлмаган нарсаларми - бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтиришмади. Улар бу раддияларида Ислому айбдор қилинишига рози бўлишди. Кейин Ислому нусусларини Фарб тушунчаларига мос келадиган тарзда таъвил қилишди. Шундай қилиб, улар Европанинг бу ҳужумларига ноаниқ раддиялар беришди-ки, бу нарса рад бўлишидан кўра кўпроқ миссионерлик ҳужумининг кўмакчисига айланди. Ислому ҳазоратига зид бўлган Фарб ҳазорати - уни айнан Исломудан деган уйдирмалар билан қабул қилиб олган - ушбу зиёлиларнинг тушунчаларига айланиб қолганлиги гоё ачинарли эди. Уларнинг аксарияти Фарб ўз ҳазоратини Ислому ва мусулмонлардан олган дейдиган бўлишди ва Ислому билан Фарб ҳазорати ўртасида мутлақ зиддият бўлишига қарамасдан, Ислому аҳкомларини шу ҳазоратга мослаштириб таъвил қиладиган бўлишди. Ва Фарб ҳазоратини бутунлай қабул қилишди ва ўз ақидалари ва ҳазоратларини Фарб ҳазорати билан мувофиқ келади деб очиқ айтишганда эса, ундан рози бўлишди. Бу нарса улар Фарб ҳазоратини қабул қилиб, ўзларининг Исломиё ҳазоратларидан чиқишганини англатади. Бу эса, миссионерлик ва мустамлакачилик

хужумларига қарор қилган мустамлакачи Ғарбнинг кўзлаган мақсадидир. Ажнабий сақофат билан тарбияланган зиёлиларнинг пайдо бўлиши ва зиёлиларнинг Исломиё сақофатни нотўғри тушуниши сабабли мусулмонларда Ғарбнинг ҳаёт ҳақидаги тушунчалари пайдо бўлди ва юртларида Ғарбнинг моддий ҳазорати мустаҳкам ўрнашди ҳамда жамиятларидаги ҳаёт Ғарбнинг ҳазорати ва тушунчаларига бўйсунадиган бўлиб қолди. Мусулмонлар бошқарувдаги демократик низом ва иқтисоддаги капиталистик низомлар куфр низомлари эканини билмадилар. Улар қилаётган ишлар Оллоҳ нозил қилмаган ҳукмлар билан ажрим қилинса ҳам таъсирланмайдиган бўлиб қолдилар. Ҳолбуки, улар Оллоҳ Таолонинг ушбу оятини билардилар:

﴿٤٤﴾ وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ

– „Кимда-ким Оллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирлардир“ [5:44]

Бунинг асосий сабаби - динни давлатдан ажратиш асосига қурилган Ғарб ҳазорати ва моддий тушунчалари уларнинг жамиятларига ҳукмрон бўлиб олганидир. Улар, гарчи дунёвий ишларини ўзлари хоҳлаганларидек олиб борсалар ҳам, Оллоҳга эътиқод қилиш ва намозларни ўқиб қўйишнинг ўзи билан диний бурчларимизни адо этдик, деб ўйлайдиган бўлиб қолишди. Чунки улар «Подшога подшоникини, Оллоҳга Оллоҳникини бер», деган ғарб тушунчасидан таъсирландилар. Подшони ҳам, подшо учун бўлган ҳамма нарсаларни ҳам Оллоҳ учун қиладиган ҳамда намоз, савдосотиқ, ижара, ҳукм юритиш ва таълим-тарбия ишларини Оллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларига мувофиқ юритадиган Исломиё тушунчалардан таъсирланишмади. Гарчи улар, Оллоҳ Таолонинг қўйдаги оятини ўқиган бўлсалар ҳам, бу тушунчалардан таъсирланишмади:

﴿٤٩﴾ وَأَنْ أَحْكَمْ بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ

– „Эй Муҳаммад, улар ўртасида Оллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг“ [5:49]

﴿٢٨٢﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا تَدَايَنْتُمْ بِدِينٍ إِلَىٰ أَجْلِ مُسَمًّى فَاكْتُبُوهُ

– „Эй иймон келтирганлар, бир-бирларингиз билан қарз муомаласи қилсанглар, ёзиб қўйинглар“ [2:282]

﴿١١٥﴾ وَمَنْ يُشَاقِقِ الرَّسُولَ مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُ الْهُدَىٰ وَيَتَّبِعْ غَيْرَ سَبِيلِ الْمُؤْمِنِينَ نُوَلِّهِ مَا تَوَلَّىٰ وَنُصَلِّهِ

﴿١١٥﴾ جَهَنَّمَ وَسَاءَتْ مَصِيرًا

– „Ким ҳақ йўлни аниқ билгандан кейин пайғамбарга хилоф иш қилса ва мўминларнинг йўлидан бошқа йўлга эргашиб кетса, биз уни

кетганича қўйиб қўямиз. Сўнг жаҳаннамда ёндирамыз. У нақадар ёмон жойдир!“ [4:115]

وَمَا كَانَ الْمُؤْمِنُونَ لِيَنفِرُوا كَافَّةً فَلَوْلَا نَفَرَ مِن كُلِّ فِرْقَةٍ مِّنْهُمْ طَائِفَةٌ لِّيَتَفَقَّهُوا فِي الدِّينِ وَلِيُنذِرُوا قَوْمَهُمْ إِذَا رَجَعُوا إِلَيْهِمْ لَعَلَّهُمْ يَحْذَرُونَ ﴿١٢٢﴾

– „Мўминларнинг барчаси бирданига жиҳодга чиқишлари жоиз эмас. Улардаги ҳар бир гуруҳдан бир тоифа жиҳодга чиқиб, қолганлари динни ўрганиб, жиҳодга кетганлар қайтганда ўзлари ўрганган нарсаларни уларга ҳам ўргатсалар бўлмайдими? Шояд улар ҳам Оллоҳдан қўрқарлар“. [9:122]

Ҳа, улар Қуръон оятларидаги бу тушунчалардан таъсирланмайдилар. Чунки улар Қуръон оятларини мусулмон ҳаётга татбиқ этиши учун ўқиши лозим бўлгани учун ўқишмайди. Балки уларни ғарб тушунчалари ҳукмронлиги остига тушиб қолган ҳолатда ўқишади-да, бу оятларнинг фақат руҳий жиҳатларидан таъсирланишади ва улардаги тушунча ва мазмун билан ақллари ўртасига тўсиқ қўйишади. Буларнинг барчасига сабаб, Ғарб ҳазорати ва тушунчалари уларга ҳукмрон бўлиб олганлигидир. Бу айтилганлар халқ оммасига ва исломий ва ҳамда ажнабий сақофат билан тарбияланган зиёлиларга тааллуқлидир.

Сиёсат кишиларига келган бало умумийроқ ва мусибати каттароқдир. Зеро, ушбу сиёсатчилар мустамлакачилик уларни жамлаб, Усманий Давлатга қарши туришга гиж-гижлаган, ўзларига мойил қилиб турли ваъдалар берган - шайтоннинг уларга берган ваъдалари албатта ёлғондир - пайтдан бошлаб улар ана шу ажнабий билан бирга ва у чизиб берган чизиқдан юришмоқда. Улар Усманий Давлат бор пайтдаёқ ажнабийлар томонига ўтиб, уларга ўз давлатларига қарши ёрдам беришди. Ҳолбуки, бу Ислом асло рухсат бермайдиган иш эди. Лекин улар шу ишни қилишди ва бу ишларини доим эслаб юриладиган фахр, ҳар йили ўтказиладиган байрамга айлантиришди. Улар ўша вақтда Давлатни ислоҳ қилиш учун ҳукмрон гуруҳга қарши курашиш ўрнига Давлатнинг кофир душманлари билан биргаликда бутун Ислом давлатига қарши туришди. Оқибатда, уларнинг юртларини мустамлакачи кофирлар эгаллаб олди. Кейин бу мустамлакачи кофирларга қарши халқдан ёрдам олиш ўрнига халққа қарши улардан ёрдам сўрашди. Дарҳақиқат, улар мустамлакачи кофирлардан Исломий шахсиятларини йўқотадиган даражада таъсирландилар. Мустамлакачи кофир уларнинг фикрларини ўзининг сиёсий ва фалсафий раёйлари билан заҳарлади. Бу эса уларнинг ҳаёт ҳақидаги, жиҳод ҳақидаги нуқтаи назарларини бузиб ташлади. Буларнинг ҳаммаси бутун Исломий муҳитларнинг бузилишига, ҳаётнинг турли жабҳаларида фикрларнинг чалкашиб кетишига сабаб бўлди.

Улар жиҳодни баҳсу-музокарага алмаштиришди. Исломий юртларда мустамлакачилик учун беҳисоб қўшинлардан ҳам фойдаси беқиёс ҳисобланган «ол ва талаб қил» қондасига иймон келтиришди. Мустамлакачи кофирдан ҳар қандай ёрдам сўраш гуноҳи кабира ва сиёсий жиҳатдан ўз-ўзини бўғизлаш эканини англамаган ҳолда ундан ёрдам сўраш ва унга суюнишни кун тартибига чиқаришди. Тор маҳаллийчилик учун ҳаракат қилишга ва уни сиёсий фаолиятларининг майдонига айлантиришга рози бўлишди. Иқлим мамлакатлари кенг бўлса ҳам, соғлом ҳаёт талаб этадиган сиёсий ва ғайрисиёсий юklar билан уйғотиш маҳаллийчиликда мумкин бўлмагани учун, бу ҳол сиёсий ҳаракатларни самарасиз қилиб қўйишини англаб етишмади.

Улар бу ишлар билан кифояланишмади. Балки шахсий манфаатларни огоҳликларининг, ажнабий давлатларни эса умумий ҳушёрликларининг марказига айлантиришди. Бу билан ҳушёрликнинг табиий маркази, яъни мабдаларини йўқотдилар. Бу йўқотиш сабабли - қанчалар ихлос билан уринмасинлар, қанчалар куч сарфламасинлар - ҳаракатларида муваффақият қозониш имкониятидан маҳрум бўлдилар. Шунинг учун барча сиёсий ҳаракатлар самарасиз ҳаракатларга айланиб қолди. Умнатдаги ҳар бир уйғониш бўғизланган жониворнинг тинчиб қолиши, умидсизлик ва батамом таслим бўлиш билан тугайдиган ҳаракатига ўхшаб кетадиган ноаниқ ва зиддиятларга тўла ҳаракатга ўхшаб кетарди. Бунга сабаб, сиёсий ҳаракатларнинг раҳбарлари ҳушёрликларининг табиий марказини йўқотдилар. Шу сабабли умнат ҳушёрлигининг бу марказини йўқотиши табиий эди. Сиёсатчиларнинг фикрлари ажнабий мабдалар билан мана шундай заҳарланганидек, хато раъйлар билан ҳам заҳарланди, яъни Исломий ўлкаларда миллийлик ва социализм, ватанпарварлик ва коммунизм руҳи, дин ва ахлоқ, таълим ва иршод (тўғри йўл кўрсатиш) номи билан турли ҳаракатлар юзага келди. Бу ҳаракатлар дард устига чипқон ва жамиятни эзиб турган муаммоларга қўшимча муаммо бўлди. Уларнинг натижаси ҳам муваффақиятсизлик ва ўз атрофларида ўралашиб қолишдан бошқа нарса эмасди. Бу ҳаракатлар миссионерлик хуружидан таъсирланган ҳолда Ғарб ҳазорати ва тушунчаларига мувофиқ фаолият кўрсатди ҳамда умнатнинг жўшқин туйғуларини фойдасиз ва яхшилик билан қайтмайдиган ишлар билан банд қилганлари етмагандек, уни Ғарбнинг ҳаёт ҳақидаги тушунчалари томонга йўналтириб юборишди ва мустамлакачилик Исломий ўлкаларда илдиз отиб, мустаҳкам ўрнашиб олишига имконият яратди. Шундай қилиб, миссионерлик хужумларининг муваффақияти беқиёс бўлди.

ИСЛОМИЙ ОЛАМГА СИЁСИЙ ҲУЖУМ

Андалус (Испания)га бўлган ҳужумнинг ҳақиқий сабаби салибчилик урушлари туфайли ғарбликларнинг қалбларида чуқур илдиз отган интиқомга бориб тақалади. Чунки Ғарб салибчилик урушларида жуда тез муваффақиятсизликка учраб, Ислом олаמידан шармандаларча қувилгандан кейин, бу мағлубият натижасида унинг қалбида мусулмонларни ёмон кўриш, уларга нисбатан адоват ва нафрат алангаси пайдо бўлди. Ғарб Шарққа иккинчи маротаба уруш қилишга ботина олмади. Зеро, Шарқ халқи турли-туман бўлишига қарамасдан, Ғарбнинг йўлини тўсишга ва уринишларини пучга чиқаришга қудрати етар эди. Ғарб бу интиқомни Андалусда амалга ошиши мумкинлигини кўрди ва шунинг учун ҳамласини унга қаратди. Ўтхоналар, бош кесадиган мосламалар, тафтиш маҳкамаларини ишга солиб, ваҳший ҳайвонлардан ҳам зиёда ёвузлик билан Андалусни мағлуб қилди. Аслида бундай ваҳшийлик Ғарб учун ор ҳисобланарди. Мусулмонлар ҳарбий қудрати кучли ва Андалусга ёрдам бериш имкониятлари бўла туриб, томошабин бўлиб туришганини кўрган Ғарб интиқом олишни узоққа чўзди. Мусулмонлар эса сузлик қилдилар ва Андалусни мана шундай қийин ҳолатда осон ютиладиган луқмадек ўз ҳолига ташлаб қўйдилар ва бу билан Ғарбнинг мусулмонлардан ўч олиши учун яна бир имкон яратиб бердилар. Агар мусулмонларнинг, хусусан, Усманий Давлатнинг қудрати бўлмаганда эди, ғарбликлар Ислом юртларига кетма-кет уруш қилган бўлишарди. Лекин мусулмонларнинг қудрати ва Усманийларнинг Европага юриш қилиб, уни фатҳ этишлари ғарбликларни қўрқувга солиб қўйди. Ҳатто иккинчи салибчилик урушида енгилиб қолмасликлари учун мусулмонларга ҳужум қилишга қўп ҳам ботина олишмади. Шунинг учун Ғарбнинг Ислом юртларига ҳужуми XVIII асрнинг иккинчи ярмигача тўхтаб қолди, чунки ана шу вақтларда барча Исломий оламга турғунлик ёйила бошлаган эди. Давлат Исломий даъват билан мутлақо шуғулланмай қўйди. Натижада қалбларда Ислом ҳарорати сўниб, душманлар мусулмонлардан ҳайиқмай қўйишди. Ана шу вақтда Ислом оламига сақофий ва миссионерлик ҳужумлари бошланди ва Исломий юртларни майда бўлақларга бўлиб ташлаш ва уни биратўла йўқ қилиш учун бу ҳаракатлар ёнига сиёсий ҳужум ҳам қўшилди. Ғарбликларнинг бу мақсадлари амалга ошди ва улар катта ғалабани қўлга киритдилар.

Милодий 1762-1769 йиллари Россия Екатерина даврида Усманийларга қарши уруш қилиб, ғалаба қозонди ва улардан баъзи ерларни, Азов шаҳрини ва Қрим ярим оролини тортиб олди. Қора денгизнинг шимолий ҳавзаларини ҳам қўлга киритди. Одессада Қора денгизда тижорат учун порт қурди. Қрим ярим оролида Севастопол шаҳрини барпо қилиб, ўзига марказ қилиб олди. Шундай тарзда Россия Усманий давлатнинг ташқи сиёсатида хавфли ғанимга айланди.

Россия Қрим амирликларида етакчи бўлиб қолди ва ўзини Усманий Давлатда мавжуд бўлган масиҳийликнинг ҳимоячиси, деб эътибор қилди. Кейин 1884 йили Туркиядан Туркистонни ажратиб олди. Сўнг бутун Кавказни босиб олди.

Иш фақат Россия билангина чекланиб қолмади. Балки бошқа Фарб давлатларини ҳам қамраб олди. 1798 йил июлининг бошларида Наполеон Мисрга ҳужум қилиб, уни эгаллаб олди. 1799 йил февралда Шом ўлкаларининг жанубий ўлкаларига ҳужум қилди ва Газза, Яффа ва Рамлани қўлга киритиб, Акка қалъаларигача етиб борди. Лекин унга ҳамла қилишга муваффақ бўлмади. Кейин Наполеон Мисрга, ундан Францияга қайтиб кетди. 1801 йилги ҳужуми эса муваффақиятсизликка учради. Шундай бўлса-да, Усманий Давлатга таъсир қилди ва уни қаттиқ силкитиб юборди. Исломиё оламга бошқа давлатлар ҳам кетма-кет ҳужум қилиб, ерларини эгаллаб ола бошлади. Французлар 1830 йили Жазаирни босиб олишди. Сўнг Тунисга юриш бошлаб, 1881 йили уни қўлга киритишди. 1912 йили Марокашни ишғол этишди. Италия 1911 йили Триполи шаҳрини эгаллаб олди. Шундай қилиб, Шимолий Африкани бўлиб олиш, уни Ислом бошқарувидан чиқариб, куфр бошқарувига бўйсундириш ва мустамлака қилиш ниҳоясига етди.

Фарбликлар бу билан кифояланишмади, балки қолган ерларни ҳам эгаллаб бошладилар. Британия 1839 йили Аданни қўлга киритди. Жанубий Яман чегараларидан то Арабистон ярим ороли шарқигача чўзилган Лаҳж ва Маҳмийётут - Тисъа ерларини ўз тасарруфига киритди. Инглизлар Ҳиндистонни эгаллаб, уни мустамлака қилиш билан мусулмонларнинг бошқарувидан чиқариб олган ва уларга ўз таъсирини ўтказаетган эдилар, чунки Ҳиндистонда салтанат эгалари мусулмонлар эди, инглизлар уни тортиб олиб, мусулмонларнинг мавқеларини ҳар томонлама заифлаштиришга ҳаракат қилишди. 1882 йили Британия Мисрни қўлга киритди. 1898 йили эса Голландия Ҳиндистон шарқидаги оролларни, Британия Суданни босиб олди. Эрон ва Афғонистон руслар билан инглизлар сиқуви остида қолди. Шундай қилиб, фарбликларнинг Ислом оламига ҳужуми ҳамма жойда кучайиб кетди. Натижада бутун Ислом олами Фарб истибодоти остида қулашга яқин келиб қолганини ҳамда Фарб бирин-кетин ғалабаларни қўлга киритиб, солибчилик урушларини яна бошлаганини ҳис этди. Ислом олами Фарбнинг бу босқинчилигини тўхтатиш ёки унинг босимини енгиллатиш учун ҳаракатга тушиб қолди. Кўп жойларда Фарбга қарши ҳаракатлар содир бўлди. Жазаирда қўзғолон кўтарилди. Ҳиндистонда мусулмонлар бош кўтардилар. Суданда «Маҳдийчилар» ҳаракати оёққа турди. Санусийда қўзғолонлар аланга олди. Уларнинг ҳаммаси Ислом олами қолоқ ва заифлигига қарамасдан, унинг вужудида ҳали яширин ҳаётий куч борлигига далолат қиларди. Бироқ, бу ҳаракатларнинг

ҳаммаси батамом муваффақиятсизликка учради. Ислом оламини Ғарб чангалидан қутқара олмади. Унинг ҳужумларини тўхтатиб қололмади.

Ғарб ҳам сиёсий, ҳам сақофий ҳужумларини давом эттирди. Ғарб Ислом оламини майда бўлақларга бўлиб олиш билан чекланиб қолмай, Усманий Давлатни мусулмонларни гавдалантириб турган Исломий Давлат деган эътиборда бутунлай йўқ қилиб юбориш учун ҳаракат қила бошлади. Шу мақсадда унинг ичида миллий-озодлик ҳаракатларини авж олдирди. 1804 йилдан бошлаб ажнабий давлатлар Болқон халқини қўзғолон қилишга гиж-гижлаб, унга ёрдам бериб турди. Пировардида қўзғолон 1878 йили истиқлолга эришиш билан якунланди. 1821 йилдан бошлаб юнонларни қўзғолон қилишга қизиқтирди ва 1830 йили ажнабий давлатларнинг аралашуви билан бу қўзғолон юнонлар Туркиядан ажралиб, мустақил бўлишлари билан ниҳоясига етди. Болқондаги бошқа ўлкалар ҳам бу қўзғолонга биринкетин киришди. Исломий Давлат сифатида Усманий Давлатнинг сояси Болқондан, Критдан, Кипрдан ва Ўрта Ер денгизининг кўпчилик оролларида кўтарилди. Ғарбликлар Болқон ва Ўрта Ер денгизи оролларидаги мусулмонларга қарши турли ваҳшийликларни қўллашди ва улардан кўпларини яшаётган жойларидан чиқариб юборишди. Мусулмонларнинг кўплари кофирларнинг ваҳшийликларидан ўз динларини қутқаришга ва исломий юртлар ва Исломий Давлатнинг бир бўлаги деган эътиборда араб юртларига кўчиб кетишга мажбур бўлдилар. Бу ерлардаги черкес, бушноқ, чечен ва бошқа халқлар куфр бошқарувига рози бўлмаган мусулмон қаҳрамонлардир. Улар ўз динларини Ислом диёрларига олиб қочдилар.

Ғарбликлар бу билан чекланишмади, балки махфий воситалар билан Исломий Давлат вужуди ичида турк ва араблар ўртасида бўлиниш ҳаракатларини кучайтиришга киришишди. Шу мақсадда миллатчилик ҳаракатларини қўллаб-қувватлашди, арабий ва туркий сиёсий партиялар вужудга келишига ёрдам беришди. «Ёш Туркия партияси», «Бирлик ва тараққиёт партияси», «Араб мустақиллиги», «Аҳд» партиялари шулар жумласидандир. Бу ҳол Исломий Давлат ичида нотинчликларни пайдо қилди. Бу ички воқеалар ва ташқи ҳужумлар остида давлатнинг вужуди қалқиб қолди. Биринчи Жаҳон уруши бошланган вақт Ғарб суратида гавдаланиб турган куфр Ислом оламига ҳамла қилиш ва ерларини босиб олиб, ўзини бутунлай йўқ қилиб ташлаш учун фурсат келганини англади. Усманий Давлат биринчи Жаҳон урушига киргач - иттифоқчиларнинг ғалабаси ва Усманий Давлатнинг мағлубияти билан ниҳоясига етди. Алалоқибат, ғарбликлар исломий оламни ўлжа сифатида тақсимлаб олишди. Ундан фақат «Туркия» деб ном беришган турк ўлкасигина қолди. Туркия 1918 йили уруш тугагандан бошлаб то иттифоқчиларга Исломий Давлатни йўқ қилишни таъминлаб бериб, 1921 йили мустақил бўлгунга қадар иттифоқчилар қўл остида қолди.

ИСЛОМИЙ ДАВЛАТНИ ТУГАТИШ

Биринчи Жаҳон уруши тугади. Иттифоқчилар мисли кўрилмаган галабани қўлга киритишди. Шундан кейин уруш иштирокчилари ўртасида тинчлик эълон қилинди. Усманий Давлат емирилиб, майда бўлақларга бўлиниб кетди. Араб юртларининг ҳаммасини иттифоқчилар эгаллаб олишди. Миср, Сурия, Фаластин, Иорданиянинг шарқи ва Ироқни Исломий Давлатдан ажратиб олишди. Усманийлар қўлида фақат турклар ўлкаси (Туркия) қолди. Ҳатто унда ҳам иттифоқчилар кирган қисмини, Дарданел қалъаларини ва бутун Туркиядаги муҳим ҳарбий нуқталарни эгаллаб олди. Франциянинг Сенегал қўшинлари кўчаларни тўлдирди. Италия Биро шахрини ва темир йўл тармоқларини эгаллаб олди. Иттифоқчиларнинг зобитлари полиция ишларини, ватанни қўриқлаш ишларини ва портларни назорат қиларди. Қалъаларни қурол-яроқдан холи қилишди. Турк қўшинларидан бир қисм аскарларни бўшата бошлашди. «Бирлик ва тараққиёт» партияси тарқаб кетди. Жамол бошо билан Анвар бошо чет элга қочди. Партиянинг бошқа аъзолари яширинди. Босқинчи душманларнинг буйруқларини бажариб туриш учун Тавфиқ бошо бошчилигида заиф бир ҳукумат тузилди. Бу вақтда халифа Ваҳидиддин эди. У гишт қолипдан кўчганини кўрди ва энди чиройли усуллар билан вазиятни қутқариш вожиблиги ҳақида бош қотирди ва парламентни тарқатиб юборди. Вазирликни бошқаришни содиқ дўсти Фаридга топширди. Ваҳидиддин Фариднинг - хусусан уруш тугаб бу ёғига мамлакат вайрон бўлмаслиги учун иттифоқчиларга яхши муомала қилиш лозим, уларга қарши курашмаслик керак деган фикрини қўллаб-қувватлади ва бу режани ижро қилди. Аҳвол шундай давом этди, яъни иттифоқчилар ҳукмрон бўлиб қолишди. Туркия 1919 йилнинг ўрталаригача шу ҳолатда давом этди, сўнг аҳвол ўзгарди. Иттифоқчилар ўртасида зиддият пайдо бўлди. Франция, Англия ва Италия халқлари ўртасида ички сафлари ажраб кетиши билан хавф соладиган даражада жиддий ички муаммолар вужудга келди. Ҳатто иттифоқчиларнинг ўзлари орасига ҳам ихтилоф тушди. Туркияда иттифоқчилар ўлжани бўлишда рақобатлашиб, ўртада жанжал чиқди. Истамбулдаги вакиллари орасида жанжал очиқ шаклда намоён бўлди. Иттифоқчилардан ҳар бири ҳарбий марказларда ва иқтисодий имтиёзларда энг катта улушни қўлга киритишни хоҳлар эди. Иттифоқчиларнинг заифлиги ва ихтилофи улардан ҳар бири бошқасига қарши Туркияни кўзга тикиб, унга ёрдам бериш даражасига етган пайтда Туркия учун бор кучини ишга солиб бу вазиятдан қутилиш имкони пайдо бўлди. У вақтда ҳали сулҳ аҳди тузилмаган ва сулҳ шартлари ишлаб чиқилмаган эди. Шунинг учун одамларда умид учқунлари кўриниб, жиддий қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатларини тузиш мумкинлигига ишонч пайдо бўлиб қолди. Инглизлар Мустафо Камолдан ўз сиёсатларига мувофиқ ҳаракат қилиш режаларини амалга ошириш ва Халифалик Давлатини йўқ қилишдек орзуларини рўёбга чиқариш учун бир «яхшилиқ» қилиб юборишини

сўрашган эди. Истамбулда ўндан ортиқ яширин жамиятлар ташкил этилди. Уларнинг асосий иши душман назоратидаги омборлардан қурол-аслаҳаларни ўғирлаб мамлакат ичкарисидаги яширин ташкилотларга жўнатиш эди. Баъзи расмий кишилар бу ишларда уларга кўмаклашар эдилар. Ҳарбий вазирлик вакили Исмат, ҳарбий штаблар бошлиғи Фавзий, ички ишлар вазири Фатҳий ва ҳарбий флот вазири Рауф бу ҳаракатларга ёрдам бериб туришарди. Шунинг учун вазифаси душманга қаршилик кўрсатиш бўлган кўп партиялар ташкил қилинди. «Бирлик ва тараққиёт» партияси яна ҳаракатга тушди ва бу партияларга мунтазам қўшиннинг айрим аскарлари ҳам қўшилди. Бу ҳаракатлар Мустафо Камол етакчилигида ягона ҳаракатга бирлашди ва у иттифоқчиларга қаршилик кўрсатиш ва уларни мамлакатларидан қувиб чиқариш учун ва, агар халифа қўшини қаршилик қилса, унга ҳам қарши чиқиш учун иш олиб борди. Мустафо Камол бу ишда катта муваффақиятга эришди. Сўнг, Истамбулдаги марказий ҳукумат ва салтанат иттифоқчилар ҳукмронлиги остига тушиб қолганини ва Анозулда миллий ҳукумат барпо бўлиши лозимлиги ҳақида фикр қилди.

Мана шу асосда Мустафо Камол миллийлик либосига ўранган ва халифаликни тугатиш, Туркияни Усманий Давлатнинг бошқа бўлақларидан ажратиб юбориш билан ниҳоясига етган инқилобини бошлади. Мустафо Камолнинг инқилобий ҳаракатларида содир бўлган воқеа-ҳодисалардан инглизлар бу инқилобни амалга ошириш учун барча нарсани олдиндан тайёрлашгани ва Мустафо Камолни уни амалга ошириш учун жўнатишгани очиқ-оғдин кўриниб турарди.

Мустафо Камол Сивасда «Миллий кенгаш» ўтказди. Бунда Туркиянинг мустақиллигини сақлаб қоладиган услуб ва воситалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди ва ижройи қўмита сайланди. Мустафо Камол унинг раиси қилиб тайинланди. Бу кенгаш султондан бош вазир Фаридни ишдан четлатишни ва парламентга янги эркин сайловлар ўтказишни талаб қилди. Султон босим остида қолиб, кенгаш талабларига бўйсунушига мажбур бўлди. Бош вазирни ишдан четлатиб, ўрнига Али Ризони тайинлади ва янги сайловлар ўтказишни буюрди. Унда мамлакатларини қутқаришни ирода қилган гуруҳ сифатида «Миллий кенгаш» аъзолари фаол қатнашиб, парламентда кўпчилик ўринга эга бўлиш билан ютиб чиқишди.

Бу ютуқдан кейинроқ кенгаш ва унинг аъзолари Анқара шаҳрига кўчиб ўтди. Шу вақтдан бошлаб Анқара уларнинг фаолият марказига айланди. Кенгаш аъзолари Анқарада йиғилиш ўтказиб, унда Истамбулда парламент чақирилишини ва кенгаш аъзолари парламентда расмий вакил бўлганларидан кейин кенгаш тарқатилишини таклиф қилишди. Бироқ Мустафо Камол бу икки фикрга қарши чиқди ва: «Парламент адолатни қандай даражада ушлагани ва унинг сиёсати аниқ бўлгунча кенгаш давом этиб туриши зарур, аммо пойтахтга кўчиш - бу тентаклик ва аҳмоқликдан бошқа нарса эмас. Агар пойтахтга кўчсанглар, у ҳолда

сизлар ажнабий душманларга қарам бўлиб қоласизлар. Инглизлар ҳали ҳам мамлакатда ҳукмрон бўлиб туришибди, улар дарров ишларингизга аралашади, сўнг сизларни қўлга тушириб, қамоққа олишади. Шу боис, парламент мустақил ва ҳур бўлиб қолиши учун шу ерда, Анқарада туриши керак», деб ўз фикрида қаттиқ туриб олди. Лекин у кенгаш аъзоларини парламент ўз мажлисларини Анқарада ўтказишига кўндиролмади. Вакиллар пойтахтга бориб, Халифга садоқатларини изҳор қилдилар. Кейин ишларига киришиб кетдилар. Бу 1920 йили январ ойида бўлган эди.

Султон ўз хоҳиш-истакларини вакилларга ўтказишга ҳаракат қилди. Вакиллар бунга кўнишмади ва мамлакат ҳуқуқларига риоя қилишларини изҳор қилишди. Улар қаттиқ сиқув остида қолишгач, Сивас кенгашида иттифоқ қилишган «Миллий низом»ни афкори оммага тарқатишди. Бу низом тинчлик келишувларига асос бўладиган шартларни ўз ичига олган бўлиб, уларнинг энг муҳими муайян чегаралар ичида Туркиянинг озод ва мустақил бўлиши эди. Бундан иттифоқчилар, хусусан Англия жуда хурсанд бўлди. Чунки иттифоқчиларнинг ўзлари бу қарорга ҳамда бу қарор юрт эгалари бўлган турклардан чиқишига ҳаракат қилган эди. Исломий Давлат сифатида Усманий Давлат бошқараётган барча ўлкалар ўзлари учун биринчи Жаҳон урушининг охирида иттифоқчилар Исломий юртларни бўлиб ташлашни ирода қилган бўлакларнинг мустақиллигини ўз ичига олган миллий аҳд ишлаб чиқишди. Масалан, Ироқ ўзи учун Ироқ мустақиллигини ўз ичига олган миллий аҳд ишлаб чиқди. Сурия, Фаластин, Миср ва бошқа исломий юртлар ҳам мустақил бўлишларини ўз ичига олган миллий аҳдларини ишлаб чиқишган эди. Иттифоқчилар, хусусан, инглизлар турк миллий аҳдидан хурсанд бўлиши табиий эди. Мусулмонларнинг давлати йўқ қилиниши ва яна қудратли бир бутун давлат бўлиб қайта ўзини тиклай олмаслиги учун Усманий Давлатни майда давлатчаларга бўлиб ташлаш иттифоқчиларнинг айни муддаолари эди. Агар иттифоқчилар ҳамма жойда пайдо қила олган ушбу миллий аҳд бўлмаганда, иш бошқача тус олар эди. Чунки Усманий Давлат ҳамма вилоятлари унинг бир бўлаги деб эътибор қилинадиган яхлит давлат эди. Бу давлат иттифоқ низомига эмас, бир бутунлик низомига асосланарди. Улар ичида Ҳижоз билан Туркия ўртасида ёки Қуддус вилояти билан Искандария вилояти ўртасида фарқ йўқ эди. Туркиянинг мағлубияти билан Германиянинг мағлубияти бир хил эди. Чунки иккалови урушда иттифоқчи эди. Улардан бирига тўғри келган сулҳ шартлари иккинчисига ҳам тўғри келиши керак эди. Агар Германия аҳолиси ўз юртининг бир қаричига ҳам эътиборсизлик билан қарамаган ва Германия бўлиб юборилмаган экан, демак, Усманий Давлат ҳам бўлиб юборилмаслиги лозим эди. Иттифоқчилар буни яхши билишар ва бу борада бошлари қотаётган эди. Аммо усмонийларнинг ўзлари - араблар ҳам, турклар ҳам - ўз давлатларини бўлинишини талаб

қилишганда иттифоқчилар дарҳол бу талабни қабул қилиб қўллаб-қувватлашди. Хусусан, бун Ислоний давлатда ҳокимиятнинг аксариятини гавдалантириб турган Туркия талаб қилмоқда эди.

Шунинг учун иттифоқчилар турк миллий аҳдини ўзларининг муслмонлар устидан узил-кесил галабалари деб ҳисоблашди. Шундан кейин иттифоқчилар босқинчиларга қарши кураш ихтиёрини туркларнинг ўзларига ташлаб, барча жойлардан чиқиб кета бошладилар. Франция ва Англия кучлари мамлакатдан чиқиб кетди. Туркларнинг қасдлари янада кучайди. Мамлакатда душманга қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатлари бошланиб, кейин султонга қарши инқилобга айланиб кетди. Натижада султон қўшин тайёрлаб, у ҳаракатларга қарши ҳужум қилиб, уларни йўқ қилди. Инқилоб маркази бўлмиш Анқарадан ўзга жойлардаги барча одамлар султон тарафида бўлди. Ҳатто Анқаранинг ўзи ҳам йиқилиш арафасида эди. Анқарани ўраб турган қишлоқлар бирин-кетин султон байроғи остига келиб, унинг қўшинига қўшилди. Мустафо Камол ва Анқарада у билан бирга бўлганлар қийин аҳволга тушиб қолдилар. Лекин Мустафо Камол қаршилиқ кўрсатишга қатъий қарор қилди ва миллий кенгаш аъзоларида яна шижоат ўтини алангалатди. Уларнинг қасдлари яна кучайди. Туркиянинг шаҳар ва қишлоқларида пойтахтга инглизлар босиб кириб, миллий кенгаш аъзоларини қамоққа олаётгани, парламентни куч билан беркитиб қўйгани, султон ва унинг ҳукумати инглизларга ёрдам бераётгани ҳақида миш-мишлар тарқалди. Вазият ўзгарди, одамлар султондан юз ўгиришди. Афкори омма Анқарадаги миллий кенгаш томонга мойиллик билдирди. Туркияни ҳимоя қилиш учун эркагу-аёллар кўнгилли бўлиб Анқарага кела бошлади. Халифа қўшинидан кўпчилик қочди ва туркларнинг диққат-эътибори ва орзу-умидлари қаратилган Мустафо Камол қўшинига қўшилди. Мустафо Камол тарафи кучайди ва мамлакатнинг аксари унинг қўли остига ўтди. У маркази Анқарада бўлган миллий жамиятга сайлов ўтказишга чақириб варақа чиқарди. Сайлов ўтказилди. Кейин янги вакиллар йиғилиб ўзларига «Катта миллий жамият» деб ном қўйишди ва ўзларини қонуний ҳукумат деб аташди. Сўнг бу жамиятга Мустафо Камолни раис қилиб сайлашди. Шундай қилиб, Анқара миллий ҳукуматнинг марказига айланди ва унга барча турклар қўшилди. Мустафо Камол халифанинг қолган қўшинларини ҳам тор-мор қилди ва фуқаролар урушини тугатди. Кейин юнонларга қарши урушга фурсат топилди ва улар билан қонли тўқнашувлар бўлди. Бошида юнонлар голиб келишган бўлса, кейин Мустафо Камол тарафининг қўли баланд келди. 1921 йил август ойида Мустафо Камол шиддатли ҳужумга ўтди ва Измирни, Туркиянинг баъзи соҳилларини босиб олган юнонлар устидан галаба қилиш билан урушни тугатди. 1921 йили сентябр ойида Харрингтонни кутиб олиши ва у билан тафсилотларни келишиши учун Исмаи бошога элчи юборди. Шунда иттифоқчилар юнонларни Трисдан

қувиб чиқариш ва ўзлари ҳам Истамбул ва Туркиянинг барча ерларидан чиқиб кетишга рози бўлишди. Мустафо Камолнинг ҳаракатлари кузатилса, иттифоқчиларнинг бу розилиги Исломий бошқарувни йўқ қилиши эвазига бўлгани маълум бўлади. Шунинг учун миллий жамият Туркиянинг галабага эришгандан кейинги ишлари ҳақида Мустафо Камол билан мунозара қилганда, у: «Мен «Исломий Давлатлар иттифоқи»га ҳам, «Усмоний халқлар иттифоқи»га ҳам ишонмайман. Ҳар биримиз ўз фикримизга эга бўлишимиз лозим. Ҳукумат эса ягона мақсадни кўзлаган собит сиёсатни ушлаши керак. Бу мақсад эса Туркия ўзининг табиий чегаралари ичида мустақил бўлиши ва ватанни ҳимоя қилишидир. Туйғу ва хомхаёллар бизнинг сиёсатимизга таъсир этмаслиги лозим. Зеро, бу нарсалар ўтмишда бошимизга кўп кулфатлар солди», деди.

Шундай қилиб, Мустафо Камол исломий уммат эмас, балки Туркия халқи деган сифат билан Туркиянинг мустақил бўлишини ирода қилаётганини ошкор этди. Вакиллар ва баъзи сиёсий кишилар янги Туркиядаги ҳукумат қандай бўлиши кераклиги ҳақида Мустафо Камолдан фикрини очиқ айтишини талаб қилишди. Зеро, ўша вақтда бўлганидек, Туркияда икки ҳукумат бўлиши, яъни бири Анқарада жойлашган ва салтанат эгаси бўлган муваққат ҳукумат, иккинчиси пойтахтдаги султон ва унинг вазирлари бошчилигидаги расмий (номига) ҳукумат мавжуд бўлиши маъқул эмас эди. Сиёсатчилар Мустафо Камолдан бундай вазиятда ўз фикрини очиқ баён қилиб беришини қаттиқ талаб қилишди. У ўз ниятларини яшириб, уларга жавоб бермади. Халифа Ваҳидиддинга қарши «халифа инглиз ва юнонларнинг малайи», деган миш-миш тарқатди ва пировардида халқни кўзғатиб юборди. Мустафо Камол фойдасига ва халифага қарши бўлган шундай бир жўшқин муҳитда у султон ва ҳукумат ҳақидаги ўз режасини баён қилиш учун «Миллий жамият»ни тўплади. У Ваҳидиддинни ишдан четлатишга ва салтанатни бекор қилишга вакилларни кўндирга олишига ишонар эди-ю, лекин бутун халқнинг исломий туйғуларига зарба бериши мумкинлиги сабабли халифаликка ҳужум қилишга ботина олмасди. Шунинг учун у халифаликка қарши чиқмади ва уни бекор ҳам қилмади. Балки халифалик салтанатидан ажратилишини, салтанат бекор қилиниши ва Ваҳидиддин ишдан четлатилишини таклиф қилди. Вакиллар бу таклифни эшитгач, жим бўлиб қолишди ва Мустафо Камол улардан тасдиқлаб беришларини талаб қилаётган бу таклифни хатарини англаб етишди ҳамда у билан бу иш устида мунозара қилиш лозимлигини айтишди. Мустафо Камол бундан чўчиди ва таклифига муносабат билдиришни талаб қилди. Бу ишда уни саксон нафар тарафдори қўллаб-қувватлади. Бироқ, мажлис таклифни ўрганиб чиқиши учун қонун ишлари комиссиясига топширди. Эртаси куни комиссия ишни текшириш учун тўпланган вақтда, Мустафо Камол ҳам келди ва комиссиянинг ишини кузатиб ўтирди. Комиссия бу таклифни

бир неча соат мунозара қилди. Комиссия аъзолари олимлар, ҳимоячилардан ташкил топган эди. Улар бу таклифни шаръий нусусларга солиштириб, шариятга зидлигини кўришди. Чунки Ислолда диний ва дунёвий салтанат бўлмайди. Салтанат ва халифалик битта нарса бўлиб, дин бошқа, давлат бошқа деган нарса йўқ, балки бу ерда фақат Ислом низоми бўлиб, давлат бу низомнинг бир қисми ҳисобланади ва у бу низомни ижро этади. Шунинг учун комиссия салтанатни халифаликдан ажратишни оқлайдиган бирор нарса топа олмади. Зеро, бу ҳақда Ислолда нусуслар очиқ, аниқ келган. Шунинг учун комиссия бу таклифни рад қилишга қатъий қарор қилди. Лекин Мустафо Камол халифаликни бекор қилиши ва халифалик давлатини йўқотиши учун Британия унга ажратган вазифани бажариш йўлида салтанатни халифаликдан ажратиш орқали динни давлатдан ажратишни хоҳлаётган эди. Мустафо Камол таклиф қилаётган бу иш исломий давлатни ўз аҳлининг қўли билан йўқ қилишни ирода қилган иттифоқчиларнинг талабига жавоб бериш эди. Шунинг учун комиссия унинг таклифини рад қилишини билгач, ўзини тутиб тура олмади ва ўрнидан ғазаб билан сакраб турди. Кейин курси устига чиқиб, текширув учун йиғилган комиссия мунозарасини қўйидаги гаплари билан тўхтатиб қўйди: «Жаноблар, Усманий салтанат ҳукмронликни халқдан куч билан тортиб олган эди. Халқ ҳам уни куч билан қайтариб олишга қарор қилди. Салтанат халифаликдан ажратилиши ва халифалик бекор қилиниши керак. Сизлар бунга рози бўласизларми, йўқми, барибир тез орада шундай бўлади. Ўшанда баъзи бирларингизнинг бошларингиз танангиздан жудо бўлиши мумкин». У гапларини диктаторларга хос овозда гапирди. Комиссия тарқалди. Кейин миллий жамият бу таклифни зудлик билан кўриб чиқиш учун чақирилди. Текширув чоғида кўпчилик бу таклифни рад қилишга мойил эканлиги Мустафо Камолга маълум бўлиб қолди. Шунинг учун у атрофига тарафдорларини жамлаб, бу таклифга бир маротаба қўл кўтариш орқали фикр олишни талаб қилди. Айрим вакиллар бунга эътироз билдириб, номма-ном чақириб фикр олинишини ўртага ташлашди. Мустафо Камол бунга кўнмади ва таҳдид билан қичқирди: «Мен бу таклифни мажлис тезда бир овоздан қабул қилади деб ишонаман. Овоз бериш учун қўлларни кўтариш кифоядир», деди. Таклиф овозга қўйилди, бироқ озчилик қўл кўтарди. Лекин мажлис раиси таклиф бир овоздан қабул қилинди деб натижани эълон қилди. Вакиллар ҳайрон бўлиб қолишди. Айримлари ўринларидан туриб: «Бу тўғри эмас, биз бунга рози бўлмаганмиз», деб қичқаришди. Мустафо Камолнинг ёрдамчилари: «Жим бўлларинг» деб бақириб беришди. Кейин раис Туркиянинг «Катта миллий жамияти» бир овоздан салтанатни бекор қилишга қарор қилди, деб яна бир марта натижани эълон қилди. Мажлис тугади. Мустафо Камол тарафдорлари қуршовида мажлисни тарк этди. Халифа Ваҳидиддин бу хабарни эшитгач, қочиб кетди. Халифанинг қочгани эълон қилиниши биланоқ, акасининг ўғли

Абдулмажид мусулмонларнинг халифаси деб эълон қилинди. Лекин унда ҳеч қандай ҳуқуқ йўқ эди. Шундай қилиб, мамлакат шаръий ҳокимсиз қолди.

Агар салтанат халифаликдан ажратилса, мамлакатни ким бошқаради? Мустафо Камол салтанатни халифаликдан ажратишга қаттиқ интилган эди. Шу сабабдан келажакда Туркияда бўладиган бошқарув шаклини белгилашдан олдин салтанатни халифаликдан ажратишга уринди. Шунинг учун, салтанатни бекор қилгандан кейин бўладиган янги ҳукуматнинг таркибини ишлаб чиқишга киришди. Агар вазирлик ташкил этса, у дустурий ҳукуматга раис бўлади. Халифа ҳокимият эгаси бўлиб қолаверади ва уни бекор қилиш ҳақидаги қарор наф бермайди. Мустафо Камол вазирлик ташкил қилишга унамади. Ўз мақсадини яширди. Қўлидаги куч ва салтанат ёрдамида «Халқ партияси» номли партия тузди. Бу билан у афкори оммани ўз томонига буришни кўзлади. Салтанатни халифаликдан ажратишни эълон қилганидан кейин, жамиятдаги кўпчилик унга қарши эди. Шунинг учун у ўзи истаган ҳукумат шаклини, яъни Туркияни жумҳурият, ўзини эса шу жумҳурият раиси деб эълон қилиш устида ўйлай бошлади. Мустафо Камол «Миллий жамият»ни қийин аҳволга солиб қўйиш учун иш олиб борди. Натижада, ҳукуматни бошқараётган вазирлик истеъфога чиқди ва истеъфосини «Миллий жамият»га тақдим этди. Жамият вазирликка бошчилик қиладиган одам топа олмади. Шундай мушкул аҳволдан кейин Мустафо Камол вазирликка бош бўлиши таклифи киритилди. Жамият қийин шароитни ҳисобга олиб, бу таклифни қабул қилди ва Мустафо Камолдан вазирликка бошчилик қилиб, бу мушкул аҳволдан қутқаришини сўради. Мустафо Камол аввалига ўзини рози бўлмаётгандек қилиб кўрсатди. Сўнг таклифни қабул қилди ва минбарга кўтарилиб, вакилларга қарата деди: «Вазиятни мушкул аҳволдан чиқаришим учун сизлар мени чақирдинглар. Лекин сизлар олиб борган ишлар сабабли биз шу аҳволга тушиб қолдик. Бу танг ҳолат ўтқинчи нарса эмас, балки, ҳукуматимиз низомидаги асосий ҳатолик натижасидир. Чунки «Миллий жамият» бир вақтнинг ўзида ҳам қонун чиқариш, ҳам ижро қилиш масъулиятини ўз зиммасига олган. Сизлардан ҳар бир вакил вазирликда қарорлар чиқарилишида иштирок этишни, ҳукуматнинг идорий ишларига ва вазирнинг барча қарорларига аралашини хоҳлайди. Жаноблар, бундай шароитда бирор вазир масъулиятни ўз устига олиб, бу мансабни қабул қила олмайди. Тушунинг, бундай асосга қурилган ҳукуматни вужудга келтириш амри маҳолдир. Агар бўлса ҳам, ҳукумат эмас, бетартиб бир нарса бўлади. Биз бу вазиятни ўзгарттиришимиз лозим. Шунинг учун қарор қиламанки, Туркия сайлов йўли билан танлаб олинadиган президент бошқарувидаги жумҳуриятга айлантирилиши керак». У сўзини тугатгач, Туркиянинг жумҳурият қилиниши ва Мустафо Камолни Туркия жумҳуриятининг биринчи президенти қилиб сайланиши ҳақидаги

аввалдан тайёрлаб қўйилган фармон эълон қилинди. Шундай қилиб, у ўзини мамлакатнинг қонуний ҳокими қилишга муваффақ бўлди.

Лекин иш Мустафо Камол ўйлаганча бўлмади. Туркия халқи муслмон эди. Мустафо Камолнинг қилган иши эса Исломга зид эди. Шунинг учун мамлакатда - Мустафо Камол Исломни йўқ қилишни хохламоқда деган гап тарқалди. Мустафо Камолнинг шахсий ҳаётида шаръий ҳукмларнинг барчасига қарши чиқиб, Исломни ёмон кўриши ва муслмонларнинг муқаддас анъаналарини масхара қилиши бу хабар тўғри эканини таъкидлади. Барча одамлар Анқарадаги янги ҳокимлар кофирлар эканлигига аниқ ишонч ҳосил қилишди ва халифа Абдулмажид атрофига жамлана бошлашди. Бу муртадларни йўқ қилиш учун салтанатни халифага қайтаришга, халифани яна ҳукм юритувчи қилишга ҳаракат бошланди. Мустафо Камол халқ уни ёмон кўраётганини, уни динсиз, кофир деб ҳақоратлаётганини кўргач, катта хатар гавдаланиб турганини кўрди ва бу иш устида фикр юритиб, халифага ва халифаликка қарши ташвиқотни кучайтирди. Сўнг «Миллий жамият»ни ишга солди ва жумҳуриятга ҳар қандай қаршилиқ ва халифага ҳар қандай тарафдорлик хиёнат деб ҳисобланиб, жазоси ўлимдир, деган қонунни тасдиқлатиб олди. Кейин ҳар бир мажлисда халифаликнинг зарарлари, хусусан «Миллий жамият»га қаршилиги ҳақида гапира бошлади ва халифаликни бекор қилиш учун шарт-шароитлар тайёрлади. Айрим вакиллар халифалик Туркия учун дипломатик нуқтаи-назардан фойдали экани ҳақида гапиришганида, Мустафо Камол уларга қарши чиқиб, «Миллий жамият»га шундай деди: «Халифалик учун, Ислом ва дин кишилари учун турклар жанг қилиб, беш асрдан буён жангларда ҳалок бўлишмадимми? Энди Туркия ҳинд ва араблардан юз ўгириб, бировларнинг манфаатларини кўзлаш ва муслмонлар гамини ейишдан ўзини халос этиш фурсати етди».

Шундай қилиб, Мустафо Камол халифаликнинг зарарларини баён қилиб, уни ва тарафдорларини хоинлар деб атади ҳамда уларни инглизларнинг қўғирчоғи қилиб кўрсатди. Турклар учун халифаликнинг зарарини баён қилиб, унга қарши ташвиқот олиб борди. Мустафо Камол бу билан кифояланиб қолмади, балки халифаликни қўллаб-қувватлаганларга қарши таҳдид йўлини тутди. Вакиллардан бири халифаликнинг лозимлигини ва динни ҳимоя қилиш кераклигини очиқ айтганда, ўша кечаси уни уйига қайтаётган пайтда йўқ қилиш учун одам юборди. Бу қотил Мустафо Камолнинг тарафдорларидан эди. Халифаликни қўллаб-қувватлаб нутқ сўзлаган бир вакилни, яна шундай гапларни гапирсанг остириб юбораман деб қўрқитди. Шундай қилиб бутун мамлакатни қўрқувга солиб қўйди. Сўнг Истамбул ҳокимига жума намози адо қилинаётган вақтда халифанинг атрофида бўладиган дабдаба-ю асъасани бекор қилиши ҳақида буйруқ берди. Шунингдек, халифанинг обрўсини ерга урди. Халифага эргашганларни огоҳлантириб, ундан узоқ юришларини таъкидлади. Мустафо Камол

ёрдамчиларидан бетараф бўлган айримлари бу ишнинг моҳиятини тушуниб қолгач, исломий ҳамиятлари қўзғати ва халифаликнинг йўқ бўлиб кетишидан қўрқиб, Мустафо Камолдан ўзи мусулмонларга халифа бўлишини талаб қилишди. У бу таклифга унамади. Сўнг Миср ва Ҳиндистондан икки элчи келиб, улар ҳам Мустафо Камолдан ўзини халифа деб эълон қилишини ўтинишди. Яна халифалик учун умид пайдо бўлди. Лекин Мустафо Камол бунга рад этди ва халифаликни бекор қилиш учун қақшатқич зарба тайёрлади. Халқда, қўшинда ва «Милий жамият»да ажнабийларга, душманларга, халифанинг иттифоқчиларига - ўз гумонича - қарши нафрат ва ғазаб уйғотди. Ажнабийларга қарши ғазабни қўзғаш, халифа ажнабийларнинг иттифоқчиси деб, унга туҳмат қилиш ва унга қарши нафратни уйғотиш учун ўйлаб топилган бир ҳийла эди. Мустафо Камол одамларни халифага қарши қўзғатувчи миш-мишлари билан муҳитни заҳарлади. Бу муҳит мамлакатга ҳукмрон бўлган пайтда 1924 йил 3-март куни Мустафо Камол «Миллий жамият»га халифаликни тугатиш, халифани давлатдан қувғин қилиш ва динни давлатдан ажратиш қарорини тақдим этди. Бу қарор тақдим қилинган вақтда Мустафо Камол шундай деди: «Нима қилиб бўлса ҳам, хавф остида қолган жумҳуриятни сақлаб қолиш ва уни мустақкам илмий асосга қуриш лозим. Халифа ва Усманийлар хонадони қолдиқлари йўқотилиши даркор. Эски диний маҳкамалар ва шаръий ҳукмлар замонавий маҳкама ва дунёвий қонунларга алмаштирилиши керак. Диний мадрасалар ўз ўрнини диний бўлмаган мактабларга бўшатиб бериши зарур». Сўнг у динга ва ўзини дин пешволари деб номлаётган кишиларга ҳамла қилди. Диктаторларча мажбур қилиш билан бу қарор «Миллий жамият» томонидан мунозара қилинмасдан тасдиқланди. Кейин Истамбул ҳокимига халифа Абдулмажид тонг отмасдан Туркиядан чиқиб кетиши лозимлиги ҳақида буйруқ юборди. Ҳоким миршаблар ва аскарлар бўлинмаси билан ярим кечада халифа қасрига борди. Халифага баъзи кийимлари ва оз-моз пул солинган жомадонни тутқазиб, уни мажбуран бир машинада чегарадан ўтказиб қўйишди.

Шундай қилиб, Мустафо Камол Исломий Давлатни ва исломий тузумни қулатди ва ўрнига капиталистик давлатни, капитализм тузумини тиклади. Мустафо Камол салибчилар урушидан бошлаб кофирлар орзу қилаётган ишни рўёбга чиқариб, уларга Ислом Давлатини йўқ қилиб берди.

ИСЛОМИЙ ДАВЛАТ БАРПО БЎЛИШИ ОЛДИДАГИ ТЎСИҚЛАР

Биринчи Жаҳон уруши тугади. Иттифоқчилар ИсломиЙ Давлатнинг барча юртларини эгаллаб олдилар. Уларнинг энг асосий мақсади бу Давлатни батамом йўқ қилиш ва қайтадан тикланишига йўл қўймаслик эди. Иттифоқчилар ИсломиЙ Давлатни батамом йўқ қилганларидан кейин исломий оламнинг қайси қисмида бўлса ҳам ИсломиЙ Давлат қайта тикланишига йўл қўймаслик учун ҳаракат қила бошладилар. Иттифоқчилар бир қанча режалар тузишди ва ИсломиЙ Давлат борлиққа яна қайтмаслигини кафолатлаш учун турли услубларни қўллашди. Улар ҳанузгача мана шу ғоялари йўлида ҳаракат қилишмоқда.

Мустамлакачи кофир Ислом юртларини босиб олганидан сўнг ўзи режалаштирган асосларга кўра ўша юртларда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлашга киришди. Усманий Давлат ҳукми остида бўлган юртларни 1918 йили мустамлакачилар босиб олиб, 1922 йилгача у ерларда ҳарбий ҳукмронликни ўрнатди. Баъзи ўлкаларда ваколат (мандат) бериш ва баъзи ўлкаларда мухторият номи билан 1924 йилгача ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаб олди. 1924 йили душман, хусусан Британия, ИсломиЙ Давлатни қайта барпо бўлишига алоқадор ҳар қандай нарсани йўқ қилувчи ишларни амалга оширди. Яъни, шу йили Мустафо Камол мустамлакачи кофирлар ёрдамида халифаликни бекор қилиб, Туркияни демократик жумҳуриятга айлантирди. ИсломиЙ Давлатни қуришнинг охириги умидларини йўқотиш учун Мустафо Камол «халифалик» деган атаманинг ўзини йўқ қилди. Шу йилнинг ўзида халифалик мансабига интилаётгани учун Ҳусайн ибн АлиЙ Ҳижоздан чиқариб юборилди ва Кипрда ҳибсга олинди. Шу йилнинг ўзида инглизлар ўз малайлари ёрдамида Қоҳирада ўтказилаётган халифалик кенгаши ишларига арлашишди ва унинг тарқалиб кетиши ва муваффақиятсиз яқунланишига эришишди. Яна шу йилнинг ўзида инглизлар Ҳиндистондаги «Халифалик жамияти»ни тарқатиб юбориш ва унинг ҳаракатларини барбод қилиб, оқимини миллий ва ватаний тарафга буриб юбориш учун иш олиб борди. Шу йили мустамлакачи кофирлар таъсирида Мисрда «Азҳар» олимларининг баъзилари томонидан динни давлатдан ажратишга чақирган, Исломда бошқарув асослари йўқ деб даъво қилган, Исломни роҳиблик дини, унда бошқарув ҳақида ҳам, давлат ҳақида ҳам ҳеч нарса келмаган деб тасвирлаган китоблар ёзилди. Шу йили ва кейинги йил ҳам мусулмонлар икки мавзу атрофида: - «Араб Давлатлари бирлиги» фойдалироқми, имкониятлари кўпроқми ёки «ИсломиЙ Давлатлар бирлиги»ми? деган фойдасиз тортишувлар билан чалғитиб қўйилди. Газета ва журналлар анча вақт шу мавзу билан машғул бўлди. «Араб Давлатлари бирлиги» ҳам, «ИсломиЙ Давлатлар бирлиги» ҳам аслида фойдасиз ва нотўғри бўлиши билан бирга улар ИсломиЙ Давлатнинг қайта барпо

бўлиши олдида турган тўсиқ эди. Мустамлакачи кофирлар бу тортишувларни Исломиё Давлатни зеҳнлардан узоқлаштириш учун қасддан ўйлаб топишган эди. Бу билан халифалик ва Исломиё Давлат фикрини мусулмонлар юртларида зеҳндан узоқлаштиришга муваффақ бўлишди.

Мустамлакачилар Исломиё Давлатни босиб олишларидан илгари турк ёшлари ўртасида: - «Туркия туркий бўлмаган халқларнинг юкини кўтариб келмоқда, энди бу халқлардан қутилиш вақти келди», деган турк миллатчилигини авж олдирди ҳамда турк миллатчилиги йўлида ва Туркияни туркий бўлмаган юртлардан ажратиш учун фаолият олиб борадиган сиёсий жамиятлар ташкил қилди. Араб ёшлари ўртасида: - «Туркия мустамлакачи давлатдир. Ҳозир арабларга Туркия мустамлакасидан қутулиш фурсати етди» деган араб миллатчилигини сингдирди ҳамда араб бирлиги ва мустақиллиги учун иш олиб борадиган бир қанча сиёсий жамиятлар ташкил қилди. Босқинчи кофир Исломиё юртларни босиб олиши билан миллатчилик ғояларини тарқатди ва миллатчилик фикри Исломиё ўрнини эгаллаб бошлади. Турклар ватанпарварлик ва миллатчилик асосида мустақил бўлди. Араблар ҳам ўзини-ўзи бошқариш учун ватанпарварлик ва миллатчилик асосида ҳаракат қила бошлади. Миллатчилик, ватанпарварлик сўзлари ҳаммининг тилидан тушмайдиган, фахр ва шон-шараф белгиси бўлиб қолди. Мустамлакачилар бу билан кифояланиб қолмадилар, балки Исломиё дини ва ундаги бошқарув ҳақида, гўёки, халифалик ҳам насронийлардаги папа ҳукмронлигига ўзшаган нарса бўлиб, фақат диний-роҳиблик бошқарувидир, деган хато тушунчаларни тарқатди. Оқибатда мусулмонлар халифа сўзини айтишдан ва халифаликни тиклашни талаб қилишдан хижолат чекадиган бўлиб қолишди. Мусулмонлар ўртасида халифаликни талаб қилиш қолоқлик ва қотиб қолганлик нишонаси, бундай гап зиёли одамдан чиқмайди, эркин фикрли одам бу каби гапни гапирмайди, деган умумий хулоса пайдо бўлди.

Мана шундай вазиятда Исломиё юртлар майда давлатларга тақсимланди ва ҳар бир юрт аҳолиси бу бўлинишни мустаҳкамлашга киришди. Натижада битта Усмоний Давлат Туркия, Миср, Ироқ, Сурия, Ливан, Шарқий Иордания, Ҳижоз, Нажд, Яман каби бир қанча бўлақларга ажратилди ва уларда мустамлакачиларнинг сиёсати билан шуғулланувчи малайлари ва яхши ниятли адашган одамлар ҳам мустақилликни талаб қилиб турли-туман кенгашлар ўтказишди. Натижада Туркия, Ироқ, Миср, Сурия ва ўзга давлатлар пайдо бўлди. Сўнг мустамлакачилар Фаластинда яҳудийлар учун миллий ватан барпо қилиб берди. Бу миллий ватан кейинчалик давлат номи остида мустақил вужудга айланди. Кофирларнинг Фаластинда бу давлатни пайдо қилиши Англия, Франция ва Америка каби мустамлакачи Ғарб давлатлари мусулмонларни бошқа тарафга буриб

юбориш ва Исломиё Давлат қайта вужудга келишининг олдини олиш учун восита эди. Бу ишлар билан географик ҳолат ва умумий муҳит мусулмонлар озодлигининг йўлига мустаҳкам гов бўлди.

Мустамлакачилар иқтисодда капитализм низомини, бошқарувда демократик низомни, иш юритиш ва қозилик ишларида Фарб қонунларини татбиқ эта бошлади. Фарб ҳазорати ва ҳаёт ҳақидаги тушунчалари одамлар онгига сингдирилди. Фарбнинг яшаш тарзи мусулмонларнинг ҳам яшаш тарзи бўлиб қолиши учун Фарб ўзининг ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарини жамиятда мустаҳкамлашга ҳаракат қилди ва катта муваффақиятга эришди. Натижада Миср ва Ироқда подшолик парламент тузумини, Ливан ва Сурияда жумҳурият тузумини, Шарқий Иорданияда амирликни ўрнатди. Фаластинда ваколат (мандат) ҳокимиятини ўрнатди ва кейинчалик бу ҳокимият давлат номи остида яҳудийлар ўртасида демократик парламент тузуми барпо бўлиши билан ниҳоясига етди. Фаластиннинг қолган жойларини Шарқий Иорданияга қўшиб, уни подшолик парламенти ҳукумати қилиб қўйди. Ҳижоз ва Яманда мустабид подшоликни, Туркияда эса президент бошқарувидаги жумҳуриятни, Афғонистонда меросий подшоликни ўрнатди. Эронни эса императорлик тузумини ушлашга рағбатлантирди. Ҳиндистонни эса мустамлака қилишда давом этиб, кейин уни Ҳиндистон ва Покистон қилиб иккига бўлиб ташлади. Шундай қилиб, мустамлакачилар ўз низомини мусулмонларнинг юртларида татбиқ қилишга эришдилар. Уни татбиқ қилиш натижасида мусулмонлар қалбида Ислом ҳукмронлигини қайта тиклаш истагини сусайтирди. Мустамлакачилар бу билан чекланмади. Балки ўзи яратган тузумларни ҳимоя қилиш фикрини маҳаллий аҳоли фикрига сингдирди, яъни бир иқлимдаги ҳар бир миллат аҳолиси фақат ўз иқлимларини давлатлари деб тан олиб, бошқа иқлимлардан ажралиш ва мустақил бўлиш зарур деган хулосага келди. Оқибатда Туркияда ироқлик, Мисрда суриялик ажнабий бўлиб қолди. Шунингдек, ҳар бир юрт ҳокими капиталистик, демократик тузумни мустамлакачи кофирдан кўра қаттиқроқ ҳимоя қиладиган бўлиб қолди. Улар мустамлакачилар тиклаб берган тузум ва дастурни ўзгартиришга бўлган ҳар қандай ҳаракатни мустамлакачилар исломиё юртларда ижро қилиниши учун ишлаб чиққан қонун бўйича жазоланадиган ноқонуний ҳаракат деб ҳисоблашар эди.

Мустамлакачилар Фарб қонунларини мусулмонларнинг юртларига, олдин у ерлардаги малайлари ёрдамида татбиқ қилишга уринган бўлса, энди бевосита ўларзи татбиқ қилишга киришди. Яъни, мустамлакачилар XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Исломиё юртларга Фарб қонунларини киритишга ҳаракат қилди. Масалан, Мисрда шаръий аҳкомлар ўрнига қўлланиши учун Франциянинг фуқаролик қонунларини киритишга қизиқтира бошлади ва бу ишда

муваффақиятга эришди. Мисрда 1883 йилдан бошлаб қадимги Франция қонуни таржима қилиниб, шаръий ҳукмлар ўрнига маҳкамаларда татбиқ қилина бошланди. Усманий Давлатда халифалик мавжуд бўлгани сабабли, Фарб қонунларини киргизиш Мисрда бўлганидек осон кечмади. Лекин кофирларнинг қаттиқ ҳаракати ва малайларининг ёрдами ҳамда бу қонунлар Исломга зид эмас деб фатво берилиши туфайли жазо, ҳуқуқ ва тижорат қонунларини киритиш мумкин бўлди. Исломиё қонунларни ҳам Фарб қонунларига ўхшатиб тузиш фикри туғилди. Сўнг, шаръий ҳукмлардан иборат бўлган қонунлар деб «Мажалла» (Қонунлар тўплами) босиб чиқарилди. Маҳкамалар иккига бўлинди:

1. Қонунлар шаклидаги шаръий ҳукмлар билан иш юритадиган «шаръий маҳкама».

2. Олимларнинг Исломга зид келмайди деб чиқарган фатволарига кўра Фарб қонунларига мувофиқ ва уларга тақлидан ишлаб чиқилган «шаръий қонунлар» асосида ҳукм чиқарадиган «низомий маҳкама».

Қонунларга нисбатан шундай йўл тутилди. Дустурга нисбатан эса Исломиё давлат учун бир дустур ишлаб чиқиш ва уни Франция дустуридан олиш ҳаракати бошланди ва 1878 йилда мақсадга эришилишига бир баҳя қолганда, мусулмонларнинг қаршилигига учраб тўхтатилди. Лекин мустамлакачиларнинг тиниб-тинчимаслиги, малайлари ва Фарб сақофати билан заҳарланганларнинг кўпайиши «дустур ҳаракати» яна пайдо бўлишига ва муваффақият қозонишига имкон яратди. 1908 йили дустурни қўллаш амалга оширилди. Усманий Давлатда қонунлар ва дустурни қўллаш билан Арабистон ярим ороли ва Афғонистондан ташқари бутун Исломиё ўлкалар Фарб қонунлари услубида юрадиган бўлди. Мустамлакачилар Исломиё ўлкаларни босиб олгач, Исломга алоқаси йўқ фуқаролик қонунлари деган эътиборда Фарбнинг барча қонунларини бевосита татбиқ қилишга киришди. Шаръий аҳкомлар тарк этилди. Бу ҳам куфр ҳукмронлигини мустаҳкамлаб, Ислом ҳукмронлигини заифлаштирди. Бу ишда Фарбга қуйидаги омиллар ёрдам берди: у мустаҳкам ўрнашиб, ҳамма ишларини ўзи белгиланган таълим сиёсати, ўзи ишлаб чиққан ва ҳозиргача барча исломиё ўлкаларда татбиқ қилинаётган тарбия дастури асосига қурди. Натижада бу дастурларни ҳимоя қиладиган, кўплари давлатни бошқараётган ва мустамлакачилар хоҳлагандек ҳаракат қиладиган муаллимлар қўшини пайдо бўлди. Таълим сиёсати ва дастурлари қуйидаги икки асосга қурилди:

Биринчиси: Динни ҳаётдан ажратиш. Бундан табиий равишда динни давлатдан ажратиш келиб чиқади. Бу ҳол мусулмонларнинг ўзлари Исломиё Давлат барпо бўлишига қарши курашишларини муқаррар қилиб қўяди. Зеро, бу нарса (яъни Исломиё Давлат барпо

бўлиши) мусулмонлар таълим олган асос (яъни динни ҳаётдан ажратиш)дан келиб чиқадиган сиёсатга зиддир.

Иккинчиси: Мустамлакачиларнинг шахсини ўз билим ва маълумотлари учун асосий манба қилиш. Бу нарса, ўз навбатида, ушбу мустамлакачиларни ҳурматлашни, улуғлашни, уларга ўхшашга ва тақлид қилишга уринишни ҳамда мусулмонни таҳқирлашни, ундан узоқлашишни, ундан қочишни тақозо этади. Ҳамда Исломиё Давлат барпо бўлишига қарши курашишни ва «Исломиё Давлат ортга қайтиш» деб ҳисоблашни талаб қилади. Мустамлакачилик ўзи бошқараётган ёки қўғирчоқ ҳукуматлар бошқараётган мактаб дастурлари билангина чекланмади, балки уларга фақат мустамлакачилик асосига қурилган миссионерлик мактабларини ҳамда сиёсий ва сақофий жиҳатдан хато йўналтиришни ўз устига олган сақофий университетларни ҳам қўшди. Бу билан турли мактаблардаги ва турли сақофий университетлардаги фикрий муҳит умматни Исломиё Давлат ҳақида фикр юритишдан узоқлаштирадиган ҳамда уммат билан Исломиё Давлатни тиклаш учун ҳаракатни тўсадиган сақофатда тарбиялай бошлади

Бу ишлар билан бир қаторда барча исломиё ўлкаларда динни ҳаётдан ажратиш асосида сиёсий дастурлар юзага келди. Зиёлилар ичида динни давлатдан ажратиш, омма халқ ичида эса динни сиёсатдан ажратиш тушунчалари ҳукмрон бўлди. Бунинг оқибатида мусулмонларнинг қолоқлигига сабаб уларнинг динни маҳкам ушлаганликларидир, уйғонишнинг ягона йўли миллатчилик ва шу йўлда ҳаракат қилиш, деб биладиган зиёлилар гуруҳи пайдо булди. Шунингдек, мусулмонларнинг қолоқлигига сабаб ахлоқдир, деб даъво қиладиган гуруҳлар ҳам майдонга келди. Биринчи галда миллатчилик ва ватанпарварлик учун ҳаракат қиладиган, номига сиёсий бўлган партиявий уюшмалар қурилди, Ислом асосидаги фаолиятга эса мустамлакачиликнинг гиж-гижлаши ҳамда қолоқлик ва тубанлик қаърига тортувчи орқага қайтиш деб қараладиган бўлди. Иккинчи галда ахлоқ, ваъзу иршод асосидаги жамиятлар барпо бўлди ва фазилат, одоб-ахлоқ учун ҳаракат қила бошлади. Улар сиёсатга аралашмасликни ўзига шарт қилиб олди. Бу билан ушбу партия ва жамиятлар Исломиё Давлатни вужудга келтириш учун ҳаракат қилишни тўсадиган катта тўсиққа айланди. Чунки улар зеҳнларни бошқа томонга буриб юборди. Зеҳнлар ҳам шаръан вожиб бўлган сиёсий ишдан, яъни Исломиё Давлатни барпо қилишдан фақат ахлоқий ишларга бурилиб кетди (ахлоқ аслида мусулмон Ислом аҳқомларини татбиқ қилишининг муқаррар натижаси ҳамда Ислом ҳукмронлиги барпо бўлишининг табиий якунидир). Мазкур партиялар эса Исломга зид бўлган ва Исломиё Давлат юзага келишига йўл қўймайдиган мустамлакачилик асосида барпо бўлган эди.

Бу сиёсий дастурлар билан бир қаторда уларни ҳимоя қилиб, ижросини таъминлайдиган қонунлар ҳам юзага келди. Бинобарин, сиёсий исломий партия ёки ҳаракатларнинг олдини оладиган қонунлар ишлаб чиқилди. Бу қонунлар мусулмонларни шу ўлкаларнинг аҳолиси бўлишларига қарамасдан, «тоифа» деб эътибор қилди. Бу қонунлар сиёсий партия ва ҳаракатларнинг низомлари демократик бўлиши ҳамда уларга кириш фақат битта тоифадаги одамларга чекланмаслигини шарт қилувчи моддаларни ўз ичига олди. Бунинг маъноси - Исломиё Давлат қайта вужудга келмаслиги учун исломий ўлкаларда сиёсий исломий партия ёки ҳаракатлар пайдо бўлиши мумкин эмаслигини ҳамда мусулмонлар фақат хайрия жамиятлари ва шу каби жамиятлар тузишга ҳақли эканликлари ва Ислом асосида сиёсий фаолият олиб бориш ман этилганини англатади. Баъзи қонунлар сиёсий исломий партиялар тузишни жазога тортиладиган жиноят деб эътибор қилди. Шундай қилиб, Исломиё Давлатни вужудга келтирмаслик асосидаги сиёсий дастурлар сохта қонунлар билан мустаҳкамланди.

Мустамлакачилик бу билан чекланмади, балки мусулмонларни арзимас ишлар билан овунтириб қўйиб, Исломиё Давлат соясида исломий ҳаётни қайта бошлаш учун ҳақиқий фаолиятдан умматни бурадиган овунчоқ бўлиб қолиши мақсадида «Исломиё конференциялар»ни қўллаб-қувватлади. Бу конференциялар туйғуларга тасалли бериш вазифасини ўтади. Уларда бирор моддаси ҳам ижро қилинмайдиган, балки ижро қилишга ҳаракат ҳам қилинмайдиган қарорлар қабул қилиниб, матбуот ва радио-телевидение орқали фақат эшиттириб қўйиладиган бўлди. Кейин баъзи ёзувчи ва нотикларни Исломиё Давлат мавжуд бўлишидаги хатарларни ҳамда Исломда бошқарув низоми йўқлигини баён қилишга руҳлантирди. Натижада, мусулмонлар чалғиши учун ва ўз динларидан, унинг аҳкомларига мувофиқ ҳаётни қайта бошлашдан бошқа томонга бурилиб кетишлари учун, мусулмонлар ичидаги айрим малайларнинг мустамлакачининг ушбу чақиригини ўз ичига олган китоблари чоп этилди.

Мустамлакачилик Исломиё Давлат барпо бўлишига қарши тўсиқлар қўйиб ҳамда Исломиё Давлатни йўқ қилганидан кейин яна пайдо бўлишига йўл қўймасликка бор кучини сарфлаб, Исломиё Давлатни йўқотган кундан бошлаб ҳозиргача мана шу тарзда тинимсиз ҳаракат қилиб келмоқда.

ИСЛОМИЙ ДАВЛАТНИ БАРПО ҚИЛИШ МУСУЛМОНЛАРГА ФАРЗДИР


Исломий давлатнинг жиҳози қуйидаги саккиз рукн устига барпо бўлади: халифа, тафвиз муовини, танфиз муовини, жиҳод амири, волийлар, қозилар, давлат идоралари ва уммат мажлиси. Агар давлат шу саккиз рукнни ўзида мужассамлаштиради ўз жиҳозини мукамал қилган бўлади. Агар булардан бирортаси етишмаса, унинг жиҳози тўқис ҳисобланмайди. Лекин халифа бор экан, Давлат Исломий давлат бўлиб қолаверади. Жиҳоздаги нуқсон унга зарар етказмайди. Чунки давлатда асос халифадир. Исломий давлатда бошқарув асослари тўртта бўлиб, улар: битта халифа сайлаш; ҳукм юритиш (салтанат) умматники бўлиши; сиёдат (хўжайинлик) шариятники бўлиши ва фақат халифа шаръий аҳкомларни табанний қилиши, яъни уларни амал қилинадиган қонунга айлантиришидир. Агар бу асослардан бирортаси бўлмаса бошқарув ғайриисломий ҳисобланади. Шунинг учун бу тўрт асоснинг барчаси мукамал бўлиши зарур. Исломий давлатда асос халифадир. Ундан бошқалар унинг ноиби ёки маслаҳатчиларидир. Демак, Исломий давлат Исломи татбиқ этадиган Халифадир. Халифалик (ёки имомлик) эса мусулмонлар устидан умумий тасарруф юритишга эга бўлиш демақдир. Бу эса ақидалардан эмас, балки шаръий аҳкомлардандир. Зеро, бандаларнинг феълларига тааллуқли бўлган фуруълардандир.

Халифани тиклаш мусулмонларга фарздир. Уч кечани Халифага байъатсиз ўтказиш мусулмонлар учун ҳалол эмас. Агар мусулмонлар уч кун халифасиз қолишса, то халифани тиклагунларича гуноҳкор бўладилар. Улар бор кучларини халифани тиклашга сарфламасалар ва то тиклагунларигача тинимсиз ҳаракат қилмасалар, улардан гуноҳ соқит бўлмайди. Халифани тиклашнинг фарзлиги Китоб, Суннат ва саҳобалар ижмоси билан собитдир. Қуръонда Оллоҳ Таоло Расулуллоҳ ﷺни мусулмонлар ўртасида ўзи нозил қилган шариат билан ҳукм юритишга буюрган ва бу буйруқ қатъий бўлиб келган.

Оллоҳ Таоло марҳамат қилади:

 فَاحْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ عَمَّا جَاءَكَ مِنَ الْحَقِّ

– „Бас, одамлар ўртасида Оллоҳ нозил қилган шариат билан ҳукм қилинг ва Сизга келган Ҳақдан юз ўгириб, уларнинг ҳавои нафс-хоҳишларига эргашманг“, [5:48]

 وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَاحْذَرْهُمْ أَنْ يَفْتِنُوكَ عَنْ بَعْضِ مَا أَنزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ

– „Эй Муҳаммад, улар ўртасида Оллоҳ нозил қилган шариат билан ҳукм қилинг. Уларнинг ҳавои нафсларига эргашманг ва Оллоҳ сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг“. [5:49]

Расулуллоҳ ﷺга бўлган хитоб бутун умматга бўлган хитобдир, модомики бу хитоб Расулуллоҳнинг ўзларига хослигини билдирувчи

далил келмаган бўлса. Бу ерда эса бундай далил келмаган. Демак, мазкур оятлардаги хитоб Оллоҳ нозил қилган шариат билан ҳукм юриштишлари, ҳокимиятни тиклаш бўлмиш Халифани тиклаш учун барча мусулмонларга нисбатан хитобдир. Суннатга келсак, Расулуллоҳ деганлар: **«Кимки ўз замонасидаги Имом (Халифа)ни билмаган ҳолда ўлса жоҳилият ўлими билан ўлибди», «Кимки бўйнида байъат бўлмаган ҳолда ўлса, у жоҳилият ўлими билан ўлибди»** (Имом Аҳмад ва Табароний Муовиядан ривоят қилган). «Мен Расулуллоҳ шундай деганларини эшитгандим: **«Кимки Оллоҳга итоат этишдан қўлини тортса (яни бош тортса), Қиёмат кунда Оллоҳга ҳужжатсиз ҳолда рўбарў бўлади. Кимки бўйнида байъати бўлмаган ҳолда ўлса, у жоҳилият ўлими билан ўлибди»»** (Имом Муслим ибн Умардан ривоят қилган). Ҳишом ибн Урва Абу Солиҳдан, у Абу Ҳурайрадан ривоят қилади, Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: **«Сизларга мендан кейин волийлар бошлиқ бўлади. Уларнинг яхшиси сизларга яхшилиги билан, ёмони ёмонлиги билан волийлик қилади. Бас, сизлар уларга қулоқ солинг ва ҳаққа мувофиқ келадиган ҳар бир нарсада уларга итоат қилинглр. Агар улар яхшилиқ қилишса, бу сизларнинг фойдангиз, агар ёмонлик қилишса (ҳам итоат қилинглр. Зеро,) бу сизлар учун фойда, уларга эса зиёндир»**. Энди ижмога келсак, Бухорий ва Муслимларнинг саҳиҳ ҳадислар тўпламларида келган Бану Соида айвонида бўлган воқеалар ҳақидаги ҳадисга кўра, Расулуллоҳ ﷺнинг вафотларидан кейин саҳобалар бутун эътиборларини халифа тиклашга қаратишган. Барча халифаларнинг вафотларидан кейин ҳам шундай бўлган. Саҳобалар халифа тиклашни вожиб деб ижмо қилганлари тавотур йўли билан нақл этилган. Ҳатто улар бу ишни вожибларнинг энг муҳими деб билишган. Бу эса қатъий далил деб эътибор қилинади. Умнат ҳеч бир вақт халифасиз қолмаслиги лозимлиги тўғрисида ҳам саҳобаларнинг ижмоси тавотур йўли билан нақл қилинган. Демак, умнат имомни тиклаши ва ўзига бош қилиб олиши вожибдир. Расулуллоҳ ﷺнинг вафотларидан то Қиёмат кунигача бутун умнат шунга қақирилгандир.

Саҳобалар Расулуллоҳни дафн этишни то давлатни бошқариш учун битта халифага байъат қилингунча кечиктириб туришгандан халифани тиклаш қанчалар зарурлиги ва буни саҳобалар қанчалар чуқур ҳис этишгани ўз-ўзидан кўриниб турибди. Бу нарса Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه оғир жароҳатланган пайтда қилган ишидан ҳам аён бўлади. У кишидан мусулмонлар ўзидан кейинги халифани тайин қилиб беришни сўрашганда унамади. Сўнг мусулмонлар қаттиқ туриб олишди. Шунда Умар رضي الله عنه ичидан биттасини сайлаб олишлари учун олти кишини танлади. Бу билан кифояланмай, сайлаш учун қисқа муддатни, яъни уч кунни белгилаб берди. Шундан сўнг уч кун ичида ўзларидан биттасини халифа қилишга қарор қилишмаса, улардан муҳолиф бўлган шахсни ўлдиришни тайинлади. Ҳатто улар аҳли шўро ва буюк саҳобалардан бўлишса ҳам, ким қарши чиқса, уни ўлдирадиган

одамларни ҳам тайёрлаб қўйди. Халифаликка номзодлар Алий, Усмон, Абдурраҳмон ибн Авф, Зубайр ибн Аввом, Талха ибн Убайдуллоҳ ва Саъд ибн Абу Ваққос ﷺлар эди. Агар мана шундай саҳобалардан бири халифа сайлашга иттифоқ қилмаса ўлдирилар экан, бу ҳол халифа сайлаш қатъиян заруриликка далил бўлади.

Ҳукмларни ижро қилиш, ҳадларни тиклаш, чегараларни мустаҳкамлаш, қўшинларни жангга тайёрлаш, одамлар ўртасидаги келишмовчиликларни тўхтатиш, тинчликни сақлаш ва шу каби шаръий вазибалар халифага боғлиқдир. Шунинг учун халифа тиклаш вожибдир.

Халифаликни талаб қилиш макруҳ эмас. Саҳобалар ﷺ ва аҳли шўро халифалик устида тортишишган. Буни улардан ҳеч ким инкор этмаган, балки саҳобалар ижмоси орқали бундай тортишув мумкинликка келишилган.

Расулуллоҳ ﷺ шундай деганлар: **«Агар иккита халифага байъат қилинса, уларнинг кейингисини ўлдиришлар»** (Муслим Абу Саид Худрийдан ривоят қилган). Расулуллоҳ ﷺ дедилар: **«Кимки бир имом (халифа) билан байъат қилиб, унга қўлини-ю дилини тутса, бор кучи билан унга итоат этсин. Агар бошқаси келиб, халифаликни у билан талашса, кейингисининг бўйнига (қилич билан) уринлар»** (Муслим ривояти). Яна бир ривоятда **«Ким бўлса ҳам унинг бўйнини қилич билан узинлар»**, деган сўзларига кўра барча мусулмонларга фақат битта халифа сайланади. Ўлдиришга буюришлари сабаби, агар бошқа йўл билан қайтмаса, унда ўлдирилади. Агар халифалик сифатларига эга бўлган бир нечта одам тўпланса, кўпчилик томонидан байъати қонуний тусга кирган шахс халифа бўлади. Кўпчиликка қарши чиққан шахс эса боғий бўлади. Агар халифалик шартларини ўзида тўлиқ мужассам этган битта шахс халифаликка сайланса, кейин кўпчилик ундан бошқасига байъат қилса, биринчиси халифа бўлиб қолаверади. Иккинчисини эса рад қилиш лозим бўлади. Халифада тўлиқ бўлиши керак бўлган шартлар қуйидагилар: Мусулмон, эркак, болиғ, оқил, одил, ҳур ва қодир бўлиши. Мусулмон бўлишининг далили Оллоҳ Таолонинг ушбу сўзидир:

وَلَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا ﴿١٤١﴾

– „Ва Оллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермаган“.

[4:141]

Эркак бўлишининг далили Расулуллоҳ ﷺнинг ушбу ҳадисларидир: **«Ўз ишларига аёл кишини бош қилиб олган қавм ҳеч қачон нажот топмайди»**. Болиғ ва оқил бўлишининг далили ушбу ҳадисдан олинган: Расулуллоҳ ﷺ шундай дедилар: **«Уйқудаги киши уйғонгунича, сабий балоғатга етгунча ва телба тузалгунича қалам кўтарилгандир»**. Кимдан қалам кўтарилган (яъни қилган ишларига жавобгар бўлмайдиган) бўлса, у шаръан мукаллаф эмасдир. Бинобарин, у ўз ишларини тасарруф қила олмагани учун халифа бўлиши ёки ҳукмдорликка

алоқадор бирор қуйи мансабга тайинланиши дуруст эмас. Чунки у тасарруф қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Адолат шартлигига келсак, адолат халифаликнинг қонуний тусга кириши ва давомли бўлиши учун лозим бўлган шартдир. Чунки Оллоҳ гувоҳнинг адолатли бўлишини шарт қилган. Оллоҳ Таоло айтганки:

فَأَمْسِكُوهُمْ بِمَعْرُوفٍ أَوْ فَارِقُوهُمْ بِمَعْرُوفٍ وَأَشْهِدُوا ذَوَىٰ عَدْلٍ مِّنكُمْ

– „Ва ўзларингиздан, яъни мусулмонлардан бўлган икки адолат соҳибини гувоҳ қилинглар“.

[65:2]

Гувоҳдан кўра баланд мартабада бўлган шахс, яъни халифа адолатли бўлиши лозимдир.

Ҳур бўлиш шартлигига келсак, бунга сабаб қул хўжайиннинг ихтиёридадир. У ўзича иш қилиш ҳуқуқига эга эмас. Ўзича иш қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган кимсанинг бошқалар устидан ҳукм юрита олмаслиги табиийдир. Шунинг учун ҳам унинг одамлар устидан бошлиқ бўлиши мумкин эмас.

Қодир бўлиш шартлигига келсак, бирор таклиф (вазифа)ни бажаришдан ожиз бўлган шахсга у ишни юклаш бефойда. Шунингдек, бу нарса аҳкомларга эътиборсиз қараш ва ҳуқуқларнинг зое бўлишига олиб боради. Ислому бунга рухсат бермайди.

Булар халифанинг собит (доимий) шартларидир. Аммо фуқоҳолар зикр қилган булардан бошқа: шижоатли, илмли бўлиши, Қурайшдан, ёки Фотима хонадонидан бўлиши ва шу каби талаблар халифаликни қонуний тусга киритиш шартларидан эмас. Улар бунинг шarti эканига бирорта далил келмаган. Шунинг учун улар шарт деб эътибор қилинмайди. Бинобарин ҳар бир мусулмон, болиғ, эркак, оқил, одил, ҳур ва қодир шахсга мусулмонларга халифа бўлиши учун байъат қилиниши дуруст бўлаверади.

Шунга кўра, Исломиё Давлатни барпо қилиш барча мусулмонларга фарздир. Бу Китоб, Суннат ва саҳобалар Ижмоси билан собитдир. Чунки ҳозир мусулмонлар ўз юртларида куфрнинг нуфузига бўйсунган бўлиб, улар устида куфр аҳкомлари татбиқ қилинмоқда. Уларнинг диёрлари Дорул-Ислому бўлганидан кейин дорул-куфрга айланиб қолди. Яъни, уларнинг тобеликлари (фуқароликлари) Исломиё эмас, гарчи уларнинг юртлари исломиё бўлса ҳам. Мусулмонлар Дорул-Исломда яшашлари ва уларда исломиё (фуқаролик) тобелик бўлиши вожибдир. Аммо бу нарса фақат Исломиё Давлатни барпо қилиш билангина ҳосил бўлади. Зеро, мусулмонлар Исломиё татбиқ этадиган, унинг даъватини бутун оламга олиб чиқадиган халифага байъат қилиш учун Исломиё Давлатни тиклашга интилмасалар гуноҳкор бўлиб қолаверадилар.

ИСЛОМИЙ ДАВЛАТ БАРПО БЎЛИШИНING ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИ

ИсломиЙ Давлатнинг барпо бўлиши осон эмас, зеро, исломиЙ ҳаётни қайта бошлаш энгил кечмайди. Чунки бу ерда ИсломиЙ Давлат барпо бўлиши олдида турган турли-туман улкан тўсиқлар борки, уларни олиб ташлаш, исломиЙ ҳаётни қайта бошлаш йўлидаги катта қийинчиликларни энгиб ўтиш керак. Чунки иш қандайдир бир давлатнинг юзага келишига ҳам, исломиЙ деб номланадиган давлатнинг барпо бўлишига ҳам боғлиқ эмас. Балки иш Исломни Ақидадан келиб чиққан низом сифатида, Оллоҳ Таолонинг ҳукми деган эътиборда шаръий аҳкомлар сифатида татбиқ қиладиган, ичкарида исломиЙ ҳаётни мукамал суратда қайта бошлайдиган ва ташқарида барча одамларга даъватни ёядиган **ИСЛОМИЙ ДАВЛАТ** барпо бўлишига алоқадордир. Бу Давлат Ақидага, бу ақида устига қуриладиган ёки ундан келиб чиқадиган фикрларга ҳамда ундан олинадиган қонун ва низомларга асосланган бўлиши лозим. Шундагина қалбда ҳаётга иштиёқ уйғонади, ҳокиму-маҳкум томонидан ихтиёрий равишда қонун ва низомларнинг ижроси кафолатланадиган ИсломиЙ ақлия ва ИсломиЙ нафсия вужудга келади. Бу Давлат уни барпо қилган умматда ҳам, уммат ишларини бошқарувчиларда ҳам ИсломиЙ ҳаётни қайтадан бошлаб, уммат бутун оламга Ислом рисолатини олиб чиқишга имкон берадиган суратда ҳаётининг барча соҳасида ИсломиЙ бўлиши лозим, ғайримусулмонларга ўз давлатларида Исломнинг нурини кўришга имкон туғдиради ва улар Оллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб киришади. Шунинг учун исломиЙ ҳаётни қайта бошлаш ёки ИсломиЙ Давлат барпо қилиш йўлидаги қийинчиликлар жуда ҳам кўп бўлиб, уларни англаб етиш ва энгиб ўтиш учун интилиш лозим. Бу қийинчиликларнинг энг асосийлари қуйидагилар:

1. ҒайриисломиЙ фикрларнинг мавжудлиги ва уларнинг Ислом оламига ҳужуми. Бунга сабаб: Ислом олами тушкунлик асрини бошидан кечирди. Бу даврда у жамиятдаги умумий қоғоқлик сабабли фикр юритиши саъз, маърифатсиз, ақли заиф эди. ИсломиЙ олам мана шундай бир ҳолатда турганда унга Ислом фикрларига зид бўлган, ҳаёт ҳақидаги хато тушунчалар устига қурилган фикрлар билан ҳужум қилинди. Бу фикрлар қаршилиқдан холи серунум тупроқни топиб олди ва яхшилаб ўрнашди. Шунинг учун муслмонларнинг, хусусан, зиёлиларнинг ақллари бу фикрлар билан чулғанди. Натижада Ғарбга тақлидни шиор этган, ўзига хосликни йўқотган, исломиЙ фикратни сиёсий деб ўзидан йироқлаштирган, бу фикратнинг ҳақиқатини идрок қила олмайдиган сиёсий одамлар шаклланди. Шунинг учун ИсломиЙ даъват Исломга ва ИсломиЙ ҳаётни қайта бошлашга ундайдиган бўлиши керак. Бинобарин, муслмонлар уларга Исломни тушунтириш орқали исломиЙ ҳаётни қайта бошлаш учун фаолият олиб боришга даъват қилинадилар. Ғайримусулмонлар Исломга унинг фикрларини шарҳлаш орқали даъват қилинадилар. Бу эса ғайриисломиЙ фикрлардаги хатоликларни, улардан келиб чиқадиган хатарли натижаларни баён қилишни ҳамда уммат сиёсий жиҳати яққол намоён бўлиб турган исломиЙ сақофат билан

тарбиялашни тақозо этади. Бу билан ушбу қийинчиликни енгиб ўтиш мумкин.

2. Мустамлакачилик белгилаб берган асосга қурилган таълим дастурларининг, мактаб ва олий ўқув юртларида бу дастурлар татбиқ этиладиган тариқатнинг мавжудлиги ҳамда бу илм даргоҳларидан ҳукм юритиш ишлари, идора қилиш, қозилик, таълим, тиб ва ҳаётнинг бошқа соҳаларини бошқарадиган шахсларнинг мустамлакачилар хоҳлайдиган режа асосида тарбияланиб чиқишлари. Ҳатто, кўриб турганимиздек, ҳукм юритиш ишларида мустамлакачи хизматчилар мустамлакачи ўрнатган чегаралар, қонунлар, сақофат, сиёсат, тузум, ҳазорат ва бошқаларни кўриқлаш ҳамда мустамлакачини кўз қорачиғидек асрайдиган мусулмон хизматчиларга алмаштирилди. Бу қийинчиликни енгиш йўли - мавжуд мустамлакачиликнинг жирканчлиги яққол намоён бўлиши учун ҳокимлар ва хизматчиларнинг қилмишларини очиб ташлаш. Шунда ҳеч ким мустамлакачиликни ҳимоя қилмайдиган бўлади.

3. Таълим дастурларининг мустамлакачи белгилаб берган асосда ва у хоҳлаган тариқатда татбиқ этилиши ҳозиргача давом этиб келаётгани. Бу ҳол илм даргоҳларини битириб чиққан ҳамда ҳали таълим олаётган ёшларни Исломга зид йўналишда иш тутадиган қилиб қўйди. Биз таълим дастурлари деганимизда илмий ва санойй дастурларни назарда тутмаяпмиз, зеро, булар бирор умматга хос бўлмаган оламий билимлар бўлиб, барча одамлар учун баробардир. Балки ҳаётдаги нуқтаи назарга таъсир кўрсатадиган сақофий дастурларни назарда тутмоқдамиз. Мана шу нарса таълим дастурларини исломий ҳаётни қайта бошлаш олдида турадиган қийинчилик қилиб қўйди. Бунга тарих, адабиёт, фалсафа ва қонунчилик билимлари кирази. Чунки тарих ҳаётни воқеий тасвирлаш бўлса, адабиёт шуурий тасвирлашдир. Фалсафа аслий фикр бўлиб, унинг устига ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назар қурилади. Қонунчилик эса ҳаёт муаммоларининг амалий муолажалари ҳамда шахслар ва жамоатларнинг алоқаларини тартибга солиш воситасидир. Дарҳақиқат, булар ёрдамида мустамлакачилар мусулмонларнинг ақлларини ўзига хос тарзда шакллантирдик, натижада уларнинг баъзиларини ўзининг ва умматнинг ҳаётида Ислом мавжуд бўлиши заруратини англаб етмайдиган қилиб қўйди. Баъзиларни эса Исломга душман, унинг ҳаёт муаммоларини муолажа қила олишини инкор қиладиган қилиб қўйди. Шунинг учун бу ақлияни ўзгартириш зарур. Бунинг учун ёшларни мактаб ва олий ўқув юртларидан ташқарида исломий фикрлар ва шаръий аҳкомлар билан тартибли ва жамойй сақофат бериш услуби орқали тарбиялаш керак. Шунда бу қийинчиликни ҳам енгиш мумкин бўлади.

4. Айрим сақофий билимларни оммавий тарзда улуғлаш ва уларни олий илмлардан деб эътибор қилишнинг мавжудлиги. Масалан, социология (ижтимоий фанлар), психология (руҳшунослик) ва педагогика илмлари. Зеро, одамлар бу маорифларни илм деб, улар ҳосил қилган натижаларни тажрибаларнинг натижаси деб ҳисоблашади ва уларга ҳурмат билан қарашади. Бу маорифлар келтирган нарсаларни сўзсиз қабул қилинадиган масалалар деб олиб, уларни ҳаёт ишларида ҳакам

қилишади. Улар мактаб ва олий ўқув юртларимизда илм сифатида ўқитилади. Уларни ҳаётда татбиқ қиламиз, ҳаёт ишларида улардан мадад оламиз. Шунинг учун социология, психология ва педагогика илмларининг олимлари айтган гаплар Қуръон ва Ҳадисдан кўра кўпроқ далил қилиб келтирилади. Шунинг учун, бу илмларни таълим олиш, улуғлаш, ҳаётдаги ишларимизда ҳакам қилиш натижасида бизда хато фикрлар ва нуқтаи назарлар пайдо бўлди. Уларга зид сўзларни қабул қилишимиз ҳам қийин бўлиб қолди. Бу илмлар умуман олиб қаралганда динни ҳаётдан ажратишга ва Исломиё Давлат барпо бўлишига қарши курашишга олиб боради.

Ҳақиқат шуки, бу маорифлар илм эмас, сақофатдир. Чунки улар мулоҳаза ва тадқиқот йўли билан ҳосил бўлади. Уларда тажриба деган нарса умуман учрамайди. Уларни одамларга татбиқ қилиш тажриба дейилмайди, балки улар турли шахслар устида турли шароит ва вазиятларда такрор-такрор кузатилган мулоҳазалардир. Демак, улар мулоҳаза ва тадқиқот бўлиб, тажриба ўтказувчининг бир нарсани ўз устида синаши ёки у нарса устида тадқиқот олиб боришига ўхшамайди. Шунинг учун улар илм эмас, сақофат доирасига киради. Бундан ташқари, улар зонний (гумонли) бўлиб, хато бўлиши ҳам, тўғри бўлиши ҳам мумкин. Бунга сабаб, улар чалкаш асос устига қурилганидир. Чунки улар шахс ва жамиятга қараш асосига қурилган. Бинобарин, улар шахсий қарашларга асосланади. Шунинг учун жамият шахслардан таркиб топган, деган эътиборда қарашлар шахсдан оилага, ундан жамоатга ва охири жамиятга кўчади. Шунинг учун бу маорифлар жамиятларни бир-биридан ажралган деб эътибор қилиб, бир жамиятга тўғри келган нарса иккинчи жамиятга тўғри келмайди деб ҳисоблайди. Ҳақиқат шуки, жамият инсон, фикрлар, туйғулар ва қонунлардан таркиб топган бўлиб, бир жойдаги инсонга тўғри келган нарсалар ҳамма жойдаги инсонга ҳам тўғри келаверади. Ҳамда турли жамиятлар битта жамиятга айланади, уни фикрлар, туйғулар ва қонунлар ислоҳ қилади. Жамиятга бўлган нотўғри муносабат натижасида шу хато қарашга асослангани учун таълим соҳасида ҳам, жамиятшуносликда ҳам янглиш қарашлар юзага келди. Шунингдек, улар руҳшуносликка асослангани учун ҳам шундай хатоликлар пайдо бўлди. Руҳшуносликнинг ўзи ҳам икки жиҳатдан хатодир: биринчидан, у мияни минтақаларга (зоналарга) бўлинган, ҳар бир минтақанинг ўзига хос қобилияти бор, баъзи бир мияларда бошқа мияларда учрамайдиган имкониятлар бор, деб ҳисоблайди. Ҳолбуки, ҳақиқатда мия битта бўлиб, унда ҳосил бўлаётган фикрларнинг ҳар хил ва бир-бирига қарама-қаршилиги ҳис қилинган нарсалар ҳамда маълумотларнинг ҳар хил ёки қарама-қаршилигига боғлиқдир. Шунингдек, бир мияда бор бўлган қобилият бошқа мияда ҳам бўлади. Зеро, барча мияларда ҳамма нарса ҳақида фикр қилиш қобилияти бор. Фикрлаш жараёни учун эса ушбу уч омил бўлиши керак: ҳис қилинадиган воқелик, ҳис этувчи аъзолар ва миядаги маълумотлар. Кўзлар кўриш қувватида бир-биридан фарқ қилганидек, миялар ҳам боғлаш ва ҳис этиш қувватида бир-биридан фарқланади. Шунинг учун

ҳар бир шахсга ҳар қандай маълумотни бериш мумкин, зеро, ҳар бир шахсда уларни ўзига хос идрок этиш қобилияти бор. Шунинг учун, руҳшуносликнинг «қобилиятлар» деган айирмасига ҳеч қандай асос йўқ. Иккинчидан, руҳшунослик ғаризаларни кўп деб, улар ичида кашф этилганлари ҳам, ҳали кашф этилмаганлари ҳам бор деб ҳисоблайди. Олимлар ушбу тушунчани жуда кўп хато назарияларга асос қилиб олишди. Ҳақиқат шуки, ҳиссиёт аъзолари ёрдамида қайта-қайта мушоҳада қилишдан маълум бўладики, инсонда ҳаётий куч бўлиб, у икки хил кўринишга эга: 1) Албатта тўйдирилишни талаб қилади. Агар тўйдирилмаса, инсон ўлади. 2) Тўйдирилишни талаб қилади, тўйдирилмаса ҳам инсон тирик қолаверади, лекин тўйдирилмагани учун изтиробли аҳволга тушади. Биринчисига очлик, ташналик, қазои хоҷат каби узвий эҳтиёжлар, иккинчисига эса ғаризалар, яъни тадайюн ғаризаси, нав ғаризаси ва бақо ғаризаси киради. Бу ғаризалар ожизликни, навнинг давом этишини ва ўз ҳаётини сақланиб қолишини ҳис қилишдир. Булардан бошқа ғаризалар йўқ. Бу уч ғаризадан бошқалари уларнинг кўринишларидир. Масалан, қўрқув, ҳукмронлик, мулкчилик бақо ғаризасининг, муқаддаслаштириш, ибодат тадайюн ғаризасининг, оталик ва ака-укалик нав ғаризасининг кўринишларидир. Демак, руҳшуносликнинг ғаризаларга ва мияга хато муносабатда бўлиши бу муносабатларнинг асосига қурилган назарияларнинг ҳам, руҳшуносликдан таъсирланган педагогиканинг ҳам хато бўлишига олиб борди.

Демак, жамиятшунослик, руҳшунослик ва педагогика сақофий маорифлар бўлиб, уларда исломий фикрга зид ўринлар бор. Улар умуман олганда хато маорифлардир. Уларни улуғлаш ва ҳакам қилишнинг сақланиб қолиши Исломи Давлат фаолиятига тўсиқ бўладиган қийинчиликларни юзага келтиради. Шунинг учун улар илм эмас, сақофат экани ҳамда қатъий ҳақиқатлар бўлмай, зонний нарсалар экани, хато асосга қурилгани ва ҳаётда ҳакам бўла олмаслиги, фақат Исломгина ҳакам бўлиши баён қилиниши лозим.

5. Ислом оламидаги жамият ғайри исломий ҳаёт кечираётгани. Бунга сабаб, давлат тузилиши унинг устига қурилган бошқарув низоми ва жамият, бу жамият барча ташкил қилувчи омиллари билан асосланган ҳаёт қондалари, мусулмонлардаги нафсий йўналиш, фикр юритишларининг асоси бўлган ақлий тузилиш - буларнинг барчаси Исломнинг ҳаёт ҳақидаги тушунчаларига зиддир. Бу асослар ўзгартирилмас, бу чалкаш тушунчалар тузатилмас экан, одамларнинг жамиятдаги ҳаётларини, давлат тузилишини, жамият тартибларини ҳамда мусулмонлар устида ҳакам бўлиб турган нафсий ва ақлий ҳолатларни ўзгартириш қийин бўлади.

6. Исломий ҳукм юритиш, айниқса бошқарув ва молия сиёсатида мусулмонлардан йироқлаштириб юборилгани. Бу ҳол мусулмонларни исломий ҳаётни заиф тасаввур қиладиган, иймон келтирмаганларни эса исломий ҳаётни мутлақо тескари тушунадиган қилиб қўяди. Хусусан, мусулмонлар ҳокимлар тарафидан Ислом нотўғри татбиқ қилинган

замонда бир муддат яшадилар. Шунингдек, Халифалик тугатилгандан бошлаб то шу кунгача душманлари тарафидан ҳамма нарсада, айниқса бошқарув ва молия сиёсатида Исломга зид бўлган низом асосида бошқариб келинмоқдалар. Шунинг учун одамлар ўзлари яшаб турган ёмон воқеликни тушуниб етишларини, яқин келажакда қандай яшашлари вожиблигини, бу воқеликни ўзгартириб уни қандай ҳаётга айлантиришлари лозимлигини аниқ тасаввур қилишлари керак. Одамлар исломий ҳаётга ўтиш аста-секин эмас, балки бирданига ва тўлиқ бўлишини, Ислом инқилобий (яъни бир дафъада) татбиқ этилишини, оздан ва мавжуд тузумнинг нуқсонларини ямаб-ясқаб, босқичма-босқич татбиқ этилмаслигини тасаввур қилишлари керак.

7. Ислом ўлкаларида демократияга асосланган, халққа капиталистик низомни татбиқ қиладиган, Фарб давлатлари билан сиёсий жиҳатдан боғланган, иқлимийлик ва алоҳидалик асосига қурилган ҳукуматларнинг мавжудлиги. Бу ҳам исломий ҳаётни қайта бошлаш учун ҳаракатни мушкуллаштирадиган омиллардандир. Зеро, бу ҳаракат барча Исломий ўлкаларни қамраб олгандагина самара беради. Чунки Ислом мусулмонлар ўлкаларини бир неча давлат қилишга рухсат бермайди, балки яхлит бўлишини талаб қилади. Бу эса даъват, ҳаракат, татбиқ барча Исломий ўлкаларни қамраб олишини тақозо этади. Бу, ўз навбатида, ушбу ҳукуматларни - гарчи уларни бошқараётганлар мусулмонлар бўлса ҳам - Исломий даъватга қарши кураш майдонига чиқаради. Шунинг учун, исломий ўлкалардаги ҳукуматларнинг қаршилиги натижасида юзага келадиган қийинчилик ва машаққатларни кўтаришга тўғри келса ҳам барча иқлимларда Исломий даъват олиб борилиши керак.

8. Ватанпарварлик, миллатпарварлик ва иштирокия (социализм) ҳақида афкори омманинг мавжудлиги. Ватанпарварлик, миллатпарварлик ва иштирокия асосида сиёсий ҳаракатларнинг юзага келгани. Бунга сабаб, Фарбнинг Ислом юртларини босиб олиши, бошқарувни ўз қўлига киритиши ва бу ерларда капиталистик низомни татбиқ этиши одамларнинг қалбларида ўзларини ҳимоя қилиш майлини кўзгатиб юборди, бундан одамлар ўзлари яшаб турган ерларни ҳимоя қилишлари учун ватанпарварлик туйғуси келиб чиқди. Шунингдек, ўз жонини, оиласини, қавмини ҳимоя қилиш ва уни ҳукмронга айлантириш учун тоифачилик ҳиссини кўзгатибди. Бу нарса юртдан душманни қувиб чиқариш учун ватанпарварлик номи билан ва юртга ўзиникиларни ҳукмрон қилиш учун миллатпарварлик номи билан сиёсий ҳаракатларни келтириб чиқарди. Кейин одамларга капиталистик низомнинг бузуқлиги ва яроқсизлиги маълум бўлиб қолди. Улар ўртасида иштирокияга чақириқлар тарқалди. Натижада, капиталистик низом нуқсонларини ямаш учун иштирокия номи билан уюшмалар пайдо бўлди. Бу ҳаракатларда ҳаёт низоми қандай бўлиши ҳақида юзаки, наридан-бери тасаввурдан бошқа ҳеч қандай тасаввур йўқ эди. Бу нарса уларни мабадан, оламий мабада сифатидаги Исломдан узоқлаштириб юборди.

ИСЛОМИЙ ДАВЛАТ ҚАНДАЙ БАРПО БЎЛАДИ

Албатта, ўз тариқати билан бирга Исломиё фикратнинг қуввати - агар бу фикрат қалбларга ўрнашса, дилларга кириб борса ва мусулмонларда акс этиб, ҳаёт майдонида ҳаракат қиладиган жонли кучга айланса - Исломиё Давлатни барпо қилиш ва Исломиё ҳаётни қайта бошлаш учун етарлидир. Шунга қарамасдан, Давлат барпо бўлишидан олдин улкан ишлар амалга ошиши, Исломиё ҳаётни қайта бошлаш учун жуда катта куч сарфланиши керак. Бу давлатнинг барпо бўлиши учун қуруқ хоҳиш ва яхши ниятларнинг ўзи етарли эмас. Исломиё ҳаётни қайта бошлаш амалга ошиши учун фақат иштиёқ ва орзунинг ўзи кифоя қимаёди. Бинобарин, Ислом олдида турган улкан тўсиқларни олиб ташлаш учун уларни тўғри баҳолаш лозим бўлади. Шу гоё учун отланган одамларни кутаётган юкнинг оғирлигидан мусулмонларни огоҳлантириш ва иш ўз йўлида ақл, ирода, ҳушёрлик ва журъат билан юриб кетиши учун ҳар бир раъининг катта масъулияти борлигига муфаккирларнинг диққат-этиборини қаратиш керак. Исломиё ҳаётни қайта бошлаш йўлида ҳаракат қиладиганлар ўз сўқмоқларини улкан қоё тошлар орасидан йўниб очишларини, лекин метинлари ўткир ва катта бўлиб, ҳар қандай қоё тошни майдалаб ташлай олишини; улар ўта нозик ишга бел боғлашганини, тўғри тадбирлари уни чиройли ҳал қилишга кафил бўлишини; катта қийинчиликларга дуч келишларини, лекин уларни енгиб ўтишлари лозимлигини билиб олишлари керак. Улар ўз тариқатларидан четга чиқмаёдилар, чунки бу Расулulloҳ ﷺнинг тариқатларидир. Унда тўғри юриш, шубҳасиз, яхши натижалар беради ва ғалабани муқаррар қилади. Бу ҳозирги кунда мусулмонлар ўта ҳушёрлик ва ақллилик билан иш юритишлари лозим бўлган тариқат бўлиб, унда Расулulloҳ ﷺга эргашиш, у зот қандай тадбирлар қўллаган бўлсалар шундай ҳаракатларни амалга ошириш шарт. Фақат шундагина тўғри йўлдан тойилмаёди. Чунки қиёсдаги ҳар бир хато, йўлдан четга чиқиш, қоқилишга, ишнинг самарасиз якунланишига сабаб бўлади. Шунинг учун «халифалик» йўлида конференциялар ўтказиш Исломиё давлат барпо қилиш воситаси эмас. Мусулмонларни бошқараётган давлатларни бирлаштириш учун бўлган ҳаракатлар Исломиё давлатни тиклашга восита бўлмади. Мусулмонларнинг конференцияларни ўтказиши Исломиё ҳаётни қайта бошлашни рўёбга чиқармади. Булар кураш воситаси эмас, балки мусулмонларга таскин берадиган алдамчи омиллардир. Натижада, мусулмонларнинг бор ғайрат-шижоатлари тугаб, ҳаракат тўхтаёди. Бундан ташқари, бу ишлар Ислом тариқатига зиддир. Исломиё давлатни барпо қилишнинг ягона йўли Исломиё даъватни ёйиш ва Исломиё ҳаётни қайта бошлаш учун фаолият олиб боришдир. Бу нарса исломиё ўлкаларни яхлит деб қарашни тақозо

этади. Чунки мусулмонлар битта умматдир, зеро, бу уммат битта ақида боғлаб турадиган ва шу ақидадан низоми келиб чиқадиган инсонлар уюшмасидир. Шунинг учун исломий ерларнинг бир жойида бирор ишнинг содир бўлиши бошқа жойларда акс-садо беради, дарров муносабат қўзғатади. Бинобарин, Исломиий юртларнинг ҳаммаси битта мамлакат деб қаралиши ва уларнинг жамиятга таъсир кўрсатиши учун даъват кенг ёйилиши зарур. Чунки битта умматдан таркиб топган жамият қозондаги сувга ўхшайди. Агар унинг остига ўт ёқсангиз сув исиб қайнайди, сўнг буғга айланади ва ҳаракатни пайдо қилади. Жамият ҳам шундай, унга Исломиий мабда асос қилинса, бу мабданинг ҳарорати жамиятни ҳаракатга келтиради. Кейин бу ҳаракат жамиятни фаолиятга ундайдиган кучга айланади. Шунга биноан, Исломиий ҳаётни қайта бошлаш учун олдин бу юртга даъват етиб келиши керак. Бу китоблар, рисоалар, алоқалар ва даъватнинг бошқа барча воситалари ёрдамида амалга оширилади. Хусусан, алоқаларга кўпроқ эътибор бериш лозим, зеро, у даъватнинг энг самарали воситасидир. Бу тарзда ошкора даъватни қўллашдан мақсад жамиятда аланга пайдо қилишдир. Шунда жамиятдаги мавжуд турғунлик қўзғатилади. Агар амалий даъват бир нечта иқлимларда сиёсий мақсадни кўзлаб фаолият олиб борсагина бу қўзғалиш ҳаракатга айланади. Сўнг фаолият бир иқлимдан Исломи оламининг бошқа қисмларига ёйилади. Ушбу иқлимлар Исломиий давлат барпо бўладиган таянч нуқтаси вазифасини ўтайди. Шу ердан бутун оламга Исломи рисолатини олиб чиқадиган Давлатининг вужуди камолга етади. Бу иш Расулуллоҳ ﷺнинг суннатларига биноан амалга оширилади. Зеро, Расулуллоҳ ﷺ даъватларини барча одамларга етказдилар. Етказиш амалий сурат касб қилган эди. Чунки Макка аҳолисини даъват қилдилар, барча арабларни ҳаж мавсумида даъват қилиб, бу даъват Арабистон ярим оролининг барча жойларига етиб борар эди. Бу билан Арабистон ярим оролининг остига барча арабларни жунбишга келтирадиган ўт ёқар эдилар. Расулуллоҳ ﷺ араблар билан алоқа ўрнатиб, ҳаж мавсумида уларни даъват этар ва қабилаларга бориб, уларни ҳам Исломига даъват қилар эдилар. Улар Исломига шундай қилиб даъват қилинар эди. Қолган арабларга эса даъват Расулуллоҳ ﷺ ва Қурайш ўртасидаги тўқнашув сабабли этар эди. Яъни, бу тўқнашувнинг садолари уларнинг қулоқларига етиб, Исломига қизиқиш уйғотар эди. Даъват арабларга юборилган бўлса-да, унинг майдони аввалида Маккада чекланди, кейин Мадинага кўчди ва Исломиий давлат Ҳижозда вужудга келди. Шу боис даъват ҳарорати ва Расулуллоҳ ﷺнинг ғалабалари араблар орасида ғалаённи пайдо қилди ва ҳаракатни вужудга келтирди. Натижада барчалари иймон келтирди, Исломи давлати бутун Арабистон ярим оролини қамраб, кейин Исломи рисолатини оламга олиб чиқди. Шунга кўра,

биз даъватни ёйишни ва Исломиё ҳаётни қайта бошлашни Ислон Давлатини тиклашнинг тариқати қилиб олишимиз лозим. Шунингдек, Исломиё ўлкаларнинг барчасини битта жамият деб билишимиз лозим. Бироқ, фаолият майдонини бир ёки бир-нечта иқлимга чеклаб, мана шу жойда одамларнинг сақофатларини Ислон сақофати билан бойитишимиз керак. Шунингдек, даъватни самарали қилишга таъсир кўрсатадиган, фаол ҳамжиҳатлик ҳосил бўлиши учун Ислон ҳақида умумий фикрни юзага келтиришга ҳаракат қилишимиз вожиб. Бу таъсир кўрсатиш ҳаракати шу иқлимларда Исломиё Давлатни вужудга келтиришни кўзлаётган кураш воситасидир. Шундагина даъват зеҳнлардаги фикр ҳолатидан жамиятда мавжудлик ҳолатига ўтади, уммат орасидаги ҳаракатдан давлат кўринишига ўтади. Бу билан даъват ўзининг барча даврларини, яъни бошланиш нуқтасидан ҳаракатга, сўнг давлатни ташкил этувчи, қувватни ўзида тўла мужассам этган таянч нуқтасига ўтиб, даъватнинг барча даврларини босиб ўтган бўлади. Шу вақтда ушбу давлатга ва унинг салтанатига кирмаган иқлимлардаги мусулмонларга шарият маълум вазифа юклайдиган амалий давр бошланади. Давлатнинг вазифаси қуйидагилардан иборат бўлади: Оллоҳ Таоло нозил қилган шарият билан тўла ҳукм юритиш. Ўзи билан бошқа иқлимлар бирлашишини ички сиёсатининг таркибий қисмига айлантириш. Бунинг учун барча исломиё иқлимларда, хусусан ўзига қўшни жойларда даъватни ёйиш ва Исломиё ҳаётни қайта бошлашга тарғибот ишларини олиб боради. Кейин Исломиё иқлимлар ўртасида мустанлакчилик чизиб қўйган сохта сиёсий чегараларни бузиб ташлайди. Ўзига тобе ўлкаларнинг ҳокимларига ушбу сиёсий чегараларни қўриқлашни топширади. Шунинг учун қўшни иқлимлар бу чегараларни бекор қилмаса ҳам Исломиё давлат уларни йўқотиб, ўтиш визаларини, божхоналарни бекор қилиши, Исломиё иқлимлар аҳолиси учун чегараларни очиб қўйиши лозим. Бу билан одамлар бу Исломиё Давлат эканини ҳис қиладилар ҳамда Ислоннинг татбиқи ва ижросини ўз кўзлари билан кўрадилар. Мусулмонларнинг вазифаси эса Ислон татбиқи этилмаётган ва дорул-куфр деб ҳисобланаётган юртлар Дорул-Ислон бўлиши учун жойларда даъват ва тарғибот ишларини олиб бориш, уларни Исломиё давлат таркибига киритиш учун жонбозлик кўрсатишдир. Бу билан Ислон оламининг барча иқлимларидаги жамият соғлом ҳаракатга ундовчи ҳолатга ўтади. Бу соғлом ҳаракат сабабли барча мусулмонлар битта давлатга бирлашадилар. Ҳамда оламий фикрий етакчиликни ўзида акс эттирувчи Исломиё Давлат пайдо бўлиб, у даъватни ёйиш ва оламни ёмонликлардан халос қилишга имкон берувчи ўз мавқеи ва нуфузига эга бўлади.

Қадимда исломиё уммат Арабистон ярим оролида жойлашган бўлиб, сони бир неча миллион атрофида эди. Шунга қарамасдан, бу уммат Ислон даъватига киришганида ўша пайтдаги мавжуд икки

тузум қаршисида олабий кучни гавдалантирди. Иккисига ҳам зарба бериб, уларнинг қўл остидаги ўлкаларини эгаллади ва ер юзининг катта қисмида Ислонни ёйди. Ҳозирги кунда бир ярим миллиардга яқин мусулмонлардан иборат бўлган Ислоний уммат, Марокашдан Ҳиндистону Индонезиягача бўлган ўлкаларда яшаётган ер юзининг энг бой ва иқлими энг мўътадил қисмларини эгаллаб турган, энг тўғри мабдага эга бўлган Ислоний уммат битта давлат бўлиб бирлашса, шубҳасиз ҳамма нарсада буюк давлатлардан кўра қудратли кучга айланади. Шунинг учун ҳар бир мусулмоннинг вазифаси шу лаҳзадан бошлаб бутун оламга Ислон Рисолатини олиб чиқадиган Буюк Ислоний Давлатни вужудга келтириш учун ҳаракат қилиш ва бу ҳаракатини даъватни ёйиш ва ислоний ҳаётни қайта бошлаш учун амалий ҳаракат билан бошламоғи лозим. Бир ёки бир нечта иқлим фаолият майдонининг таянч нуқтаси қилиб белгиланиши зарур. Мусулмон бу йўлда ҳаракат қилиб, ҳар қандай машаққатларни енгиши, бор кучини сарфлаши, бунинг эвазига Оллоҳ Субҳонаҳу ва Таолонинг розилигидан бошқа мукофотни кутмаслиги ва ҳамиша Оллоҳнинг ўзига таваккул қилиши лозим.

ДУСТУР ЛОЙИҲАСИ

Умумий ҳукмлар

- 1-модда** - Ислом ақидаси давлатнинг асосидир, яъни унинг таркибида, жиҳози, муҳосаба қилиниши ёки унга тааллуқли барча ишларда бирор нарсанинг вужудга келиши учун фақат Ислом ақидаси асос қилинади. Бир вақтнинг ўзида Ислом ақидаси дустур ва шаръий қонуларнинг ҳам асосидир, яъни бу иккисининг ҳар қайсисига алоқадор бирор нарсанинг мавжуд бўлишига фақат Ислом ақидасидан келиб чиқсагина рухсат берилади.
- 2-модда** - Ислом ҳукмлари татбиқ қилинадиган ва хавфсизлиги Ислом билан бўлган юрт Ислом диёри (Дорул-Ислом)дир. Куфр тузумлари татбиқ қилинадиган ёки хавфсизлиги Ислом билан бўлмаган юрт куфр диёри (дорул-куфр)дир.
- 3-модда** - Халифа муайян шаръий ҳукмларни табанний қилиб, уларни дустур ва қонунлар сифатида йўлга қўяди. Агар халифа бирор шаръий ҳукмни жорий этса, фақат шу ҳукм амал қилиниши вожиб бўлган шаръий ҳукмга айланади. Шу вақтда бу ҳукм ҳар бир фуқаро учун зоҳирда ҳам, ботинда ҳам итоат қилиш вожиб бўлган амалдаги қонун бўлиб қолади.
- 4-модда** - Халифа закот ва жиҳоддан бошқа ибодатларда бирор муайян шаръий ҳукмни табанний қилмайди. Ислом ақидасига тааллуқли фикрларда ҳам ўзича ҳеч нарсани жорий этмайди.
- 5-модда** - Исломий тобеиятга эга бўлган (яъни Исломий Давлат фуқароси бўлган) барча одамлар шаръий ҳуқуқ ва бўрчлардан баҳраманд бўладилар.
- 6-модда** - Давлат фуқаролар ўртасида ҳокимият, қазо, иш бошқариш ёки шу каби соҳаларда айирмачиликка йўл қўйиши жоиз эмас. Балки ирқи, дини, ранги ва миллатидан қатъий назар барчага бир хил назар билан қарамоғи вожибдир.
- 7-модда** - Давлат - хоҳ мусулмон, хоҳ ғайримусулмон бўлсин - исломий тобеиятга эга барча инсонларга Ислом шариатини қуйидаги тарзда жорий этади:
 - а) Мусулмонларга барча Ислом аҳкомларини ҳеч бир истисносиз ижро қилади.
 - б) Ғайримусулмонларга ўз эътиқод ва ибодатларида умумий низомга мувофиқ амал қилишга рухсат беради.
 - в) Исломдан қайтган муртадларга - ўзлари муртад бўлсалар - муртад ҳукми татбиқ қилинади. Агар муртадларнинг фарзандлари бўлиб, ғайримусулмон ҳолда туғилган бўлсалар - мушрик ёки аҳли китоб эканликларига қараб - ғайримусулмонлардек муомала қилинадилар.
 - г) Ғайримусулмонларга озиқ-овқат ва либосларга тааллуқли бўлган ишларда - шариат аҳкомлари ижозат берган доирада - ўз динларига мувофиқ муомала қилинади.

д) Турмуш қуриш ва ажралиш муносабатлари ғайримусулмонлар ўртасида уларнинг ўз динлари бўйича ажрим қилинади. Улар билан мусулмонлар ўртасидаги муносабатлар эса Ислом аҳкомлари бўйича ҳукм этилади.

е) **Давлат булардан бошқа шаръий ҳукмларни ва муомалот, уқубот (жазо чоралари), байинот (жиноятни исбот қилиш ҳужжатлари), бошқарув ва иқтисод низомлари ва бошқаларга оид бўлган Ислом шариатининг ҳамма ишларини барчага - мусулмон ва ғайримусулмонларга - бирдек ижро қилади. Шунингдек, юқоридаги ҳукмларни раийятнинг ҳар бир шахсига ижро қилганидек, муоҳидлар, мустаъминлар ва Ислом ҳокимиятига бўйсунувчиларнинг ҳар бирига ҳам қўллайди. Фақат дипломатик дахлсизликка эга бўлган ваколатхона ходимлари, консуллар, элчилар ва шу кабилар бундан мустасно.**

8-модда - Араб тили Ислом тилидир. Давлатда фақат мана шу тил татбиқ этилади.

9-модда - Ижтиҳод фарзи кифоядир. Ижтиҳоднинг барча шартларини бажара олган ҳар бир мусулмон ижтиҳод қилиш ҳуқуқига эгадир.

10-модда - Барча мусулмонлар Ислом масъулиятини ўз зиммаларига оладилар. Исломда алоҳида «дин кишилари» йўқ. Давлатнинг вазифаси эса мусулмонлар орасида алоҳида «дин кишилари» мавжудлигини ифодалайдиган ҳар қандай ҳолатларни ман қилишдир.

11-модда - Ислом даъватини ёйиш Давлатнинг асосий вазифаси.

12-модда - Китоб, Суннат, саҳобалар ижмоси ва қиёс - фақат шуларгина шаръий аҳкомлар учун эътиборли далилдир.

13-модда - Аслида ҳар бир шахс бегуноҳдир. Ҳеч ким маҳкаманинг ҳукмисиз жазоланмайди. Бирор шахсни қийноққа солиш мутлақо жоиз эмас. Бу ишни қилган ҳар қандай инсон жазоланади.

14-модда - Амаллардаги асос шаръий ҳукмга чекланишдир. Бинобарин, ҳукми билмай туриб бирор иш амалга оширилмайди. Нарсалардаги асос эса, агар ҳаром қилинганлигига далил келмаган бўлса, мубоҳликдир.

15-модда - Ҳаромга олиб борувчи восита - агар ҳаромга олиб бориши эҳтимоли аниқ бўлса - ҳаром бўлади. Агар ҳаромга олиб боради деб гумонсиралса - ҳаром эмас.

Бошқарув низоми

16-модда - Бошқарув низоми яхлит бирлик низомидир. Бирлашган (иттифоқ) низоми эмас.

17-модда - Бошқарув марказийдир, идорий (административ) ишлар эса марказий эмас.

18-модда - Ҳокимлар (ҳукм юритувчилар) тўрттадир: халифа, тафвиз муовини, волий ва омил. Булардан бошқалар ҳоким эмас, балки масъул шахслар деб эътибор қилинади.

19-модда - Ҳокимиятга ёки ҳукмга тааллуқли ҳар қандай амалга фақат ҳур (қул эмас), болиғ, оқил, одил (адолатли), қодир эркак кишигина мутасаддий бўлади. Бундан ташқари унинг мусулмон бўлиши ҳам шартдир.

20-модда - Ҳокимларни муҳосаба қилиш мусулмонларнинг ҳуқуқи ва улар учун фарзи кифоядир. Фуқаролар орасидаги ғайримусулмонлар эса ҳокимларнинг зулмидан ва уларга Ислом аҳкомларини ёмон татбиқ қилинаётганидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

21-модда - Мусулмонлар ҳокимларни муҳосаба қилиш ёки уммат орқали ҳокимиятни қўлга олиш учун сиёсий ҳизмлар ташкил қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Шу шарт биланки, ушбу ҳизмларнинг асоси Ислом ақидаси, табанний қилган аҳкомлари эса, шаръий аҳкомлардан иборат бўлмоғи лозим. Ҳизм ташкил этишга ҳеч қандай рухсатнинг ҳожати йўқ. Исломдан бошқа асосга қурилган ҳар қандай гуруҳ тақиқланади.

22-модда - Бошқарув низоми тўрт қонда асосига қурилади:

Хўжайинлик шариатнинг ҳуқуқи, халқники эмас.

Ҳукм юритиш умматнинг ҳуқуқи.

Битта халифа сайлаш мусулмонлар устидаги фарз.

Шариат аҳкомларини табанний қилиш фақат халифанинг ҳуқуқидир. Фақат угина дустур ва бошқа қонунларни йўлга қўяди.

23-модда - Давлат жиҳози саккизта рукн устига қурилади:

Халифа.

Тафвиз муовини.

Танфиз муовини.

Жиҳод амири.

Қазо (қозилик).

Волийлар.

Идорий жиҳоз.

Уммат мажлиси.

Халифа

24-модда - Халифа ҳокимиятда ва шариатни ижро қилишда умматдан вакил бўлади.

25-модда - Халифалик ўзаро розилик ва ихтиёр битимидир. Ҳеч ким уни қабул қилишга ва халифаликка сайланадиган шахсга рози бўлишга мажбур этилмайди.

26-модда - Эркак ёки аёл бўлишидан қатъий назар, балоғат ёшига етган, ақлан соғлом ҳар бир мусулмон халифани сайлаш ва унга

байъат бериш ҳуқуқига эга. Ғайримусулмонлар бундай ҳуқуқдан маҳрум.

27-модда - Инъиқод байъатини амалга оширувчи шахсларнинг байъати орқали бирор шахс учун халифалик аҳди (битими) берилса, у ҳолда қолганларнинг байъати инъиқод байъати эмас, балки итоат байъати бўлади. Шунга кўра итоатсизлик аломатлари кўрилган шахсларнинг барчаси байъат беришга мажбур қилинади.

28-модда - Мусулмонлар томонидан сайланган кишигина халифа бўлади. Исломдаги ҳар қандай аҳд каби халифалик аҳди ҳам шаръий йўл билан амалга ошмаса, ҳеч ким халифалик ҳуқуқларига эга бўлмайди.

29-модда - Халифага инъиқод байъати бериладиган минтақа ёки давлатдаги ҳокимият фақат мусулмонларнинг ўзига таянадиган, кофир давлатга суйанмайдиган мустақил ҳокимият бўлмоғи шарт. Шунингдек, бу давлатнинг ички ва ташқи хавфсизлиги кофирлар қўлида эмас, балки мусулмонлар қўлида бўлиши лозим. Бошқа ўлкалардан талаб қилинадиган итоат байъатида бу нарса шарт эмас.

30-модда - Халифалик байъати берилаётган шахс, гарчи афзаллик шартларига эга бўлмаса-да, бироқ ўзида инъиқод шартларини тўлиқ мужассам этмоғи лозим. Чунки байъатда инъиқод шартлари эътиборга олинади.

31-модда - Халифага давлат раиси аҳди берилиши учун унда олти сифат бўлиши лозим. Яъни, у эркак, мусулмон, хур (қул эмас), балоғат ёшига етган, ақлан соғлом, адолатли ва ҳукм юритишга қодир бўлмоғи шарт.

32-модда - Халифалик мансаби - халифанинг ўлими ёки мансабдан воз кечганлиги ёки мансабдан четлатилганлиги сабабли - бўшаб қолса, унинг ўрнига уч кун ичида халифа сайлаш вожибдир.

33-модда - Халифа сайлашнинг йўли қуйидагича:

- а) Уммат мажлисининг мусулмон аъзолари бу мансабга номзодлар кўрсатадилар. Номзодларнинг номлари эълон қилинади. Сўнг мусулмонлардан улардан бирини сайлаш талаб этилади.
- б) Сайлов натижаси эълон қилинади ва мусулмонларга сайловчиларнинг энг кўп овозини олган номзод таништирилади.
- в) Мусулмонлар энг кўп овоз олган номзодга халифа сифатида Оллоҳнинг Китоби ва Расулulloҳ ﷺнинг Суннатларига амал қилиш шарти билан байъат берадилар.
- г) Байъат тугаллангач, халққа халифа эълон қилинади, токи унинг сайланганлиги ҳақидаги хабар бутун умматга етиб борсин. Эълон қилинаётганда унинг исми ва уни давлат раислигига лойиқ сифатларга эгаллиги ҳам зикр этилади.

34-модда - Халифани уммат сайлайди. Лекин уммат шаръий йўл билан инъиқод байъати берилган халифани мансабдан четлатолмайди.

35-модда - Халифа давлатдир. У давлатнинг барча ҳуқуқларига эга. Халифа қўидаги ҳуқуқларга эга:

- а) У шаръий ҳукмларни табанний қилган чоғида уларни қонуний кучга киритади. Бу пайтда ушбу шаръий ҳукмлар итоат қилиш вожиб ва қарши чиқиш жоиз бўлмаган қонунларга айланади.
- б) У Давлатнинг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатига масъулдир. У қўшин қўмондонлигини ўз қўлига олади. Уруш эълон қилиш, сулҳ, муваққат сулҳ ва бошқа битимларни тузиш ҳам унинг ихтиёридадир.
- в) У ажнабий элчиларни қабул қилиш ва қабул қилмаслик ҳамда мусулмон элчиларни тайинлаш ва ишдан четлатиш ҳуқуқига эгадир.
- г) У муовин ва волийларни тайин қилади ва ишдан четлатади. Уларнинг барчаси халифа олдида масъул бўлганлари каби уммат мажлиси олдида ҳам масъулдирлар.
- д) У бош қози, идора мудирлари, лашкарбошилар ва байроқдор амирларни тайин қилади ва ишдан четлатади. Уларнинг барчаси халифа олдида масъулдирлар. Лекин уммат мажлиси олдида масъул эмаслар.
- е) У давлат бюджетини белгилайдиган шаръий ҳукмларни табанний қилади. У бюджет бўлимларини ҳамда кирим ва чиқимга алоқадор бўлишидан қатъий назар, ҳар бир жиҳат учун лозим бўлган маблағларни белгилайди.

36-модда - Халифа табанний қилиш ҳуқуқида шаръий аҳкомлар доирасига боғлиқдир. Ҳақиқий истинбот йўли билан шаръий далиллардан ишлаб чиқилмаган ҳукмларни табанний қилиш халифага ҳаромдир. У ўзи табанний қилган ҳукмлар ва ўзи учун белгилаб олган истинбот йўли билан чеклангандир. У тутган йўлига зид равишда берилган ҳукми табанний қилиши ҳамда ўзи жорий этган ҳукмларга зид бўлган буйруқни бериши жоиз эмас.

37-модда - Халифа ўз ижтиҳоди ва раъйига мувофиқ райият ишларини бошқаришда мутлақ ҳуқуққа эга. У давлат ишларини юритиш ва райият ишларини бошқариш учун лозим бўлган барча мубоҳ ишларни табанний қилиш ҳуқуқига эга. У манфаат ҳужжати билан бирор шаръий ҳукмга зид иш тутиши жоиз эмас. Бинобарин, у озиқ-овқат маҳсулотларининг озлиги ҳужжати билан биттадан ортиқ фарзанд кўришни ман қилмайди, эксплуатациянинг олдини олиш деган ҳужжат билан одамларга нарх-навони белгилаб бермайди, ишларни бошқариш ёки манфаат ҳужжати билан кофирни ёки аёл кишини волийликка тайинламайди ва шу каби

шариат аҳкомларига зид ишларни қилиши мумкин эмас. У ҳалолни ҳаром, ҳаромни ҳалол дейиши жоиз эмас.

38-модда - Халифа учун чекланган муддат йўқдир. Модомики, у шариатни муҳофаза қилиб унинг ҳукмларини ижро қилар экан, давлат ишларини бажаришга қодир экан - унинг ҳолати халифаликдан четлатадиган даражада ўзгармаса, ўз лавозимида қолаверади. Агар унинг ҳолати ана шу даражада ўзгарса, уни дарҳол ишдан четлатиш вожиб бўлади.

39-модда - Халифанинг ҳолати ўзгаришига сабаб бўладиган ва бу билан у халифаликдан чиқадиган ишлар учта:

- а) Халифаликнинг инъиқод шартларидан бири бузилса, яъни у муртад бўлса, ёки очикдан-очик фосиқлик қилса, ёки ақлдан озса ёки шу кабилар содир бўлса. Чунки бу шартлар халифаликнинг инъиқод ва доимийлик шартларидир.
- б) Қайсидир сабабга кўра халифалик вазифасини бажаришдан ожиз бўлиб қолса.
- в) Ўз раъйи билан шариат асосида мусулмонлар манфаатлари йўлида иш юритишдан ожиз қилиб қўядиган зўрлик вужудга келса. Агар бирор кимса уни ўз раъйи билан шариат аҳкомларига мувофиқ раийятнинг манфаатларини бошқаришдан ожиз қилиб қўядиган даражада унга босим ишлатса, у ҳукман Давлат ишларини бажаришдан ожиз деб эътибор қилинади ва шу сабабга кўра халифаликдан четлатилади. Бу иш икки ҳолатда рўй бериши мумкин:

Биринчи ҳолат: Унинг атрофидаги одамлардан бири ёки бир нечтаси унинг устидан ҳукмрон бўлиб, ишларни ижро қилишни ўз қўлларига олишади. Агар уларнинг ҳукмронлигидан халос бўлиши умид қилинса, муайян муддатга муҳлат берилади, шундан кейин ҳам уларнинг ҳукмронлигидан қутила олмаса халифаликдан четлатилади. Агар халос бўлишига умид бўлмаса, дарҳол четлатилади.

Иккинчи ҳолат: Голиб душман қўлига ҳақиқатан асирга тушиши билан ёки душманнинг ҳукмронлиги остида қолса, қаралади: а) Агар халифанинг халос бўлиши умид қилинса, то умид узулгунга қадар муҳлат берилади, агар халос бўлишига умид қолмаса, мансабидан четлатилади. б) Агар халос бўлишига умид бўлмаса, дарҳол четлатилади.

40-модда - Халифанинг ҳолати уни халифаликдан четлатадиган даражада ўзгарган ёки ўзгармаганини фақат Маҳкаматул-мазолим белгилайди. Фақат Маҳкаматул-мазолим халифани четлатиш ёки огоҳлантириш ҳуқуқига эга.

Тафвиз муовини

41-модда - Халифа ўзи учун ҳукм юритиш масъулиятини зиммасига оладиган тафвиз муовинини тайин қилади ва ишларни ўз раъйи билан тадбир қилиш ва ўз ижтиҳодига биноан юргизишни унга топширади.

42-модда - Халифага қўйилган шартлар тафвиз муовинига ҳам қўйилади, яъни у эркак, мусулмон, хур (қул эмас), балоғат ёшига етган, ақлан соғлом, адолатли бўлиб, ўзига топширилган ишларда лаёқатли бўлиши шарт.

43-модда - Тафвиз муовинини тайин қилиш икки шартни ўз ичига олади:

Умумий назорат (ҳар қандай ишни кўриб чиқиш).

Ноиблик.

Шунинг учун халифа тафвиз муовинига: «Менга топширилган ишларга сени ўз тарафимдан ноиб сифатида тайин қилдим», дейиши ёки умумий назорат ва ноиблик маъносини ўз ичига оладиган сўзларни айтиши лозим. Тайинлаш шу тарзда амалга оширилмас экан, у муовин ҳисобланмайди. Тайинлаш фақат шу йўл билан амалга ошса, у тафвиз муовинининг ҳуқуқларига эга бўлади.

44-модда - Тафвиз муовинининг вазифаси ўзи бажарган тадбирлар ҳамда ижро этган бошқарув ва тайинлаш ишларидан халифани хабардор қилиш, токи у ўз ҳуқуқларида халифага тенглашиб қолмасин, яъни унинг иши халифани хабардор қилиш ва буюрилган ишни бажаришдир.

45-модда - Халифа тафвиз муовинининг иш ва тадбирларини - уларнинг тўғриларига рухсат бериб, хатоларининг олдини олиш мақсадида - текшириб туриши вожиб. Чунки уммат ишларини тадбир қилиш халифага топширилган ва айнан унинг ижтиҳодига юкланган.

46-модда - Агар тафвиз муовини бирор ишни тадбир қилса ва уни халифа тасдиқласа, муовин у ишни халифа тасдиқлаганидек - орттирмай ёки камайтирмай - бажариши керак. Агар халифа тасдиқлашдан бош тортса ва муовин қилган ишни рад этиб, норозилик билдирса, қаралади, агар муовин ҳукми тўғри ижро этган ва молни ўз ўрнига сарфлаган бўлса, муовиннинг раъйи нуфузlidir. Чунки бу аслида халифанинг раъйи бўлиб, халифа ижро этилган бу ҳукми ва инфоқ қилинган бу молни рад қилолмайди. Агар муовин ижро этган иш бошқача бўлса, масалан, волийни тайинлаш ёки қўшинни жангга тайёрлаш каби ишлар бўлса, халифа муовинга қаршилиқ билдириши жоиз. Бу ҳолатда халифанинг раъйи ижро қилиниб, муовиннинг иши бекор қилинади. Чунки халифа бундай ишларни - ўзи қилса ҳам, муовин қилса ҳам - тўғирлаш ҳуқуқига эгадир.

47-модда - Тафвиз муовини бирор идорага ёки бирор соҳага хос қилиб қўйилмайди, чунки унинг тайинланиши умумийдир. Шунингдек, у идорий ишлар билан бевосита шуғулланмай, идорий жиҳоз устидан умумий назорат олиб боради.

Танфиз муовини

48-модда - Халифа ўзи учун ижрочи муовинни тайинлайди. Унинг вазифаси идорий ишлардан бўлиб, ҳукм юритишга алоқаси йўқ. Унинг бошқармаси халифанинг ички ва ташқи жиҳатларга тааллуқли қарорларини ижро қилувчи ҳамда шу жиҳатлардан келган маълумотларни унга етказишдан иборат. Демак, бу бошқарма халифа билан ўзгалар ўртасида воситачидир.

49-модда - Танфиз муовинининг мусулмон бўлиши шарт. Чунки у халифанинг аъёнларидандир.

50-модда - Танфиз муовини тафвиз муовини каби халифага бевосита боғланган бўлади ва ҳукм юритиш ишларида эмас, балки ижро қилишда муовин ҳисобланади.

Жиҳод амири

51-модда - Жиҳод амирининг идораси қуйидаги тўрт бошқармадан ташкил топади: ташқи ишлар, ҳарбий, ички хавфсизлик ва саноат. Бу бошқармаларни жиҳод амири бошқаради ва назорат қилади.

52-модда - Ташқи ишлар бошқармаси халифалик давлатининг ажнабий давлатлар билан алоқаларига тааллуқли ҳар қандай ташқи ишларга мутасаддийлик қилади.

53-модда - Ҳарбий бошқарма қўшин, шурта, қурола-аслаҳа, зарур воситалар, техника ва бошқалардан иборат қуроли кучларга тааллуқли ишларга мутасаддийлик қилади. Шунингдек, ҳарбий таълим, ҳарбий сафарлар ва қўшинга лозим бўлган исломий ва умумий сақофатларга тааллуқли ҳамда уруш ва урушга тайёрланишга дахлдор ишларга мутасаддийлик қилади.

54-модда - Ички хавфсизлик бошқармаси хавфсизликка тааллуқли барча ишларга мутасаддийлик қилади. Шунингдек, қуроли кучлар ёрдамида давлат хавфсизлигини таъминлайди ва бу ишда шуртани асосий восита қилиб олади.

55-модда - Саноат бошқармаси саноатга тааллуқли барча ишларга мутасаддийлик қилади. Бу ўринда саноат мотор ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, машинасозлик, хомашё ва электроника саноати каби оғир саноат ёки энгил саноат бўлади, бунинг фарқи йўқ. Шунингдек, ҳарбий саноатга алоқадор корхоналарнинг барчаси, шахсий мулк ёки умумий мулк бўлишидан қатъий назар, ҳарбий сиёсат асосига қурилиши лозим.

Қўшин

- 56-модда** - Жиход мусулмонларга фарзидир. Ҳарбий таълим мажбурий бўлиб, 15 ёшга етган ҳар бир мусулмон эркак жиходга тайёрланиши учун ҳарбий таълим олиши фарзидир. Аммо ҳарбий хизмат фарзи кифоядир.
- 57-модда** - Қўшин икки қисмдан иборат: 1) Эҳтиётӣ (захира) қисм. Бу қисм қурол кўтаришга қодир бўлган барча мусулмонлардан иборат. 2) Ҳарбий хизматдаги доимий қисм. Улар учун хизматчилар каби давлат бюджетидан маош тайинланади.
- 58-модда** - Қуролли кучлар яхлит куч бўлиб, қўшинни ташкил қилади. Ундан алоҳида бўлинма танлаб олиниб, ўзига хос услубда тартиблаштирилади ва унга муайян сақофат берилади. Бу бўлинмалар шуртадир.
- 59-модда** - Тузумни ҳимоя қилиш, ички хавфсизликни таъминлаш ва ижройи жихатларнинг барчасини бажариш шуртага топширилади.
- 60-модда** - Қўшин учун амирлар байроғи (ливо) ва қўшин байроқлари (роя) тайинланади. Халифа қўшин қўмондони этиб тайинлаган шахсга шахсан ўзи амир байроғини топширади. Қўшин байроқларини эса байроқдор амирлар тақдим этадилар.
- 61-модда** - Халифа қўшиннинг бош қўмондонидир. У штаб бошлиғини, ҳар бир байроқ (ливо) учун амирни ва ҳар бир бўлинма учун бошлиқни тайинлайди. Аммо қўшиндаги бошқа мартабаларни қўшин бошлиқлари ва байроқдор амирлар тайинлайдилар. Штабларга бирор шахсни тайинлаш унинг ҳарбий билими даражасига қараб бўлади ва уни штаб бошлиғи тайинлайди.
- 62-модда** - Қўшиннинг ҳаммаси яхлит бўлиб, махсус қароргоҳларга жойлаштирилади. Бу қароргоҳларнинг баъзилари турли вилоятларга ва баъзилари стратегик нуқталарга жойлаштирилади. Баъзи қароргоҳлар эса доимий кўчиб юрадиган тезкор гуруҳлардан иборат бўлиб, зарба берувчи кучлар ҳисобланади. Бу қароргоҳлар бир неча мажмуалар таркибида тартиблаштирилади. Ҳар бир мажмуа қўшин номи билан аталиб, рақамланади, масалан, биринчи қўшин, учинчи қўшин ёки вилоят ё амла номи билан аталади.
- 63-модда** - Қўшинда олий ҳарбий таълим тўлиқ берилиши, қўшиннинг фикрий савияси имкони борича юксалтирилиши ҳамда қўшиндаги ҳар бир шахс - умумий шаклда бўлса ҳам - унда Исломиё онг пайдо бўлиши имконини берадиган Ислон сақофати билан бойитиб борилиши шарт.
- 64-модда** - Ҳар бир қароргоҳда етарли миқдорда олий ҳарбий билимга, ҳарбий тактика ва уруш олиб боришда тажрибага эга штабларнинг мавжуд бўлиши ва бу штаблар қўшинда умумий тарзда имкон қадар тўлиқ шакллантирилиши вожиб.
- 65-модда** - Қўшин Исломиё қўшин сифатида ўз вазифасини бажаришга имконият берадиган даражада қурол-яроқ, ўқ-дори, техника, зарур воситаларга эга бўлиши шарт.

Қазо (Қозилик) (Маҳқама ишлари)

66-модда - Қазо мажбурий тарзда шаръий ҳукми билдиришдир. Қазо одамлар ўртасидаги хусуматларни ажрим қилади, жамоат ҳаққига зарар келтирадиган нарсаларни тақиқлайди ва одамлар билан ҳукумат жиҳозидаги ҳар қандай шахс - ҳоким ёки хизматчи, халифа ёки бошқаларми - ўртасидаги низоларни бартараф қилади.

67-модда - Халифа балоғат ёшига етган ҳур, мусулмон, ақлан соғлом, адолатли, фиқҳ аҳлидан бўлган эркак кишилардан бош қозини тайинлайди. Унга идорий низомлар доирасида қозиларни тайинлаш, жазолаш ва ишдан четлатиш салоҳиятлари берилади. Маҳқаманинг бошқа хизматчилари эса маҳқама ишларини бошқарадиган идора мудирларига боғлиқдирлар.

68-модда - Қозилар уч турлидир:

1. Қози - у муомала ва уқубот (жазо чоралари) хусусида одамлар ўртасида рўй берадиган хусуматларни ажрим қилади.
2. Муҳтасиб - у жамоатнинг ҳаққига зарар келтирадиган қонунбузарликларни ажрим қилади.
3. Мазолим қозиси - у одамлар билан Давлат ўртасида рўй берадиган низоларни бартараф этади.

69-модда - Қозиликка тайинланаётган шахс мусулмон, ҳур, балоғат ёшига етган, ақлан соғлом, адолатли, фақиҳ, ҳукмларни воқеликка боғлай оладиган бўлиши шарт. Мазолим қозилигига тайинланаётган шахс бу шартларга қўшимча равишда эркак киши ва мужтаҳид бўлиши ҳам шарт.

70-модда - Қози ва муҳтасиб мамлакатнинг барча жойларига ва қазонинг барча турларига умумий тайинланиши мумкин бўлгани каби, маълум жойга ва қазонинг муайян турларига хос қилиб тайинланиши ҳам мумкин. Аммо мазолим қозиси қазо ишларида фақат умумий тайинланади. Тайинланиш жойи эса мамлакатнинг барча жойлари ёки муайян жойи бўлиши мумкин.

71-модда - Маҳқама қазо ишларида ажрим қилиш салоҳиятига эга бўлган фақат биргина қозидан ташкил топиши керак. У билан бирга бошқа битта ёки бир неча қозилар бўлиши ҳам мумкин. Лекин уларда ҳукм чиқариш ҳуқуқи бўлмайди, балки улар маслаҳат бериш ва фикр билдириш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг раъий қози учун мажбурий эмас.

72-модда - Қози фақат қазо мажлисида ҳукм чиқариши мумкин. Хужжат ва қасамлар фақат қазо мажлисидагина эътиборга олинади.

73-модда - Қўриладиган ишларнинг турига қараб маҳқамаларнинг даражалари ҳар хил бўлиши жоиз. Баъзи қозилар маълум чегарада муайян ишларни кўришга хос қилиб тайинланиши ва бу ишлардан бошқалари бошқа маҳқамаларга топширилиши мумкин.

- 74-модда** - Апелляция ва кассация маҳкамалари бўлмайди. Бирор иш устидан чиқарилган ҳукм қатъийлик жиҳатидан бир хил даражададир. Агар қози ҳукми айтса, унинг бу ҳукми нуфуздир. Унинг бу ҳукми амалга оширилади. Бу ҳукми бошқа қозининг ҳукми мутлақо бекор қила олмайди. Фақат Исломдан ўзга нарса билан ҳукм қилган ёки Китоб, суннат ёки саҳобалар ижмосига зид бўлса ёхуд ҳақиқатга зид ҳукм чиқаргани аниқ бўлса, бекор қилади.
- 75-модда** - Муҳтасиб омманинг ҳуқуқларидан бўлиб, даъвогари бўлмайдиган, жазо чоралари ва жиноятларга кирмайдиган барча ишларни кўриб чиқадиган қозидир.
- 76-модда** - Муҳтасиб қонунбузарликларни билган заҳоти қайси жойда бўлса ҳам, улар устидан қазо мажлисисиз ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга. Унинг буйруқларини ижро қилиш учун унинг қўл остига бир неча шурта ходимлари берилади. У чиқарган ҳукм дарҳол ижро этилади.
- 77-модда** - Муҳтасиб муҳтасиблик шартлари тўла мавжуд бўлган шахслардан ўзига ноиблар танлаб олиш ҳуқуқига эга ва уларни турли жойларга тарқатади. Бу ноибларга улар тайин қилинган минтақа ёки маҳаллаларда уларга топширилган ишлар бўйича муҳтасиблик вазифасини бажариш ҳуқуқи берилади.
- 78-модда** - Мазолим қозиси - Ислом Давлати райияти бўладими, ёки бошқа давлат фуқароси бўлишидан қатъий назар - давлат салтанати остида яшайдиган бирор бир шахсга нисбатан давлат томонидан содир этилган ҳар қандай зулмни бартараф қилиш учун тайинланадиган қозидир. Зулм халифа томонидан ёки ундан бошқа ҳоким ва хизматчилар томонидан содир бўлганининг фарқи йўқ.
- 79-модда** - Мазолим қозиси халифа ёки бош қози тарафидан тайинланади. Аммо уни муҳосаба қилиш, жазолаш ва ишдан четлатиш халифа томонидан ёки халифа ҳуқуқ берган бўлса, мазолим маҳкамаси ёки бош қози томонидан амалга оширилади. Бироқ мазолим қозиси халифа, тафвиз муовини ёки бош қози устидан бирор шикоятни кўриб чиқаётган пайтда уни ишдан четлатиш дуруст эмас.
- 80-модда** - Мазолим қозиси бир ёки бир неча шахслар билан чегараланмайди, балки давлат раиси зулмларни бартараф этиш учун керак бўлган миқдорда мазолим қозиларни - уларнинг сони қанча бўлишидан қатъий назар - тайинлаш ҳуқуқига эга. Лекин бевосита ҳукм чиқарилаётган вақтда ҳукм чиқариш ҳуқуқи фақат битта қозидан бўлади. Қазо мажлисида у билан бирга бир неча мазолим қозилари иштирок этишлари мумкин. Улар фақат маслаҳат бериш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг раъйи мазолим қозиси учун мажбурий эмас.

81-модда - Мазолим маҳкамаси халифани вазифасидан четлатиш ҳуқуқига эга бўлганидек, давлатдаги ҳар қандай ҳоким ёки хизматчини ишдан олиш ҳуқуқига ҳам эга.

82-модда - Мазолим маҳкамаси ҳар қандай зулмни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга. Бу ўринда зулмлар давлат жиҳозидаги шахсларга тааллуқли бўлишининг ёки халифанинг шариат аҳкомларига зид ишларига ёки давлат раиси табанний қилган дустур, қонун ва бошқа шаръий ҳукмлардаги қонуншунослик ҳужжатларидан бирортасининг маъносига ёки бирор солиқ солишга, ёки бошқа ишларга тааллуқли бўлишининг фарқи йўқ.

83-модда - Мазолим қозилигида қазо мажлиси, жавобгарни чақириш ва даъвогарнинг бўлиши шарт қилинмайди. Балки маҳкама, ҳеч ким даъво қилмаса ҳам, зулмни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

84-модда - Ҳар бир инсон хусуматда ҳам, ҳимояда ҳам хоҳлаган одамани - мусулмон ёки ғайримусулмон, эркак ёки аёлни - ўзидан вакил қилиш ҳуқуқига эга. Бунда вакил қилувчи билан вакил қилинувчининг ўртасида фарқ йўқ. Вакил вакилликка ҳақ олиши жоиз. Ҳақ икки томоннинг розилигига қараб белгиланади.

85-модда - Васий ва валий каби хос амалларда ёки халифа, ҳоким, хизматчи, мазолим қозиси ва муҳтасиб каби умумий амалларда ҳуқуққа эга бўлган ҳар қандай шахс хусумат ёки ҳимоя борасидагина - васий ёки валий, халифа, ҳоким, хизматчи, мазолим қозиси ёки муҳтасиб сифатида - ўз ўрнига ўзининг барча ҳуқуқида вакил тайин қилиш имкониятига эга. Бу ҳолатда унинг даъвогар ёки жавобгар бўлишининг фарқи йўқ.

Волийлар

86-модда - Ислом давлати ҳукм юритаётган ўлка ваҳдат (бирлик)ларга бўлинади ва ҳар бир ваҳдат вилоят деб номланади. Ўз навбатида ҳар бир вилоят ҳам ваҳдатларга бўлинади ва улар амола деб номланади. Вилоятга мутасаддий бўлган шахс волий ёки амир, амолага мутасаддий бўлган шахс омил ёки ҳоким деб номланади.

87-модда - Волийлар халифа томонидан тайинланади. Омиллар халифа томонидан ва халифа тайин этиш ҳуқуқини берган волий тарафидан тайинланади. Муовинларга қўйилган шартлар волий ва омилларга ҳам қўйилади, яъни улар эркак киши, ҳур, мусулмон, балоғат ёшига етган, ақлан соғлом, адолатли ва топширилган ишларга лаёқатли бўлишлари шарт. Улар тақволи ва кучли кишилардан танлаб олинади.

88-модда - Волий ўз вилоятида халифанинг ноиби сифатида ҳукм юритиш ва идораларнинг ишларини назорат қилиш ҳуқуқига эга. У ўз вилоятидаги аҳоли устидан ҳукм юритади ҳамда молия, қазо ва қўшиндан ташқари вилоятига алоқали барча ишларни кўриб

чиқади. Бироқ, шурта идорий жиҳатдан эмас, балки фақат ижро этиш жиҳатидан унинг қўл остида бўлади.

89-модда - Волий амирлиги тақозо этган ҳуқуқларга асосланиб қилган ишларидан халифани хабардор этиши вожиб эмас, лекин ихтиёрий равишда хабар бериб туриши мумкин. Агар аввал учратилмаган бир ҳодиса рўй берса, уни халифани хабардор қилгунга қадар кечиктириб туради, сўнг унинг буйруғи билан иш кўради. Агар кутиш сабабли бузилишидан қўрқса, у ишни амалга оширади. Сўнг халифага бу ишни амалга оширгани ва уни хабардор қилмаганининг сабабини билдириши вожиб.

90-модда - Ҳар бир вилоятда ўз аҳолиси орасидан сайланган мажлис бўлиб, унга волий раислик қилади. Бу мажлис ҳукм юритиш ишларида эмас, балки идорий ишларда раъй билдириш ҳуқуқига эга. Мажлиснинг раъйи волий учун мажбурий эмас.

91-модда - Вилоятга бир шахснинг волийлик қилиш муддати чўзилиб кетмаслиги керак. Волийнинг вилоятда мустақкам ўрнашиб олаётгани ёки одамлар унга меҳр қўяётгани сезилса, бу ҳолда у волийликдан озод қилинади.

92-модда - Волий бир вилоятдан бошқа вилоятга кўчирилмайди, чунки унинг волийлиги умумий назар ва муайян макондадир. Балки волий ишдан бўшатилиб, (бошқа вилоятга) қайтадан тайинланади.

93-модда - Агар халифа волийни ишдан четлатишни лозим топса, ёки Уммат мажлиси бирор сабабга кўра ёки ҳеч қандай сабабсиз ундан норози эканлигини билдирса, ёки вилоятидаги аҳолининг кўп қисми ундан норозилигини изҳор қилса, волий ишдан четлатилади. Уни ишдан четлатиш фақат халифа томонидан амалга оширилади.

94-модда - Волийларнинг ишларини текшириб туриш, уларни қаттиқ назорат қилиш, уларнинг аҳволини аниқлагани ва фаолиятини текширгани ўз тарафидан ноиблар тайин қилиш, уларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини вақти-вақти билан жамлаб туриш, райиятнинг улар устидан қилаётган шикоятарига қулоқ солиш - халифанинг вазифасидир.

Идорий жиҳоз

95-модда - Давлат ишларини бажариш ва одамларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш асосига қурилган идора, муассаса ва бошқармалар давлат ишларини ва одамларнинг манфаатларини идора қилиш билан шуғулланади.

96-модда - Идора, муассаса ва бошқармаларни идора қилиш сиёсати низомда оддийлик, ишларни амалга оширишда тезкорлик ва мутасаддийларнинг лаёқатли бўлишига асосланади.

97-модда - Ислом давлатининг фуқароси бўлган лаёқатли ҳар бир шахс - эркак ёки аёл, мусулмон ёки ғайримусулмон бўлишидан

қатъий назар - ҳар қандай бошқармага ёки идорага мудир қилиб тайинланиши ва унда хизматчи бўлиб ишлаши мумкин.

98-модда - Ҳар бир бошқарма учун умумий мудир, ҳар бир идора ва муассаса учун уни бошқарадиган мудир тайин қилиниб, у ўша бошқарма, идора ёки муассасаларга бевосита масъул бўлади. Ўз навбатида, бу мудирлар ўша бошқарма, идора ёки муассасаларнинг бош мудирини олдида бажарган ишлари юзасидан масъул бўладилар. Шунингдек, волий ёки омил олдида умумий ҳукм ва низомларга қатъий амал қилиш жиҳатидан масъулдирлар.

99-модда - Барча бошқарма, идора ва муассасаларнинг мудирлари фақат идорий низомда қабул қилинган сабабларга кўра ишдан четлатилдилар. Лекин улар бир ишдан бошқа ишга ўтказилиши ва ишдан вақтинчалик четлатилиши мумкин. Уларни тайинлаш, бир ишдан бошқа ишга ўтказиш, вақтинчалик ишдан четлатиш, жазолаш ва ишдан бўшатиш фақат ўша бошқарма, идора ёки муассасаларнинг бош мудирини томонидан амалга оширилади.

100-модда - Хизматчилар мудир деб ҳисобланмайдилар. Уларни тайинлаш, бир ишдан бошқа ишга ўтказиш, вақтинчалик ишдан четлатиш, жазолаш ва ишдан бўшатиш ҳам бошқарма, идора ёки муассасаларнинг бош мудирини томонидан амалга оширилади.

Умнат мажлиси

101-модда - Мусулмонларнинг раъйини ифодалайдиган ва халифа мурожаат қиладиган шахслар Умнат мажлисини ташкил этадилар. Ғайримусулмонлар ҳам ҳокимларнинг зулми ёки Ислому аҳкомларининг нотўғри татбиқи этилаётганидан шикоят қилиш учун Умнат мажлиси таркибида бўлишлари мумкин.

102-модда - Умнат мажлиси аъзолари сайлов йўли билан сайланади.

103-модда - Ислому Давлатининг фуқароси бўлган ҳар бир шахс - эркак ёки аёл, мусулмон ёки ғайримусулмон бўлишидан қатъий назар - балоғат ёшига етган ва ақлан соғлом бўлса Умнат мажлисига аъзо бўлиш ҳуқуқига эга. Лекин ғайримусулмоннинг аъзолик ҳуқуқи ҳокимлар зулмидан ёки Ислому аҳкомларининг нотўғри татбиқи этилаётганидан шикоят қилиш билан чекланади.

104-модда - Шўро (кенгаш) ва машварат умуман раъй олишни англайди. У қонунчилик, таърифлар, турли кашфиётлар каби фикрий ишлар ва илм-фан ишларида мажбурий эмас. Амалий ишларда ва машваратга алоқадор бўлмаган ишларда халифа машварат сўраганда унинг татбиқи мажбурий бўлиб қолади.

105-модда - Шўро фақат мусулмонларнинг ҳуқуқи бўлиб, ғайримусулмонлар бундан маҳрум. Аммо ўз раъйини билдириш раийятнинг мусулмон ёки ғайримусулмон бўлган барча шахслар учун жоиздир.

106-модда - Шўро тарафидан кўриб чиқилиши мажбурий бўлган масалалар хусусида халифа машварат сўраганда - тўғри ёки нотўғри бўлишидан қатъий назар - кўпчиликнинг раъйи олинади. Шўро мавзуга кирадиган ўзга масалаларда - кўпчилик ёки озчиликдан қатъий назар - тўғри раъй олинади.

107-модда - Умнат мажлиси қуйидаги беш ҳуқуққа эга:

Биринчиси:

- а) Машварат сўзи ифодалайдиган маънога дахлдор эмас ишларнинг барчасида халифа машварат сўраб, унга машварат берилганда, масалан, ҳокимият, таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисод, тижорат, саноат, зироат ва бошқа соҳалар каби, Умнат мажлисининг раъйини олиш мажбурийдир.
- б) Машварат сўзи ифодалайдиган маънога дахлдор бўлган бошқа ишларда ва ташқи сиёсат, молия, ҳарбий ва техника соҳаларида халифа мажлисдан шу соҳаларда машварат сўраб, унинг раъйдан воқиф бўлиш учун мурожаат қилиши мумкин, аммо мажлиснинг раъйини олиши мажбурий эмас.

Иккинчиси:

Халифа табанний қилмоқчи бўлган аҳком ва қонунларни Умнат мажлисига ҳавола қилади. Мажлиснинг мусулмон аъзолари бу аҳкомларни муҳокама қилиб, ўз фикрларини билдиришга ҳақлидирлар. Лекин уларнинг раъйини олиш мажбурий эмас.

Учинчиси:

Умнат мажлиси давлатда амалда содир бўлаётган - ички ёки ташқи ишлар, молия, ҳарбий ва бошқа соҳалардаги - барча ишларни муҳосаба қилиш ҳуқуқига эга. Унинг раъйи кўпчиликнинг раъйи олинishi лозим бўлган ишларда мажбурийдир, кўпчиликнинг раъйи олинishi лозим бўлмаган ишларда эса мажбурий эмас.

Агар Умнат мажлиси халифа билан шаръий жиҳатдан бирор амалга ошган масала устида келишолмай қолса, бу ишнинг шаръийлиги ёки шаръий эмаслиги хусусида Мазолим маҳкамасининг раъйига мурожаат қилинади ва ушбу маҳкаманинг раъйи мажбурий бўлади.

Тўртинчиси:

Умнат мажлиси муовинлар, волийлар ва омиллардан норозилик изҳор қилишга ҳақлидир. Бу ишда унинг раъйини олиш мажбурийдир. Халифа устидан норозилик билдирилганларни дарҳол четлатиши вожибдир.

Бешинчиси:

Умнат мажлисининг мусулмон аъзолари халифаликка номзодларни белгилаш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ишда уларнинг раъйини олиш мажбурийдир. Улар тавсия этмаган бошқа номзодлар қабул қилинмайди.

Ижтимоий низом

- 108-модда** - Аёл - она ва уй бекасидир. Аёл ҳимоя қилиниши вожиб бўлган номусдир.
- 109-модда** - Эркаклар ва аёллар (жамиятда) бир-бирларидан ажралган ҳолда яшамоқлари лозим. Улар фақат шариат рухсат берган ҳаж ва савдо каби бир жойга йиғилишга сабаб бўладиган эҳтиёжлар юзасидан жамланишлари мумкин.
- 110-модда** - Эркакка берилган ҳуқуқлар аёлга ҳам берилади, эркакка фарз қилинган бурчлар аёлга ҳам фарздир. Бироқ, Ислому шаръий далиллар орқали баъзи ҳукмларни эркакка ва баъзи ҳукмларни аёлга хослаб қўйган. Аёл ҳам тижорат, деҳқончилик, ҳунармандчилик билан шуғулланишга, битим ва муомалаларни тузишга, мулкчиликнинг барча турларига эга бўлишга; мулкни шахсан ўзи ёки бошқа одам орқали ўстиришга ва ҳаётдаги барча ишларни бевосита ўзи бажаришга ҳақлидир.
- 111-модда** - Аёл киши давлат вазифаларига тайинланиши, Уммути мажлиси аъзоларини сайлаши ва унда аъзо бўлиши ҳамда халифани сайлаш ва унга байъат беришда иштирок этиши жоиздир.
- 112-модда** - Аёл ҳукм юритиш ишларига мутасаддийлик қилиши мумкин эмас. Бинобарин, у халифа, муовин, волий ва омил бўла олмайди ҳамда ҳукм юритиш ишларидан деб эътибор қилинадиган бирор ишни бажариши ҳам мумкин эмас. Шунингдек, у бош қози, мазолим маҳкамаси қозиси ва жиҳод амири бўлиши мумкин эмас.
- 113-модда** - Аёл умумий ва хусусий ҳаётда яшайди. Умумий ҳаётда унинг юзи ва кафтларидан бошқа аъзолари кўринмаган, ясан-тусан қилмаган, очиқ-сочиқ бўлмаган ҳолда аёллар, маҳрам эркаклар ва бегона эркаклар билан бирга яшаши мумкин. Хусусий ҳаётда эса, фақат аёллар ёки маҳрамлари билан яшаши мумкин, бегона эркаклар билан яшаши мумкин эмас. Бу икки ҳаётда шариатнинг барча аҳкомларига қатъий амал қилади.
- 114-модда** - Аёлнинг номаҳрам эркак билан ёлғиз қолиши, бегона эркаклар олдида ўзига оро бериши, авратларини очиб юриши ман этилади.
- 115-модда** - Эркак ҳам, аёл ҳам ахлоқ учун хатарли бўлган ёки жамиятда бузуқликни тарқатадиган ҳар қандай амалга қўл уриши тақиқланади.
- 116-модда** - Эр-хотинлик ҳаёти хотиржамлик ҳаётидир. Эр-хотиннинг турмуши дўстона турмушдир. Эр хотин устидан ҳукмрон бўлиб эмас, ғамхўр бўлиб бошчилик қилади. Хотин эрига итоатли бўлиши, эр эса хотинга - одатда шундай аёлга қандай нафақа қилиш лозим бўлса, шундай - нафақа бериши фарздир.
- 117-модда** - Эр ва аёл уй ишларини бажаришда бир-бирларига тўлиқ ёрдам берадилар. Уйдан ташқарида бўладиган барча ишларни бажариш эрнинг зиммасидадир. Уй ичидаги барча ишларни кучи

етганича бажариш хотиннинг зиммасидадир. Аёлнинг кучи етмаётган ишларни бажариш учун ёрдамчи хизматкорлар ҳозирлаб бериш эрнинг вазифасидир.

118-модда - Аёл муслима ёки ғайримуслима бўлишидан қатъий назар бола унинг кафолатига муҳтож бўлса, уни ўз кафолатига олиш аёлнинг бурчи ва ҳаққидир. Бола кафолатга муҳтож бўлса, қаралади. Агар энага ҳам, валий ҳам мусулмон бўлсалар, болага хоҳлаган кишиси билан яшаш ихтиёри берилади. Бола кимни танласа - танланган киши эркак ёки аёл бўлишидан қатъий назар - ўшанга топширилади. Бу ўринда боланинг қиз ёки ўғил бўлиши аҳамиятсиздир. Агар улардан бири ғайримусулмон бўлса, болага танлаш ихтиёри берилмайди, балки улардан мусулмон бўлганига топширилади.

Иқтисодий низом

119-модда - Иқтисод сиёсати эҳтиёжларни қондиришга эътибор берилган вақтда жамият қандай бўлиши лозимлигига эътиборни қаратишдан иборат. Жамиятнинг қандай бўлиши лозимлиги эҳтиёжларни қондириш учун асос қилиб олинади.

120-модда - Иқтисодий муаммо раийятнинг ҳар бир шахсига бойлик ва манфаатларни тақсимлаб беришдан ҳамда бойлик ва манфаатларни қўлга киритиш ва улар учун ҳаракат қилишга имконият яратиб бериш орқали шахсларга бойлик ва манфаатлардан фойдаланиш имконини яратиб беришдан иборат.

121-модда - Шахсларнинг ҳар бири учун асосий эҳтиёжларни тўла қондириш кафолатланиши ҳамда камолий эҳтиёжларни иложи борича энг юқори даражада қондириш имконияти таъминланиши вожибдир.

122-модда - Мулк ёлғиз Оллоҳникидир. Оллоҳ инсонни мулкни тасарруф этишда Ўзининг халифаси деб эълон қилди. Мана шу умумий ваколат билан инсон мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Оллоҳ инсонга мулкни қўлга киритишга изн берди. Мана шу махсус изн билан инсон амалда мулкнинг эгасига айланди.

123-модда - Мулк уч турли бўлади: Хусусий мулк, умумий мулк ва давлат мулки.

124-модда - Хусусий мулк айн (мавжуд нарса) ёки манфаат билан белгиланган шаръий ҳукм бўлиб, бу ҳукм хусусий мулк эгасига ўша нарсадан фойдаланиш ва унинг ўрнига эваз олиш имконияти яратилишини тақозо этади.

125-модда - Умумий мулк жамоатга айдан муштарак фойдаланишга Шорёъ томонидан берилган изндир.

126-модда - Сарф қилиниши халифанинг раъйи ва ижтиҳодига боғлиқ бўлган ҳар қандай мол - солиқ, жизя, хирож каби - давлат мулки деб ҳисобланади.

- 127-модда** - Кўчма ва кўчмас мулкдаги хусусий мулкчилик қўйидаги беш шаръий сабаб билан чекланган:
- а) Меҳнат.
 - б) Мерос.
 - в) Яшаш учун молга бўлган эҳтиёж.
 - г) Давлат ўз молидан раийятга бериши.
 - д) Шахслар мол ёки куч сарфламай оладиган моллар.
- 128-модда** - Мулкни тасарруф қилиш - хоҳ уни сарф қилиш билан, хоҳ кўпайтириш билан бўлсин - Шорёнинг изни билан чеклангандир. Исрофгарчилик, маишатпарастлик ва зиқналик ман қилинади. Капиталистик ширкатлар, кооператив жамиятлар ва бошқа шариатга зид бўлган муомалалар ман этилади. Судхўрлик, ҳаддан ташқари баланд нарх қўйиш, ихтикор (монополия), қимор ва шунга ўхшаш ишлар тақиқланади.
- 129-модда** - Аҳолиси ўз ихтиёри билан Исломга кирган ерлар ва Арабистон ярим оролининг ерлари ушрий ерлар ҳисобланади. Арабистон ярим оролидан ташқари уруш ёки сулҳ билан фатҳ қилинган ерлар хирожий ерлардир. Ушрий ерларнинг ўзига ҳам, манфаатига ҳам шахслар эгалик қиладилар. Аммо хирожий ерлар давлат мулки ҳисобланиб, шахслар фақат уларнинг манфаатига эгалик қиладилар. Ҳар бир шахс ушрий ерларнинг ўзини ва хирожий ерларнинг манфаатини шаръий битимлар билан алмаштириш ҳуқуқига эга. Ерлар ҳам бошқа мол-мулклар каби мерос қилиб олинади.
- 130-модда** - Қўриқ ерлар ишлов бериш ва атрофини ўраб олиш билан мулк қилиб олинади. Бошқа ерлар эса фақат шаръий сабаблар - мерос, сотиб олиш, давлат ажратиб бериши билан мулкка айланади.
- 131-модда** - Ерни - хирожий ёки ушрий бўлса ҳам - деҳқончилик учун ижарага бериш, шунингдек музораа (экинга шерик бўлиб, ерини бошқага бериш) ҳам ман қилинади. Аммо мусоқот жоиздир.
- 132-модда** - Ерга эга бўлган ҳар бир одам ундан фойдаланиши керак. Муҳтож одамга ердан фойдаланиш имконини берадиган воситалар Байтулмолдан берилади. Уч йилгача ерини ишлатмасдан ташлаб қўйган ҳар қандай одамдан ер тортиб олинади ва бошқага берилади.
- 133-модда** - Умумий мулк уч нарсада намоеън бўлади:
- а) Жамоанинг заруратлари деб ҳисобланадиган барча нарсалар: шаҳарнинг кўча ва хиёбонлари каби.
 - б) Битмас-туганмас конлар: нефт конлари каби.
 - в) Табиати шахсни унга эгалик қилишдан ман қиладиган нарсалар: дарёлар кабилар.
- 134-модда** - Корхона - моҳиятига кўра - хусусий мулк ҳисобланади. Лекин у ишлаб чиқарадиган маҳсулотининг ҳукмини олади. Агар маҳсулот хусусий мулк ҳисобланса, корхона ҳам хусусий мулк

- бўлади: тўқимачилик корхоналари каби. Агар маҳсулот умумий мулкдан бўлса, корхона ҳам умумий мулк ҳисобланади: темир ишлаб чиқариш корхоналари каби.
- 135-модда** - Давлат хусусий мулкни умумий мулкка айлантириши мумкин эмас. Чунки умумий мулк - давлатнинг раъйига қараб эмас, балки мулкнинг моҳияти ва сифатида ўз ифодасини топади.
- 136-модда** - Умнатнинг ҳар бир вакили умумий мулкчилик доирасига кирадиган барча бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Давлат бирор шахсга умумий мулкка эгалик қилишга ёки уни ўз фойдасига бўйсундириш (эксплуатация)га рухсат бериб, раийятни ундан маҳрум қилиши мутлақо мумкин эмас.
- 137-модда** - Давлат раийятнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда, қўриқ ерлардан ёки умумий мулк ҳисобланган нарсалардан ўз ҳимоясига олиб қўйиши жоиз.
- 138-модда** - Бойлик жамғариш - гарчи закоти берилса ҳам - ман қилинади.
- 139-модда** - Закот мусулмонлардан йиғиб олинади. Закот шариат белгилаб берган мулклардан - пул, тижорат воситалари, чорва ва донлардан - олинади. Шариатда кўрсатилмаганларидан олинмайди. Закот - балоғат ёшига етган, ақлан соғлом, мукаллаф ёки гўдак ва мажнун бўлган ғайримукаллаф бўлишидан қатъий назар - ҳар бир мулк эгасидан олинади. Олинган моллар Байтулмолнинг алоҳида бўлимига қўйилади ва Қуръони Каримда зикр қилинган саккиз тоифанинг бир ёки бир нечасига сарфланади.
- 140-модда** - Жизя зиммийлардан йиғиб олинади. Агар тўлашга қодир бўлсалар, балоғатга етган эркаклардан олинади. Аёллар ва болалардан олинмайди.
- 141-модда** - Хирож хирожий ерлардан имкониятига қараб йиғиб олинади. Ушрий ерлардан эса амалда битган ҳосилдан закот (ушр) олинади.
- 142-модда** - Мусулмонлардан Байтулмолнинг харажатларини қоплаш учун шариат ижозат берган солиқлар йиғиб олинади. Шу шарт биланки, солиқлар мулк эгасининг одатий эҳтиёжларидан ортган мол-мулк ҳисобидан олинади ҳамда давлат эҳтиёжларини қоплашга етарли бўлиши рияя қилинади (ғайри мусулмонлардан солиқ мутлақо олинмайди. Улардан фақат жизя олинади).
- 143-модда** - Шариат умнатга вожиб қилган ҳар қандай амални бажариш учун Байтулмолда маблағ мавжуд бўлмаса, масъулият умнат зиммасига ўтади. Бундай ҳолда давлат солиқ солиш орқали бу маблағни умнатдан йиғиб олиш ҳуқуқига эга. Шариат умнатга вожиб қилмаган амаллар учун эса давлат ҳеч қандай солиқ солиши жоиз эмас. Давлат маҳкама ва идораларнинг таъминоти учун ёки бирор манфаатни адо қилиш учун тўлов солиқлари олиши жоиз эмас.

144-модда - Давлат бюджетининг шаръий ҳукмлар тасдиқлаган доимий қисмлари мавжуд. Лекин бюджетнинг муайян бўлимлари, ҳар бир бўлимга ажратиладиган маблағлар ва бу маблағларни ҳар бир бўлимда қайси ишларга ихтисослаштириш халифанинг раъйи ва ижтиҳодига ҳавола қилинади.

145-модда - Байтулмолнинг доимий киримлари: фай (душмандан жангсиз олинган ўлжалар)нинг ҳаммаси, жизя, хирож, рикоз (фатҳ қилингунга қадар яшириб қўйилган топилма бойликлар)нинг бешдан бири ва закот. Бу маблағлар уларга эҳтиёж бўлмаса ҳам ҳамиша олинади.

146-модда - Байтулмолнинг доимий киримлари давлат харажатларини қоплашга кифоя қилмаса, давлат мусулмонлардан солиқ олишга ҳақлидир. Солиқлар фақат қуйидаги ишлар учун олиниши шарт:

- а) Фақирлар, мискинлар, мусофирларга ҳамда жиҳод фарзини бажаришга байтулмолдан сарф қилиш вожиб бўлган харажатларни қоплаш учун.
- б) Байтулмолдан тўлов тариқасида берилиши вожиб бўлган харажатларни қоплаш учун: хизматчиларнинг маошлари, қўшин таъминоти, ҳокимларга ажратиладиган нафақалар.
- в) Умумий манфаат ва қулайликлар яратиш тариқасида Байтулмолдан бадалсиз берилиши вожиб бўлган харажатларни қоплаш учун: йўллар қуриш, сув билан таъминлаш, масжид, мадраса ва шифохоналар қуриш каби.
- г) Раийят очарчилик, сув тошқинлари ва зилзилалар каби офатларга дучор бўлган вақтда Байтулмолдан зарурат юзасидан берилиши вожиб бўлган харажатларни қоплаш учун.

147-модда - Мамлакат чегараларидаги божхоналардан олинадиган, умумий мулк ёки давлат мулкидан ҳосил бўладиган ва меросхўрсиз мерос қоладиган маблағлар ва муртадларнинг мол-мулки Байтулмолнинг киримларидан ҳисобланади.

148-модда - Байтулмолнинг харажатлари қуйидаги олти ўринга тақсимланади:

- а) Закот молларини олишга ҳақдор бўлган саккиз тоифага закот қисмидан сарф қилинади (агар закот қисмида маблағ бўлмаса, уларга ҳеч нарса сарф қилинмайди).
- б) Фақирлар, мискинлар, мусофирлар, жиҳод ва қарздорларга - агар закот қисмида маблағ бўлмаса - Байтулмолнинг доимий киримларидан сарф қилинади. Агар Байтулмолнинг доимий киримларида ҳам маблағ бўлмаса, бу ҳолда фақирлар, мискинлар, мусофирлар ва жиҳод харажатларини қоплаш учун солиқлар йиғиб олинади, аммо қарздорларга улардан сарф қилинмайди. Агар фасод хавфи юзага келса, бу харажатларни қоплаш учун қарз олинади.

- в) Хизматчилар, ҳокимлар ва аскарлар каби давлат учун хизмат қилаётган шахсларга ҳам Байтулмолдан сарф қилинади. Агар Байтулмолдаги маблағ кифоя қилмаса, бу харажатларни қоплаш учун дарҳол солиқлар солинади. Агар фасод хавфи юзага келса, бу харажатларни қоплаш учун қарз олинади.
- г) Йўллар, масжидлар, мадрасалар ва шифохоналар қуриш каби асосий умумманфаатлар ва қулайликлар учун ҳам Байтулмолдан сарф қилинади. Агар Байтулмолдаги маблағ етмаса, бу харажатларни қоплаш учун дарҳол солиқлар солинади.
- д) Камолий умумманфаатлар ва қулайликлар учун Байтулмолдан сарф қилинади. Агар Байтулмолда маблағ етмаса, уларга ҳеч нарса сарфланмайди, кейинга қолдирилади.
- е) Зилзила ва сув тошқинлари каби офатларга ҳам Байтулмолдан сарф қилинади. Агар маблағ бўлмаса, бу харажатларни қоплаш учун дарҳол қарз олинади. Сўнг бу қарз йиғиладиган солиқлар ҳисобидан тўланади.

149-модда - Давлат ҳар бир фуқарони иш билан таъминлаш кафолатини олади.

150-модда - Ширкатлар ва шахсларнинг қўл остидаги хизматчилари ҳам давлат хизматчилари эга бўлган барча ҳуқуқ ва бурчларга эгадирлар. Ҳақ эвазига меҳнат қилувчи ҳар бир шахс - ишнинг ёки ишчининг туридан қатъий назар хизматчидир. Агар ишчи ва ёлловчи шахс иш ҳақи устида келиша олмай қолсалар, ажрул-мисл (айни шу амалга ўхшаш иш учун тўланадиган иш ҳақи)га қараб ҳукм қилинади, бошқа ишларда келиша олмасалар, шариат аҳкомларига мувофиқ ижара битимига қараб ҳукм чиқарилади.

151-модда - Иш ҳақи ишдан ёки ишчининг ўзидан келадиган фойдага қараб белгиланиши мумкин. Ишчининг маълумоти ёки илмий даражасига қараб белгиланмайди. Хизматчилар учун қўшимча мукофотлар бўлмайди, балки улар - иш ёки ишчининг ўзига қараб белгиланишидан қатъий назар - ўзларининг иш ҳақларини тўлиқ оладилар.

152-модда - Ҳеч қандай маблағга эга бўлмаган, ишсиз ва қарайдиган яқинлари бўлмаган шахсларни давлат таъминлайди. Ожиз ва ногиронларни ўз қарамоғига олади.

153-модда - Давлат бойликларнинг раийят ўртасида баробар айланиб туришига жиддий эътибор беради, фақат бир гуруҳ қўлига ўтиб қолишига йўл қўймайди.

154-модда - Давлат раийятдаги ҳар бир шахсга камолий эҳтиёжларини қондириш имкониятларини яратиб бериш ҳамда жамиятдаги мувозанатни сақлаш муаммосини қуйидагича ҳал қилади:

- а) Давлат Байтулмолдаги кўчма ва кўчмас мулклар, ўлжалар ва шу кабилардан беради.

б) Етарли ерга эга бўлмаган шахсларга обод қилинган ва қилинмаган ерлардан ажратиб беради. Аммо ери бўла туриб, ундан фойдаланмаётган шахсларга бермайди. Деҳқончилик қилишдан ожиз бўлган шахсларга бу имкониятга эга бўлиши учун маблағ ажратади.

в) Қарз тўлашдан ожиз бўлган шахсларнинг қарзларини закот, ўлжа ва шу кабилар ҳисобидан тўлайди.

155-модда - Давлат ҳосилдорликнинг энг юқори даражасида ердан фойдаланишни амалга оширадиган деҳқончилик сиёсати талабларига мувофиқ деҳқончилик ишлари ва маҳсулотларини назорат қилиб туради.

156-модда - Давлат барча саноат соҳаларини назоратига олади, умумий мулк таркибига кирадиган саноат соҳаларига бевосита мутасаддийлик қилади.

157-модда - Ташқи савдо алоқаларида товар ишлаб чиқарилган жойга қараб эмас, балки савдогарнинг фуқаролигига қараб муомала қилинади. Бинобарин, биз билан уруш ҳолатида бўлган давлат савдогарларига бизнинг юртимизда фаолият олиб боришга рухсат берилмайди, фақат савдогар ёки мол учун махсус изн билан рухсат берилади. Биз билан битим тузган давлатларнинг савдогарларига ўртадаги битим шартларига қараб муомала қилинади. Ислоҳ Давлатининг фуқароси бўлган савдогарларга мамлакат муҳтож бўлган нарсалар ва душманни ҳарбий, санойӣ ва иқтисодий жиҳатдан кучайтирадиган нарсаларни ташқарига олиб чиқишга рухсат берилмайди, аммо бу савдогарлар ўзлари эга бўлган ҳар қандай молни олиб кириши тақиқланмайди. Исроил каби биз билан амалда уруш ҳолатида турган давлат бундан мустаснодир. Бундай давлатлар тижорий ёки ҳар қандай бошқа алоқаларда амалда дорул-ҳарб (уруш диёри) ҳукмида бўлади.

158-модда - Райиятнинг барча шахслари ҳаётнинг ҳамма соҳаларига тааллуқли бўлган илмий лабораториялар очиш ҳуқуқига эгадирлар. Аслида бундай лабораторияларни очиш давлатнинг вазифасидир.

159-модда - Уммат ёки давлатга зарар келтирадиган моддалар ишлаб чиқарувчи лабораторияларга шахсларнинг эгалик қилиши ман қилинади.

160-модда - Давлат барча учун бепул тиббий хизматни таъминлайди, лекин шифокорларни ёллаш ва дори-дармон савдосини ман қилмайди.

161-модда - Мамлакатга ажнабий маблағларини олиб кириш ва уларни инвестиция қилиш, шунингдек ҳар қандай ажнабийга имтиёз бериш ман этилади.

162-модда - Давлат ўзига хос, ҳар қандай ташқи таъсирдан мустақил бўлган пул чиқаради. Бу пул ҳеч қандай ажнабий пулларга боғлиқ бўлмаслиги лозим.

163-модда - Давлатнинг пуллари зарб қилинган ёки зарб қилинмаган ҳолдаги олтин ва кумушдан иборатдир. Давлатнинг олтин ва кумушдан бошқа пули бўлиши мумкин эмас. Давлат олтин ва кумуш ўрнига бошқа моддадан пул чиқариши мумкин, шу шарт биланки, давлат хазинасида ўша пул баробарида олтин ва кумуш бўлиши керак. Яъни давлат мис, бронза, қоғоз ёки бошқа моддалардан пул чиқариб, агар бу пулнинг олтин ва кумушдан тўлиқ муқобили бўлса, уни ўз номидан зарб қилиши мумкин.

164-модда - Давлатнинг ўз валютасини айирбошлаши мумкин бўлганидек, бу валюта билан бошқа давлатлар валюталарини ўзаро айирбошлаши ҳам жоиздир. Валюталар жинси турлича бўлса, айирбошлашда бирининг қиймати иккинчисиникидан ортиқча бўлиши мумкин, уларни айирбошлаш қўлдан-қўлга ўтиш шarti билан жоиздир. Насия бўлиши эса дуруст эмас. Валюта жинслари турлича бўлса, айирбошлаш нархини ҳеч бир қайдсиз ўзгартиришга рухсат этилади. Раййятдаги ҳар бир шахс ичкаридан ҳам, ташқаридан ҳам хоҳлаган валютани ва бу валюта эвазига, ҳеч қандай рухсатга муҳтож бўлмаган ҳолда, ҳар қандай валюта ва бошқа буюмларни сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Таълим сиёсати

165-модда - Таълим дастурининг асоси Ислom ақидаси бўлиши шарт. Ўқиш моддалари ва ўқитиш йўллари таълимнинг ушбу асосидан четлашишига йўл қўймайдиган тарзда ишлаб чиқилади.

166-модда - Таълим сиёсати ислomий фикр ва ислomий туйғуларни шакллантиришдан иборат бўлиб, ўқиш моддаларининг барчаси мана шу сиёсат асосида ишлаб чиқилади.

167-модда - Таълимдан кўзланган гоё ислomий шахсни шакллантириш ва одамларни ҳаётнинг барча соҳаларига тааллуқли бўлган илм ва маорифлар билан бойитишдир. Таълим йўллари мана шу гоёни юзага чиқарадиган равишда белгиланади. Бу гоёга олиб бормайдиган ҳар қандай йўллар ман қилинади.

168-модда - Ислomий билимлар ва араб тилига ажратилган ҳафталик дарслар миқдори сон жиҳатидан ҳам, вақт жиҳатидан ҳам бошқа билимларга ажратилган дарслар миқдорига тенг бўлиши шарт.

169-модда - Таълимда тажрибий билимлар ва шу туркумга кирувчи математика билан сақофий билимлар ўртасидаги фарқ ҳисобга олиниши керак. Тажрибий ва шу туркумга кирувчи билимлар эҳтиёжга қараб ўрганилади, таълим босқичларининг бирортасига чеклаб қўйилмайди. Сақофий билимлар эса олий босқичдан олдинги (биринчи) босқичларда Ислom фикрлари ва ҳукмларига зид бўлмаган муайян сиёсатга қараб олинади. Аммо олий босқичда

таълим сиёсати ва ғоясидан четга чиқмаслик шарти билан илм сифатида олинади.

170-модда - Таълимнинг барча босқичларида Ислом сақофати ўргатилиши шарт. Олий босқичда эса тиббиёт, жуғрофия, табиат ва шу каби билимлар ихтисослаштирилгани каби исломий маорифнинг барча турлари учун ҳам куллийётлар ихтисослаштирилади.

171-модда - Фан ва саноатлар - савдо-тижорат, денгизчилик ва деҳқончилик каби, бир жиҳатдан билимлар туркумига қўшилиб, ҳеч қандай қайд ва шартларсиз олинаверади. Мусаввирлик ва ҳайкалтарошлик кабилари эса ўзига хос нуқтаи назар билан таъсирланган вақтда сақофат туркумига қўшилиб, агар Ислом нуқтаи назарига зид бўлса, олинмайди.

172-модда - Таълим дастури ягона бўлади. Давлат белгиланган дастурдан бошқа ҳеч қандай дастурга рухсат берилмайди. Давлат дастурига чекланган, таълим дастурига асосланган, таълим сиёсатини ва ғоясини юзага чиқарадиган маҳаллий мадрасаларга рухсат берилади. Шу шарт биланки, таълим ўқувчилар ўртасида ҳам, муаллимлар ўртасида ҳам эркак ва аёллар аралаш бўлмаслиги ҳамда бирор тоифа, дин, мазҳаб, ирқ ёки рангдагилар учун хос бўлмаслиги керак.

173-модда - Хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин ҳар бир шахснинг ҳаёт майдонида зарур билимларга эга бўлиши фарздир. Шунинг учун бошланғич ва ўрта босқичларда таълим олиш барчага мажбурийдир. Бу таълимни барчага бепул таъминлаш давлат зиммасидадир. Олий таълим ҳам имкони борича барчага бепул таъминланиши лозим.

174-модда - Давлат фикҳ, усули фикҳ, ҳадис, тафсир, фикр, тиббиёт, геометрия, кимё, ихтиро, кашфиётлар ва бошқа илм-маориф соҳаларида изланишни давом эттиришни хоҳловчиларга имконият яратиб бериш учун мадраса ва университетлардан ташқарида кутубхоналар, лабораториялар ва бошқа маърифат воситаларини муҳайё қилади. Токи уммат орасида кўп миқдорда мужтаҳидлар, ихтирочилар ва ижодкорлар етишиб чиқсин.

175-модда - Барча босқичларда таълим учун муаллифлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш ман этилади. Ҳеч ким - хоҳ муаллиф, хоҳ бошқа бўлсин - босиб нашр қилинган китобини босиш ва нашр қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бироқ, ўзида ҳали босилмаган ва нашр қилинмаган фикрлар бўлса, бу фикрларни бошқаларга бериб, эвазига ҳақ олиши - таълим учун ҳақ олиш жоиз бўлгани каби - жоиздир.

Ташқи сиёсат

176-модда - Сиёсат - умматнинг ички ва ташқи ишларини бошқаришдан иборат бўлиб, давлат ва уммат тарафидан амалга

оширилади. Давлат бу иш билан бевосита шуғулланади, уммат эса бу иш юзасидан давлатни муҳосаба қилади.

177-модда - Ҳеч бир шахс, ҳизб, гуруҳ ёки жамоанинг бирор ажнабий давлат билан алоқаси бўлиши мутлақо жоиз эмас. Бошқа давлатлар билан ўрнатиладиган ҳар қандай алоқалар давлатнинг ўзига тааллуқлидир. Чунки фақат давлатгина уммат ишларини амалий равишда бошқариш ҳуқуқига эга. Уммат ва сиёсий гуруҳларнинг вазифаси эса мана шу ташқи алоқалар хусусида давлатни муҳосаба қилишдан иборат.

178-модда - Гоя воситани оқламайди, чунки тариқат фикрат жинсидан бўлади. Вожибга ҳам, мубоҳга ҳам эришиш учун ҳаромни восита қилинмайди. Сиёсий восита сиёсат тариқатига зид бўлиши мумкин эмас.

179-модда - Сиёсий манёврлар ташқи сиёсатда зарурийдир. Бундаги қувват амалларни ошқора қилиш ва мақсадларни пинҳон тутишдадир.

180-модда - Журъат билан давлатларнинг жиноятларини очиб ташлаш, сохта сиёсатларнинг хатарини баён қилиш, жирканч тил бириктирувларни фош этиш, адаштирувчи гуруҳларни парчалаб ташлаш - булар энг муҳим сиёсий услублардандир.

181-модда - Шахс, уммат ва давлат ишларини бошқаришда исломий фикрларнинг буюклигини кўрсатиш энг кучли сиёсий йўллардан ҳисобланади.

182-модда - Умматнинг сиёсий масаласи - давлат шахсиятининг қувватида, Ислом аҳкомларининг гўзал татбиқида ва Исломий даъватни бутун оламга ёйиш учун тинимсиз ҳаракат қилишда намоён бўладиган Исломдир.

183-модда - Исломий даъватни ёйиш ўзак бўлиб, ташқи сиёсат унинг атрофида айланади. Барча давлатлар билан бўладиган алоқалар шу асосга қурилади.

184-модда - Исломий давлатнинг дунёнинг бошқа давлатлари билан ўрнатадиган алоқаларида эътибор тўрт нарсага қаратилади:

1. Ислом оламидаги мавжуд давлатлар битта мамлакат деб эътибор қилинади. Улар ташқи алоқалар доирасига кирмайди ва улар билан бўладиган алоқалар ташқи сиёсат деб ҳисобланмайди. Уларнинг барчасини ягона давлат ҳудудида бирлаштириш учун иш олиб бориш вожибдир.
2. Биз билан ўзаро иқтисодий, тижорий, яхши қўшничилик ёки сақофий шартномалар тузган давлатлар билан шу шартномаларда кўрсатилганидек муомала қилинади. Уларнинг фуқаролари - агар шартномада кўрсатилган бўлса - Ислом Давлатига чет эл паспортисиз, шахсий гувоҳнома билан киришлари мумкин, шу шарт биланки, улар ҳам бизнинг фуқароларга амалда айнан шундай муомалада бўлишлари лозим. У давлатлар билан бўладиган

иқтисодий ва тижорий алоқалар муайян зарурий нарсаларда ва муайян сифатларда чекланган бўлиб, уларнинг қудрати кучайишига олиб бормаслиги лозим.

3. Биз билан ўзаро шартномаларга эга бўлмаган давлатлар, Англия, Америка, Франция каби амалдаги мустамлакачи давлатлар, ёки Россия каби мамлакатни мустамлака қилиш тамаъсидаги давлатлар ҳукман уруш ҳолатидаги (муҳориб) давлатлар деб эътибор қилинади ва уларга нисбатан барча эҳтиёт чоралари кўрилади. Улар билан ҳеч қандай дипломатик алоқаларни ўрнатиш мумкин эмас. Бу давлатларнинг фуқаролари мамлакатимизга фақат чет эл паспорти ёки ҳар бир шахс ва ҳар бир сафар учун махсус виза билангина киришлари мумкин.
4. Исроил каби амалда уруш ҳолатидаги давлатлар билан барча тасарруфларда уруш ҳолати асос қилиб олинади. Биз билан улар ўртасида вақтинчалик сулҳ бўлса ҳам, бўлмаса ҳам амалда уруш ҳолатидагидек муомала қилинади. Уларнинг барча фуқароларининг мамлакатга кириши тақиқланади.

185-модда - Ҳарбий шартномалар, шунингдек ҳарбий шартномалар жумласига кирадиган сиёсий шартномалар ҳамда ҳарбий база ва тайёрагоҳларни ижарага бериш битимлари қатъан ман қилинади. Яхши қўшничилик битимларини, иқтисодий, тижорий, молиявий, сақофий ва вақтинчалик сулҳ битимларини тузиш жоиздир.

186-модда - Ислом Давлати Ислом асосига қурилмаган ёки Ислом аҳкомларини татбиқ қилмайдиган ташкилотларда иштирок этиши жоиз эмас. Бундай ташкилотлар жумласига БМТ, Халқаро суд, Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки каби давлатлараро ташкилотлар ҳамда «Араб давлатлари бирлиги» каби иқлимий ташкилотлар киради.

